


Т. Х. ИКРОМОВ

# ЧОРВАЧИЛИК АСОСЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Ўрта маҳсус, касб-хунар таълим Маркази, Ўрта маҳсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш институти томонидан касб-хунар колледжлари «Агрономия» йўналиши бўйича ўқувчилари учун дарслик сифатига тавсия этилган.




«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ — 2001

Маълумки, ушбу дарсликни биринчи нашри 1996 йили «Ўқитувчи» нашриёти томонидан чоп этилган эди. Ҳажми 13 б.т. бўлиб, 2000 нусхадан иборат эди.

Дарсликнинг биринчи ва иккинчи нашрининг бир-биридан асосий фарқи ва сўнгти нашрининг айрим афзалликлари шундаки, бунда фақаттина назарий маълумотлар билан чекланиб қолмасдан, ўқувчиларга яхши тушунарли бўлиши учун бир вақтнинг ўзида ҳар бир боб сўнгтида бир ёки бир неча «Лаборатория иши» ва «Амалий машгулотлар» мавзу ва матни берилган. Жами 10 та «Амалий машгулот» ва 13 та «Лаборатория иши» берилган.

Дарсликнинг 2-нашрини яна бир афзаллиги шундан иборатки, биринчи нашрида бўлмаган айрим тармоқлар («Ондатрачилик», «Нутриячилик», «Норкачилик», «Асаларичилик», «Кўл балиқчилиги», «Беданачилик» кабилар) баён этилган. Шунингдек, «Чорвачиликни ривожлантириш йўлига ўтказиш», «Мехнат унумдорлигини ошириш тадбирлари» ҳам бирмунча қисқартирилган ҳолда 2-нашридан ўрин олган. Шу билан бирга, янги ўқув дастурида бўлмаган айрим бўлим ва боблар олиб ташланди. Жумладан, «Зоогигиена», «Ветеринария», «Чорвачиликнинг иқтисодий самародорлигини ошириш тадбирлари», «Чорвачилик тармоқларини саноат негизи асосида ривожлантириш» каби боблар бунга мисол бўлаолади.

Хукуматимиз ва давлатимиз раҳбарияти томонидан республикашим вилоятларида кўплаб коллеж ва академик лицейлар барпо этиш ишлари кун сайин кўпайиб бормоқда. Бундан ўқув, касбхунар даргоҳларини малакали, билимдон ўқитувчilar билан таъминлаш ва барча турдаги дарсликларнинг янги, замонавий айлодини яратиш ва ўқувчиларни тўла таъминлаш ишлари алоҳида эътиборда эканлиги инобатга олинади.



Икромов Т. Ҳ.

Чорвачилик асослари. Дарслик. — Т.: «Шарқ», 2001.—288 б.

ББК 45.2я 722

## КИРИШ

Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг чорвачиликнинг барча тармоқларини жадал ривожлантиришга, чорва маҳсулотларини кўпроқ етишириш билан бирга, уларнинг сифатини яхшилаш ва таннархини арzonлаштиришга катта зътибор берилмоқда. Бу борада мустаҳкам ем-хашак базасини яратиш, моллар туёғини кўпайтириш, наслчилик ишларини яхшилаш, чорвачилик тармоқларини жадаллаштириш, ихтисослаштириш, шунингдек, замонавий сутчиллик фермаларини бунёд этиш, молларни гўштта семиртириш ишларини қисқа муддатларда самарали олиб бориш, барча чорвачилик фермаларида маҳсулот ишлаб чиқариш йўналишига кўра олинган маҳсулотларни қайта ишлаш ва илғор мамлакатлар тажрибаларини кўллаган ҳолда қадоқдаш, сақлаш ва истеъмолчиларга жўнатишиш ишларини тўғри амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади. Бундай муҳим тадбирларни бажариш учун чорвачилик ферма ва цехларида ўз касби жонкуярлари, малакали, билимдон мутахассислари бўлиши лозим. Бу борада ўрта маҳсус малакага эга бўлган ёш кадрлар зиммасига ҳам кўп масъулиятли вазифалар юкланди. Ҳозирги замон мутахассислари билим доираси кенг бўлиши билан бирга, улар чуқур билим эгаси, янги техника ва технологиянинг барча жараёнларини тўғри бошқара оладиган бўлишлари шарт. Шунингдек, умумий ва минимеханизация, автоматика, компьютер ҳамда ишлаб чиқаришдаги барча электр қуввати билан ишлайдиган асбоб-ускуналарни бўшқара оладиган даражасидаги мутахассис бўлишлари талаб этилади. Бу борада, ҳар бир мутахассис, ким ва қандай лавозимда бўлишидан қатъи назар, ҳаммавақт ўз устида ишлаши, билим ва малакасини кун сайин ошириб бориши, маҳсус адабиётлардан унумли фойдаланиши маҳсадда мувофиқдир.

Лекин, бу борада талаб даражасида бўлган адабиётлар (ўқув кўлланмалари, тавсияномалар, илғорлар тажрибасини ёритиб берувчи китобчалар, микрофильмлар, слайдалар, плакатлар, турли хилдаги кўргазма

воситалари, дарсликлар ва ҳ. к.)нинг етишмаслиги ва, очигини айтганда, чоп этилмаслиги кўплаб қийинчиликларга олиб келмоқда.

Агар ушбу китоб муаллифининг 1996 йили «Ўқитувчи» нашриёти томонидан чоп этилган «Чорвачилик асослари» дарслигини ҳисобга олмаганда, ҳозиргача касб-хунар коллежлари ва фермерлар учун бирорта дарслик ёки ўқув қўлланма нашр этилмади. Бу ҳолат Ўзбекистондаги ўрта маҳсус касб-хунар колледж тала-баларини ўқитишида, малакали ва билимдан мутахас-сис сифатида тайёрлашда бирмунгча қийинчиликлар турдиromoқда. Шуни ҳисобга олган ҳолда, ўзбек тилида «Чорвачилик асослари» дарслиги яратилди.

Дарсликда дастур талабига кўра, чорва ҳайвонла-рининг анатомияси, елинда сут ҳосил бўлиши, сигирларни соғиш технологияси, сигирларнинг сут маҳсул-дорлиги, сутнинг таркиби, ҳайвонларни гўштта семиртириш технологияси, турли ёщдаги молларни озиқ-лантириш, озиқ турлари, уларга дастлабки ишлов бериш, рационлар ва уларга бўлган талаблар, молларнинг ўсиш ва ривожланиш қонуниятлари, зотлари, зотдорлиги, наслчилик ишлари ва кўплаб, ишлаб чиқаришга оид мавзулар баён этилган.

## ЧОРВАЧИЛИКНИНГ ХАЛҚ ХЎЖАЛИК АҲАМИЯТИ

Қишлоқ хўжалигининг энг муҳим тармоғи чорвачилик ҳисобланади. У ҳалқимизни ниҳоятда ҳаётий аҳамиятта эга бўлган озиқ-овқатлар (гўшт ва гўшт маҳсулотлари, сут ва сут маҳсулотлари, тухум, асал), енгил саноатни турли хом ашё (жун, тери, мўйна, қоракўл тери, тивит ва ҳ. к.) билан таъминлашда муҳим аҳамиятта эга.

Ем-хашак базасини янада мустаҳкамлаш, унинг барқарорлигини ошириш, чорва моллари ва паррандаларини ҳар хил сервитамин озиқлар билан йил мобайнида узлуксиз таъминлаш, бу тармоқни жадал ривожлантиришида асосий вазифалардан ҳисобланади. Галлачилик, мевачилик, савзавотчилик, пахтачилик ва бодорчилик каби соҳаларнинг ривожланиши чорвачиликнинг равнақ топиши учун муҳим аҳамиятта эга. Чунки галлачиликда етиштириладиган дон маҳсулотлари ва галла экинларининг пояси чорва моллари учун қимматли озиқ ҳисобланади. Мевачилик ва сабзавотчилик чиқиндилари ҳар хил ҳайвонлар учун серсув ва сервитамин озиқ сифатида фойдаланилади. Пахтачиликда чигит кунжараси, шулха ва ғўзапоя кабилар чорва моллари учун тўйимли озиқ ҳисобланади.

Хозирги вақтда чорвачилик энг сертармоқ соҳалардан бири ҳисобланади. Унинг асосий тармоқлари: қорамолчилик, қўйчилик, эчкичилик, чўчқачилик, паррандачилик, йилқичилик, туячилик, қуёнчилик, мўйнабоп ҳайвонлар (норкачилик, нутриячилик ва ҳ. к.), асаларичилик, ипакчилик бўлса, сўнгти йилларда унинг янги тармоқлар билан, яъни кўл балиқчилиги, беданачилик каби соҳалар билан бойитилмоқда.

Яна муҳим тадбирлардан бири барча чорвачилик хўжаликларида, юқорида кўрсатиб ўтилганидек, мустаҳкам ем-хашак базасини яратиш ва ундан унумли фойдаланиш, исрофгарчиликка йўл қўймаслик, ем-хашак тўйимлилигини яхшилаш, сифатини ошириш, айниқса, таркибидағи оқсили миқдорини кўпайтириш, сунъий усууда турли хил витаминалар, аминокислоталар, микроэлементлар, антибиотиклар ва организмларни

жадал ўстирувчи моддалар ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳозирги замон талаби ҳисобланади.

Чорвачилик тармоқларини жадал ривожлантиришда омихта ем, донадор ва брикет озиқ тайёрлаш ишларини жадаллаштириш мұхим ақамият касб этади. Шунингдек, жуда мұхим ҳисобланған дағал ва серсүр озиқлар (беда пичани, сенаж, силос, маккаждүхори, оқжұхори, хащаки лавлаги, озиқбоп полиз әкинлари)ни янада күпроқ, ва сифатлироқ етиштириш, мавжуд яйловлардан унумли фойдаланиш, уларнинг ҳосилдорлигини ошириш ва сурориладиган, маданий яйловлар ташкил этиш шулар жумласидандир.

Чорвачиликни жадал ривожлантириш күп жиҳатдан чорва моллари ва паррандалари маңсулдорлигига борлықлиги учун, аввало, наслчиллик ва селекция ишларини жадаллаштириш, янги сермаңсул зот ва гурұхларни яратиш, мавжуд зотларни тәкомиллаштириш, дурагайлаш ишларини көнгайтириш, саноат асосида қатишириш тәдбиrlарини жиғдийлаштириш мұхим вазифалардан ҳисобланади. Бу борада наслчиллик ишлари билан шүткүлланадиган барча туман фермерлари, хусусий деңқон ва жамоа хұжаликлари, ҳамда вилоятлардаги масъул ташкилот раҳбарлари жонбозлик күрсатишилари ва қатый назорат қилишлари мақсадда мувофиқдир.

Чорвачиликни жадал ривожлантириш күп жиҳатдан фан янгиликлари, амалиёт, илғорлар тажрибаси, янги техника ва технологияга боғлиқдир. Фан янгиликлари эса давлат, жамоа ва фермер хұжаликларида прогрессив усуlda арzon ва сифатли маңсулот етиштириш борасида асосий ійлілланмадир.

Ҳозирги вактда, Ўзбекистон фуқаролари билан бир қаторда барча чорвадорлар мустақиллікка әришган ҳолда ўзларининг инсоний ҳақ-хуқуқларини түрі билған ва тушуна олган тарихий бир даврда, яъни ўтиш даврида фаолият күрсатмоқдалар. Бинобарин, мамлекатимизда ўзига хос жиғдий, масъулиятли ва мұраккаб — ўтиш даври давом этар экан, бунда чорвадорлар ҳам эл-юрг фуқаролари қатори халқ, ва ватан тараққиётiga ва иқтисодиётiga ўз улушларини қўшиш иштиёқидадирлар.

Бу борада күплаб хусусий деңқон хұжаликлари, чорвадор фермерлар халқ хұжалик ақамиятига эга бўлган мұхим тадбиrlарни амалга оширишда жонбозлик күрсатмоқдалар. Жумладан, ўз фермаларини йирик-

лаштириш, ҳайвонлар маҳсулдорлигини ошириш, мол түёйини кўпайтириш, янги техника ва технология та-лабларига жавоб бера оладиган замонавий молхона ва паррандахоналарни барпо этиш, наслчиллик ишларига алоҳида эътибор берган ҳолда, молларни танлаш ва саралаш ишларини жорий этиш, ёш ҳайвонларни тўғри парваришилаш ва боқиши барча мутахассисларнинг дик-қат марказида бўлгани ҳолда ишлаб чиқаришга жорий этилмоқда.

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, Республикаиз чор-вадор-фермерлари олдида турган энг муҳим ва дол-зарб вазифалардан бири — ҳар бир ферма учун ҳай-вон ва паррандаларнинг сермаҳсул, тез етилувчан, сер-пушт, ташки мұхит шароитига яхши мослашган, ка-салликларга чидамли ва иқтисодий самараадорлиги юк-сак бўлган гурухларини яратишдан иборат.

Бундай тадбирларни амалга ошириш учун ҳайвон-лар биологиясини билиш, айниқса, уларнинг анатомия-си ва физиологияси, организмларнинг ўсиш ва ри-вожланиши қонуниятларини, барча органларнинг тузи-лиши, хусусияти, функцияси (вазифаси) кабиларни бил-масдан туриб, ижобий натижаларга эришиб бўлмайди.

Шуни унутмаслик лозимки, б и о л о г и я фан асосларини ишлаб чиқаришга ва умуман ҳётта жо-рий этмасдан меҳнат фаолиятида улардан тўғри ва унумли фойдаланмасдан туриб, чорвачилиқда ижобий натижаларга эга бўлиш мумкин эмас. Айниқса, ҳайвон ва паррандалар маҳсулдорлигини ошириш, улардан кўп, сифатли ва арzon маҳсулот етиштириш борасида ҳам биология қонуниятларидан фойдаланиш кўп жиҳатдан кўл келади.

Шунинг учун, китоб ҳажми чегараланганилиги ҳисоб-га олинган ҳолда, қисқача бўлса-да, ҳайвон ва пар-рандалар биологиясига, шахсан уларнинг морфология-си ва физиологиясига тўхталиб ўтамиш. Бу борада ай-рим кўрсатма воситалари (расмлар ва схемалар) ҳам тавсия этилади.

## **Б и р и н ч и б ў л и м**

### **Умумий чорвачилик**

#### **I Б О Б. ЧОРВА МОЛЛАРИНИНГ БИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**(Морфологияси ва физиологияси)**

Тирик организм бир бутун бўлгани ҳолда унинг барча орган ва қисмлари ҳам шакли, ҳам функцияси жиҳатидан бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Умуман, барча организмлар ва органлар анатомияси — (морфологияси), физиологияси ва биокимёси бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлгани учун уларни комплекс ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Бинобарин, ҳозирги замон биология фани ҳар бир организмни ўрганишда унинг тарихий ривожланиши ва ташқи муҳит таъсирига кўра ҳаракати, ўзгариши, мосланиши каби хусусиятларини комплекс ҳолда кузатиш зарурлигини тақозо этади.

**Анатомия** — организм ва органларнинг тузилиши, жойланиши, бир-бирига боғлиқлиги каби белги ва хусусиятларини оддий кўз билан кўриб ўрганадиган фан.

**Физиология** — тирик организм ва органларда содир бўладиган барча жараён ва ўзгаришларни ва улар орасидаги муносабатларни ўрганувчи фан.

**Биокимёй** — тирик организм ва унинг қисмлари кимёвий таркиби ва уларда содир бўладиган кимёвий жараёнларни ўрганадиган фан.

**Морфология** — организмларнинг яшаш шароитига кўра шакл-формаси ва тузилишини ўрганувчи фан бўлиб, у ўз ичига яна бир неча фанларни қамраб олади. Масалан, **анатомия, гистология, эмбриология ва цитология** шулар жумласидандир.

**Гистология** — тўқималарнинг тузилиши ва ривожланиш хусусиятларини ўрганувчи фан ҳисобланади.

**Эмбриология** — эмбрион (муртак), ҳомилаларнинг ривожланиш ва ўсиш қонуниятларини ўрганувчи фандир.


**Цитология** — ҳужайраларнинг тараққиёти, ту-

зилиши, шакл-формаси ва унда юз берадиган барча жараёнларни ўрганувчи фандир.

**Тирик организмларнинг асосий белгиси.** Матъумки, тирик орган ва организмларнинг асосий белгиси — уларнинг ҳужайралардан ташкил топганлиги ҳисобланади. Шунингдек, уларда индивидуал (якка ўзига хос) ва тарихий рвожланишининг мавжудлигидир.

**Ҳаётнинг асосий бирлиги** — ҳужайра бўлгани ҳолда, барча жараёнлар унинг ички қисмида содир бўлади. Организмларда ҳужайрадан ташқари, ҳужайрасиз элементлар — ҳужайраларо модда, жумладан, қон плазмаси, зардоби, торай ва суякларнинг зич жойлашган асосий моддаси ҳам бор. Эластик ва коллаген толалар ҳам ҳужайрасиз тузилишга эга.

Шундай қилиб, ҳужайра тузилиши ва бажарадиган вазифасига кўра, мураккаб бўлган тирик материянинг юксак даражада тузилган структура бирлиги ҳисобланади. Организмдаги ҳужайралар функцияси (бажарадиган вазифаси)га кўра турли шаклда ва йирик — майда бўлади (*1-расм*).



1-расм. Ҳайвон ҳужайрасининг умумий кўрининиши: а, б, в, г — эпителий ҳужайралар, д — ясси мускул ҳужайра, е — бириктирувчи тўқима ҳужайраси, ж — эритроцит, з — нерв ҳужайраси, и — торай ҳужайраси, к — суяк ҳужайраси.

Барча тирик ҳужайраларда турлича муҳим ҳаётий жараёнлар юз беради. Масалан, оқсил ва бошқа биологик моддаларнинг синтезланиши, модда ва энергия алмашинуви, таъсиrlаниш ва қўзғалиш (ёки таъсирга жавоб қайтариш) каби хусусиятлар шулар жумласидир. Ташқи таъсирга ҳар хил ҳужайралар турлича жавоб қайтаради. Масалан, мускул ҳужайралари қисқаради, без ҳужайралари секрет ажратади ва ҳоказо. Бу эса ҳар бир тирик ҳужайранинг энг муҳим белги ва хусусияти ҳисобланади.

**Ҳайвонлар танасининг таркиби.** Тирик организмларнинг таркиби турли хилдаги кимёвий элементлардан ташкил топган. Академик В. И. Вернадский фикрича, ҳайвонлар танасида Менделеев даврий системасидаги барча элементлар учрайди. Лекин, уларнинг айримлари кўпроқ (макроэлементлар), бошқалари ниҳоятда оз миқдорда (микроэлементлар) бўлади.

Аниқланишича, ҳайвонлар танасининг деярли 96 фоизини тўрут хил элемент (углерод, водород, кислород ва азот) ташкил этади. Яна тўрут хил элемент (кальций, фосфор, калий ва олтингуттурт) қўшимча З фоизни ташкил қиласди. Темир, натрий ва хлор биргаликда ўртача 1 фоизни ташкил қиласди. Микроэлементлардан йод, магний, мис, марганец, кобальт, рух кабилар ниҳоятда оз миқдорда учрайди.

Ҳайвонлар танасида с у внинг роли катта бўлиб, у овқат ҳазм қилиш, сут ҳосил бўлиши, қон айланиши ва моддалар алмашинуви жараёнида фаол иштирок этади. Сув ҳайвонлар танасининг 65—90 фоизини ташкил қиласди. Ёш ҳайвонлар танасида катта ёшдагиларга қараганда сув кўпроқ бўлади. Оқсиллар — ҳайвон танасининг асосий қисмини ташкил этади. Оқсилларнинг кўп қисми мускуллар, қон, тери, жун ва сут таркибида бўлиши кузатилган. Кимёвий таркибига кўра, оқсиллар анча мураккаб тузилган бўлиб, бошқа органик бирикмалардан фарқ қиласди. Уларнинг молекуласи азот билан борланган бўлиб, баъзан улар азот бирикмаларидан ташкил топган модда дейилади. Оқсиллар молекуласи аминокислоталардан иборат бўлиб, ҳозир уларнинг 30 тадан кўпроғи аниқланган. Ҳар бир аминокислота матълум ном билан аталади. Масалан, цистеин, лизин, лейцин, валин, пролин, гуанин, тирозин, гистидин, серин, аланин ва ҳоказо.

Углеводлар — асосан углерод, кислород ва водороддан ташкил топган бўлиб, таркибига кўра улар

оддий — моносахаридалар ва мураккаб — полисахаридларга бўлинади. Углеводлар деярли ҳамма ўсимликларда ва ҳайвонлар организмида бўлади. Лекин, ўсимликлар дони ва мевасида углеводлар кўпроқ учрайди. Моносахаридалар — глюкоза, фруктоза ва галактозалардан, полисахаридалар — крахмал, гликоген, целяюздан ташкил топган. Ёлар ҳам углеводлар каби, организмда энергия манбаси ҳисобланади. Ёлар, оқсил ва углеводлар билан бирга турли хил чорвачилик маҳсулотлари (сут, гўшт ва ҳоказо)нинг асосий таркибини ташкил қиласи. Барча ўсимликлар ва ҳайвонлар ҳужайрасида ёлар маълум миқдорда учрайди, лекин уларнинг миқдори оқсилларга кўра камроқ бўлади. Ёлар организмда ҳимоя ва қурилиш материалы сифатида ҳам катта аҳамиятта эга.

### **Ҳайвонлар ҳужайрасининг тузилиши ва вазифаси**

Ҳужайра организмда маълум вазифани бажаришга мослашган элементар бирлиқdir. Бир ҳужайрални ва кўп ҳужайрални ҳар бир организмнинг ҳужайраси бир-бирига чамбарчас боғланган цитоплазма ва ядродан ташкил топган яхлит тирик системадир.

Барча кўп ҳужайрални организмларнинг турли тўқима ва аъзоларининг ҳужайралари шакли, йириклиги ва вазифасига кўра бир-биридан фарқ қиласи. Уларнинг бу хусусияти узоқ эволюцион йўлни босиб ўтганлигидан шу туфайли муайян шаклга кирганлигидан ва маҳсус вазифани бажаришга мослашганлигидан дарак беради (*1-расм*).

Ҳайвонлар танасида энг майдага ҳужайралар — лиофоцитлар 6—8 микрон атрофида бўлади. Нерв ҳужайралари эса организм бўйлаб 1 м ва ундан ҳам узун толалардан ташкил топган. Айрим ҳужайралар, масалан, тухум ёки мой ҳужайралари шар шаклида бўлса, бошқалари юлдуз шаклида (бириктирувчи тўқима ҳужайралари), цилиндрсизмон, кубсизмон ва яссилашган (эпителий, қопловчи тўқима ҳужайралари) шаклда, шунингдек, киприкчалар билан таъминланган (киприкли ҳужайралар ёки думсизмон ўсимтага эга бўлган) сперматозоидлар ёки хивчинли (яшил эвгеленалар) ва ҳоказо вакиллари учрайди.

Ҳужайраларнинг йирик-майдалиги, шакли ва баъзаридиган вазифасидан қатти назар, улар цитологик ва электрон-микроскопик тузилиши жиҳатидан деярли бир хил бўлади. Масалан, уларнинг ҳар бирида

ядро, цитоплазма, органеллалар, киритмалар, ҳужайра мембранаси ва бошқа турли хилдаги элементларнинг бўлиши аниқланган. Умуман, ҳужайраларнинг тузилиши, хилма-хиллиги, вазифаси, ҳаёти, кўпайиши ва барча бошқа биологик хоссаларини маҳсус фан — цитология ўрганади. Бинобарин, биз улар устида тўхтамаймиз.

**Тўқималар.** Тузилиш жиҳатидан бир хил бўлган ва умумий моддалар алмашинуви типига мансуб ҳужайралар гурухи тўқимани ташкил этади. Бажарадиган вазифаси, шакли ва тузилишига кўра тўқималар эпителий (ёки қопловчи), бириткирувчи (қон, лимфа, бириткирувчи тўқиманинг ўзи, тоғай ва суяклар мисолида), мускул ва нерв тўқималари гуруҳига бўлинади. Бу тўқималарнинг тузилиши ва барча белги хоссаларини гистология фани ўрганади. Булар устида ҳам тўхтамаймиз.

### **Аъзоларнинг тузилиши ва вазифаси**

Ҳайвонларнинг ҳар бир аъзоси маҳсус вазифани бажаришга мослашган, шунга кўра улар ҳар хил шакла ва тузилишга зга. Маълум вазифани бажаришга мослашган аъзолар ягона системани ташкил қиласи. Масалан, скелет, мускулатура ва тери қатлами биргаликда ҳаракат вазифаларини бажарувчи системани ташкил қиласи. Бундай системалар организмда бир неча гуруҳга бўлинади. Овқат ҳазм қилиш, нафас олиш, қон ва лимфа айланиши, айриш, жинсий (ёки кўпайиш), сезги органлари ички секреция безлари ва нерв системаси шулар жумласидандир.


Ҳайвонлар аъзоларининг шакли, тузилиши ва вазифаси турлича бўлса-да, улар бир-бирлари билан чамбарчас боғлиқdir. Бу боғланиш асосан нерв системаси ва гуморал йўл билан (қон орқали) амалга ошади Бинобарин, организмдаги бирор аъзонинг ёки аъзолар системасининг ўзгариши ўз таъсирини, сўзсиз, бошқа қисмларга ҳам ўтказади. Организм ва аъзолар вазифасини нерв системаси бошқаради. Биз қуйида аъзолар системаси устида қисқача тўхтамамиз.

### **ҲАРАКАТ АЪЗОЛАРИ СИСТЕМАСИ**

**Скелет.** Чорва молларининг скелети асосан учқисмдан: калла, оёқ ва гавдадан иборат. Скелетда турли хил вазифа бажаришга мослашган узун найси-

мон сүяклар (сон, елка, билак ва тирсак сүяклари) турли шаклдаги лентаси мон сербар ясси сүяклар (кўқрак қафаси ва мия қутиси), калта (ҳар хил шаклдаги майда сүяклар) ва аралаш (шаклсиз сүяклар, умуртқалар) сүяклар учрайди.

Скелет таянч-ҳаракат ва ҳимоя вазифасини бажаради. Масалан, кўқрак сүяклари (қовурғалар), кўқрак қафасига жойлашган аъзолар (юрак, ўпка ва ҳоказоларни) ташки таъсиридан ҳимоя қилса, бош мия қутиси мияни, умуртқа поғонаси эса орқа мияни муҳофаза қилишга мослашган. Чорва молларининг скелети ва унинг барча қисмлари сигирлар скелети мисолида 2-расмда ўз ифодасини топган (2-расм).



2-расм. Сигир скелетининг ён томонидан кўриниши: а — бўйин қисми; б — кўқрак қисми; в — бел қисми; г-д — думзаза (дум) қисми;

1 — бурун суюги, 2 — бурун устки суюги, 3 — устки жаҳ, 4 — пешона суюги, 5-пастки жаҳ, 6 — атлант, 7 — эпистрофей, 8 — курак суюги, 9 — елка суюги, 10 — елка олд суюги, 11 — оралиқ суюги, 12 — тирсак суюги, 13 — билак суюги, 14 — кўқрак суюги, 15 — қовурия төвайларидан ташкил топган қовурия ёйи, 16 — қовурия, 17 — тос суюги, 18 — кўмик, 19 — сон суюги, 20 — катта болдир суюги, 21 — кичик болдир суюги, 22 — тупиқ суюги, 23 — товои суюги.

**Калла суюги.** Калла суюги икки қисмдан: мия қутиси сүяклари ва юз сүякларидан иборат. Мия қутисига бир қанча (кўриш, эшлитиш ва мувозанатни сақлаш) аъзолари туташган. Юз сүякларига эса ҳид билиш, таъм билиш аъзолари жойлашган бўлиб, унда бурун ва оғиз бўшлиғи ўрин олган.


*Гавда скелети.* Гавда скелети умуртқа поғонаси ва кўкрак қафаси суякларидан иборат. Умуртқалар бир-бирига төғайлар ёрдамида бирин-кетин сегментлар ҳосил қилиб бирикади. Умуртқа поғонаси бўйин, кўкрак, бел, думғаза ва дум умуртқаларидан ташкил топган. Умуртқа тешиклари бирлашган ҳолда умуртқа поғонаси каналини ҳосил қиласди ва унинг ичидаги орқа мия жойлашган бўлади. Қорамоллар умуртқа поғонасининг бўйин қисмида 7 та, кўкрак қисмида 13 та, умуртқа ўрнашган бўлади. Кўкрак умуртқалари, қовурғалар ва кўкрак суяги бирлашиб, кўкрак қафасини ҳосил қиласди. Бел қисмида 6—7 та, думғазада 4—5 та бирлашиб кетган умуртқалар бўлади.

Думғазага тос суяги ва 18—20 та умуртқадан ташкил топган дум бирлашган бўлади. Қовурғалар төғай учи билан тўш суягига, орқа учи билан умуртқа поғонасига бирикади. Ҳақиқий қовурғалар 7—8 жуфт бўлгани ҳолда, улар ўз төгайи билан бевосита тўш суягига бирикади. Тўш суягига бирикмаган бошқа қовурғалар етим қовурға ҳисобланади.

*Оёқ скелети.* Оёқ скелети гавданинг кўкрак ва тос қисмига бириккан. Кўкрак қисмида жойлашган бир жуфт оёқ чап ва ўнг кўкрак суяги ва мускуллар ёрдамида эркин ҳолда гавда билан туташган. Бир жуфт орқа оёқ гавданинг тос қисмига бириккан бўлади. Тос қисмида бириккан оёқлар скелети бир неча (сон, тизза қопқори, болдир, кичик болдир, ошиқ ва туёқ) суюклардан ташкил топган.

*Мускуллар.* Барча турдаги чорва молларининг мускуллари (гавда, бўйин, бош ва оёқ мускуллари) бир неча хил бўлади. Жойланишига кўра, улар юза ва чуқур ҳолда учрайди. Организмда жойланиши ва шаклига кўра мускуллар ҳар хил вазифа бажаради (3-расм).

Гавда мускуллари жойланишига қараб кўкрак қафаси, қорин ва елка мускулларига бўлинади. Кўкрак қафасидаги мускуллар юза ва чуқур мускуллардан иборат бўлиб, кўкрак қафасининг атрофига жойлашган. Корин мускуллари кўкрак билан тос орасида жойлашган бўлиб, толалари ҳар хил йўналган бўлади. Улар қорин қисмидаги аъзоларни турли ташки таъсирдан сақлайди ва нафас олиш жараёнида иштирок этади. Елка мускуллари бўйиннинг олдинги ва ён томонида бўлиб, калла билан гавда ўртасида жойлашган. Бўйин мускуллари: юза,



3-расм. Сигирнинг юза жойлашган мускуллари:

1 — кавш қайтариш мускули, 2 — бурун ва юқори лабни ҳаракатта келтирувчи мускул, 3 — дум мускули, 4 — трапециясимон мускул, 5 — бўйинни згувчи мускул, 6 — елканинг кенгайган мускули, 7 — кўкракнинг чуқур мускул, 8 — кориннинг ташки қия мускул.

бўйиннинг ён ва остки томонига жойлашган чуқур ва бўйинни згувчи мускуллардан ташкил топган. Бош мускуллари жойланишига кўра иккига: мия қутиси мускуллари ва юз мускулларига бўлинади. Мия қутиси мускулларига пешана, энса, қулоқ мускуллари киради. Юз мускуллари га чайнаш ва кавш қайтариш мускуллари киради.

Оёқ мускуллари олдинги ва орқа оёқ мускулларидан иборат. Олдинги оёқ мускуллари вазифасига кўра бир неча гурухга бўлинади. Бу гурухдан бири елка курак бўғимига кирувчи мускуллар (бўғимни ёзувчи, букувчи, оёқларни узоқлаштирувчи ва яқинлаштирувчи мускуллар)дир. Шу билан бирга, бўғимни ёзувчи мускуллар иккита мускул (ўқ олди ва елка коракоид)дан иборат. Шунингдек, букувчи мускул (дельтасимон, кичик юмалоқ, катта юмалоқ мускул)лардан иборат. Бу гурухга оёқларни узоқлаштирувчи ва яқинлаштирувчи мускуллар (курак ости ва ўқ орқаси мускули) ҳам киради.

Орқа оёқ мускуллари ҳам, олдинги оёқ мускулларига ўхшаб, бир неча гурухдан ташкил топган, бинобарин, улар кетинги оёқ бўғимларига ҳар хил таъсир этиши аниқланган. Жумладан, тос-сон бўғими мускуллари учта мускул (сағрининг юза мускули, сағ-

рининг чуқур мускули ва ноксимон мускул)га бўлиниди. Сон суюгининг орқа қисми мускуллари эса тўртта мускул (соннинг икки бошли мускули, ярим пай мускул, ярим парда мускул ва соннинг квадрат мускули)-дан иборат. Букувчи мускуллар саккизта мускулга бўлинади. Улар қуйидагилар: белнинг кичик мускули, бел-ёнбош мускули, белнинг катта мускули, ёнбош мускули, капсулляр мускул, тикувчи мускул, тарақсимон мускуллардир.

Тос-сон бўғимини яқинлаштирувчи мускуллар — учта мускулдан иборат. Улар — нозик мускул, яқинлаштирувчи мускул ва сон канали мускулидан ташкил топгаи.


Умуман, барча мускулларнинг фаолияти, шунингдек, уларнинг қисқариши ва ёзилиши марказий нерв системаси таъсири остида амалга ошади.

**Тери ва унинг тузилиши.** Тери организмда энг муҳим ҳаётий роль ўйнайди ва бирқанча вазифани бажаради. Масалан, танани ташқи муҳит таъсиридан сақладайди, организм ҳароратини бир меъёрда сақладайди, моддалар алмашинуви натижасида ҳосил бўлган баъзи моддаларнинг ташқарига чиқарилишида иштирок этади, организмга турли хил микроблар ва бактериялар киришига йўл қўймайди. Шунингдек, у организмни кимёвий, физик, механик таъсиrlардан ҳам ҳимоя қилади.

Терида кўп микдорда рецепторлар — сезги анализаторлар жойлашган бўлиб, улар нерв учлари билан ташқи муҳитдаги босим, ҳарорат (иссиқ ва совук) каби таъсиrlарни сезиш ва организмга етказиб бериш хусусиятига эга (4-расм).

Чорва молларининг териси уч қаватдан: устки эпителий қават — эпидермисдан, ўрта қават — бириктурувчи тўқима ёки чин, ҳақиқий тери — дермадан ва ички қават — тери ости ёғ қаватидан тузилган. Ҳайвонларнинг туёғи, шохи, жуни, тер ва мой безлари, шунингдек, сут безлари тери маҳсули ҳисобланади.

Терининг қалинлиги ундаги бириктируvчи тўқимага боғлиқ бўлгани ҳолда, организмнинг ҳамма қисмидаги турли қалинликда бўлади. Масалан, елка ва тананинг юқори қисмida у қалинроқ, қорин ва оёқларининг териси юпқароқ бўлади. Шунингдек, катта ёщдаги эркак ва гўштдор ҳайвонларнинг териси қалин бўлади ва, аксинча, ёш, урючи ва серсут ҳайвонларники юпқароқ бўлади.



4-расм. Қорамоллар терисининг гистологик тузилиши:


I — эпидермис. 1 — шохсимон қатлам, 2 — донадор қатлам. II — дерма ёки ҳақиқий тери. III — тери ости ёғ қатламы. 3 — тер безлари, 4 — тер безларининг канали, 5 — ёғ бези, 6, 7, 8 — жуннинг вертикал кесиги, 9 — нерв, 10 — нерв учлари, 11 — артерия, 12 — вена, 13 — лимфа томири, 14 — ёғ түқимаси.

Майин жунли меринос қўйларни ҳисобга олмагандა барча турдаги ҳайвонларни танаси ҳар хил (дарав, оралиқ ва тивит) жун билан қопланган. Жуннинг қалин-сийраклиги, калта ва ўсиқлиги, таркиби ва барча бошқа хоссалари йил фаслларига ва ҳайвонларнинг ёшига, ҳамда боқиши шароитига қараб ўзгариб туради. Жуннинг ранги турлича бўлиб, у жун таркибидаги пигмент моддасининг миқдорига боғлиқ. Молларнинг жуни туллаш натижасида янгиланиб туриш хусусиятига эга. Улар йилига икки марта (баҳор ва куз ойларида) туллайди. Бузоқлар биринчи марта 5—7 сойлигига туллайди.

### Елиннинг анатомик тузилиши

Кишлоқ хўжалик ҳайвонларининг елинни бирмунча йирик, мураккаб тузилишга эга бўлгани ҳолда альвеолар-найсимон безлар гуруҳига киради. Елин ҳайвонларда 2—4—8 жуфт палладан иборат. Чўчқаларда у кўпроқ бўлади. Елин бирқанча сўргич (эмчак) билан якунланади. Сигир ва бияларда елин бироз соддароқ тузилишга эга бўлгани ҳолда тананинг чот қисмига, яъни икки орқа оёқ оралигига жойлашган. Сигирлар-

ни елини тўрт палладан иборат бўлса, қўй ва эчкиларда у икки палладан ташкил топган. Сигирларда ҳар бир палла ягона мустақил сўрғичга эга бўлса, бия ва чўчқаларда ҳар икки палла учун бир сўрғич хизмат қиласди. Елин сигирларнинг чот қисмiga жойлашган бўлиб, унинг юқори юза қисми унинг асоси ҳисобланади. Сигирнинг дум томонидан кўринадиган қисми елин ойнаси ёки елин танаси деб номланган. Унинг ости — елин чуқурлиги — ҳисобланиб у сўрғичлар билан якунланган (5-расм).



5-расм. Сигир елинининг анатомик тузилиши:

1 — секретия бўлимлари, 2 — биринчи турувчи тўқималарнинг асоси, 3 — сут тўпландиган бўшлик, 4 — эмчак канали, 5 — нервлар, 6 — тортиб турувчи пай, 7 — сут чиқадиган йўрон йўл, 8 — артерия, 9 — вена, 10 — мускул звителийси, 11 — ровак альвеола, 12 — сут чиқиш йўли, 13 — сут чиқадиган йўтча йўлонлиқдаги йўл, 14 — сут чиқадиган йўлон йўл.

Елин нозик ва юмшоқ тукли тери билан қопланган бўлиб, унинг таркибида кўп миқдорда тер ва мой безлари жойлашган. Юқорида айтиб ўтилганидек, ҳар бир елин мустақил палладардан ташкил топгани ҳолда улар бир-бiri билан юбқа парда ёрдамида ажралиб туради. Бинобарин, бир палладаги сут иккинчи паллага ўтиб кетмайди. Лекин палладардаги нерв толалари, қон ва лимфа томирлари бир-бирлари билан алоқадор бўлишлари аниқданган.

**Елинининг без қисми** — паренхима — эпителийлардан ташкил топган. Шунингдек, улардан сут безларининг охирги ва барча қисмлари, жумладан, сут чиқарув найлари ҳам вужудга келган.

Сигирларнинг елини бошқа барча тур ҳайвонлар

ицида энг юксак даражада ривожланган бўлади. Елинда асосан икки жуфт ва камдан-кам уч жуфт эмчак (сўргич) жойлашган. Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, елинни танага жойлашган юқори томони елинни асоси хисобланади ва сўргичлар томон йўналган катта ҳажмдаги қисми унинг танаси деб номланган. Ундан сўнг елин ости (ёки чуқурлиги) ва сўргичлар билан якунланади.

Елин ердан камида 45 см юқорида бўлиши уларни машинада соғиш имконини беради. Агар 45 см дан паст бўлса, у ҳолда машинада соғиши стаканлари ва уни сут ўтказувчи найлари (шланги) ерда судралиб қолади ва бу ҳол соғиш ишларини ниҳоятда кийинлаштиради.

Елин таркибида ниҳоят кўп миқдорда қон томирлар, нервлар, лимфатик томирлар, бириктирувчи тўқима, без тўқима, паренхима ва яна кўплаб бошқа тур (мой ва ҳ. к.) тўқималар бўлиши аниқданган.

Елин асосан икки қават зластик (юмшоқ, эгилувчан) бириктирувчи тўқимадан ҳосил бўлган мускулли боғлагичлар ёрдамида ҳайвон танасига бириккан бўлади. Бунда сигирнинг тўрттала елин палласи мустақил ҳолда бирикканлиги аниқданган. Сигирларнинг олдинги паллалари орқа паллаларига кўра қисман бўлса-да бироз сустроқ ривожланган бўлади. Шунга кўра, улар ҳажм жиҳатидан ҳам фарқланади. Сут ишлаб чиқариш борасида ҳам олдинги икки паллада жами сутнинг 38—45%, орқа паллаларидан 55—62% сут соғиб олинган.

**Елин альвеолалари.** Елин териси остида юпқа рангсиз қават — юза фасция жойлашган ва унинг остида бириктирувчи тўқималардан ҳосил бўлган чуқур фасция жойлашган бўлади. Елин альвеолалари гўё бир бош узум ғужумлари (доналари)га ўхшайди. Сут эса асосан мана шу доначаларда ҳосил бўлади. Энг катта узум бандини сут цистернаси, яъни сут тўпланадиган қисмига ўхшатиш мумкин.

**Сут альвеолалари** пуфакчасимон доначалардан ташкил топган бўлиб, кўпроқ бироз чўзиқ — овал шаклида бўлади. Уларнинг қобигида бириктирувчи тўқима, миоэпителий ҳужайралари, тўрсимон кўринишга эга бўлган капиллярлар, нервлар ҳамда ниҳоят кўп миқдорда без ҳужайралари учрайди. Елиннинг пастки қисмида сут цистернаси бўлиб, унда сут тўпланади ва сўргич канали орқали соғиб олинади. Сўргич найининг узунилиги 5—14 мм, диаметри 3—5

мм бўлиб у сфинктер деб аталган сут чиқувчи тешикча билан якунланган бўлади. Сфинктерни атрофи кўп миқдордаги силлиқ мускул хужайралардан ташкил топган. Сфинктерни ҳамма вақт тоза ҳолда сақланиши шу ердан ҳайвон елининг турили хилдаги микроб ва бактериялар киришига йўл кўймайди.

Елиндаги артерия қон томирлар елинга турили озиқ моддалар ва кислород олиб келади ва унданги карбонат ангирид гази ҳамда моддалар алмашинувида ҳосил бўлган кераксиз қолдик маҳсулотлар вена қон томирлари орқали ташқарига чиқариб юборилади.

Елин кўп миқдорда қон томирлар ва капиллярлар орқали қон билан таъминланади. Бунда ташки йирик артериядан қон елиннинг ҳар бир бўлагига маҳсус томирлар орқали боради. Елиндаги барча тўқималар, уларнинг хужайралари, нервлар ва барча бирикмалар шу қон билан озиқланади. Шу ерда сут бези хужайралари ёрдамида қон синтезланади, унинг натижасида сут ҳосил бўлади. Кераксиз моддалар тери остидаги қориннинг йўғон венаси орқали ташқарига чиқариб юборилади.

**Елиннинг иннервацияси** (нерв толалари билан таъминланиши), асосан думғаза-тос қисмидаги нервлар орқали бажарилади. Нерв толалари елинда дараҳт шохларига ўхшаш тарқалиб кеттан бўлади. Олиб борилган кўплаб кузатишларга қараганда елинда сут ҳосил бўлиши фақат нерв системасига борлиқ бўлмасдан, балки унда гормонлар ҳам муҳим роль ўйнайди. Умуман, елинда сут ҳосил бўлишида марказий нерв системасининг фаолияти ҳал қилювчи аҳамият касб этади. Шунингдек, бу борада ички секреция безларининг фаолияти ҳам салмоқли ўрин тутар экан. Жумладан, гипофизнинг олдинги бўлагидан ишланиб чиқадиган пролактин гормони бошқа ички секреция безларининг маҳсулоти билан биргаликда сут ҳосил бўлишида ва ажралиб чиқишида муҳим аҳамиятта эта.


Умуман, елиннинг қон билан таъминланиши, иннервацияси ва гормонлар фаолияти сигирларнинг сутини оширишда амалий ва назарий жиҳатдан катта аҳамиятта эта.

## ОВҚАТ ҲАЗМ ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ СИСТЕМАСИ

Барча тирик организмларда модда алмашинув жараёни ҳётнинг асоси ҳисобланади. Маълумки, бу жараён овқат ҳазм қилиш органларисиз амалга ошмайди.

Шу система туфайли истемол қилинган озиқ ҳаракатга келади, механик ва кимёвий ўзгаришларга дуч келади ва қайта ишланиши натижасида ҳазм бўлишга тайёрланади ва у шимилади, яъни ҳазм бўлади. Қолдиқ эса организмдан чиқариб юборилади.

Ҳайвонларни овқат ҳазм қилиш органлари бир қанча бўлим ва қисмлардан иборат бўлиб, унинг асосийлари: оғиз бўшлиги ва ундаги (тил, тиш, жағ ости бези, сўлак безлари ва ҳ. к.) органлар, шунингдек, томоқ — ҳалқум, қизилўнгач, ошқозон, ичаклар, жигар, меъда (ошқозон) ости бези, шунингдек, овқат ҳазм қилиш каналидаги бир қанча безлар ҳисобланади (6-расм).



6-расм. Сигирларнинг овқат ҳазм қилиш органлари системасининг схематик тузилиши:

1 — тил, 2 — тил ости сўлак бези, 3 — жағ ости сўлак бези, 4 — қулоқ ёки сўлак бези, 5 — ҳалқум, 6 — қизилўнгач найи, 7 — қизилўнгач коринчаси, 8 — катта корин, 9 — тўрккорин, 10 — кат корин, 11 — ширдон, 12 — ўн икки бармоқ ичак, 13 — ингичка ичаклар, 14 — жигар, 15 — ўт пуфаги, 16 — ошқозон ости бези, 17 — кўричак.

Барча ҳайвонларнинг оғиз бўшлиги овқат ҳазм қилиш каналининг бошланғич қисми ҳисобланиб, унда оғиз тешиги, устки ва остки лаблар, ҳам тил органи жойлашган. Лабларнинг ички томони шиллиқ парда билан қопланган, устки томони эса жун-тери ва мускул теридан тузилган. Оғиз бўшлигининг чап ва ўнг томони лунжалардан иборат бўлгани ҳолда у сермускул ва эркин ҳаракат қилиш хусусиятига эга. Овқатнинг ҳазм бўлишида тил ости, жағ ости ва қулоқ олди безларидан ажralиб чиқадиган суюқлик (сўлак)ларнинг аҳамияти каттадир.

**Ошқозон** — қопчиқсімөн күринишга зға бўлиб, унда озиқ маълум вақт сақданади ва қисман ҳазм бўлади. У ўзининг тузилишига кўра бир ва кўп камерадан ташкил топган. Жумладан, у отларда ва чўчқаларда бир камерали ва барча турдаги (қорамол, қўй, эчки, буғу ва х. к.) кавш қайтарувчи ҳайвонларда тўрт камерадан иборат бўлади.

**Отларнинг ошқозони**, ҳажми жиҳатидан деярли унча катта бўлмаса-да унинг девори мустаҳкам, мускуллаштан ва тананинг чап томонидан, қобирғалар остига жойлашган. Унинг ҳажми ўртача 6—15 л атрофида.

**Қорамолларнинг ошқозони** — катта, унинг ҳажми 100—300 л атрофида бўлиб у асосан тўрт қисмдан (бўлим ёки камерадан) иборат: (катта қорин, қатқорин, тўрқорин ва ширдон) эканлиги аниқланган. Уларнинг ошқозони ниҳоятда катта бўлганлиги учун мол қорин қисмининг деярли ярмидан кўпрогини эталлайди. Унинг бир қисми қориннинг чап томонида бўлса, қолган қисми ўнг томонда, чап қобирғалар юқорисидан киндигига қадар жойлашганлиги аниқланган.

**Ичаклар** (ўрта ёки ингичка ичак) ўзининг узунлиги жиҳатидан турли хил ҳайвонларда турлича бўлади. Масалан, у қорамолларда ўртача 40 м, қўйларда — 30 м, отларда — 30—32 м ва чўчқаларда 20 м дан кўпроқ бўлиши аниқланган. Озиқ моддаларининг шимилиши ва ҳазм бўлиши асосан ингичка ичакда юз беради.

Ичаклар ҳам бирқанча бўлимлардан иборат бўлиб, ўн икки бармоқли қисми унинг асосини ташкил этади. Ўнга жигар ва ошқозон ости бези туташган бўлади. Ингичка ичак диаметри майдада молларда 2—3 см, йириклирида 5—7 см бўлиши аниқланган.

**Ўн икки бармоқли ичакнинг** узунлиги қорамолларда 90—120 см, қўй ва эчкиларда 50 см, диаметри 5—7 см ва 2—3 см атрофидадир. Чўчқаларда у 40—80 см, отларда эса 1 м бўлиб, ўнг қобирғалар остига жойлашган.


**Ингичка ичак** — қорамолларда 37—39 м, қўй ва эчкиларда 20 м, чўчқаларда 15—20 м, отларда 20—30 м (йўронлиги 6—7 см) бўлади.

**Жигар** организмдаги энг йирик без ҳисобланиб, қорин бўшлирига жойлашган. У турли хил вазифа ба-жаради. Жумладан, овқат ҳазм қилиш бези сифатида жигар ўтини тайёрлаб беради. У эса озиқ таркибидағи мой моддаларини яхши ҳазм бўлиши учун парчалайди, ошқозон ости бези суюқлиги таъсирини кучайтириш

имконини беради. Жигар, ошқозон-ичаклар орқали қонга тушган турли хил заарли ва заҳарли моддаларни заарсизлантириб беришда ҳаётий аҳамиятта эга. У бундай заарли ва заҳарли моддаларни парчалаб мочевина (сийдикка) айлантириш хусусиятига эгадир. Жигар таркибида кўп микдорда углеводлар, А, Е, Д, К — витаминалари ва 20% қон жигарда синтезланар экан. Умуман олганда, жигар 500 дан ортиқ вазифани бажара олиши адабиётларда кўрсатилган.

**Йўғон ичак** — барча турдаги ҳайвонларда ингичка ичакка кўра деярли тўрт марта калтароқ бўлади. Жумладан, қорамолларда у 11 м, қўй ва эчкиларда 7 м, отларда 9 м, чўчқаларда 4 м атрофида бўлади. Унинг таркибиға кўричак, тегарчак (ҳалқа, чамбараксимон, у қорамолда 6—9 м) ва тўғри ичак киради. Йўғон ичакда озиқнинг суви ва туз эритмалари шимилади, шунингдек, гўнг қисми шаклланади.

**Кавш қайтариш.** Кавш қайтариш жараёни барча турдаги кавш қайтарувчи ҳайвонларга хос бўлиб, у истемол қилган хашак, пичан, сомон каби дагал озиқларни ошқозондан оғизга келтириб, уни қайтадан тиш-



7-расм. Қорамоллар кўлкамерали ошқозонининг схематик тузилиши: 1 — катта қорин, 2 — қизилўнгачнинг охирги қисми, 3 — қизилўнгачнинг нови (тарнови), 4 — қатқорин, 5 — тўрқорин, 6 — ширдон.

лар ёрдамида майдалаб яна ошқозонга қайтаришдан иборат. Ҳайвонлар суткасига 3—4 марта кавш қайтаришлари мумкин. Ёш бузоқлар ҳам 20 кунлигидан кавш қайтара бошлайдилар. Умуман кавш қайтариш, ҳайвон истемол қилган озиқ турига, ҳаво ҳарорати ва жониворниң индивидуал хусусиятига боялиқ.

#### **Назорат саволлари:**

1. Ҳайвонларнинг овқат ҳазм қилиш органлари қандай бўлим ва қисмлардан иборат?
2. Қорамоллар ва бошқа тур ҳайвонларнинг ошқозони қандай тузилган?
3. Ичаклар тўғрисида тушунча беринг.
4. Жигар ҳайвон организмидаги қандай вазифа бажаради?
5. Кавш қайтариш қандай жараён?

### **НАФАС ОЛИШ ОРГАНЛАРИ СИСТЕМАСИ**

Нафас олиш органлари системаси ҳаво ҳаракатида иштирок этувчи органлар (бурун ва бурун бўшлиги, ҳиқилдоқ, трахея, ўпка бронхлари ва бронхиолалари) — дан ташкил топган. Улар организм билан ташки мухит ўртасида юз берадиган ҳаво алмашинув жараёнини бошқаради ва унда фаол қатнашади. Бу жараёнга ташиб иштирок иштирокида амалга оширилади.

Ташки нафас олиш натижасида ташки мухитдан олинган кислород қонга ўтади, қонни кислород билан бойитади ва ундаги карбонат ангирид шу йўсинда ташқарига чиқариб юборилади. Бу хусусият барча сут эмизувчиларда ўпка ёрдамида, балиқларда эса жабра ёрдамида амалга оширилади.

Ҳайвонларда бир вақтни ўзида артерия қони билан кислород барча тўқима ва ҳужайраларга олиб келинади ва уларда оксидланиш юз беради — бунга ичкима нафас олиш ёки тўқималар иштирокида нафас олиш дейилади.

Ҳайвонларни нафас олиш аппарати фақатгина ҳаво алмасишида қатнашиш билан чегараланмай, организмга қабул қилинадиган ҳавони турли ёт жисмлардан, чанг ва микроорганизмлардан тозалайди, иллитади, намлайди. Шунингдек, танада иссиқлик даражасини сақлашда фаол қатнашади, сув ва тузлар алмашинувида, ҳамда иммунологик ҳимоя қилишда иштирок этади.

Ҳайвонларни ҳиқилдоғида овоз аппарати жойлашган, бурун бўшлиғида эса ҳид сезиш, осматик босимни бошқариш органи бўлиб, у айниқса денгиз ҳайвонларида яхши ривожланган.

**Бурун ва бурун бўшлиғи** — нафас олишни бошлан-


тич қисми ҳисобланади. Унда ҳаво илийди, намланади ва унинг ҳиди аниқданади. Бурун бўшлиғи тешикли суюклар ва тоғайлардан ташкил топган, унинг ички юзаси шиллиқ қават билан қопланган. Бурун бўшлиғи тўсиқ ёрдамида иккига бўлинган. Буруннинг шилиқ қавати кўп қон томирлар, кўп ядроли, киприкли эпителий ҳужайралар билан қопланган ва шилимшиқ модда ишлаб чиқарадиган безлар жойлашган бўлиб, улар ҳимоя вазифасини бажаради.

**Ҳиқилдоқ** — ҳавони трахеяга узатиб беради ва нафас йўлига бирор озиқни кириб қолмаслигини бошқариб туради. Унда овоз аппарати ҳам жойлашган. У асосан бешта тоғайдан иборат бўлиб, улар ўзаро бирлашгандир. Ҳиқилдоқнинг ҳаракати, кенгайиши, торайишини у ердаги мускуллар бошқаради ва у тил ости суюги билан ҳам борланган бўлади. Овоз аппарати шиллиқ қават билан қопланган.

**Трахея** — кўп микдорда бир-бири билан бирлашган ҳалқалардан ташкил топган. Унинг атрофи юпқа мускуллар билан қопланган. Томоқ қисмида трахея умуртқа поюна остида, қизилўнгач билан ёнма-ён жойлашган. Кўкрак қисмида, тахминан 4—6 қобирға узоқлигида трахея иккита йирик бронхга бўлиниди ва бу бўлинишни бифуркация дейилади. Қорамоллар трахеясида 46—50 та тоғай бўлса, чўчқаларда 32—36 та, отларда 48—60 та бўлади. Улар кўпинча овал шаклида учрайди.

**Ўпка** — бир жуфт йирик нафас олиш органи бўлиб, ҳаво алманишида ҳаётий вазифа бажаради. Ўпкани шакли конуссимон, уч қисми юқори томон йўналган ва остки асос қисми диафрагмага тақалган бўлади (8-расм). У юракни ўраб олган ҳолда, кўкрак қафасини деярли тўлдириб туради.

Қорамолларда ўпка тана салмоғининг 0,6—0,8%ни ташкил этади. Чўчқаларда бу кўрсатгич 0,85%, отларда эса 1,3—1,5% атрофида бўлади. Юқорида айтилганидек, ўпка чап ва ўнг қисмдан иборат бўлиб, кўкрак қисмига жойлашган. Ҳар қайси ўпка маҳсус сероз пардага ўралган бўлади. Ўпкадаги бронхлар тармоқланиб, диаметри 1 мм келадиган **бронхиолалар** ҳосил қиласи ва уларнинг учи ҳаво пуфакчалари, яъни альвеолалар билан тугайди. Альвеолалар девори жуда юпқа зластик парда эпителийисидан иборат, кўп микдордаги майдага капиллялар билан ўралган бўлади. Бу деворда қон ва альвеоляр ҳаво орасида газлар алмашинуви содир бўлади (8-расм).



8-расм. Ўпка ва унинг тузилиши. А — қорамол ўпкаси, Б — чўчқанинг ўпкаси, В — отнинг ўпкаси, Г — ўпканинг узунасига кесиги:

1 — трахея, 2 — ўта юза қисми, 3 — ўрта яssi қисми, 4 — қобирга тулаш юза қисми, 5 — устки қисми, 6 — ўрта бўлғаги, 7 — учли қиралли қисми, 8 — остики бўлғаги, 9 — юрак диафрагмасига ёндош бўлғаги, 10 — трахеали бронклар, 11 — ўнг ва чап бронхлар, 12 — ўпка артериясининг уч қисми, 13 — бронхиола, 14 — ўпка альвеолалари, 15 — альвеолар йўл, 16 — альвеолар тунчча, 17 — эпителий хужайралари (электрон микроскопда кўриниши).

Ҳайвонларни ёши ортиб бориши билан бирга улар ўпкасидағи эластик моддаси, безлар миқдори

ортиб (кўпайиб) боради. Лекин юза бирлиги ҳисобидаги зичлиги камаяди.

Ўпканинг катта-кичиклиги ва ривожланганлик даржаси кўп жиҳатдан ҳайвонларнинг яшаш шароити ва ҳаракати билан боғлиқ эканлиги исботланган. Масалан, ёввойи ҳайвонларни ўпкаси уй ҳайвонларини кига кўра бирмунча катта ва ривожланган бўлар экан.

#### Назорат саволлари:

1. Нафас олиш органлари системаси қандай қисмлардан иборат?
2. Бурун бўшлиғи ва ҳиқилдоқ тўғрисида нималарни биласиз?
3. Ҳайвонлар ўпкасининг анатомик тузилишини тушунтириб беринг.

### АЙИРИШ ОРГАНЛАРИ СИСТЕМАСИ

Айриш органлари системаси бир қанча органлардан ташкил топган. Жумладан, буйрак, сийдик канали, сийдик шуфаги, сийдик чиқарувчи най шу органлар системасини ташкил этади. Уларнинг асосий вазифаси модда алмашинуви жараёнида ажратиб чиқарадиган кераксиз маҳсулот (модда), асосан сийдикни, маълум вақт организмда сақлаш ва ташқарига чиқариб юборишдан иборатdir. Лекин, сийдикдан ташқари қолдик модда орасида сийдик кислотаси, аммиак, креатин, креатинин ва ёт моддалар (ранглар доривор моддалар), айрим гормонлар (пролан, андростерон ва х. к.) бўлиши мумкин.


Организмдаги бир жуфт буйрак танадан ортиқча сув, минерал моддалар ва кераксиз маҳсулот (суюқлик)-ларни чиқариб ташлаши билан бир қаторда у организмда сув-туз алмашинувины бошқаради, осматик босим меңгер даражада бўлиши ва қоннинг активлигига ўз таъсирини кўрсатади.

Организмда қон босимини меңгерлашда ва сийдик ажратиб беришда иштирок этувчи айрим гормонлар (ренин, ангитензин)ни синтезланишида ҳам буйраклар ниҳоят салмоқли ўрин тутади.

**Буйрак.** Буйрак кўпинча ловиясимон шаклда бўлиб, унинг ранги жигарранг, таррил-қизил ранга учрайди. Унинг остки қисмида, буйракка йўналтирилган эшик қисми жойлашган. Унда бирқанча артерия, вена қон томирлари ва сийдик чиқарувчи канал жойлашган (9-расм).

Буйрак асосан уч қават (ташқи — корковая, ички — магиз ва оралиқ қават)дан иборат. Ташқи қават — таррил-қизил рангда бўлиб у нефронлардан тузилган ва сийдик тайёрлашда фаол вазифа бажаради. Ички (магиз) қават — буйракни марказий қисми ҳисобланиб, сариқ — таррил рангда бўлади ва у тўпланган сийдикни чиқаруб беради. Ўрта (оралиқ) қават — тўқ-қизил (жигарранг) бўлиб, унинг таркибида кўп миқдорда қон томирлар учрайди.

**Қорамолларда** буйрак овал шаклда, бўртмали типга киради. Ҳар бир буйракнинг салмоғи 500—700 г атрофида, тана оғирлигини 0,2—0,3%ни ташкил этади (9-расм). Ҳар



9-расм. Буйракларнинг анатомик тузилиши: А — қорамолники, Б — чўчқаники, В — отники: 1 — буйрак пирамидаси, 2 — буйрак бўртмаси, 3 — сийдик ажратувчи қисми, 4 — чегара қисми, 5 — буйрак косачаси, 6 — ажратувчи қисми, 7 — буйрак бўлмачалари, 8 — сийдик йўналтирувчи қисми, 9 — сийдик нағи, 10 — буйракнинг марказий бўшлиқ қисми, 11 — четки сийдик йўлчалари, 12 — буйрак дарвозаси.

бир буйрак бўртмасида ташқи ва ўрта қават яхши ифодаланган. Ички қавати пирамида шаклида бўлади. Бундай пирамидалар 16—35 атрофида бўлиши аниқланган. Улардан ажralиб чиқсан сийдик олдин икки найга ва ниҳоят буйрак эшигига яқинлашгач бир каналга бирлашади. Молларда ўнг буйрак 12 қобирғадан 2—3-нчи бел умуртқаси остида бўлса, чап буйрак 2-нчи—5-нчи бел умуртқаси остига жойлашган.

Чўчқаларда буйракнинг юзаси силлиқ, ловия шаклида бўлади. Пирамидалар сони 10—12 та бўлади. Иккала буйрак ҳам уларнинг 1—4-бел умуртқалари остига жойлашган.

Отларда буйрак силлиқ ва яхлит бўлиб, ўнг буйраги юрак шаклида, чап буйраги — ловиясимон кўринишга эга. Чегара зонаси яхши ифодаланган ва кенг кўринишга эга. Пирамидалар сони 40—64. Ўнг томонидаги буйрак қобирғалар остида 16-нчи (14—15-нчи) қобирғадан 1-нчи бел умуртқаси остига жойлашган бўлса, чап буйраги 1—3-бел умуртқалари остига жойлашгандир. У камданкам қобирға остига жойлашган бўлади.

Буйракни қон билан таъминланиши асосан бир жуфт йирик артерия қон томири ёрдамида амалга оширилади. Улар буйрак эшигидан киради ва барча бўлакларига шохсимон тарқалиб кетади. Улар устки қават ва бўлакларда артерия капиллярлари системасини ташкил этади. Шу ерда қон фильтранади ва бирламчи сийдик ҳосил бўлади. Нефрон каналчалари тутам холда капиллярларга ва улар вена қон томирларга туташади ва у шу қон томирлар орқали буйракдан чиқиб кетади.

**Сийдик канали** — узун найсимон кўринишда бўлиб, у буйрак эшигидан сийдик пуфаги томон йўналган бўлади. Улар мускул қабати билан ўралган, бинобарин, минутига 1—4 марта сиқилиб-кенгайиш хусусиятига эга.

**Сийдик пуфаги** — нок шаклида, якка ҳолда учрайди. У икки қисм (тана ва бўйин)дан иборат. Пуфак сийдик билан тўлгач, у остки томон силжийди ва уни бўйин қисмидан сийдик найи томон сийдик йўналтирилади.

**Сийдик чиқариш найи** — калта найсимон шаклда бўлиб, у сийдик пуфагидан жинсий орган каналига йўналгандир. Урючи ҳайвонларда у бир учи билан жинсий қинга туташади. Эркак ҳайвонларда эса сийдик чиқарув найи жинсий ўсимта найига қўшилиб кетади.

### **Назорат саволлари:**

1. Айриш органлар системаси қандай қисмларни ўз ичига олади?
2. Буйракнинг анатомик тузилишини тушунтириб беринг.
3. Чорва ҳайвонларида буйрак қандай шакл-формаларда учрайди?
4. Сийдик канали ва пуфаги тўғрисида нималарни биласиз?

## **КўПАЙИШ (ЖИНСИЙ) ОРГАНЛАРИ СИСТЕМАСИ**

Чорва ҳайвонларининг кўпайиш (жинсий) органлари системаси бирқанча органлардан ташкил топган. Жумладан, жинсий ҳужайралар ва гормон тайёрлаб берадиган жинсий безлар (эркакларида уруғдон ва урғочиларида тухумдан), жинсий безлар, эркакларида уруғ йўли, урғочиларида тухум йўли, қўшилиш органи (эркакларида қўшилиш ўсимтаси, урғочиларида жинсий қин), урғочиларида яна эмбрион тараққий этиши учун бачадон ҳам бўлади.


Жинсий система, ҳар бир турдаги авлодларни кўпайишида ҳаётий аҳамиятта этадир. Бу хусусият уларнинг асосий вазифасидир. Жинсий гормонлар оқсили, ёр алмашинувида фаол қатнашади ва иккиламчи жинсий белгиларни ифодалашда салмоқли ўрин тутади.

**Эркаклик кўпайиш системаси.** У асосан, бир жуфт уруғдон, уруғ йўли, уруғ найи, қўшимча жинсий безлар, уруғ халтаси, жинсий-сийдик канали, қўшилув ўсимтаси ва унинг бош қисми атрофидаги қобиги (препуций)дан иборат.

**Уруғдон.** Уруғдон бир жуфт, эллипс шаклига эга бўлган, орган ҳисобланиб, жинсий балоғатта еттан ҳайвонларда жинсий уруғ (сперма) ва гормон тайёрланади. Унга уруғдон қўшимчаси бириккан ҳолда учрайди. У уруғ чиқариш вазифасини бажаради, ва уч қисм (бош, тана ва дум)дан иборат. Уни бош қисмида 12 — 20 уруғ чиқарув каналчалар жойлашган. Бу ерда сперма йигилади ва етилади.

Уруғдон халтаси — ҳайвонни асосан чот қисмiga (чўчқаларни орқа-дум ости қисмiga) жойлашган. У икки камерадан иборат. Уни тери қавати эластик мускуллардан ташкил топган.

Уруғ йўли — ҳайвоннинг дум томонидан уруғ найи билан бирлашиб қорин бўшлиғи томон йўналган бўлади. Уруғ йўли бир жуфт найсимон орган ҳисобланади. Сперма суюқлигини ҳаракатида уруғ йўли деворчаларини сиқилиб кенгайиши муҳим аҳамиятта эга. Бунда шу йўл деворларининг мускул толаларининг қисқариб — кенгайиши муҳим аҳамиятта эга (*10-расм*).



10-расм. Бука ва сигир жинсий органларининг схематик тузилиши:  
А — бука жинсий аъзосининг схемаси, Б — сигир жинсий аъзосининг схемаси, В — сигир жинсий аъзоси тузилишининг ён томондан кўриниши:

1 — урувдон, 2 — урувдон бўртмаси, 3 — қин қобиги, 4 — урувдон халтаси, 5 — урув йўли, 6 — сийдик пуфаги, 7 — сийдик йўли, 8 — канал ампуласининг кенгайган қисми, 9 — пуфаксимон без, 10 — простата бези, 11 — пиёзсимон жинсий без, 12 — сийдик канали, 13 — қўшилиш жинсий ўсимтасининг буялаган қисми, 14 — қўшилиш аъзосининг бош қисми, 15 — препуциал халтасининг очиқ ҳолда кўриниши, 16 — сийдик каналининг мускули, 17 — ювак мускулнинг пиёзсимон қисми, 18 — орқа чиқарув тешигидан қўшилиш аъзосига йўналган мускул, 19 — урувдон, 20 — урув йўли, 21 — воронка, 22 — ички қисми очилмаган бачадоннинг бир бўлаги, 23 — очилган бачадон, 24 — бачадон танаси, 25 — бачадоннинг қин қисми, 26 — қин, 27 — ривожланмаган қизлик парда, 28 — қиннинг бошланиш қисмидаги йирик чап без, 29 — клитор, 30 — жинсий лаб, 31 — шохи, 32—33 — сийдик пуфаги, 34 — тўғри ичак, 35 — сийдик пуфаги остидаги яссилашган суюк.

Қўшимча жинсий безлар (пуфаксимон, пиёзсимон ва предстатель бези) ҳам салмоқли ўрин тутади. Жумладан, пуфаксимон без (8—15 см) бир жуфт бўлиб, уни суюқлиги сперма ҳаракатини енгиллаштиради. Пиёзсимон без (2—12 см) сперма йўлинни тозалаш имконини беради. Предстатель бези (2—4 см) сперма ҳаракатини тезлаштириш имконига эгадир.

**Қўшилув ўсимтаси.** У уч қисм (илдиз қисми, тана ва бош)дан иборат. Зич ҳолдаги бириктирувчи тўқимадан тузилган бу орган таркибида кўплаб коллаген ва эластик толалар ҳамда ясси-силлиқ мускул ҳужай-ралар учрайди. Шунингдек, унинг таркибида кўплаб каверно з (бўшлиқ) таначалар бўлиб, улар қон билан тўлганда қўшилув ўсимтаси қаттиқлашади, кенгаяди ва қўшилиш учун тайёр холга келади.

Буқаларнинг қўшилув ўсимтаси 1 м гача бўлади, йўронлиги 2,5—3 см атрофидадир. Тўнгиз қўшилув

ўсимтасининг бош қисми спиралсимон, айланма шаклида бўлиб, унинг узунлиги 45—50 см бўлади.

Буқалар қўшилув ўсимтаси танаси «S»-симон, эгилган бўлиб, у қўшилиш вақтида тўғриланиб кетади. Буқа, қўчқор ва такалар қўшилув ўсимтасини бош қисмida қалпоқчasi ҳам бўлади.

**Урвочилик кўпайиш системаси.** Бу система асосан, тухумдан, тухум йўли, бачадон, қин ва ташки жинсий лаблардан иборат (10-расм). Тухумдан — бир жуфт бўлиб, унда тухум ҳужайралар вужудга келади ва жинсий гормон ҳосил бўлади. Сигирларда тухумдан эллипс шаклида, юза қисми силлиқ, диаметри 2x4 см, вазни 5—10 г га tengdir. Унда овуляция (тухум ҳужайраларининг ажралиб чиқиши) жараёни юз беради. Бунда пуфаксимон фолликулалар тухумдан юзасига бўртиб чиқади. У сигирларда 0,5—2 см, чўчқаларда 5—16 г, бияларда 5—8 см, оғирлиги 70—80 г бўлади.

Тухум йўли — найсимон бир жуфт орган ҳисобланиб, унда жинсий тухум ҳужайралар етилади, оталанади ва майдаланиш жараёни юз беради. У эгри-бугриний найсимон бўлиб тухумданни бачадон билан биректириб (бирлаштириб) туради. Унинг узунлиги сигирларда 20—30 см, бияларда 10—30 см бўлиб, икки бўшлиқ — тешикдан иборат. Уларнинг бири тухумдан атрофида бўлса, иккинчиси бачадонга тегишли эканлиги аниқланган.

**Бачадон** — якка орган ҳисобланниб, унда эмбрион (муртак) ривожланади. Қишлоқ, хўжалик ҳайвонларидаги бачадон «икки шохли» ҳисобланади. Бачадон уч қисм (шох, тана ва бўйинча)дан иборат. Бачадон шохлари сигирларда 20—30 см, спералсимон, қўчқор шохини эслатади. Бачадон танаси ўртача 10 см атрофида, баъзан 5—6 см бўлиши мумкин. Бачадоннинг бўйин қисми 7—11 см, у бачадоннинг ички тешиги ҳисобланади.

Чўчқаларда бачадон шохи 2—3 см, танаси 5 см, бўйин қисми 15—18 см бўлиши аниқланган. Бўйин қисмининг бир томони қинга, иккинчи томони бачадонга бириккан бўлади.

**Жинсий қин** — найсимон кўринишга эга. Уни узунлиги сигирларда 22—28 см, чўчқаларда 10—12 см, у ҳайвоннинг тос қисмiga жойлашган.

Ташки жинсий лаблар — тери қаватидан иборат бўлиб уни сиқиб-кенгайтириб турувчи мускул

толалар жойлашган. Сигирларнинг жинсий лаблари атрофи калта жун қатлами билан қопланган бўлади.

#### **Назорат саволлари:**

1. Кўпайиш (жинсий) органлари системасига тушунча беринг.
2. Эркаклик кўпайиш органлари системаси қандай тузилган?
3. Урочилик кўпайиш органлари системаси қандай тузилган?

## **ЭНДОКРИН СИСТЕМАСИ**

*(Ички секреция безлари)*

Эндокрин системани ташкил этувчи органлар ички секреция безлари бўлиб, улар ҳаётий аҳамиятта эга бўлган биологик фаол моддалар ҳисобланган — гормонлар ишлаб чиқаради. Гормонлар эса организмда юз берадиган турли хил жараёнларда фаол иштирок қиласди ва бошқаради. Масалан, организм, орган ва тўқималар ўсиши ва ривожланиши, организм, орган ва тўқималар ўсиши ва ривожланиши турли хил физиологик жараёнларни жадаллаштириш, организм ташки мухит қаршиликларига нисбатан чидамлилитини ошириш ва х. к. жараёнларда хизмат қиласди.

Эндокрин безлар ўзларининг маҳсус чиқарув тешикларига эга бўлмагани холда, ўз маҳсулоти — гормон суюқлигини асосан қонга, организм ички муҳитига чиқаради. Шунинг учун ҳам уларни «ички секреция безлари» деб аталади. Улар бир-бирлари билан морфологик жиҳатидан алоқадор бўлмаса-да организмни турли қисмларига жойлашгандир. Лекин улар ўзларининг вазифаси ва айрим боғланиш хусусиятига кўра ягона системани ташкил этади.

**Ички секреция безларига** қўйидагилар мисол бўла олади: эпифиз, гипофиз, буйрак усти безлари, қалқонсимон без, қалқон олди безлари шу гуруҳни ташкил этади. Булардан ташқари, эндокрин органлар система-сига яна ошқозон ости безининг эндокрин қисми, инсулин ва глюкагон ишлаб чиқарувчи — лангерган с оролчаси ҳужайралари, жинсий гормонлар ажратиб чиқарувчи жинсий органлар (тухумдон ва уруғдон)ни ренин гормони ишлаб чиқарувчи (буйрак) органи, тимозин чиқарувчи орган (тимус)ни ва прогестерон етиштириб берувчи орган (йўлдош)ни ҳам киритиш мумкин. Шунингдек, айрим эндокрин органи ҳисобланмаган, лекин айрим эндокрин ҳужайраларига эга бўлган орган ва тўқималарни киритиш тавсия этил-


ган. Масалан, күзатишларга қараганда, ҳайвоналарни ошқозон ва ичак системасида эндокрин безларининг 15 типи мавжудлиги ва улар 30 хил гормонни синтезлаши ва овқат ҳазм қилиш органлар системаси, фоалиятини бошқариши аниқланган.

Эндокрин безлари ва ҳужайраларини айрим умумийлик хусусиятлари ҳам аниқланган. Масалан, 1) гормонлар ниҳоятда оз миқдорда бўлса-да жуда юксак биологик фаолликга эгадирлар. Жумладан, йирик қорамолларда меъёр даражада буйрак усти безлари гормони оқси кортикостероидлар 1 л қонда 70 мкг бўлиши аниқланган. 2) Кўплаб гормонларнинг маҳсус тур хусусияти ва белги аломатлари бўлмаса-да, улар ҳар бир орган ва тўқимага ўз таъсирини кўрсатиш борасида умумий хусусиятга эгадирлар. Масалан, жинсий гормонлар организмда иккиласми жинсий белгиларни намоён этишда, вужудга келтириш борасида улар ўрнини бошқа гормон эгаллай олмайди. 3) Гормонлар ўз таъсирини узоқ масофадан ҳам кўрсата олиш хусусиятига эгадирлар. Масалан, гипофиз ўз гормонни қонга ўтказгани ҳолда организмдаги айрим ўзгаришларни бошқара олиш хусусиятига эгадир.

**Ички секреция безларининг турлари.** Безларни келиб чиқиши, қандай тўқималардан ташкил топганлиги-га кўра уларни бир неча гурухларга бўлиш қабул қилинган. Жумладан, **эпителial безлар**: қалқонсимон без, қалқон олди безлар, гипофизни олди ва ўрта бўлаги бези, буйрак усти безлари, ошқозон ости безининг айрим қисмлари (оролчалари)дан иборат. **Нерв безлари**: буйрак усти безининг ички моддаси ва параганглиялардан иборат. **Нейроглиал безлар**: эпифиз бези ва гипофизни орқа бўлаги бези шуларга мисол бўлаолади.

Эндокрин безлар вазифасига кўра **марказий** ва организмни фақат айрим бўлим ёки қисмлари учун таъсир кўрсатувчи ҳисобланади. Масалан, гипофиз марказий секреция бези ҳисоблангани ҳолда бош миядаги **эпифиз ва гипоталамус** томонидан бошқарилади (11-расм).

**Гипоталамус** — оралиқ миянинг бўлаги ҳисобланниб, у бирқанча нерв ҳужайралари (нейронлари) билан таъминланган. У «рилизинг» деб номланган гормон ишлаб чиқаради. Организмни айрим қисм ва бўлимларига таъсир кўрсатувчи безларнинг айримлари гипофизни олди бўлимига боғлиқ ҳолда бўлса, айримлари



11-расм. Қорамол мисолида ички секреция безларининг жойланиш топографиясининг ифодаланиши: 1 — эпифиз, 2 — гипофиз, 3 — қалқон олди бези, 4 — қалқонсимон без, 5 — айрисимон без, 6 — буйрак усти бези, 7 — ошқозон олди бези, 8 — түхумдондаги сариқ танача.

бундан мустаснодир. Масалан, қалқонсимон без, буйрак усти безлари, уруудон ва түхумдон гипофиз бошқармасига мансуб безлар ҳисобланади. Лекин, қалқон олди безлар, буйрак усти безининг ички қисм ҳужайралари, ва эндокрин ҳисобланмаган безларниң эндокрин ҳужайралари гипофиз таъсирида бўлмайди.

**Гипофиз бези.** Бу якка без бўлиб, кул ранг-қизғиш кўринишга эга. У қаттиқ, тухум шаклида бўлади. Қорамолларда гипофизнинг узунлиги 2—2,5 см, оғирлиги 3—5 г. Кўйларда ва чўчқаларда узунлиги 1 см, оғирлиги 0,5 г. Отларда эса у 2,5 см, оғирлиги 3 г атрофидадир.

**Эпифиз бези.** Бу без оралиқ мия таркибида бўлиб, уни катталиги 6—50 мм атрофида. Буқаларда 120 мг, сигирларда 280 мг, чўчқаларда — 100—200 мг, отларда эса 400—1300 мг бўлади.

**Қалқонсимон без.** Бу без турли катталиқда бўлиб, у қорамолларда 15—40 г, диаметри 7 см га tengdir. Унинг ранги қизғиш-жигарранг. У трахеяниң 2—3-ҳалқасига жойлашган. Бу без эпителиал ҳужайралардан ташкил топган, бўлиб улар пупфаксимон фолликулалар ҳосил қиласи. Унинг ички қисмида коллоид суюклиги бўлиб, улар тироксин ва трийодтиронин гормони ҳисобланади. Фолликулалар оралиғидаги оролча ҳужайралари эса тиреокальцитонин гормонини ишлаб чиқаради. Бу без ҳар ҳайвонда унинг физиологик ҳолатига кўра ва ташки мұхит таъсирига жавобан катталиги ва вазни жиҳатидан ўзгариб туриш хусусиятига эгадир.

**Қалқон олди безлари.** Бу безлар ловиясимон, овал күринишига эга бўлиб, катталиги 1 см атрофидадир. Ранги сариқ-жигарранг. Улар бир жуфт бўлгани ҳолда кўпинча трахеяни биринчи ҳалқаси атрофига, биринчи қобирға остига жойлашган.

**Буйрак усти безлари.** Бу безлар бир жуфт бўлиб, буйракни олд қисмiga жойлашган ва юпқа мой қавати билан қопланган. Ранги қизил ва оч пуштиранг, бироз узун овал шаклида ёки учбурчак күринишига эга. У қорамол, от ва чўчқаларда 4—9 см, қўйларда 1,5—2 см. Оғирлиги қорамолларда 26—36 г, отларда 20—22 г, чўчқаларда 5—13 г ва қўйларда 3,6—4 г атрофида бўлади. Бу безлар тузилишига кўра пўстлоқ ва магиз қаватларидан ташкил топган. Бинобарин, пўстлоқ қавати — кортикостерон гормони ва магиз қавати адреналин гормони ишлаб чиқаради. Агар бу безлар олиб ташланса, организмда қон босими пасайиб кетади, мускуллар фаолияти тубанлашади ва кўплаб салбий ўзгаришлар юз беради.

**Ошқозон ости бези.** Бу без икки хил вазифа баъжаради. Биринчидан, ўз суюқлигини ўн икки бармоқ ичакка чиқариб, овқат ҳазм бўлишида иштирок этса, иккинчидан, қонга қўйиладиган фаол модда — инсулин гормони ишлаб чиқарилади ва у организмда углеводлар алмашинувини бошқаради. Агар гормон етарли бўлмаса, қандли диабет касаллиги вужудга келади.

**Жинсий безлар** (тухумдон ва уруғдон). Бу безлар фақат ҳайвонларни кўпайишига хизмат қилмасдан, балки ички секреция органлари ҳам ҳисобланади. Урӯчи ҳайвонларнинг жинсий гормони — эстроген тухумдон фолликуларида ишланиб чиқади ва жинсий органларнинг ўсиши, ривожланиши ва бачадоннинг катлашишида фаол иштирок этади.

**Сариқ танача** гормони прогестерон жинсий яқинлашиш ва оталанган тухум ҳужайрани қабул қилиш имконини беради. Бўғоз бўлган сигир ва гунажинларда янги жинсий фолликулалар ҳосил бўлишини тўхтатади, сут безларининг ривожланишига ёрдам кўрсатади.

Эркаклик жинсий гормони — андроген уруғдонда ишланиб чиқади, жинсий орган фаолиятида, жинсий рефлексларни вужудга келтиришда ва эркаклик хусусиятларини вужудга келтиришда фаол иштирок қилади.

### **Назорат саволлари:**

1. Эндокрин система нима?
2. Организмда гормонлар қандай роль ўйнайди?
3. Ички секреция безларининг қандай турларини биласиз?
4. Гипофиз ва эпифиз безлари тўғрисида тушунча беринг.
5. Қалқонсимон ва қалқон одди безлари тўғрисида нималарни биласиз?
6. Бўйрак усти, ошқозон ости безларининг вазифаси нима?
7. Жинсий безлар гормонлари тўғрисида нималарни биласиз?

## **ЮРАК ВА ҚОН АЙЛАНИШ ОРГАНЛАРИ СИСТЕМАСИ**

Юрак-қон айланиш органлари системаси бир-бири билан генетик, морфологик ва физиологик жиҳатдан боғлиқ бўлган қон томирлар ва лимфатик томирлардан ташкил топган. Улар мезинхимадан вужудга келган бўлиб, мустақил қон ва лимфа томирларидан иборат. Бу томирлардаги суюқлик (қон ва лимфа) қон айланиш системасининг асоси (функционал қисми) ҳисобланади. Улар кўп жараёнларда, жумладан, модда алмашинувида, тўқималар суюқлик (намлик) ҳолатини яратишида фаол қатнашадилар. Умуман, тўқима суюқлиги ҳисобланган қон билан лимфа организмни ички муҳити сифатида муҳим аҳамият касб этади. Улар биргалиқда организмни деярли 50% салмоғини ташкил қиласиди. Қон миқдори, тананинг 7—8%ига тўғри келади.


Қон ва лимфа таркибидаги шаклли элементлар ва барча ҳужайралар доимий бўлмасдан улар янгиланиб туради. Бу борада қон элементларини ҳосил қилувчи органлар (найсимон суяклар кўмиги, талоқ, лимфатик тутунчалар, шунингдек, эмбрионларда жигар ва тимус)нинг тутган ўрни бениҳоя муҳимdir.

**Қон айланиш органлари.** Бу органлар асосан юрак ва қон томирлардан ташкил топган. Юракка қон олиб борувчи томирларни артерия ва юрақдан қон олиб кетувчи томирларни ве на қон томирлари деб аталади. Артерия қон томирлари ўз йўналишида бирнече артериолларга, улар йирик капилляр (перекапилляр)-ларга ва улар ҳам ўз ўрнида майда капиллярларга бўлинниб кетади. Улар қайтадан тўпланиб посткапиллярларни, яъни ве на ла ва улар вена қон томирларини ҳосил қиласиди.

Қон айланиш органлари қонга хос бўлган турли хил вазифаларни бажаради. Жумладан, транспорт вазифаси, модда алмашинувида фаол қатнашиш, тана ҳароратини меъёр даражада сақлаш (терморегуляция), гумораль (яъни гормон ва биологик фаол моддаларни

организм бўйича тарқатиш) вазифасини бажаради. Кон айланиш органлари, организмларнинг эмбрионлик даврида вужудга келади ва шу организмни бутун умри давомида фаол хизмат қилади.

**Юрак ва унинг тузилиши.** Юрак мускуллашган, конуссимон қўринишга эга бўлиб, у кўкрак қафасига, 3—6-нчи қобирғалар даражасига жойлашган. У қисман чап томонга сурилган ҳолда учрайди. Унинг кенг юза қисми юқори томонга йўналгандир (12-расм).



12-расм. Юрак ва қон томирларнинг анатомик тузилиши: А — сигирнинг юраги, Б — от юрагининг узунасига кесиги (чапда). В — артерия, Г — капилляр, Д — вена:

1 — юрак уст қисми, 2 — ўнг қоринча, 3 — томирлар билан таъминланган чап бўртма, 4 — вена бўртмачасидаги мой тўқима, 5 — юракни ўнг бўртмачаси, 6 — вена томири, 7 — бош-елкага йўналган томир, 8 — аорта, 9 — артериал боғлагич, 10 — чап тоқ вена, 11 — ўпка артерияси, 12 — ўпка венаси, 13 — юракни чап бўртмачаси, 14 — остики вена томири, 15 — чап қоринча, 16 — мускулли тўқима, 17 — миокард, 18 — эпикард, 19 — атрио-вентикуляр тешикчча, 20 — пай қисми, 21 — эндокард, 22 — учламчи клапан, 23 — ўнг бўлмача, 24 — ўпка артерийсининг яримой клапани, 25 — сўргичсимон мускуллар, 26 — юрак қоринчалари ўртасидаги тўсик, 27 — эндотелия, 28 — интима, 29 — медиа, 30 — адVENTИЦИЯ.

Юрак вазни йирик қорамолларда 2—3 кг, бу эса унинг тана салморининг 0,4—0,6%ини ташкил қилади. Отларнинг юраги 3—6 кг, чўчқаларники 0,2—0,4 кг атрофида бўлади.

Юрак тузилишига кўра тўрут камерадан: иккита (чап ва ўнг) юрак бўлмачаси ва иккита юрак қоринчасидан

иборат. Юракни кучли мускуллашган деворининг бир меъёрда сиқилиши натижасида қон аорта қон томири бўйлаб барча органларга тарқалади. Ҳайвонларнинг юрак уриши кўпинча қобирғаларга яқин жойлашганлиги учун маҳсус аппарат ёрдамида эшитилади. Юрак асосан уч қаватдан иборат. Устки қавати эпикард деб аталувчи юпқароқ бўлса, ўрта қавати — миокард ҳисобланниб у кучли мускул тўқимасидан ташкил топган. Ички қавати эса эндокард деб аталади.

Юрак чап қоринчасининг миокард қабати чап қоринчасиникига кўра бир мунча йўрон ва кучли ҳисобланади. Масалан, у отларда 4—4,5 см ва 1—1,5 см бўлади. Бунга асосий сабаб чап қоринчадан қонни катта куч билан чиқариш натижаси ҳисобланади.

Юракда эндокард бурмаларидан ташкил топган тўрт хил **клапанлар** бўлиб, улар қонни фақат бир томонга йўналтиришда муҳим вазифа бажаради. Юрак **перикард** деб аталувчи қопчиқ (халта) билан ўралган бўлади. Перикард юрак қон томирлари ва боғлаичлар ёрдамида кўкрак қисмидаги умиртқа пороналарига ва кўкрак парда (диафрагма)сига бириккан ҳолда бўлади.

**Лимфа системаси.** Лимфа системаси вена қон томирлар билан боғлиқ ҳолда қон томирлар системасини бир қисмини ташкил этади. Лимфатик томирлар қон томирлар каби ўз клапанларига эга бўлиб, улар қонни бир томонга қараб ҳаракат қилишда муҳим вазифа бажаради. Лимфа томирлари овалсимон, кулранг-пушти рангли лимфа тутунчаларига бириккан бўлади. Бундай тутунчалар миқдори қорамолларда 300 тагача, чўчқаларда 190, отларда эса 8000 атрофида бўлади. Ҳайвонларнинг ингичка ва йўрон ичакнинг ички шиллиқ қавати деворларида, нафас олиш органларида, ҳам майдо лимфа тутунчалари учрайди. Лимфа тутунчалари тана органларининг юза ва ички қисмларига ҳам жойлашган бўлади.

**Қон шакли элементларини ҳосил қилаувчи органлар.** Бу органлар асосан йирик ҳайвонларда қизил рангли суюк кўмиги, талоқ (қора жигар) лимфа тутунчалари ҳисобланса, эмбрионларда жигар ҳам шундай вазифа бажаради.

Қон таркибидағи шакли элементлар ҳамма вақт узлуксиз янгиланиб туради. Найсимон суюкнинг қизил мағзи унинг кўмик қисмига жойлашган. Бу ерда эритроцитлардан ташқари, гемоцитобластлар ва бошқа тур ҳужайра шакли элементлар ва донадор лейко-

цитлар вужудга келади. Гемоцитобластлар етилган лейкоцитларни чала шакланган ҳужайраси деган маълумотлар мавжуд. Шунингдек, эритроцитлар ва мегакариоцитлар ҳам шундай келиб чиқиши адабиётларда кўрсатилган. Булардан ташқари, ниҳоятда йирик «гигант» ҳужайралар ҳам қон таркибида учраб туради. Бу ҳужайралар асосан қон пластинкаларидан вужудга келган деган тахминлар бор.

**Талоқ.** У қорамолларда узунчоқ, бироз юпқа, овал шаклида учрайди. Уни ранги кулранг-кўкимтири, баъзан буқаларда қизғиши-жигарранг бўлади. У ошқозонни чап томонига жойлашган.

**Айрисимон без.** Бу без икки бўлим (кўкрак ва бўйин қисми)дан иборат. У тўшнинг орқасида перикард ва йирик қон томирлар юқорисида жойлашган. У ўнг ва чап қисмлардан ташкил топган бўлиб, назни ўртача 25—30 г атрофидаидир. Бу без бир вақтни ўзида гормон ҳам ишлаб чиқаради ва бу гормон ёш ҳайвонларнинг жадал ўсиши ва ривожланишини тезлаштиради. Бу без таркибида лейкоцитларнинг етилиши ва ҳимоя вазифасини бажаришга қодир бўлиши аниқланган.

**Тимус ёки бўқоқ бези.** Бу тоқ орган бўлиб, вилкасимон кўринишга эта. У эмбрионларда жуда эрта вужудга келади. Лекин ҳайвон жинсий балогатга етгач, у ўз кучини йўқотаборади. У йирик молларда мой тўқимасига айланади. У ёш ҳайвонларда кўкрак қисмида тоқ ҳолда ва бўйин қисмida жуфт ҳолда учрайди ва у трахея бўйлаб биринчи қобиргагача давом этади. Бу безда қоннинг айрим шакли элеменлари вужудга келиши билан бирга у эндокрин бези вазифасини ҳам бажаради. Аниқроғи, у «тимозин» гормонини ва организмда углевод, кальций алмашинувини бошқаради. Бундан ташқари биологик фаол модда сифатида ёш ҳайвонларни жадал ўсишига ва ривожланишига имкон беради.

#### **Назорат саволлари:**

1. Юрак ва қон айланиш органлар системасига тушунча беринг.
2. Қон айланиш органлари тўғрисида нималарни биласиз? 3. Юракни анатомик тузилишини тушунтириб беринг.
4. Лимфа системасини тушунтириб беринг.
5. Қон шаклий элементларини ҳосил қилувчи органлар тўғрисида нималарни биласиз?

## **НЕРВ СИСТЕМАСИ**

Организм — ягона бир бутун система бўлиб, унинг барча органлари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ва

алоқада бўлади. Организм билан ташқи муҳит алоқадорлигини нерв системаси бошқаради. Шунингдек, нерв системаси туфайли организм ва ундаги орган ва тўки-маларни ташқи ва ички муҳит таъсирига жавоби, мосланиш хусусияти, юз берадиган айрим ўзгаришлар ҳам нерв системасини ёрдамида ва бошқариши асосида амалга ошади. Юқорида кўрсатилган барча жараёнларда нерв системасини шаклий ва ташкилий бирлиги нейронлар ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Турли хилдаги ички ва ташқи муҳит таъсиirlарини қабул қилиш ва унга жавоб қайтариш организмни ниҳоят мураккаб биологик реакцияси ҳисобланиб, унга рефлекторлик хусусияти, ёки рефлекс ҳодисаси дейилади. Барча рефлекторлик реакцияларида нейронлар фаол қатнашади ва улар рефлекторлик дугасини ташкил қиласди.


Нерв системасини бирнече бўлимларга бўлган ҳолда ўрганиш ва кузатиш ишларини олиб бориш қабул қилинган. Топографик нуқтаи назардан у **марказий ва периферик бўлимларга**, функционал (вазифа бажриш) белгилари бўйича **соматик ва вегетатив бўлимларга** бўлинади.

Марказий бўлим ёки марказий нерв системаси асосан бош мия ва орқа (яъни умуртқа каналига жойлашган) миядан ташкил топган.

Периферик нерв системаси сезувчи ва қўзғотувчи нерв толаларидан иборат барча нервларни ўз ичига олади. Соматик нерв системаси — **бош мия** ва **орқа** миядан тарқалган, марказий нерв системасига ташқи муҳит қаршиликларини етказиб берадиган, шу жумладан, ҳаракат аппарати, ҳамда тери қатламини таъсиrlаниш хусусиятларини ҳам етказиб берадиган қисми ҳисобланади. Вегетатив нерв системаси барча ички органлар, безлар, қон томирлар, мускуллар фаолиятини ва таъсиrlанишини марказий нерв системаси билан боғлайди. Вегетатив нерв системаси симпатик ва парасимпатик нерв системасига бўлинади (13-расм).

### **Марказий нерв системаси**

Марказий нерв системаси бош ва орқа миядан ташкил топганлиги юқорида қайд қилиб ўтилган. Лекин, бош мия билан орқа мия орасида айрим нисбий кўрсатгичлар мавжуд. Жумладан, ҳайвонларнинг ўсиши ва ривожланиши натижасида орқа мия вазнига кўра бош мия жадалроқ ўсади ва йил сайин оғирлашиб боради.



13-расм. Қорамоллар вегетатив нерв системасининг схематик тузилиши (чапда-вегетатив бўлимнинг орқа мия билан боғлиқлиги кўрсатилган):

1 — бош мия, 2 — ўрта ва узунчоқ миянинг парасимпатик маркази, 3 — адашган нерв, 4 — орқа мия, 5 — орқа миянинг симпатик маркази, 6 — катта ички нерв, 7 — нурсимон бирлашманинг ярим ой шаклидаги тутунчаси, 8 — кўкрак гугуни, 9 — кичик ички нерв, 10 — симпатик нерв чигали, 11 — ичак туткич пардаси билан бирлашган нерв, 12 — чрев ости нерв чигали, 13 — думғаза нервнинг парасимпатик маркази, 14 — тос нерви, 15 — корин ости нерв чигалининг тутунчаси, 16 — тухумдан ва бачадон нерв чигали, 17 — ички органлар нерв чигали, 18 — ошқозондаги нерв толалчалари, 19 — сайёр (адашган) нервнинг кўкракдаги қисми, 20 — қайтарма [ёки қўзидиган] нерв, 21 — юрақдаги нерв толалари, 22 — адашган нерв толаларининг юрақдаги қисми, 23 — юрақдаги симпатик нерв толалари, 24 — ўтқадаги симпатик нерв толалари, 25 — колдузсимон ёки бўйин-кўкрак нерв тутунчаси, 26 — бўйиндаги ўрта нерв тутуни, 27 — адашган нервнинг бўйин қисмидаги толалари, 28 — симпатик нерв тутунчасининг краниаль бўлаги, а — преганглионар нерв толаси, б — посттанглионар нерв толаси.

Масалан, паррандаларда бош мия, орқа мияга кўра 1,5—2,5 марта, туёқлиларда 2,5—3 марта, йиртқичларда 3,5—5 марта ва маймунларда 8—15 марта ортиб борар экан.

**Орқа мия.** Орқа мия умуртқа каналига жойлашган бўлиб, уч қават пўст билан ўралган. Орқа мия энса суюгининг катта тешигидан бошланиб, 1—2 бел умуртқаларида конус шаклида якунланади. У умуртқа каналининг 2/3 ҳажмини эгаллади. Унинг узунлиги қорамолларда 1,8—2,3 м, саломоги 250—300 г бўлса, чўчқаларда бу кўрсатгич 45—70 г ни ташкил этади. Орқа мия билан бош мия ўртасида аниқ чегара бўлмайди. Лекин бу чегара атлант умуртқасидан бошланиши қабул қилинган.

Орқа мия — бўйин, кўкрак, елка, думғаза ва дум қисмларга бўлинади. Орқа миянинг ўрта кесигини од-

дий кўз билан қаралганда унда оқ ва кулранг модда борлигини аниқлаш мумкин. **Кулранг модда** — «Н» ёки учайттан капалак қанотини эслатади. Унинг ўртасида кичик тешикча борлигини кўриш мумкин. У орқа миянинг марказий канали ҳисобланади. **Оқ модда** — орқа мияни айрим қисмларида кулранг модда миқдорига кўра салмоқди бўлади. У асосан миелин нерв толаларидан ва нейроглиялардан ташкил топган.

Юзароқ қисмларга жойлашган нерв толалари бирлашиб **афферент** (сезги) ва **эфферент** (ҳаракатланувчи) нерв йўлини ташкил этади ва, шу тариқа, орқа мия бош мия билан боғлиқ ҳолда бўлади.

**Бош мия.** Бош мия — мия қутисига жойлашган. Унинг вазни турли хил ҳайвонларда турлича бўлиши аниқланган. Масалан, отларда 370—600 г, қорамолларда 220—450 г, қўй ва чўчқаларда 96—150 г бўлади. Ёш ҳайвонларда бош мия тана салморига нисбатан каттароқ, бўлиши аниқланган. Умуман, катта ёшли туёкли ҳайвонларда бош миянинг оғирлиги тана вазнининг 0,08—0,3% ташкил этади.

Бош мия бирқанча бўлимларга бўлинади. Жумладан, ромб — шаклидаги мия, узунчоқ мия, орқа мия (мияча — можечок), катта мия, ўрта мия, оралиқ мия, охирги мия кабилардан ташкил топган. Ромб шаклидаги мия узунчоқ ва орқа миядан ҳамда тўртламчи мия қоринчасидан иборат.

**Узунчоқ мия** — бош миянинг энг охирги қисми ҳисобланади. Унинг вазни бош миянинг 10—11%ни ташкил этади. Уни узуналиги қорамолларда 4,5 см, қўйларда 3,7 см ва чўчқаларда 2 см атрофида. Унинг шакли конуссимон бўлади.

**Орқа мия** — мозжечок ва мия кўприкчасидан иборат. Мия кўприкчаси узунчоқ мияни олд қисмида бўлиб, у қорамолларда 3,5 см, қўйларда 2,5 см ва чўчқаларда 1,8 см бўлади. Мозжечок, кўприкча устига жойлашган бўлиб, узунчоқ мия ва тўртламчи мия қоринчаси оралиғида бўлиб, тўрт бўртма орқасига жойлашган. У олд томондан бош мия билан чегарадошdir.

Мозжечок, бош мияни 10—11%ни ташкил этади. У қўй ва чўчқаларда 4—4,5 см, қорамолларда 5,6—6,4 см бўлиб юмолоқ шаклда учрайди. Бу орган ҳаракат вақтида тана мувозанатини сақлаш, мускуллар фоалиятини меъёр даражада бўлишида муҳим аҳамиятта эга.

**Катта мия** — оралиқ ва ўрта миядан иборат. **Ўрта мия** — тўрт бўртма, катта мия оёқчасидан ва улар

оралиғидаги йўлакчадан ташкил топган бўлиб, миянинг катта яримшарлари билан қоплангандир. У бош миянинг 5—6% га тенг бўлади.

**Тўрт бўртма** — ўрта мияни уст томонидан ёпқич (криша) вазифасини бажаради. Унда ҳайвоннинг кўриш ва эшитиш маркази жойлашган бўлади.

Бош мия оёқчалари — ўрта миянинг остки бўлагини ташкил қилади.

**Оралиқ мия** — кўриш бўртмаси — таламус, бўртма усти — эпиталамус, ва бўртма ости — гипоталамусдан иборат. Оралиқ мия охирги ва ўрта мия оралиғига жойлашган. У бош миянинг 8—9%ини ташкил этади.

**Охирги мия** — иккита ярим шарлардан иборат кўндаланг тешикча қадоқли танаҷадан ташкил топган. У қорамолларда 250—300 г, қўй ва чўчқаларда 60—80 г бўлиб, бош миянинг 62—66% қисмига тенгdir. Бу мия таркибида ҳид сезиш маркази жойлашган.

**Турли ҳайвонларда бош мия хусусиятлари.** Юқорида қайд қилиб ўтилганидек, турли хил ҳайвонларда бош мия тури турли вазн ва шакл-формага эга. Масалан, чўчқаларда у тухум шаклида, тоза вазни 90—145 г. У ички йирик артерия маҳсулоти билан озиқланади. Отларни бош мияси бироз калта, лекин бўртмалари қорамолларнига нисбатан бирмунча йирик бўлади. Унинг оғирлиги ўртача 370—570 г атрофида. Унинг озиқлантириш асосан ички йирик артерия ва бўйин (гардан) артерияси ҳисобига амалга оширилади.

#### **Назорат саволлари:**

1. Ҳайвонларнинг нерв системаси қандай вазифа бажаради?
2. Марказий нерв системаси тўғрисида тушунча беринг. 3. Орқа ва бош мия тўғрисида нималарни биласиз? 4. Катта мия тўғрисида тушунча беринг. 5. Турли ҳайвонларда бош мия хусусиятларини тушунтириб беринг.

## **СЕЗГИ ОРГАНЛАРИ СИСТЕМАСИ**

### **(Анализаторлар)**

Ташқи муҳит таъсирлари ва ҳодисаларини сезиш ва уларни қабул қилиш борасида барча ҳайвонларда 5 хил сезги органлари фаоллик кўрсатади. Улар: **кўриш, эшитив, мувозанат, маза (таъм) билиш ва ҳид сезиш** органларидан иборат. Миянинг кулранг (пўстлоқ) қавати бир вақтни ўзида анализаторлик вазифасини ба-

жаради. У ички ва ташқи таъсиrlарни қабул қилиб, уларни анализ қилади.

Анализаторлар ниҳоятда мураккаб гистологик тузилишга эга. Ташқи мұхитдан келган таъсиrlарни экстрапрецепторлар қабул қилади. Ички органлардан таъсиrlарни интрапрецепторлар қабул қилади. Ҳаракат органларидан (мускул, пай, чандир ва бўғимлар)дан келган таъсиrlарни пропреорецепторлар қабул қилиши аниқланган.

**Кўриш органи.** Ёруғликни қабул қилувчи рецептор кўз ҳисобланади. Унинг тўр пардаси ниҳоятда мұхим қисмидир. Тўр пардадаги нейрон ўсимталар бирлашиб кўриш нерв толаларини ҳосил қилади. Кўзning ўрта ва ташқи пардалари механик ва трофиқ вазифасини ба-жаради. Ёруғлик нурлари кўзning **нурсиндирувчи** — кўзning мўгуз (шоҳ) пардаси, унинг кетидаги бўшлиқни тўлдириб турувчи суюқлик, кўз гавҳари, кўз соққаси бўшлиғи тўлдириб турувчи шишасимон тана орқали синиб, кўзning тўр пардасига тушади. Кўзning рангли пардаси ўртасидаги кўз корачиги орқали нур тўр пардага етарли миқдорда тушиб туришини таъминлайди. Рангли пардадаги силлиқ мускулларнинг қисқариши ва ёзилиши натижасида кўз корачиги тешигининг диаметри кенгайиб ва торайиб туради. Кўз гавҳари ҳар хил масофадаги нарсаларни кўришга ёрдам беради. Кўз соққаси атрофидаги мускуллар, кўз қовоқлари, киприклар, ёш чиқарувчи безлар ва уларнинг чиқарув началари кўзning ёрдамчи аппаратлари ҳисобланади.

**Эши туя ва мувозанат органлари.** Қулоқ — эши туя ва мувозанат рецептори ҳисобланади. Турли хил товушлар таъсиридан бу органлардаги суюқлик титраиди. Бунинг натижасида сезув ҳужайраларининг маҳсус тукчалари тебранади ва таъсиrlанади.

Ташқи қулоқ — жунли тери билан қопланган ва эластик тогайдан тузилган бўлади. Сиртқи эшитиш йўли ич томонидан, қулоқ супрасидагидек тери билан қопланган. Унда қулоқ кири ишлаб чиқарувчи ўзгарган тер безлари ва мой безлари бўлади. Эшитиш йўлининг асоси эластик тогайдан иборат найдан тузилган.

Ўрта қулоқ — ногора парданинг ич томони бир қават кубсимон ва яssi (призматик) эпителий билан ўралган шиллик парда билан қопланган. Ўрта қулоқда тебранувчи эпителийлар жойлашган.

**Ички қулоқ.** Эшитиш ва мувозанат органлари. Мувозанат органи, яъни ярим доира ка-

налларнинг асослари ампуласимон кенгайган бўлади. Мувозанат органи таянч ва сезувчи маҳсус ҳужайралар билан ўралган. Таянч ҳужайралар орасида сезувчи ҳужайралар жойлашади. Ампула ичидаги бириткирувчи тўқимадан иборат пардада жуда кўп мизелини инерв толалари бўлади. Нерв толаларининг шохчалари эпителий ва сезувчи ҳужайраларга бориб тармашади. Агар мувозанат ўзгарса, ярим доира канали ичидаги эндолимфа қимиirlайди. Натижада ҳамма сезувчи ҳужайраларнинг киприкчалари тебранади. Бу ҳодиса нерв импульсларининг келиб чиқишига сабабчи бўлади. Шу усуlda ҳаракатни тез ва секинлиги ва ҳ. к. сезилади.

Ҳид сезиш органи — ҳид сезувчи эпителлярдан иборат бўлиб, унда таянч ва сезувчи ҳужайралар жойлашган. Унда булавкасимон ўсимталар бўлиб, у таъсир сезиш ҳусусиятига эга. Уни қарама-қарши томонида ҳид сезиш нейронлар жойлашган. У ўз таъсирини бош мия пўстлогига узатади.

Маза (таъм) сезиш органи — пиёзсимон шаклдаги ҳужайралардан ташкил топган. Нейрон рецепторларини уч қисми шу ерга бориб тақалади. Унинг тана қисми тил—ҳиқилдоқ ва лунж нервлари билан бирлашган ҳолда учрайди.

Сезиш органи — асосан тери қатламидаги эркин ва эркин бўлмаган реценторлардан ташкил топган. Улар тери қатламига ташки мухитдан бўлган исик, совук ва ҳ. к. таъсирларни марказий нерв системасига етказади ва шу туфайли сезиш қобилияти амалга ошади.

#### **Назорат саволлари:**

1. Сезги органлар системаси (анализаторлар) тўғрисида тушунча беринг. 2. Кўриш органи қандай тузилган? 3. Эшигув органи қандай тузилган? 4. Ҳид сезиш органи қандай тузилган? 5. Маза (таъм) сезиш органи тўғрисида нималарни биласиз?

#### **Паррандаларнинг анатомик тузилиши**

Қишлоқ ҳўжалик паррандалари асосан: товук, курка, гоз, ўрдак, цесарка, каптар ва беданалар ҳисобланади. Паррандалар анатомик тузилиши жиҳатидан кўпроқ сут эмизувчиларга ўхшаб кетади. Эволюцион тараққиёт натижасида паррандаларда уча олиш қобилияти вужудга келган.

**Скелет.** Паррандалар скелети улар вазнини 9—12% ни ташкил этади. Суяклари енгили, ички қисмида ҳаво

бўлади. Парранда скелети сут эмизувчиларники каби тана ва оёқ қисмларга бўлинади. Бўйин қисми узунлашган бўлади. Биринчи бўйин умуртқаси шарсимон шаклда бўлиб, бўйин ва бошнинг эркин ҳолда ҳаракат қилиш имконини беради. Кўкрак қисмидаги умуртқалар турли паррандаларда турлича бўлади (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Турли паррандаларда умуртқалар сони

Парранда тури:	С к е л е т   б ў л и м л а р и :				
	Бўйин	Кўкрак	Бел	Думғаза	Дум
Товуқ	15	7	3	5	11
Урдак	46	10	2	5	11
Фоз	18	10	2	5	13

Паррандаларда 4—6 дум умуртқалари бирлашиб бир пигостиль деб номланувчи яхлит суюкни ташкил қиласди.

**Қобирға суюклари.** Сон жиҳатдан кўкрак умуртқаларига тўғри келади. Қобирғаларнинг уч қисми кўкрак суюгига бирлашган. Кўкрак суюги — яхши ривожланган. Унга кучли мускуллар жойлашган бўлиб, учиш учун қулайлик яратади. Кўкрак суюгининг ўрта қисмida узунасига йўналган тож суюги (киль) бўлади. Унинг узунилиги мускул тўқималарини катталигига боғлиқдир.

Бош суюги енгил бўлиб, унда мия ва юз бўлаклари яхши ифодаланган. Паррандаларда тиш бўлмайди.

Оёқ суюклари уч қисм (елка, елка олди ва бармоқлар) дан иборат. Елка суюклари ичида ҳаво бўлади.

Тос суюклари — тос камари ва эркин ҳолда ҳаракатланувчи оёқларидан ташкил топган.

**Мускулатура.** Паррандаларнинг асосий мускуллари худди сут эмизувчиларнига ўхшаш бўлади. Лекин, айрим фарқлар содир бўлган. Масалан, мускуллар асосан майда толали кўндаланг тарғиб мускуллардан ташкил топган. Уларда бириктирувчи тўқима ниҳоятда оз бўлади. Сувда сузувлари паррандалар мускуллари асосан қизил рангда бўлади. Бунга сабаб улар таркибида миоглобин моддаси кўп бўлиши ҳисобланади. Товуқ ва куркалар мускулатураси бироз қизғиш бўлиши билан бирга кўкрагида ва қанот мускуллари

оқ рангда бўлади. Умуман, мускулатура улар вазнининг 45—50%ини ташкил қиласи.


Умуртқа поронасида мускуллар (бўйин қисмини хисобга олмагандан) суст тараққий этган. Лекин, тос қисмига бирлашган сон мускуллари яхши ривожланган. Унда кўплаб пайлар ҳам учрайди.

**Тери ва унинг мағсули.** Паррандалар териси юпқа бўлиб унда тер ва мой безлари бўлмайди. Лекин ҳамма турининг дум қисмида яхши ривожланган дум, мой бези бўлади. Сузувчи паррандалар ўз танасини шу без суюқлиги билан мойлаб туради. Натижада уларниг танаси сувда бўкиб қолмайди. Паррандаларнинг териси кўп микдорда пар ва патлар билан қопланган. Улар орасида тивитсимон момик парлар, учишга ёрдам берувчи патлар ва контур, қопловчи ва учишни бошқарувчи патлари ҳам бўлади.

Паррандаларнинг барча хусусиятларига кўра уларни жинсини аниқлаш мумкин (14-расм).

**Овқат ҳазм қилиш системаси** (14-расм). Уларниг ичаги калта, тана узунлигидан товуқларда 6 марта, ўрдакларда 4 марта кўпроқ бўлади. Уларда шохсимон моддадан ташкил топган тумшук бўлади. Жағлар бўлмайди. Сўлак бези суст ривожланган. Тили тумшук шаклидадир.

Кизил ўнгач узун бўлиб, кўкрак қафаси чегарасида у жигилдон ҳосил қиласи. Жигилдон ўрдак ва гозларда суст ривожланган. Унинг деворида кўп микдорда шиллиқ безлари бўлиб, у истеъмол қилган озиғини намлаш вазифасини бажаради. Озиқ жигилдондан мускулли ошқозонга ўтади. Ошқозонга без суюқликлари қуйилади. Ошқозонни шиллиқ қавати ажраплиб чиқадиган модда ош-



14-расм. Товуқнинг анатомик тузилиши:

- 1 — йирик асосий бронхиси,
- 2 — ўпка, 3 — кўр ичак, 4 — тухумдон, 5 — буйраги, 6 — тухум йўли,
- 7 — клоака, 8 — тўури ичак,
- 9 — брижейка, 10 — ингичка ичак,
- 11 — ўн икки бармоқли ичак,
- 12 — ошқозон ости бези, 13 — мускулли ошқозон, 14 — жигар, 15 — тавлок,
- 16 — ўт пулфаги, 17 — безли ошқозон, 18 — юрак, 19 — жигилдон, 20 — трахея, 21 — қизилўнгач, 22 — юкори ҳижидоқ.

қозонни ички қаватини қаттиқлаштиради ва кутикулага айлантиради. Ошқозон девори мускуллар ҳисобига қалин бўлади. Унинг сиқилиб-кенгайиши натижасида овқат механик усула ишланади. Ошқозондан ўн икки бармоқли ичак давом этади.

Ичаклар — ингичка ва йўғон бўлимлардан ташкил топган.

**Жигар** — тўқ-жигарранг ва йирик бўлади. У икки бўлимдан иборат бўлиб, ўнг бўлимига ўт пуфаги бирлашгандир. Клоака — тўғри ичакнинг кенгайган қисми бўлиб, у уч бўлимдан иборат. Ўрта бўлимида сийдик тешиги жойлашган.

**Нафас олиш органлари** — сут эмизувчиларнидан тубдан фарқ қиласди. Уларнинг бурун бўшлиғида тоғайли қисми бўлади. Бурун тешиги бурун клапанлари билан бекилиш хусусиятига эга. Ҳиқилдоқ — учта тоғайдан ташкил топган. Овоз берувчи боғлайичлар редуциялашган. Бинобарин, сайровчи паррандаларда сайраш ҳиқилдори бўлиб, у кўкрак бўшлиғига, трахеяни иккига бўлинган қисмига жойлашган.

Ўпкаси кичик бўлса да, уларда 9 та ҳаво қопчиқлари яхши ривожланган бўлади. Улар нафас олишда муҳим вазифа бажаради.

**Айриш органи** — асосан буйрак ва сийдик йўлидан иборат. Буйракнинг ранги қизил-пушти бўлади.

**Кўпайиш органи.** Эркак паррандаларни жинсий органи бир жуфт уруғдон ва уруғ йўли (канали)дан иборат. Эркак ғоз ва ўрдақда клоаканинг шиллиқ қавати бўртма ҳосил қилиб, у кўшилув ўсимтаси вазифасини бажаради. Лекин, хўroz ва эркак куркада бундай ўсимта бўлмайди.

**Уруғдон** оваль шаклда бўлиб, у қорин бўшлиғига жойлашган.

**Тухумдон** асосан чап тухумдон ва чап тухум йўлидан иборат. Тухумдон танани ўрта кесигидан чап томонда, буйрак яқинида жойлашган. Товуқларнинг тухумдонида 3500 атрофида турли катталикдаги овоцитлар бўлиши аниқланган.

**Қон айланиш ва лимфатик система.** Катта қон айланиш доираси ўнг юрак бўлмачасида якунланади. Лимфатик системаси асосан томирлардан иборат. Лимфа тутунчалари бўлмайди. Лекин сузувлари паррандаларда бўлиши аниқланган.

**Талоқ** — юмалоқ, шарсимон, қизил рангда бўлади. У ошқозонга яқин жойлашган.

**Ички секреция безлари.** Гипофиз кичик җажмга зга. Эпифиз орқа мия ёнига жойлашган. Қалқонсимон без кўкрак қисмида бўлади. Буйрак усти бези бир жуфт бўлиб, тўқ жигарранг кўринишга зга.

**Нерв системаси.** Бу система сут эмизувчиларни-кига кўра бирмунча содда ривожланган. Бош мия кичик җажмда, майда яримшарлардан иборат ва улар силлиқ кўринишга зга.

Ҳид сезиш органи суст ривожланган. Лекин кўриш органи яхши тарақкий этган.

Эшитиш органи ўрта ва кичик қулоқдан ташкил топган. Бошқа органлари сут эмизувчи ҳайвонларни-кига ўхшаш бўлади.

#### **Назорат саволлари:**

1. Парраңдаларнинг анатомик тузилиши тўғрисида тушинча беринг. 2. Парраңдаларнинг скелети, мускулатураси ва нафас олиш органлари қандай тузилган? 3. Кўпайиш, қон айланиш ва нерв системаси қандай тузилишга зга эканлигини тушунтириб беринг.

### **Кўриб ўтилган барча мавзулар бўйича лаборатория ишлари**

#### **Лаборатория иши**

##### **Ҳайвон скелетининг асосий қисмлари билан танишиш**

**Асосий мақсад.** Лаборатория машрулотида талабалар қорамол мисолида скелет системасини, кузатув ва тажрибалар асосида ўрганиб олишдан иборат.

**Керакли кўргазма воситалари.** Сигир скелетининг схематик тузилиши. У ушбу китобнинг 14-бетида ўз ифодасини топган. Шунингдек, ҳайвонларнинг анатомик тузилишига доир кўргазма восита (альбом, плакат, схема ва х. к.) лардан фойдаланиш тавсия этилади.

**Топшириқ.** Талабалар ўз дафтар ёки альбомларига сигир скелети расмини ишлаб оладилар. Бунда скелетнинг ҳар бир қисми ўз ифодасини топиши лозим.

#### **Лаборатория иши**

##### **Ҳайвонлар терисининг гистологик тузилиши**

**Асосий мақсад.** Ҳайвон терисини гистологик тузилиш билан танишиш. Тери қабатлари, ундаги жун илдизлари, қон томирлар, тер ва мой безлари тўғрисида малака ҳосил қилиш.

**Керакли кўргазма воситалари.** Қорамол терисининг гистологик тузилиш ушбу китобнинг 17-бетида ўз ифодасини топган.

**Топшириқ.** Расмда ифодаланған ушбу терини гистологик тузилишини барча талабалар ўз дафтarlарига рангли қаламлар ёрдамида масъулият билан чизиб олишлари лозим.

### **Лаборатория иши**

#### **Ҳайвон елинининг анатомик тузилиши**

**Асосий мақсад.** Ҳайвонлар елинининг анатомик тузилиши билан танишиш.

**Керакли күргазма воситалари.** Сигир елинининг анатомик тузилиши ушбу китобнинг 19-бетида күрсатилған. Ундан ва бошқа маълумот (күргазма воситалар)лардан фойдаланиш мумкин.

**Топшириқ.** Расмда күрсатилған елинининг анатомик ва гистологик ифодасини барча талабалар рангли қалам ёрдамида ишлаб олишлари талаб этилади.

### **Лаборатория иши**

#### **Ҳайвонларнинг овқат ҳазм қилиш органлари системаси**

**Асосий мақсад.** Ҳайвонларнинг овқат ҳазм қилиш органлари тизимидағи барча қисмлари билан танишиш ва шу борада малака ҳосил қилиш.

**Керакли күргазма воситалари.** Ҳайвонларнинг овқат ҳазм қилиш органлари тизими ушбу китобнинг 22-бетларида тавсия этилған. Ундан ва бошқа мавжуд адабиётлардан фойдаланиш мумкин.

**Топшириқ.** Талабалар ҳавола қилинған иккала расмдан биттасини масъулият билан ўз дафтarlарига ишлаб оладилар ва бу борада етарли малакага зга бўладилар.

### **Лаборатория иши**

#### **Нафас олиш органлар системасининг тузилиши билиш танишиш**

**Асосий мақсад.** Ҳайвонларда нафас олиш органли системаси тузилишининг барча хусусиятлари тўғрисида тўла тушунча ҳосил қилиш.

**Керакли күргазма воситалари.** Ҳайвонларнинг нафас олиш органлар системасининг тузилиши ушбу китобнинг 26-бетида ўз ифодасини топган. Бинобарин, ушбу расмни ва имкони бўлса қўшимча адабиёт маълумотларидан фойдаланган ҳолда улар тўғрисида малака ҳосил қилиш мумкин.

**Топшириқ.** Барча талабалар ушбу расмни рангли қаламлар ёрдамида ўз дафтarlарига ишлаб оладилар.

## **Лаборатория иши**

### **Айириш органлар системасининг анатомик тузилиши билан танишиш**

**Асосий мақсад.** Ҳайвонларни айириш органлари системаси тузилиши билан танишиш ва бу борада малака ҳосил қилиш.

**Керакли күргазма воситалари.** Ҳайвонларни айириш органлари системасининг анатомик тузилиши ушбу китобнинг 28-бетида акс эттирилган. Имкони бўлса қўшимча адабиётлардан фойдаланиш тавсия этилади.

**Топшириқ.** Ҳайвонларнинг айириш органлари системасининг анатомик тузилиши барча талабалар томонидан дафтарларига рангли қаламлар ёрдамида ишлаб олинади ва бу борада ўз билимларини бойитиш талаб этилади.

## **Лаборатория иши**

### **Эндокрин системаси (ички секреция безлари) тузилиши билан танишиш**

**Асосий мақсад.** Ҳайвонларнинг эндокрин — ички секреция безлари тананинг қаерларига ва қандай жойлашганиги тўғрисида малака ҳосил қилиш.

**Керакли күргазма воситалари.** Эндокрин системаси ушбу китобнинг 34-бетида ўз ифодасини топган.

**Топшириқ.** Ҳайвонларни эндокрин системаси рангли қаламлар ёрдамида барча талабалар ўз дафтарларига ишлаб оладилар ва бу борада малака ҳосил қиласдилар.

## **Лаборатория иши**

### **Юрак ва қон айланиш органлар системаси тузилиши билан танишиш**

**Асосий мақсад.** Ҳайвонлар юрагининг анатомик тузилиши билан танишиш ва бу борада малака ҳосил қилиш.

**Керакли күргазма воситалари.** Ҳайвон юрагининг анатомик тузилиши ушбу китобнинг 38-бетида акс этдирилган.

**Топшириқ.** Барча талабалар ушбу расмни рангли қаламлар ёрдамида ўз дафтарларига ишлаб олишлари талаб этилади. Бу борада талабалар етарли даражада маълумотта эга бўлишлари талаб этилади.

## **Лаборатория иши**

### **Ҳайвонларнинг нерв (асаб) системаси билан танишиш**

**Асосий мақсад.** Ҳайвонларнинг нерв системасининг тузилиши билан танишиш ва бу борада етарли малака ҳосил қилиш.

**Керакли күргазма воситалари.** Ҳайвонларнинг (қора-

мол мисолида) вегетатив нерв системаси ушбу китобнинг 41-бетида кўрсатилган.

**Топшириқ.** Ҳайвонларни вегетатив нерв системасининг жойланиши ва тузилиш тўғрисида барча талабалар малака ҳосил қиласидар ва ушбу расмни ўз дафтарларига чизиб оладилар.

### **Лаборатория иши**

#### **Паррандалар танасининг анатомик тузилиши билан танишимиш**

**Асосий мақсад.** Паррандалар танасининг анатомик тузилиши тўғрисида етарли даражада малака ҳосил қилишдан иборат.

**Керакли кўргазма воситалари.** Паррандаларнинг тана тузилиши ва ички органларини жойланиши тўғрисида кўнким ҳосил қилиш борасида ушбу китобнинг 47-бетида товук мисолида расм берилган.

**Топшириқ.** Талабалар ушбу расмни рангли қаламлар ёрдамида тушинарли қилиб чизиб олишлари талаб этилади ва бу борада улар маълум даражада малакага эга бўлишлари лозим.

## **II. Б О Б. ЧОРВАЧИЛИКДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ЕМ-ХАШАК ТУРЛАРИ, УЛАРНИНГ КИМЁВИЙ ТАРКИБИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ**

Барча турдаги чорва моллари ва паррандаларини маълум мақсад асосида тўғри боқиш уларнинг жадал ўсиши ва яхши ривожланиш имконини беради, шу билан бирга, маҳсулдорлигини кескин оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Ем-хашакнинг кимёвий таркибига кўра тўла қимматли ва тўйимли турлари билан боқиш ҳайвонларни тўғри озиқлантириш дейилади. **Физиологик жиҳатдан тўла қимматли** деганда, ҳайвонларнинг физиологик ҳолати (бўйозлиги, соғиш даври, сутдан чиқарилганилиги, маълум мақсад асосида боқилиши ва ҳ. к.)га кўра ва уларнинг ёши, вазни, жинси, маҳсулдорлик даражасини ҳисобга олган ҳолда озиқ миқдорига бўлган эҳтиёжини тўла таъминлаш тушунилади.

Агар моллар сифатсиз ем-хашак билан нотўғри боқилса, уларнинг маҳсулдорлиги пасайиб кетади, соғлиги ёмонлашади, ёш моллар ўсиш ва ривожланишдан тўхтайди.

Тўла қимматли ем-хашаклар ҳайвон маҳсулдорлигини оширади, ўсиш ва ривожланишини тезлаш-

тиради, сергуштлигини яхшилайди, ҳамда соғлом ва йирик насл олиш имконини беради. Шундай қилиб, ҳайвон ва паррандаларга бериладиган ем-хашак уларнинг ўсиши, ривожланиши, урчиши ва кўпайиши ҳамда маҳсулдорлигини тобора оширишга қаратилган бўлиши керак.

**Ем-хашакнинг кимёвий таркиби, биологик қиммати ва тўйимлилиги.** Чорва моллари ва паррандаларини хилма-хил ем-хашак билан таъминлаш — улар таркибидағи кимёвий моддаларнинг микдори, тўйимлилиги ва биологик қиммати муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, бериладиган ем-хашакнинг таркиби турли хил фойдали кимёвий элементларга бой, сифати ва ҳазм бўлиш хусусияти қанча юқори бўлса, унинг самарадорлиги ҳам шунча юқори бўлади.

**Сув** — ҳар бир ҳайвон ва ўсимлик организмида ниҳоят муҳим вазифа бажаради. У организмда озиқ моддаларни бир жойдан иккинчи жойга етказишида воситачи бўлиши билан бирга, овқат ҳазм қилишда, тана ҳароратини бошқаришда, қолдиқ моддаларни ажратиб чиқаришда муҳим роль ўйнайди. Ем-хашак таркибида сув қанча кўп бўлса, унинг қиммати шунча паст бўлади. Илдизмевалар, кўк ўт, сут маҳсулотлари, пива заводи чиқиндилари (барда)да сув кўп бўлади.

**Куруқ моддалар** асосан минерал (кул) ва органик бирикмалардан иборат. Минерал моддалар бирикмалари организмда муҳим вазифа бажаради. Масалан, улар ҳужайраларнинг озиқ моддалар шимилишида ва ўзлаштиришида осматик босимини сақлашда ҳам муҳим вазифа бажаради.

**Минерал моддалар** иккита катта гурӯҳни (макро- ва микро-элементларни) ташкил этади. Макроэлементлар — кальций, фосфор, натрий, хлор, калий каби моддалардан ташкил топган. Микроэлементлар — темир, мис, марганец, кобальт, йод ва ҳ. к.лардан иборат. Бу моддалар ҳайвон организми учун ниҳоятда муҳимдир.

**Органик моддалар** азотли ва азотсиз моддалардан, ҳамда витаминалардан ташкил топган.

**Азотли моддалар,** яъни аралашмали протеин таркибида азот бўлган оқсилсиз бирикмалардан иборат амидлар ҳисобланади. Ем-хашак таркибида протеин турли микдорда бўлади. Масалан, дуккакли ўсимликлар поясида 15 фоиз, донида 25—30 фоиз, балиқ унида 50—60 фоиз атрофида бўлиши аниқланган.

Оқсил ҳайвонлар организмида жуда мұхим ақамиятта эга бўлиб ем-хашак таркибида турли миқдорда учрайди. Масалан, кунжара ва кукун кунжарада 30—45 фоиз, дуккакли ўсимликлар донида 25—30 фоиз бўлиши аниқланган.

**Азотсиз моддалар** ёғлар ва углеводлардан ташкил топган. Ўсимликлар таркибида ёғлар оз (0,1—6 фоиз) миқдорда учрайди. Лекин таркибида ёғ моддаси бўлган ўсимликлар донида ва унинг чиқиндилари (кунжара ва кукун кунжара)да у кўпроқ бўлади. Еғ ҳайвонлар организмида энергия манбай ҳисобланади.

Углеводлар — асосан клетчатка (целлюлоза) ва азотсиз экстрактив моддалардан ташкил топган. Уларнинг ичидә энг қимматли қанд ва крахмал ҳисобланади. Углеводлар ҳайвонлар организмида ёғ, гликоген, қон шакарига айланади. Углеводларнинг кимёвий ўзгариши натижасида иссиқлик энергияси ажralиб чиқади ва организмнинг ҳаракати учун сарфланади.

Клетчатка ўсимлик ҳужайраларининг пўсти ҳисобланади. Унинг ҳазм бўлиши ва организм томонидан ўзлаштирилиши анча мураккабдир. Бинобарин, ўсимликлар таркибида клетчатка қанча кўп бўлса, унинг озиқ қиймати шунча паст бўлади. Лекин барча турдаги ҳайвонлар (айниқса, кавш қайтарувчилар)нинг озиқ ҳазм қилиш жараёнида клетчатка салмоқли ўрин тутади. Қуруқ хашаклар таркибида клетчатка кўпроқ бўлади. Масалан, бошоқли ўсимликлар поясида 35—45 фоиз, пичанда 22—23 фоиз, донида 2—10 фоиз, илдизмеваларда 0,8—1,7 фоиз клетчатка бўлиши аниқланган.

**Азотсиз экстрактив моддалар** юқори даражада озиқлик қимматига эга бўлган крахмал ва қанд ҳисобланади. Крахмал картошка ва бошоқли ўсимликлар донида кўпроқ бўлади. Уларнинг поясида ва баргида оз (2 фоиз) бўлади. Қанд лавлагида (24 фоиз), маккажӯхори ва скжӯхори ҳамда полиз экинларида (қовун, қовоқ тарвуз ва ҳ. к.ларда) кўпроқ, сутда камроқ 3—5 фоиз бўлади.

**Витаминалар** ниҳоятда мұхим ақамиятта эга. Улар етишмаса, ҳайвон ориклияди, маҳсулдорлиги пасаяди ва турли касалликларга чалинади. Шунинг учун улар озигида витаминалар бўлишига алоҳида эътибор бериш лозим.

Ем-хашакнинг озиқлик қиймати таркиби мұхим ҳаётий элементларга бой бўлиши ва тез ҳазм бўлиш хусусияти билан белгиланади. Бунинг учун ем-хашак

махсус кимёвий лабораторияларида анализ қилинади. Ем-хашакнинг айримлари тез ҳазм бўлса, бошқалари суст ҳазм бўлади. Бинобарин, уларнинг кимёвий таркиби, ҳазм бўлиш хусусияти ва барча моддаларнинг организмга тўла сингишини асослаб бера олмайди. Шунинг учун ем-хашакнинг ҳазм бўлиши, ҳайвонлар организмда сингиши фоиз ҳисобида юритилади ва **коэффициент** даражасида белгиланади.

**Ем-хашакнинг ҳазм бўлиши коэффициенти** — организм томонидан сингдирилган (ҳазм қилинган) озиқ қисмининг истеъмол қилинган ем-хашакнинг умумий миқдорига бўлган нисбатидир. Ем-хашак қанча яхши ҳазм бўлса, у шунча қимматли ҳисобланади. Шу билан бирга, бир турдаги ем-хашакни барча ҳайвонлар ва паррандалар ҳар хил изчилликда ҳазм қиласи. Ем-хашакнинг ҳазм бўлишига бир қанча омиллар таъсир этади. Масалан, ҳайвон ва паррандаларнинг ёши, тури, вазни ва маҳсулот йўналиши шулар жумласига киради.

### **Ем-хашак турлари ва уларнинг хусусиятлари**

Ҳайвон ва паррандаларга, бериладиган барча турдаги ем-хашаклар асосан уч гурухга, яъни ўсимликлардан тайёрланган, ҳайвон ва паррандалардан олинадиган ҳамда минерал қўшимчаларга бўлинади. Уларнинг асосий турлари: кўк ўт, ҳашак (пичан, сомон), сенаж, силос, илдизмевалар, тегирмон ва озиқ-овқат саноати чиқиндиларидан иборат.

**Кўкат озиқлар.** Табиий ва сунъий холда ўстириладиган барча турдаги ўсимликлар кўкат озиқ ҳисобланади. Масалан, ҳар хил ўтлар, бошоқдош (арпа, сули, бүгдой) ва дуккақдош ўсимликлар (беда, нўхат, ловия) илдизмеваларнинг пояси, барги шулар жумласидандир. Бу озиқ турлари асосан баҳор, ёз ва куз ойларида чорва молларига кўпроқ берилади. Улар таркибида, сув, протеин, каротин, витаминалар (А, Д, Е, С) каби моддалар кўп бўлиши билан қимматлидир. Булар ҳайвонларнинг ўсиши, ривожланиши, семириши ва маҳсулдорлигига ижобий таъсир кўрсатади, (15-расм).

**Дарал озиқлар.** Дарал озиқлар асосан: пичан, сомон, тури хилдаги ўсимликларнинг (маккажўхори, гўзапоя, оқжўхори, кунгабоқар ва ҳоказоларнинг) пояси, сутаси ва чаноқларидан иборатdir. Мамлакатимизнинг барча миңтақаларида чорва молларини озиқлантиришда улардан кенг фойдаланилади.



15-расм. Ем-хашак тайёрлашда механизация воситаларидан фойдаланиш.

**Пичан** барча турдаги озиқлар ичида күпроқ ишлатылади. Айниқса, беда пичани от, қўй ва қорамоллар учун муҳим озиқ ҳисобланади. Унинг кимёвий таркиби бедани ўстириш жараёнида қўлланиладиган агротехника табдиirlарига шоналаш (гуллаш) вақтида ўриб олинишига, қуритиш ва сақлаш технологиясига боғлиқ бўлади. Бошқа турдаги барча ўсимликлар поясидан ҳам пичан тайёрланади.

Пичаннинг кимёвий таркиби унинг сифатига кўра турлича бўлади. Масалан, унинг таркиби 4—26 фоиз протеин, 3—7 фоиз ёғ, 20—35 фоиз клетчатка, 28—39 фоиз азотсиз экстрактив моддалар (АЭМ), 3—11 фоиз кулдан иборат. 1 кг сифатли беда пичанида 0,5 кг гача озиқ бирлиги бўлиши мумкин.

**Ўт (беда)** уни кўк ўтлардан, кўпроқ бедадан тайёрланади. Унинг 1 кг таркибида 170—200 г оқсили, 200—2500 мг каротин бўлади. Арадаш озиқ тайёрлашда у кўп ишлатилади.

Ўт уни одатда қофоз қолларда сақланади, арадаш озиқ тайёрлашда у кўп ишлатилади. У кўп жой эгалламайди. Лекин орадан 6—7 ой ўттач, унинг таркибидаги каротин камая беради. Ўт уни чўчқа ва паррандалар учун қўшимча витаминалли озиқ сифатида хизмат килали. Бузоқларга емга қўшиб бериш яхши натижаларга олиб келади. Умуман, ўт унининг 1 кг ида 0,7—0,8 г озиқ бирлиги, 80—130 г ҳазм бўладиган оқсили, 250 мг каротин бўлиши аниқланган.

**Сомон** ўз хусусияти билан бошқа ўсимлик турларидан ажралиб туради. Масалан, куэги жавдар сомони таркибида 35—45 фоиз клетчатка, бугдой сомонининг ҳар 100 кг ва 10—20 кг озиқ бирлиги ва 0,3 кг ҳазм бўладиган оқсил бўлиши аниқланган.

Бошоқли ўсимликлар сомони таркибида 4—5 фоиз, дуккакли ўсимликлар сомонида 6—7 фоиз протеин бўлади. Унинг таркибида яна оз миқдорда коротин, кальций ва фосфор каби моддалар ҳам бўлади. Бинобарин, сомоннинг тўйимлилиги паст, ҳазм бўлиши ҳам нисбатан қийинроқ бўлади.

**Ҳайвонот маҳсулотларидан тайёрланган озиқлар** — сут ва сут чиқиндилиари (сут зардоби, ёғи олинган сут), қушхона чиқитлари (қон уни, суяқ уни, гўшт уни) ва балиқ уни кабилардан ташкил топган. Улар юқори тўйимлилик даражасига эга бўлган озиқлар ҳисобланади.

**Серсув озиқлар** асосан илдизмевалар, картопка, хашиби полиз ўсимликлари, силос, сенаж, лавлаги турпи, барди ва кўк ўтлар киради. Кўк ўтни ҳисобламаганда, серсув озиқлар таркибида оқсил ва минерал моддалар оз бўлади. Улар орасида энг тўйимлилиги картошка тутунаги ҳисобланади. Чунки 1 кг картошка тутунаги ўртача 0,3 кг озиқ бирлигига тенг.

**Силос** — Республика вилоятларида асосан маккаждухори поясидан унинг думбуллик даврида ўриб олиб, маҳсус ўраларга майдалаб соглан ҳолда, зичлаб тайёрланади (*16-расм*). Сифатли силос ўзининг хушхўрлиги,



16-расм. Соатига 300 тонна силос массасини ўриб, майдалаб берувчи 60 от кучига эга бўлган комбайннинг умумий кўриниши.

аромат ҳиди (у иссиқ қора нон ҳидини эслатади), пархезлик хусусияти, мазаси ва тўйимлилиги билан бошқа тур ҳайвон озиқларидан ажралиб туради. Ҳар 100 кг сифатли силосда 28,9 озиқ бирлиги ва 1 кг силосда 9—12,5 г протеин бўлиши аниқланган. Сифатли силос барча турдаги чорва ҳайвонлари учун фойдали, ниҳоятда юксак самараадорликка олиб келувчи, хушбўй ва арzon озиқ ҳисобланади.

**Сенаж** — тайёрлаш технологияси рус олими А. Михин (1966) томонидан ишлаб чиқилган. Сенаж озиқбоп ўсимликларни (асосан беда ва бошқа дуккакли ва бошоқли ўсимликлардан) 45—55% намлиги қолгунча сўлитиб, уларни консерваланган ҳолда, майдалаб, зичлаб тайёрланади. У серсув ва хушбўй, сервитамишли озиқ ҳисобланади. У ўзининг тўйимлилиги, минерал моддаларга бойлиги, физик ва кимёвий хусусиятларига кўра пичан билан силоснинг ўртасида туради. Унинг номи ҳам шундан (пичан-силос ёки сенаж деб) келиб чиқкан.

Сенаж ўзининг таркибидаги ўсимликлар турига кўра унинг ҳар 1 кг да 0,4—0,5 озиқ бирлиги ва 60—65 г ҳазм бўлувчи протеин борлиги аниқланган. Бир суткада соғин сигирларга 20—25 кг, бузоқларга ёшига кўра 2—4—6—10 кг, қўйларга 3—4 кг, қўзиларга 1—2 кг сенаж бериш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

**Кучайтирилган (концентрат)** ем. Кимёвий таркибида кучайтирилган ем ниҳоятда тўйимли ва турли хил моддаларга бой бўлади. Ем таркибида сув ва клетчатка кам бўлади. Ўсимликлар дони ва донни қайта ишлашда ҳосил бўладиган чиқиндилар ҳам емга киради. 1 кг емнинг тўйимлилиги 1 озиқ бирлигига teng, баъзан ундан ҳам ортади.

Ўзбекистон шароитида қорамоллар учун арпа, маккажӯхори ва оқжӯхори емидан фойдаланилади. Емда фосфор кўп, кальций оз бўлади, шунингдек, 1 кг емда 78—80 г оқсили бўлади.

Кепак тўйимлилигига кўра дон ва ундан кейинда турса-да, унинг таркибида оқсили ва фосфор кўп бўлади.

Кунжара ва кукун кунжара таркибида оқсили кўп (1 кг да 300—370 г) бўлганлиги ва тўйимлилигига кўра моллар учун қимматлидир. Кунжара молларни тўқ тутади, сигирлар сутининг серқаймоқлигини оширади. Лекин унинг таркибида жуда оз миқдорда гос-си пол деб номланган заҳарли модда бўлади. Шунинг

учун кунжаранинг қуруқ ўзини молларга кўп миқдорда бериш зарарлидир. Концентрат озиқлардан фойдаланганда уларни қорамолларга аралаш (омихта) ем сифатида бериш фойдали ҳисобланади.

### **Ем-хашакни дастлабки қайта ишлаш**

Барча турдаги озиқларни молларга беришдан аввал қайта ишлаш талаб этилади. Серсув озиқларга ҳам алоҳида эътибор бериш, уларни молларга бериш олдидан қайта ишлаш муҳим аҳамиятта эта. Бунда қўлланиладиган энг асосий тадбирлар қўйидагилардан иборат: илдизмевалар ва картошка тутунаклари лойдан тозаланади, ювилади, чириган, сасиган қисмларидан холи қилинади, имкони бўлса, улар диаметри кўпи билан 3 см қилиб тўғралади. Акс ҳолда, нишхўрд кўпчиқиши мумкин.

Тўғралган илдизмевалар ем ёки майдаланган хашак, пичан, похолга аралаштириб берилса, ҳайвонлар уни иштаҳа билан ейди.

*Емни дастлабки ишлаш.* Ҳайвонларга бериладиган ем (дон озиқлар) аввал маълум даражада ишловдан ўтказилади. Чунки дон бутунлитича берилса, қобиги давал бўлганлиги учун яхши ҳазм бўлмайди. Шунинг учун уларни майдалаб, ёрма ҳолига келтириб ёки ун қилиб тортиб сўнг молларга бериш яхши натижа беради.

Турли донлардан (сули, маккажўхори, арпа кабилардан) тайёрлаган ун ёки ёрма қилинган емни узоқ вакт сақлаб бўлмайди. Айниқса, ёз кунлари улар тез ачиб қолади, нам ерда сақланса, могор босади. Шунинг учун уларни молларга беришдан бир неча кун илгари тайёрлаш керак. Молларга бериладиган ем, ун ва кепак, майдаланган хашак ва серсув озиқлар билан аралаштириб берилса, уларнинг тўйимлилиги ва ҳазм бўлиш хусусияти ортади ҳамда моллар бундай озиқни иштаҳа билан истеъмол қиласди.

Фермаларда ғалла ўсимликларидан олинган кепак ва унни молларга беришдан олдин бироз ачитилади ва хушбўйлиги оширилади. Бунинг учун катта ҳажмли тахта яшиклардан фойдаланилади.

*Кунжарани* чорва молларига майдалаб, кукун кунжарани эса шундайлигича ёки сувда ивитиб бериш тавсия этилади. Баъзан бошқа емларга аралаштирилиб, маҳсус агрегатлар — машиналарда буғлантириб бериш унинг тўйимлилигини ва хушхўрлигини оширади, организмда яхши ҳазм бўлади.

*Аралаш (омихта) ем* тайёр ҳолда заводдан келтирилади. Бинобарин, аралаш емдан фойдаланишда ҳам юқоридаги усулларни қўллаш ижобий натижаларга олиб келади.

**Сомонни кимёвий қайта ишлаш.** Бунда энг один сомон 3—4 см узунлиқда майдаланади. Майдалангандан массага бироз шўр сув сепилади. Иложи бўлса унга дон ёрмаси, пиво заводларидан келтирилган барда ёки майдалангандан илдизмева қўшилади. Сомонни бурлаш, маҳсус ўраларда намлаб силослаш усуллари ҳам қўлланилади. Яна бир усул сомоннинг тўйимилигини ошириш мақсадида цементлангандан маҳсус ўра ёки траншеяларда у аммиакли сув билан ишланади. Бунда 1 ц сомонга 12 л аммиакли сув сарфланади. Сувдаги аммиак концентрацияси 25 фоиз бўлиши керак. Бундай ишлангандан сомонни 6—7 кундан (аммиак ҳиди кетгандан) кейин молларга бериш керак.

Сомон сўндирилмаган оҳак ёки ишқорлар билан ҳам қайта ишланади. Бунинг учун 100 л сувга 1 кг сўндирилмаган оҳак солиниб 1 фоизли оҳак суви ҳосил қилинади ва унга майдалангандан сомон (10—15 минут давомида) бўктириб қўйилади. 100 кг сомон учун 250—300 л оҳак суви етарли. Намлангандан сомоннинг суви чиқиб кетиши учун у тахтадан маҳсус ясалган майдончаларга олинади, унинг усти брезент ёки бошқа тур мато билан ёпилади. Орадан 2—3 кун ўттач, у молларга бериш учун тайёр бўлади.

**Силос бостириш технологияси.** Силос бостиришдан асосий мақсад, улардан серсув қўк массанинг таркибидағи ҳайвон аъзоси учун ниҳоят зарур ҳисобланган минерал моддалар миқдорини мумкин қадар сақлаган ҳолда баҳор ойларига етиб боргунча, яъни ерда кўкат озиқлар ўсиб чиққанига қадар фойдаланишдан иборатdir. Силослангандан масса таркибида сут ачитки бактерияларининг фаол иштирокида айрим моддаларнинг парчаланиши юз беради ва озиқнинг истеъмол қилиниш хусусияти ортади. Бунинг учун ўсимликнинг намлиқ даражаси ўртача 70—75% бўлса, сут ачиткич бактерияларнинг фаолияти жадал бўлади.

Ўсимликларни силослашда уларни даставвал майдалаш тавсия этилади. Чунки майдалангандан кўк масса зич жойлашади ва ўзидан кўпроқ шарбат ажратиб чиқаради.

Хўжаликларда кўк массани совуқ ҳолда силослаш юқори самара беради. Бунинг учун силосланадиган

масса ҳарорати 30—35° дан юқори бўлмаслиги лозим. Бошқача қилиб айттандо, силослаш ишларини эрталаб ёки кечқурун салқинда бажариш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шунингдек, бу юмушни чўзиб юбормасдан имкони борича қисқа муддат — 2—3 кун ичидан бажариш лозим.

Силос учун келтирилган кўк масса имкони борича ниҳоят яхши ва зич жойланиши лозим. Уларнинг орасида ва атрофида бўш ерлар қолдирилмаслиги, умуман, ҳаво кирмаслигини таъминлаш чоралари кўрилиши лозим. Бу эса яхши натижаларга олиб келади. Акс ҳолда, силос мўғоллайди ва чириш ҳоллари юз беради. Бу эса кўплаб исрофгарчиликларга сабаб бўлади.

Силос бостиришда ўралар тўлдирилиши, иложи бўлса ер сатҳидан бирмунча (0,5—0,7 метр) баландроқ бўлиши ва ҳар томонидан нишаб қилинган ҳолда беркитилиши ҳамда унинг ичига сув кирмаслиги таъминланниши лозим. Силос ўрасини тўлдириб, зичлаб бўлгандан сўнг уни усти брезент ёки полизтелен плёнка билан беркитилиши ва устидан (25—30 см қалинликда) лой ёки нам тупроқ билан бостирилиб, сувалиши даркор. Агар имкони бўлса, силос ўраси устидага паналагич бўлгани дуруст. Бу уни ёргингарчиликдан сақлайди.

Фермер хўжаликлари шароитида силос ўралари айланна ёки квадрат шаклида, шунингдек, узунаштирилган тўртбурчак шаклида ва ер сатҳидан 2—2,5 м чуқурлиқда бўлиши тавсия этилади. Шунингдек, ўрадан силос олиб чиқиш чораларини кўриш лозим. Бунинг учун бирор томонидан нишаб ҳолда йўл қолдириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Силос ўрасининг ички деворларини текис ва силлиқ қилиб, иложи бўлса цемент қоришимаси билан, бунинг иложиси бўлмаса пишитилган лой билан текис қилиб суваш лозим. Бундай ўралар қазиладиган жой учун ер ости сувлари мумкин қадар чуқурроқда бўлиши талаб этилади. Акс ҳолда бостирилган силос чирий бошлайди ва кутилгандек самара бермайди.

**Силоснинг айрим афзаликлари.** Силоснинг бошқа турдаги хашак ва серсув озиқлардан афзалиги шундаки, уни турли хилдаги ўсимликларга қараганда кам куч ва маблағ сарфлаган ҳолда тайёрлаш мумкин. Маккожӯхори кўк массасини силослаш жараёнида ҳўл қамиш, турли хил ўт ва ўсимликларни ҳам майдалаб, умумий массага қўшиб юбориш мумкин. Натижада силоснинг сифати ошади, ҳайвон иштаҳасини очади-

ган, ёқимли, хүшбүй озиқ вужуда келади. Бундай масса ҳайвонлар томонидан зўр иштача билан истеъмол қилинади.

Умуман, молларни йил давомида силос билан боқиш мумкин. Яйлови бўлмаган минтақаларда ва айниқса баҳор кеч келганда, ердаги кўкатларни ўсиши узайиб кеттанди у бирмунча муҳим аҳамият касб этади.

**Силос сифатини баҳолаш.** Сифатли маккажӯхори силоси оч сариқ-япил рангта, батъзан оч жигарранг кўринишга эга бўлиши мумкин. Ҳиди эса ёқимли, батъзан иссиқ қора нон ҳидини, айрим ҳолларда қуритилган мева ҳидини эслатади.

Силоснинг сифати силосланган масса таркибидағи оқсил, аминокислоталар ва минерал моддалар миқдорига борлиқ. Шунингдек, ўсимлик таркибидағи қанд моддаси муҳим аҳамиятта эга. Унинг минимал 4,2 бирликни ташкил этиши лозим. Ўсимликлар таркибидағи қанд моддасининг миқдорига кўра силос сифати ҳар ҳил бўлади. Бизнинг шароитда силослаш учун қулай ўсимликлар: маккажӯхори ва оқ жӯхори пояси, судан ўти, қамиш кабилар ҳисобланади. Силос сифатини баҳолашда унинг ҳиди муҳим кўрсаткичлардан бири саналади. Силос таркибида агар ёр кислотаси, аммиак ва сероводород бўлса, у фойдаланишга яроқсиз ҳисобланади. Умуман, силос сифатини тўла ва аниқ билиш учун у маҳсус лабораторияларда текширилади.

**Силос миқдорини аниқлаш.** Силос миқдори силос ўрадаги  $1\text{ m}^3$  массанинг оғирлигини ўра ҳажмига кўпайтириш йўли билан аниқланилади. Ўрадаги  $1\text{ m}^3$  силос массасини ўртacha 3,5 ц га teng деб олиш мумкин. Ўранинг ҳажмини билиш учун эса унинг кенглиги, чукурлиги ва узунлигини аниқлаш талаб этилади.

**Сенаж тайёrlаш технологияси.** Сенаж тайёrlаш технологияси қисман бўлса-да, силос бостириш технологиясига ўхшаб кетади. Лекин ўсимлик массасида юз берадиган физиологик ва биохимёвий жараёнлар силос бостиришдагидан кўра фарқ қиласи. Асосий фарқ шундаки, ўриб олинган кўк масса намлигини тезда 40—55% га қадар камайтириш керак. Бу эса массани майдалашга қадар сўлитиш эвазига юз беради. Ўсимлик намлигини қуритиш шкафларида  $105^\circ$  иссиқлиқда аниқлаш мумкин.

Сенаж тайёrlашдан аввал барча тайёргарлик ишлари амалга оширилиши керак. Масалан, кўк массасининг ўриб олиш вақти, ҳосилдорлиги, жами неча

тоннани ташкил этиши, сақдаш жойи, транспорт, ёрдамчи ишчи кучи шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Чорвачилик илмий-текшириш институти тавсияларига кўра, кўк масса маҳсус минораларга жойлаштирилса, узоғи билан 5—7 кунда, траншеяларга бостирилса 3—4 кунда барча ишлар якунланиши керак.

Сенаж тайёрлаш технологиясига тўғри амал қилинса, унинг ҳар килограммида 0,30—0,36 озиқ бирлиги, 40 г каротин, 60 г ҳазмланадиган протеин бўлади.

**Аралаш (омишта ем) озиқлар.** Бундай озиқлар маҳсус рецепт асосида тайёрланади. Бунда ҳар қайси турдаги ва маҳсулот йўналишидаги ҳайвонларнинг барча хусусиятлари ҳисобга олинади. Масалан, Россия Чорвачилик институти олимлари томонидан соғин сигирлар учун тайёрланган (60—4) рецепт қуйидагича: 20% ўт уни, 28% ёрма маккажўхори ёки қора бурдой, 35% арпа ёки сули ёрмаси, 7% кунжара, 5% лавлаги турпи, 2,5% мочевина, 1,5% фторсизлантирилган фосфат ва 1% ош тузидан иборат.

1 кг аралаш озиқда 0,92 озиқ бирлиги, 165 г ҳазм бўладиган протеин, 10,5 г кальций, 6,8 г фосфор бўлиши мумкин. Шунингдек, аралаш озиқларга витаминалар ва темир моддаси, мис, рух каби микрозлементлар кўшилади.

**Донадор (гранулатланган) озиқлар** — ўт уни, ем ва витаминалардан ҳамда турли хил минерал моддалар кўшиб тайёрланади. Улар қуруқ сочма ҳолда бўлганлиги учун узоқ вақт сақланади ва молларга осонлик билан тарқатилади.

Донадор озиқлар чорва моллари ва паррандалар турини ҳисобга олган ҳолда ҳар хил йириклиқда тайёрланади. Масалан, паррандалар учун 1—2 мм дан 5 мм гача, чўчқа болалари учун 7 мм, катта ёшдаги чўчқалар учун 9—10 мм, бузоқлар учун 16 мм, сигирлар учун 25 мм бўлади. Айрим ҳолларда таркиби оқсил, витаминалар, минерал моддалар ва антибиотиклар билан бойитилади.

**Брикетланган озиқлар** — пичан, сомон, кунжара, дон ва ҳ. к. лар аралашмасини майдалаб, прессланган ҳолда тайёрланади. Шунга кўра, сақлаш учун жой талаб этилади. Қуруқ бўлганлиги учун узоқ вақт сақдаш мумкин. Қорамолларга бериладиган брикетланган озиқлар таркиби қуйидагича бўлиши мумкин: маккажўхори сўтаси ёки бошоқли дон пояси 40—90%, қора бур-

дой ёрмаси 5—15%, шунингдек, кунжара, кукун кунжара, қанд лавлаги турпи, фторсизлантирилган фосфат, ош тузи, карбомид бўлиши қабул қилинган. Отлар учун тайёrlанганда: 40—45% пичан, 27—35 % арпа ва бошқа қўшимчалар бўлади.

#### **Назорат саволлари:**

1. Ҳайвонларни тўғри озиқлантириш деганда нималарни тушинасиз?
2. Ем-хашакнинг кимёвий таркиби тўғрисида сўзлаб беринг.
3. Ем-хашакнинг ҳазм бўлиш коэффициенти деб нимага айтилади?
4. Ем-хашак турлари тўғрисида сўзлаб беринг.
5. Ем-хашакка дастлабки ишлов бериш қандай олиб борилади?
6. Силос бостириш ишлари қандай олиб борилади?
7. Силос сифати қандай баҳоланаади?
8. Силос миқдори қандай аниқланилади?
9. Сенаж тайёrlаш технологияси тўғрисида сўзлаб беринг.
10. Донадор ва брикетланган озиқлар тўғрисида тушунча беринг.

#### **Амалий машгулот**

##### **Силос ва сенаж сифатини баҳолаш**

**Асосий мақсад.** Силос ва сенаж сифатини баҳолаш ва бу борада ҳисоб-китоб ишларини олиб боришда малака ҳосил қилиш.

**Машғулот ўтказиш учун керакли воситалар.** Баҳолаш лозим бўлган силос ва сенаж намуналари. Шу озиқ турларининг кимёвий таркиби тўғрисида ўлка агро-кимё лабораториясини маълумотлари.

**I-топшириқ.** Талабалар дастлаб силос ва сенаж ўраларини расмлари ва схематик режалари билан танишадилар. Сўнгра улар хўжаликларга тажриба учун борадилар ва у ерда силос ҳамда сенаж ўралари билан танишадилар. Агар талаб этилса, қолган силос ва сенаж миқдорини ҳисоблаб чиқадилар.

**II-топшириқ.** Олиб келинган силос ва сенаж намуналари ўлка агро-кимё лабораторияси холосасига кўра баҳолаш талаб этилади.

### **III Б О Б. ЧОРВА МОЛЛАРИНИ ОЗИҚЛАНТИРИШ АСОСЛАРИ**

#### **Молларни рацион асосида озиқлантириш**

Молларнинг меъёр даражада ўсиши, ривожланиши, соғлом бўлиши ва улардан сифатли ҳамда кўп маҳсулот олиш учун улар организмининг озиқ моддаларга бўлган эҳтиёжи тўла қондирилиши керак. Агар озиқ моддалар етарли даражада бўлмаса, организмда-

ти барча физиологик жараёнлар сусаяди, ҳайвон ўсишдан тўхтайди, секин ривожланади, маҳсулдорлиги кескин пасайиб кетади. Шу билан бирга уларга ҳаддан ташқари кўп ем-хашак берилса, озиқнинг бир қисми исроф бўлади, уларнинг семириши ва олинадиган маҳсулоти қимматлашиб кетади. Бинобарин, олимлар ва мутахассислар ҳайвонларнинг ёши, жинси, ўсиш жадаллиги, ривожланиши, маҳсулдорлигининг ошиши ва индивидуал хусусиятларини ҳамда улар организмининг озиқ моддаларга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда барча турдаги қишлоқ ҳўжалик ҳайвонлари, паррандалар, шу жумладан, қорамоллар учун озиқ меъёларини ишлаб чиққанлар.

**Меъёр ва рацион.** Ҳайвонларнинг физиологик ҳолати, маҳсулдорлиги ва ҳўжалиқда фойдаланиш хусусиятларига кўра, ҳайвон организмининг озиқ моддалар микдорига бўлган талаби озиқ меъёри деб аталади. Республикаизда ҳайвонларнинг тури, ёши, вазни, ориқ семизлиги, олинадиган маҳсулот микдори ва сифати, шунингдек, физиологик ҳолатига қараб ҳар хил озиқ меъёллари ишлаб чиқилган. Озиқ меъёллари молларни озиқлантириш кўрсаткичларига кўра ифодаланади. Масалан, озиқ бирлиги ҳисобида знергия билан таъминланишга, ҳазм бўладиган протеин, каротин, кальций, фосфор ва ош тузи кабиларнинг етарли микдорда бўлиши асос қилиб олинади.

Чорвачилик маҳсулотларини етиширишда, уларнинг сифатини яхшилаш ва таннархини арzonлаштиришда, шунингдек, рационни тўғри тузишда озиқ меъёри асос қилиб олинади. Шунга кўра, ҳўжаликларда молларнинг ёши, сони, таркиби, маҳсулдорлиги ва ҳоказоларга қараб уларга қанча озиқ (ем-хашак) талаб қилинишини режалаштириш мумкин.

Молларнинг озиқ меъёрини белгилаш ва ишлаб чиқариш масалалари билан узоқ йиллар мобайнида шувулланилган ва у ҳар томонлама асосланган ҳолда ўрганилган. Бинобарин, ҳозирги вақтда илмий жиҳатдан асосланган, илвор тажрибалар асосида тасдиқланган озиқ меъёллари ишлаб чиқилган ва чорвачилик ҳўжаликларида амалда жорий этилган. Бунда бериладиган озиқ бирлигига, ҳазм бўладиган протеин, ош тузи, кальций, фосфор, каротин микдорига, шунингдек, рациондаги микроэлементлар ҳамда қанд-протеин ва кислота-ишқорлар нисбатига алоҳида зътибор берилади.

Кейинги йилларда молларнинг ёши, жинси, маҳсул-

дорлиги ва ҳоказоларга кўра уларнинг ем-хашидан олинадиган энергиясига қараб меъёр белгилаш ишлари авж олган. Шунингдек, молларни аминокислоталарга, зарур ёр кислоталарга, макро ва микроэлементларга ҳамда витаминларга бўлган талабига қараб меъёр белгилаш ишлари анчагина яхши ва тўғри йўлга қўйилган.

Шундай қилиб, озиқ меъёrlарини тузишда ҳайвонларнинг бир сутка давомида озиқ моддаларга бўлган талаби ҳисобга олинса, рацион тузишда — меъёрда белгиланган кўрсатгичларга кўра молларнинг эҳтиёжини қондира оладиган ем-хашик тури ва миқдори олинади, яъни аввал меъёр белгиланиб, кейин рацион тузилади. Масалан, соғин сигирларга режалаштирилган рациондаги 1 озиқ бирлигида 100—110 г ҳазм бўладиган протеин, бўғоз сигирларницида 120 г ҳамда 6,5—7,0 ва 10—12 г кальций, 4,5 ва 6,0—7,0 г фосфор, 40—50 мг каротин ва 7,0—7,5 г ош тузи бўлиши керак.

Соғин сигирларнинг озиқ меъёrlарини белгилашда улар ўртача семизлиқда бўлиши назарда тутилади. Лекин сигирлар ориқ бўлса, қўшимча равишда 1—2 озиқ бирлиги ва 110—120 г ҳазм бўладиган протеин бериш тавсия этилади. Соғин сигирлар ва барча турдаги моллар учун озиқ меъёrlарини ишлаб чиқишида Ўзбекистон Чорвачилик илмий-текшириш институти олимлари томонидан бир қанча тавсиялар берилган. Улардан айримлари 4, 5 ва 6-жадвалинга баён этилган.

#### 4- жадвал

**Ҳар тил миқдорда серсув озиқ берib боқиладиган соғин сигирларга хашак бериш меъёри {бир бошга сутка давомида}**

Серсув озиқ, кг	Сигирларнинг вазни, кг		
	400	500	600
10	5	6	7
25	4	5	6
40	3	4	5

#### 5- жадвал

**Сигирлардан соғиб олинадиган сут миқдорига кўра 1 суткада бериш тавсия этилган серсув озиқлар меъёри**

Олинадиган сут, кг	Серсув озиқ, кг
10—12	45—55
14—16	55—65
18—20	60—70

**Сигирларнинг сут маҳсулдорлигига кўра ҳар суткада бериш тавсия этилган ем (концентрат) меъёри**

1 суткада соғиб олинадиган сут, кг	1 кг сут ҳисобига бериладиган ем, кг
10—15	100—150
15—20	150—200
20—25	250—300
25—30	300—350

Шундай қилиб, озиқ меъёрида моллар учун бир суткада талаб қилинадиган озиқ моддалар, озиқ рационыда эса ҳайвонларнинг меъёрда кўрсатилган озиқ моддаларга бўлган эҳтиёжини қондириш учун қайси ем-хашакдан қанча миқдорда бериш кераклиги кўрсатилади. Аввал озиқ меъёри, сўнгра озиқ рациони, яъни молларга бир суткада берилиши керак бўлган ем-хашак жадвалини тузиш мумкин. Озиқ меъёри ўртacha бўлганда ҳайвонларнинг индивидуал кўрсаткичлари ва хусусиятлари ҳисобга олинмайди, лекин доим унга айрим қўшимча ва ўзгартишлар киритилиб борилади.

Рацион озиқ меъёрида кўрсатилган озиқлар миқдорига, турига, уларнинг тўйимлилигига ва бир сутка мобайнида организм эҳтиёжини қондириш мақсадида талаб этиладиган умумий ем-хашак миқдорига асосланган ҳолда тузилади. Шундай қилиб, озиқ меъёри асосида, ўз таркибида барча озиқ моддалар етарли бўлган ва ҳайвон организмининг суткалик эҳтиёжини қондираоладиган ем-хашак миқдори рациоидаги дейилади. Рацион тузиш учун қўйидаги маълумотларга эга бўлиш керак — ҳайвоннинг вазни, маҳсулдорлиги, ёши, физиологик ҳолати, ориқ-семизлиги, шунингдек, озиқнинг суткалик меъёри, хўжаликда мавжуд ем-хашак турлари ҳам ҳисобга олинади.

Рацион тузища соғин сигирларнинг сут маҳсулдорлиги асосий дикқат марказида бўлиши лозим. Акс ҳолда, сигирларга меъёр асосида рацион тузилмаса, уларнинг сути камайиб кетади.

Серсугт сигирларнинг озиқ моддаларга бўлган эҳтиёжи кам ёки ўртacha сут берадиган сигирларникига қараганда юқори бўлади. Ўзбекистон Чорвачилик илмий-текшириш институти олимлари томонидан олиб борилган кузатишларга қараганда, суткасига 10 л сут соғиб олинадиган сигирлар сути билан 330 г оқсили,

380 г ёғ, 475 г сут шакари, 14 г кальций, 11 г фосфор ва 5,5 г ош тузи чиқиб кетар экан. Шунингдек, вазни 500 кг ва суткалик сут миқдори 12—16 кг бўлган сигирлар суткасига 10,5—12,5 озиқ бирлиги, 1000—1500 г ҳазм бўладиган протеин, 70—100 г кальций, 55—80 г фосфор, 40—80 г ош тузи, 150—175 мг каротин олиши керак. Ҳар килограмм сути учун 25 мг қўшимча каротин бериш лозим.

Шундай қилиб, соғин сигирлар учун рацион тузишда уларнинг меъёр даражада яшаши ва маҳсулот ҳосил қилиши учун озиқ бирлиги ва барча озиқ моддаларга бўлган эҳтиёжи ҳисобга олиниши шарт (7-жадвал).

#### 7-жадвал

**Соғин сигирларга бир суткада бериш зарур бўлган озиқ моддалар (В. М. Попова маълумоти)**

Сигирларнинг озиқ моддаларига бўлган эҳтиёжи	Озиқ бирлиги, кг	Ҳазм бўладиган оқсилаш г	Кальций, г	Фосфор, г
Меъёр даражада яшаши учун Маҳсулот ҳосил қилиш учун Жами:	4,0 4,8 8,8	230 480 710	20 40 60	10 30 40

Жадвалдаги кўрсаткичлар вазни 400 кг, суткалик сут миқдори 10 кг ва сутидаги ёғ 3,8 фоиз бўлган сигирлар учун мисол тарзида берилган. Қорамоллар учун рацион тузишда аввал хашак, сўнгра серсув озиқлар киритилиб, сўнгра етишмай қолган озиқлар ем ҳисобига тўлдирилади.

**Озиқ бирлиги.** Ем-хашак ва турли хил озиқ моддаларнинг тўйимлилигини баҳолаш учун **бир килограмм сулининг тўйимлилик** даражаси, организмга берадиган қуввати ўлчов (озиқ) бирлиги қилиб қабул қилинган. Рацион тузишда бошқа турдаги ем-хашакларнинг тўйимлилиги шу бирликка таққосланган ҳолда олианди. Ем-хашаклар таркибида озиқ бирлиги ҳар хил миқдорда бўлади. Масалан, 1 кг арпада — 1,2; 1 кг кунжарда — 1,5; 1 кг похода — 0,3; 1 кг куруқ беда пичанида — 0,45—0,50; 1 кг хашаки лавлагида — 0,11—0,15 озиқ бирлиги бўлиши аниқланган.

Чорвачиликда қўлланиладиган барча турдаги ем-хашакларни озиқ бирликларига қараб баҳолаш улар-

нинг факат умумий тўйимлигини ифодалайди. Бинобарин, ҳар бир озиқ турининг таркибидағи энг мұхим минерал моддалар, протеин, каротин ва витаминлар миқдори эса умумий қўлланма — жадваллардан, справочниклардан олинади.

Шундай қилиб, озиқларнинг тўйимлигини аниқлашда ўлчов бирлиги сифатида озиқ бирлиги қабул қилинган. Шуни айтиб ўтиш керакки, организмда ҳазм бўлган моддаларнинг ҳаммаси маҳсулот ҳосил бўлиши учун сарфланавермайди. Ҳосил бўлган энергиянинг бир қисми тана ҳароратининг доимийлигини сақлаб туришда, организмнинг ҳаракати учун, овқат ҳазм қилиш учун ва ҳоказоларга сарфланади. Ҳазм бўлган озиқнинг факат бир қисми организмда маҳсулот ҳосил қилиш учун сарфланади.

Юқорида кўрсатилиб ўтилганидек бизнинг республикамиизда 1 кг сулиниң тўйимлииги озиқ бирлиги сифатида қабул қилинган. Шунингдек, бунда ўртача сифатли 1 кг сулини ҳўқизга (саломатлигини сақлаш учун бериладиган озиқ) асосий рациондан ташқари берилганда унинг танасида (сули ҳисобига) 150 г ёғ ҳосил бўлган. Шунга кўра, бошқа турдаги ем-хашакларнинг тўйимлииги режалаштирилади. Масалан, ҳўқизларга асосий рациондаги ем-хашакларга қўшимча ҳолда 1 кг беда пичани берилганда 75 г ёғ ҳосил бўлган, яъни у сулига нисбатан 50 фоизни ташкил қиласган ёки 0,5 озиқ бирлигини ташкил қиласган 1 кг маккажўхори силоси 30 г ёғ ҳосил қиласган, бошқача қилиб айтганда, у 0,2 озиқ бирлигига тенг экан. Шунинг учун сулиниң тўйимлииги асосий озиқ бирлиги қилиб қабул қилинган.

Республикамиз чорвачилигида кенг фойдаланиладиган ем-хашак турларининг озиқ бирлиги ва таркибидағи кимёвий элементлар миқдори 8-жадвалда кўрсатилган.

**Рацион тузиш.** Рацион ҳайвонларга бериладиган суткалик ем-хашак миқдори бўлиб, озиқ меъёри асосида ва ҳайвонларнинг озиқ ҳазм қилиш физиологиясини ҳисобга олган ҳолда тузилади. Улар қуйидагилар:

1. Рационга киритилган ем-хашакнинг тўйимлииги ва сифати ҳайвоннинг озиқ моддаларга бўлган эҳтиёжини қондирадиган бўлиши керак. Бунда ҳайвоннинг маҳсулдорлиги, ёши, ориқ-семизлиги ва физиологик ҳолати ҳисобга олинади.

2. Рацион таркибидағи дағал озиқлар миқдори етар-

**1 кг ем-хашакнинг озиқ бирлиги ва таркибидаги айрим кимёвий  
моддаларнинг миқдори (ўртача)**

Ем-хашак турлари	Озиқ бирлиги	Ҳазм бўла-диган про-tein, кг	Каль-ций, г	Фос-фор, г	Каро-тин, мг
Сунъий яйлов ўтлари	0,21	18	1,9	0,7	45
Кўк беда	0,22	41	6,4	0,6	50
Маккажўхори поясни (думбуллигига)	0,20	12	0,8	0,5	30
Нўҳат палаги	0,16	28	3,1	0,5	60
Маккажўхори силоси	0,20	14	1,5	0,5	15
Картошка	0,30	17	0,3	0,5	0
Хашаки сабзи	0,14	7	0,6	0,5	30
Хашаки лавлаги	0,12	9	0,4	0,4	0
Нимшириали лавлаги	0,15	14	0,5	0,3	0
Қанд лавлаги	0,26	12	0,5	0,5	0
Ошқовоқ	0,13	7	0,3	0,4	15
Беда пичани	0,49	116	17,7	2,2	45
Сули сомони	0,35	14	4,3	3,1	4
Беда уни	0,85	134	13,1	1,0	250
Будой сомони	0,20	8	1,4	3,4	3
Нўҳат сомони	0,23	31	11,5	3,3	3
Маккажўхори дони	1,34	78	0,4	1,7	4
Жавадар	1,18	102	0,8	1,0	2
Арпа	1,21	81	1,2	0,8	0
Будой ёрмаси	0,78	130	1,3	3,1	4
Маккажўхори ёрмаси	1,02	7,6	0,8	5,1	1
Чигит кунжараси	1,15	331	2,8	9,8	1
Сигир сути (ёғи 3,5%)	0,34	33	1,2	1,0	2
Ёғи олингган сут	0,13	31	1,2	1,1	1
Сут зардоби	0,13	9	0,4	0,4	0
Гўшт-сүяк уни (30—40% кул)	0,79	292	143	74,0	—
Гўшт уни	1,06	407	35,7	19,2	—
Қон уни	1,06	758	5,08	4,9	—
Балиқ уни (стандарт)	0,83	535	67,2	31,8	—

ли даражада бўлиши керак. Шунингдек, улар таркибидаги асосий кимёвий элементлар — протеин, углеводлар, макро-микроэлементлар, витаминалар етарли бўлиши керак.

3. Рационга ҳар хил ем-хашаклар киритилиши керак. Масалан, соғин сигирлар рационида серсув озиқлардан маккажўхори силоси, илдиз мевалар, кўк ўт кабилар бўлиши, биринчидан, овқат ҳазм қилиш органдари фаолиятини яхшиласа, иккинчидан, сутини кўпай-

тиради. Шунингдек, дағал озиқлардан беда пичани, сифатли сомон, шулха ҳамда етарли миқдорда сифатли концентрат озиқлар бўлиши керак. Ана шуларга амал қилингандагина ҳайвонлар учун тузилган рацион тўғри ва самарали бўлади.

**Қорамоллар учун рацион** тузиш вақтида ем-хашак турларининг таркиби, хусусияти, ҳайвонлар томонидан истеъмол қилиниши, тўйимлилиги, хўжаликдаги миқдори, қиммати ва ҳоказолар ҳисобга олиниши керак. Ҳар бир ем-хашак турини рационга киритган вақтда унинг моллар томонидан тўла истеъмол қилиниши, нишхўрдга чиқарилмаслиги ва ҳайвоннинг соғлигига фақат ижобий таъсир кўрсатишини назарда тутиш керак.

**Бузоқлар учун рацион** тузишда уларнинг ўсиши ва семириш тезлиги, тез етилувчанлиги ва семиришнинг арzonга тушиши ҳисобга олиниши керак. Масалан, ёш бузоқларни боқища маълум даражада сигир сути сарфлаб, асосан кўкат, дағал, серсув озиқлар ва емдан унумли фойдаланиш уларнинг тез ва жадал ўсишини таъминлайди. Бунда бузоқларнинг суяқ-мускул тўқимаси тез ривожланади, овқат ҳазм қилиш аъзолари кўп миқдордаги ем-хашакни яхши ва тез ўзлаштиришга мослашади ҳамда улардан келажакда юқори кўрсаткичларга эга бўлган наслдор буқалар ва серсут сигирлар етиштирилади.

**Қорамоллар** рационини ҳар бири учун алоҳида ёки бир гурух, моллар учун умумий ҳолда тузиш мумкин. Лекин алоҳида ҳар бир мол учун рацион тузиш ва унга тўла риоя қилиш чорвачилик фермаларида жуда мураккаб жараён ҳисобланади.

Рационни «умумий» тузишда ҳайвонларнинг барча кўрсатгичлари (маҳсулдорлиги, вазни, ёши, ориқ-семизлиги, физиологик ҳолати ва ҳоказолар) деярли бир хил ёки бир-бирига яқин бўлиши керак. Шундагина тузилган «умумий» рацион ижобий натижа беради. Бунда сорин сигирларнинг суткалик сут миқдори бир-бириницидан фақат 2—3 кг фарқ қилиши мумкин, лекин молларнинг тирик вазни орасидаги фарқ 50 кг дан ошмаслиги керак. Бу фарқ катта бўлса, уларни маҳсус бир неча гурухга ажратиб, ҳар қайси гурух учун алоҳида рацион тузилади.

**Молларни озиқлантириш типлари.** Молларни йил бўйи тўйимли ва сифатли ем-хашак билан боқиши учун йил фасллари давомида улардан тўғри фойдаланиш

керак. Жумладан, күп микдорда сифатли сут етиштиришда рационга алоҳида эътибор бериш керак. Бунда озиқлантириш типлари мухим роль ўйнайди.

Булар: I — **дағал озиқлардан** ташкил топган озиқлантириш типи; II — **серсув озиқлардан** ташкил топган озиқлантириш типи; III — **кўк ўтлардан** ташкил топган озиқлантириш типларидир. Бу учала озиқлантириш типидан фойдаланишда маълум микдорда ем-концентрат озиқ ҳам ишлатилади. Булардан ташқари, ем - концентрат озиқлардан ташкил топган тип бўлиб, у хўжаликлар учун жуда қимматта тушади. Чунки бунда соғиб олинадиган ҳар 1 л сут ҳисобига ўртacha 500 г дан ем сарфланади. Бу эса сутнинг таннархини жуда қимматлаштириб юборади.

Республикамиз шароитида, кўплаб фермер хўжаликларида қорамоллар **бошвоқсиз** асралганда, уларни ёши, маҳсулдорлиги, вазни ва ҳоказоларга кўра гурӯҳларга ажратиб, силос ва дағал озиқлардан ташкил топган озиқлантириш типида боқиш ҳар томонлама қулагай бўлиб, иқтисодий афзалликка эга.

Соғин сигирлар учун серсув, дағал ва кўк ўтлардан ташкил топган озиқлантириш типлари қулагай эканлиги кўпгина кузатишларда аниқланган. Айниқса, рацион таркибида силос, илдизмевалар, кўк ўт кабилар бўлиши фақат сут маҳсулдорлигини оширмасдан, балки озиқ ҳазм бўлишини ҳам яхшилади ва соғин сигирлар сутни оширади. Лекин рационда серсув озиқлар билан бир қаторда дағал озиқлар — пичан ва сомон бўлиши ҳам мухим аҳамиятта эга. Бунда дағал озиқ билан серсув озиқларнинг нисбати ўзгариши мумкин, яъни рационда серсув озиқлар қанча кўп бўлса, дағал озиқ шунча кам бўлиши керак ва аксинчча. Масалан, рационда серсув озиқлар микдори сигирларнинг ҳар 100 кг вазни ҳисобига 3 кг дан жами 8—10 кг гача бўлганда дағал озиқ микдори 2,5 кг дан 1—1,5 кг гача камайтирилади. Бунда серсув озиқлар микдори 50—70 фоиз, дағал озиқлар эса 50 фоиз бўлиши мумкин.

Соғин сигирлар рациони таркибида ҳазм бўладиган протеин микдори меъёрда бўлиши алоҳида аҳамиятта эга. Бинобарин, уларнинг рационида 1 озиқ бирлиги ҳисобига ўртacha 105—120 г ҳазм бўладиган протеин бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Ем (концентрат озиқлар) ҳам рацион таркибида ўз аксини топиши ва улар микдори камайиб кетмаслиги керак, яъни соғиб олинадиган ҳар 1 кг сут учун 100 г

ем режалаштириш мумкин. Шунингдек, 10 кг сут берадиган сигирларга ҳар 1 кг сутни учун суткасига 100—120 г, 10—15 кг сут берадиган сигирларга 100—150 г, 15—20 кг сут берадиганларга 150—200 г ва 25—30 кг ва ундан кўп сут берадиганларга 250—300 г ем бериш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бунга асосий сабаб, серсугт сигирлар организмидан сут билан бирга жуда кўп миқдорда оқсиллар, ёғлар, углеводлар ва минерал туз эритмалари чиқиб кетади, бинобарин, уларнинг ўрнини тўлдиришда ем муҳим роль ўйнайди. Шундай қилиб, қорамоллар қайси типдаги озиқ рацион бўйича озиқлантирилишидан қатъий назар, озиқ моддалар етарли миқдорда ва маҳсулдорлик ҳамма вақт юқори бўлиши керак.

### **Софин сигирларни озиқлантириш**

Софин сигирларни озиқлантириш меъёри уларнинг озиқ моддаларга бўлган суткалик талабини эътиборга олган ҳолда тузилади. Бунда уларнинг тирик вазни, ёши, сут маҳсулдорлиги ва физиологик ҳолати ҳисобга олинади. Ўртача миқдорда сут берадиган сигирларни озиқлантиришда улардан суткасига 2—3 кг, кўпроқ сут берадиганларни озиқлантиришда эса 3—5 кг қўшимча сут соғиб олиш режалаштирилиши ва улар шу асосда ем-хашак билан таъминланиши керак. Масалан, тукқанига 8—10 кун бўлган сигирларнинг сутни 12 кг бўлса, улардан 14—15 кг, агар сутни 20 кг бўлса, улардан 23—25 кг сут олиш режалаштирилади.

*Софин сигирларни боқишида* уларнинг сут маҳсулдорлиги максимал даражага еттунча рационининг сифатига ва таркибига алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Айниқса улар тукқанидан кейин бунга жиддий эътибор бериш керак. Бунинг учун емдан самарали фойдаланиш керак.

Сигирлар қанча серсугт бўлса, уларга шунча кўп ем бериш зарур. Уларга бериладиган ем-хашак миқдорини оширишда дастлаб рациондаги серсув озиқлар миқдори кўпайтирилиб борилади. Агар бунда 12 кун ичидаги сут маҳсулдорлиги ошмаса, у ҳолда 4, 5, 6-жадваллар асосида рацион таркиби ўзгартирилади ва 9-жадвалдан фойдаланиш мумкин.

Республикамиз хўжаликларида серсугт сигирларни тўғри озиқлантириш ишлари тобора такомиллаштирилиб борилмоқда. Бунда албатта табиий иқдим шароитини ҳисобга олиш, сигирларнинг физиологик ҳолати-

га эътибор бериш зарур. Бу борада Ўзбекистон Чорвачилик илмий-текшириш институти олимлари томонидан кўпгина ишлар қилинмоқда. Бинобарин, улар айрим тавсияларни таклиф эттанлар. Масалан, сорин сигирлар учун йил фасллари бўйича ем-хашак турлари ва уларнинг тўйимлилигига кўра тузилган рационлар шулар жумласидандир (10-жадвал).

#### 9-жадвал

**Сут таркибида ё» миқдори 3,8—4,0 фоиз, вазни 400 кг бўлган сорин сигирлар учун озиқ меъёри**

Суткалик сут миқдори, кг	Ҳар бир бош сигир учун бир суткада талаб этилади					
	озиқ бирлиги кг	ҳазм бўладиган протеин, г	кальций, г	фосфор, г	каротин мг	ош тузи, г
8	8,0	840	50	35	320	50
10	9,0	960	60	40	370	60
14	11,0	1220	75	55	470	75
18	13,1	1500	90	70	570	90
20	14,2	1650	100	75	620	100
24	16,7	1960	115	85	720	115
28	19,3	2380	130	100	820	130
30	20,6	2440	140	105	870	140

#### 10-жадвал

**Тирик вазни 500 кг, ўнллик сут миқдори ўртача 4000 кг ва сутининг ёғдорлиги 3,6 фоиз бўлган сигирлар учун қиши ойларига тузилган рацион**

Рацион	Россия чорвачилик и. т. институти	Ўзбекистон чорвачилик и. т. институти
Омихта ем, кг	4,23	5,30
Беда пичани, кг	1,91	2,38
Маккажўхори силоси, кг	14,10	1752
Сенаж, кг	7,14	8,89
Нимширин лавлаги, кг	40,38	49,18

#### Рацион таркибида:

Озиқ бирлиги, кг	12,50	15,60
Ҳазм бўладиган оқсила, г	1399	1443
Кальций, г	330,06	397,85
Фосфор, г	87,95	133,07
Каротин, мг	445	540

Жадвал кўрсаткичларидан маълумки, республика-миз шароитида айниқса қиши ойларида сигирларга сарфланадиган озиқ миқдори Россия Чорвачилик илмий-текшириш институти олимлари тавсияларига кўра, юқорироқ бўлиши талаб этилган. Бундай тавсиялар кўплаб чорвачилик фермаларида қўлланилиб келинмоқда.

Умуман, соғин сигирларни озиқлантиришда уларнинг тирик вазни, бир суткада берадиган сут миқдори, сутнинг серёғлиги ҳисобга олинади. Масалан, тирик вазни 500 кг келадиган, суткасига сутининг ёғдорлик даражаси 3,3 фоиз бўлган ҳолда 12 кг сут берадиган сигирга суткасига ўртacha 10,6—11,6 озиқ бирлиги, 1140—1270 г ҳазм бўладиган протеин ва 70—80 г ош тузи бериш етарли ҳисобланар экан.

### Бўғоз сигирларни озиқлантириш

Бўғоз сигирларнинг вазнини ва улардан қанча сут олиш мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда Россия олимлари томонидан озиқлантириш меъёрлари ишлаб чиқилган (11-жадвал).

11-жадвал

#### Бўғоз сигирлар учун озиқ меъёри

Сигирларнинг тирик вазни, кг	Ҳар бир бош сигир учун бир суткада талаб этилади:					
	озиқ бирлиги, кг	ҳазм бўладиган протеин, г	ош тузи, г	каль- ций, г	фос- фор, г	каротин, мг
Йиллик сут миқдори 3000 дан 5000 кг гача:						
350	6,5	780	40	65	35	325
400	7,0	840	45	70	40	340
450	7,5	900	50	80	45	375
500	8,0	960	55	90	50	400
550	8,4	1010	60	95	55	420
600	8,7	1050	65	100	60	440
650	9,0	1080	70	110	65	450

Бўғоз сигирларни озиқлантириш масалалари бўйича ҳам Ўзбекистон Чорвачилик илмий-текшириш институти олимлари томонидан Россия Чорвачилик илмий-текшириш институти олимлари тавсияларига асосланиб ва Республикализнинг маҳаллий иқдим шароитини ҳисобга олган ҳолда маҳсус тавсиялар ишлаб чиқканлар (12 ва 13-жадваллар).

## 12- жадвал

**Тирик вазни 500 кг, йиллик сут миқдори 4000 кг атрофида  
режалаштирилган бўуз сигирлар учун қаш ойлари учун  
тузилган рацион**

Рационы:	Россия Чорвачилик и. т. институти маълумоти	Ўзбекистон Чорвачилик и. т. институти маълумоти
Омихта ем, кг	1,88	2,28
Маккажӯхори силоси, кг	9,90	11,95
Беда пичани, кг	6,25	7,51
Нимширин лавлаги, кг	6,96	8,42
Жами:	24,99	30,16
<b>Рацион таркибида:</b>		
Озиқ бирлиги, кг	8,35	10,07
Ҳазм бўладиган протеин, г	1170	1396
Кальций, г	135,45	165,5
Фосфор, г	28,60	34,49
Каротин, мг	479	576

## 13- жадвал

**Тирик вазни 500 г, йиллик сут миқдори 4000 кг атрофида  
режалаштирилган бўуз сигирлар учун ёз ойларига  
мўлжалланган рацион**

Рационы:	Россия Чорвачилик и. т. институти маълумоти	Ўзбекистон Чорвачилик и. т. институти маълумоти
Омихта ем, кг	2,12	2,51
Беда пичани, кг	2,13	2,51
Кўк беда, кг	30,36	35,63
Жами:	34,60	40,64
<b>Рацион таркибида:</b>		
Озиқ бирлиги, кг	8,0	9,6
Ҳазм бўладиган протеин, г	96,0	11,50
Кальций, г	194	232
Фосфор, г	81	87
Каротин, мг	840	1020

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, бўуз сигирларни республикамиз шароитида озиқлантирганда сарфланадиган озиқ моддаларнинг миқдори Россия олимлари тавсияларига қараганда салмоқлидир. Масалан, қиши ойида вазни 500 кг, йиллик сут миқдори 4000 кг ни ташкил этадиган сигирларга Россия олимлари тавсияларига кўра 8,35 кг озиқ бирлиги берилса, бизнинг шароитда бу кўрсатгич 10,07 кг ни ташкил этади.

**Сутдан чиқдан (согиш тұхтатылған) бүзөз си-  
гирларни озиқлантириш.** Айрим илмий кузатишлар  
натижасында күра, согиш ишлари тұхтатылған, яғни ту-  
шишига таҳминан 55—60 кун қолған бүзөз сигирлар  
рационидаги ем-хашак турлари қуидегіча нисбатта  
бўлиши мумкин экан. Яғни:

- беда пичани ёки беда уни 25—35%
- сифатли сенаж ва силос 25—30%
- ем ёки омихта ем 25—30%
- озиқбоб лавлаги 8—10%

Сигирларга бериш учун режалаштирилган ҳар 1 кг  
озиқ бирлиги таркибида 100—120 г ҳазм бўлувчи про-  
tein, 100—110 г углевод, 7—9 г кальций, 5 г фосфор  
ва 40—50 мг каротин бўлиши лозим. Айрим ҳолларда  
сигирларни тушишига иккі-уч ҳафта қолганида уларга  
ҳар суткада камида 300—500 г сунъий усулда майса  
қилинган озиқбоп буғдой арпа ёки сули бериш уларни  
витаминларга бўлган эҳтиёжини қондиради.

Умуман сигирларни режадаги сут маҳсулдорлигига  
кўра, қишиш ва ёз ойларида бериш учун озиқ рационала-  
ри тавсия қилинган (14-жадвал).

#### 14- жадвал

**Сигирларга қишиш ва ёз ойларида қўлланиши лозим бўлган ва  
тавсия этилган озиқ рациони (Ўзбекистон Чорвачилик и. т.  
институти).**

Ем-хашак турлари	Режага кўра олиниши лозим бўлган сут, кг					
	2000- 3000	3100- 4000	4100- 5000	2000- 3000	2100- 4000	4100- 5000
	Қишиш ойларида:			Ёз ойларида:		
Беда пичани, кг	6,0	6,0	7,0	—	—	—
Беда кук массаси, кг	—	—	—	34	36	40
Маккажджӯхори силоси, кг	7,0	8,0	10,0	—	—	—
Беда сенажи, кг	7,0	8,0	9,0	—	—	—
Омиҳта ем, кг	2,1	2,5	2,9	2,1	2,7	2,9
Ош тузи, г	60	60	60	60	60	60
Мононатрий фосфат, г	0,10	0,10	0,10	0,15	0,15	0,15
Жами:	22,26	24,66	29,06	36,3	38,7	43,1
Р а ц и о н таркибидағы моддалар:						
Озиқ бирлиги, кг	9,0	9,7	11,5	8,2	9,1	10,3
Ҳазм бўладиган протеин, г	1324	1388	1648	1406	1524	1710
Кальций, г	127,5	133,0	160,5	198,2	207,2	223,0
Фосфор, г	62,7	66,2	73,0	57,0	61,0	66,0
Каротин, мг	725	740	850	1700	1800	2000

Рациональные тюльпаны, %						
Беда пичани (кук беда)	33,3	31,0	30,5	70,4	67,2	66,2
Маккажүхори силоси	15,5	16,4	15,6	—	—	—
Беда сенажи	23,3	21,6	23,4	—	—	—
Омидта ем	27,9	31,6	30,5	29,6	32,8	34,0

*Ез ойларида бўғоз сигирларни боқиш ва парваришилаш ишларига алоҳида эътибор берилади. Айниқса кун исиб, ҳаво ҳарорати кўтарилиб кетганида сигирларни имкони борича салқин, шабадароқ ерларда сақлаш тавсия этилади. Сигирларнинг танаси қўёшнинг қизиган нурларидан сақданиши керак. Уларга бериладиган сув тоза ва ҳидсиз бўлиши лозим. Шунингдек бўғоз сигирларни ҳаракатига (моцион ишларига) бўлган эътиборни кучайтириш мақсадга мувофиқдир. Бўғоз сигирларни имкони бўлса яловларда 4—5 соат боқилса, яхши натижа беради.*

*Киш ойларида бўғоз сигирларнинг танаси совуб кетмаслиги учун барча чора-тадбирлар амалга оширилади. Уларга музлаган озиқлар, жумладан: силос, сенаж, илдизмева ва ҳ. к.лар берилиши мутлақо тақиқланади. Шунингдек, қишининг совуқ кунларида сувни (18°C атрофига) илитиб бериш зарур. Акс ҳолда, уларда бола ташлаш ва овқат ҳазм қилиш органлари жароҳатланиши вужудга келади.*

*Йиҳ мобайнида* барча бўғоз сигирларнинг танасини ўз вақтида ва тез-тез тозаланиб турилади. Агар имкони бўлса ёз ва куз ойларида чўмилтириб туриш ҳам ижобий натижа беради. Киш ойларида илиқ, ёзда совуқ сув билан танани ювиш ва тоза сақлаш тавсия этилади.

Бўғоз сигирларни майиб бўлишидан, жароҳатланишидан, бир-бирлари билан шохлашишдан ва барча турдаги механик таъсиirlардан сақлаш лозим. Чунки улар кўнгилсиз натижаларга олиб келади.

Бўғоз сигирларни туғишига 3—4 кун қолганида иложи бўлса ташқарига, турли ёшдаги молларга қўшмаслик лозим, акс ҳолда бу ҳам салбий натижаларга олиб келади.

### Бузоқларни озиқлантириш

Янги туғилган бузоқларнинг озиқ ҳазм қилиш аъзолари анча нозик, ҳали унча ривожланмаган бўлгани учун давал озиқларни истеъмол қилолмайди. Бинобарин, улар ўсиб ривожланган сари фақат сутдан фой-

даланмасдан, сут-күкат, кейин ем-хашаклар билан озиқланишга ўтади ва шунга мослашади. Кузатишларга қараганда, бузоқлар ем-хашак билан озиқланишга қанча тез мослашса, уларнинг ошқозони ва ичаклари катта ва ҳажмли бўлади, бинобарин, дагал озиқларни яхши ўзлаштираолади.

Ёш организмлар учун озиқ рационида етарли миқдорда оқсил, углевод ва ёғ моддалар бўлиши уларнинг жадал ўсишига ёрдам беради. Агар углеводлар етарли бўлмасдан, оқсил ва ёғлар кўпроқ бўлса, у ҳолда уларнинг ўрни оқсил ва ёвлар ҳисобига қопланади. Лекин бундай қопланиш узоққа бормайди, бузоқ ориклайди, унинг организмида моддалар алмашинув жараёни бузилади. Баъзан ўсишни тўхтатувчи заҳарли моддалар ҳосил бўлади. Бинобарин, бузоқларнинг ўсиб ривожланиши уларга бериладиган ем-хашак таркибидағи углеводлар миқдорига ва уларнинг протеин билан ёвларга нисбатига борлиқ бўлади. Шунинг учун уларни онасидан ажратилгандан кейин тўла қимматли озиқлар билан боқиши керак. Бузоқлар учун озиқ меъёри уларнинг ёшини, жинсини, тирик вазни, суткалик ўртача ўсишини, нима мақсадда боқилиши ва ҳоказоларни ҳисобга олган ҳолда тузилади.

Бузоқларнинг ёшига қараб озиқ рациони таҳминан қўйидагича бўлиши мумкин (*15-жадвал*). Насл учун қолдириладиган бузоқларга 5—15 фоиз кўпроқ ем-хашак берилади (*16-жадвал*).

#### 15-жадвал

**Бузоқларнинг 6 ой мобайнида боқиши кўрсатгичлари (бунда бузоқларни суткасига 650—700 г дан семиртириш ва боқувнинг охирида уларнинг вазнини 150 кг га етказиш режалаштирилган)**

Ёши, ой ҳисобида	Ой охири- даги вазни, кг	Ҳар боз учун сутка давомида талаб қилинади					
		озиқ бирли- ги, кг	ҳазм бўлади- ган оқсил, г	каль- ций, г	фос- фор г	каротин, мг	ош тузи, г
1	52	2,2	220	10	5	30	5
2	72	2,5	325	15	10	45	10
3	91	2,8	365	20	25	60	10
4	110	3,1	405	25	15	75	15
5	130	3,4	410	25	15	90	20
6	150	3,7	425	30	20	105	30

**Насл олиш мақсадида боқиладиган буқачалар учун озиқ рационы (бунда 16 ой ичидә уларнинг вазнини 500 кг та етказиш мўлжалланган ва суткалик семириши 900—1000 г режалаштирилган)**

Ёши, ой ҳисобида	Ой охири- даги вазни, кг	Ҳар бош учун сутка давомида талаб қилинади					
		озиқ бирли- ги, кг	ҳазм бўлади- ган оқсила, г	ош тузи, г	каль- ций, г	фос- фор, г	каротин, мг
1	62	2,7	270	5	15	10	35
2	90	3,3	430	10	20	15	55
3	120	3,9	505	15	30	20	75
4	150	4,2	545	20	30	20	95
5	180	4,6	550	20	35	25	115
6	210	5,0	575	25	40	30	140
7—8	270	6,0	660	30	45	30	145
9—10	330	6,6	710	40	55	35	160
11—12	390	7,1	745	40	60	35	180
13—14	450	7,8	830	50	65	40	210
15—16	500	8,6	880	50	65	40	240

Насл олиш мақсадида боқиладиган буқачаларга 6 ойлигидан 10—12 ойлигигача қиши ойларида 100 кг тирик вазни ҳисобига 2,5—3 кг ем, 1,6—1,8 кг сифатли беда пичани, 0,5—1 кг донадор ёки брикет озиқ, ҳамда 3—4 кг силос ёки илдизмева бериш зарур. Ёз ойларида эса пичан ва айрим серсув озиқлар тўйимлилигига қараб қисман кўкат озиқлар билан алмаштирилади. Бинобарин, насл олинадиган буқачалар шу ёшда кунинга камида 70—80 мг каротин ва етарли миқдорда витаминалар (А витамин — 80—90 МЕ, Д витамин — 10—20 МЕ ва Е витамин — 20—30 МЕ миқдорда) билан таъминланиши керак.

Новвосларнинг ўсиши ва ривожланишига алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Айниқса, улар 10—12 ойлигидан бошлаб, зотининг хусусиятларига кўра, озиқ рационининг таркиби айрим ўзгаришлар киритилади. Масалан, буқалардан уруғ олишга икки ой қолганда, улар рационидан силос ва лавлаги чиқариб ташланади, ҳамда улар ўрнига 3,5—4 кг сифатли ем-концентрат, 6—7 кг витамили беда пичани, 1—1,5 кг донадор озиқ, шунингдек кунинга 2—3 товуқ тухуми, 0,2—0,3 кг куристилган (ёғи олинган) сут ёки сут ўрнини босадиган ичимлик, 1—2 кг сабзи бериш тавсия этилади.

Насл учун боқиладиган новвослар 10—12 ойлигига-ча 5—6 тадан ва батын 20—25 тадан қилиб гурүх ҳолда боқилади ва парваришиланади. Насл олинмайдиган новвослар профилакторий даври тутагач, махсус гурүх ҳолидә гүштта семиртирилади ва кейинчалик улар қушхоналарга, ёки гүшт комбинатларига жүнатилади.

Бузоқларни түгри боқиш ва парвариши қилиш қорамоллар подасини соғлом, сермаңсул сигирлар ва юқори күрсатгичта зета бўлган бақувват наслдор буқалар билан тўлдиришда муҳим аҳамиятта зета.

**Бузоқларни боқиш ва парваришилаш** — асосан учхил усулда амалга оширилади: 1. Онасига эмизиб боқиш. 2. Олдин эмизиб, сўнг сочиш усули. 3. Онасидан ажратиб боқиш усули.

**Онасига эмизиб боқиш** — асосан гүшт йўналишидаги қорамолчиликда қўлланилади. Бунда сути оз бўлганлиги учун сигирлар соғилмайди, у фақат бузори билан бирга боқиласди.

Гүшт йўналишидаги қорамолчиликда бузоқлар 7—8 ойлигигача онасини эмиб ўсади. Айрим ҳолларда сигир сути кўп бўлса, унга яна битта бузоқ бириктирилади. Бундай бузоқлар гүшт учун боқиладиган, суттовар фермаларидан келтирилган бўлади. Бу бузоқни бегона сигир қабул қилиши учун унинг боши, елкаси, думининг танага бириккан қисмига шу сигирнинг сути ёки сигир туваёттанида йўлдош суюклиги суркалади. Кейин шу сигир уни гўё ўзи тукдан боласидек яхши қабул қиласди ва эмизаверади.

Гүшт йўналишидаги қорамолчиликда бузоқлар онасидан сентябрь ва октябрь ойларида ажратилади. Бунда уларнинг ўртача вазни 170—220 кг атрофида бўлишиб аниқланган. Чунки уларнинг турниши мавсумга қараб апрель-май ойларига тўгри келади.

**Олдин эмизиб, кейин сочиш усули** — қадимги усул ҳисобланади. Бу усул асосан шахсий хўжалик ва хонадонларда қўлланилади. Бунда бузоқлар турилганидан кейин онасидан ажратиб олинади ва фақат сигирларни сочиш вақтида, сочишдан олдин эмизилади. Шунингдек, сочиш жараёнида ҳам бир неча бор эмдириб олинади. Ниҳоят, сочин тутагач, бузоқ яна онасини бир неча минут эмади, кейин ажратиб олинади. Бу истиқболли усул ҳисобланмайди.

**Онасидан ажратиб боқиш** — барча суттовар фермаларида қўлланиладиган истиқболли усул ҳисобланади. Бунда янги турилган бузоқларга 10—15 кун даво-

мида онасининг сути берилади ва профилакторияда асралади, ветеринария ҳамда санитария тадбирлари кўлланилади. Масалан, ҳаво совуқ ёки салқин бўлганда, бузоқхоналарни электр лампалар ёрдамида 20—24°C гача иситиш, БУВ — 30 маркали лампалар ёрдамида бузоқларни ультрабинафша ва инфрақизил нурлар билан таъминлаш, уларни эмлаш ва ҳоказолар шулар жумласидандир.

Бузоқлар туғилганидан 40—60 минут кейин уларда биринчи марта эмиш рефлекси ҳосил бўлгач, онасининг оғиз сути билан эмдирилади. Агар онасининг елини мастит (яллигланиш) ёки бошқа касаллик билан оғриган бўлса, унда бошқа соғлом сигирнинг оғиз сутидан фойдаланилади. Бузоқлар профилакторияда бўлган даврда, яъни 10—15 кун давомида суткасига уч марта оғиз сути ва одий сут билан боқилади. Кейинчалик икки марта, баъзан уч марта сут билан таъминланади. 5—10 кунлик бузоқларга витамишли пичан берилади. Бузоқлар сутини ичиб бўлгач, орадан 1 соат ўттач, қайнатиб совитилган сув бериш тавсия этилади.

10—15 кунлик бузоқлар профилакториялардан ихтинослаштирилган хўжаликларга сотилиши мумкин.

15—20 кунлик бузоқларга оз-оздан сифатли емконентрат бериш мумкин. Бунда 50—100 г миқдорда кунжара ёки бошқа ем билан боқиш яхши натижада беради. Шунингдек, 11 кунлигидан минерал қўшимчалар, жумладан, ош тузи ва бўр бериш фойдалидир. 30—40 кунлигидан бошлаб ёғи олинган сут бериш яхши натижада беради.

### **Бузоқларни 15 кунлигигача озиқлантириш**

Янги туғилган бузоқларни 15 кунлигига қадар озиқлантириш ва асраш ниҳоятда муҳим аҳамиятта эга. Чунки бу давр улар ҳайтида ўта нозик ва ҳал қилувчи давр ҳисобланади. Бунга асосий сабаб она қорнидан ташқи муҳиттага, унинг турли хил мураккаб шароитларига мосланиш жараёнлари давом этади. Бузоқ организмида ташқи муҳит шароитига мосланиш ва бу борада муҳит қаршиликларини енгиш жараёнлари юз беради. Шуни айтиш керакки, бузоқлар организмида ташқи муҳит қаршиликларига нисбатан ҳали уларда иммунитет ниҳоятда суст даражада бўлади. Бинобарин, шу 15 кун давомида барча талаб этилган шароит яратилмаса бузоқ нобуд бўлиши мумкин.

**Бузоқларнинг янги туғилганилик даври ҳисоблан-**

ган 15 кунгача бўлган даврда қўлланилмаган айрим кичик сабабларга кўра уларда ички органлар фаолияти бузилади ва турли хил касалликларга учраши кўплаб кузатилади. Бу борада энг кўп учрайдиган хасталиқдан бири ошқозон-ичак касаллиги ҳисобланади. Бунга асосий сабаб озодагарчиликка ва зоогигиена қоидаларига риоя қилмасликдан иборат бўлади.

Янги туғилган бузоқларни соғлом ва тетик ўсиши учун қуидаги тадбирларни амалга ошириш талаб этилади: 1. Бузоқ сақланадиган хона ниҳоятда тоза, қуруқ ва ёруғ бўлиши керак. 2. Бузоқлар шамоллаб қолишига йўл қўймаслик лозим. 3. Бузоқлар учун қўлланиладиган барча идиш, сочиқ ва бошқа турли воситалар иссиқ, кейин совуқ сувда тозалаб ювилиши, соданинг 3% эритмасида чайилиб, қуритилган ҳолда қўлланиши талаб этилади. 4. Бузоқ сақланган хона ҳарорати  $+15^{\circ}\text{C}$  дан паст ва  $+25^{\circ}\text{C}$  дан юқори бўлмаслиги керак. 5. Ёз ва куз ойларида, ҳамда об-ҳаво иссиқ бўлган вақтда бузоқлар ташқарида яйратилади, шунингдек, қуёш нурларида маълум даражада фойдаланишга имкон яратилади. Шундай қилиб, юқорида баён этилган талаб ва тадбирларни қўллаш ва амалга ошириш ижобий натижа беради.

Янги туғилган бузоқларни икки ҳафта давомида энг асосий озиғи онасининг оғиз сути ҳисобланади. Шуни ҳам қайд қилиш лозимки, оғиз сутининг таркибида кўп микдорда оқсил, минерал тузлар эритмаси, витаминалар, ферментлар бўлгани ҳолда ёш организми ташқи муҳит қаршиликларни енгишга, саломатлигини яхшилашга, ҳамда жадал ўсиб-ривожланишига имкон беради.

Олимлар ва мутахассисларнинг кузатишларига қарангандо, сигир туққанидан сўнг оғиз сутининг дастлабки қисми ўзининг таркиби ва хусусиятларига кўра, она қорнида бузоқ организмига тушиб қонга бирмунча ўхшаш бўлар экан. Шунинг учун ҳам бундай онасини оғиз сутидан баҳраманд бўлган бузоқлар тез ўсади, ривожланади ва касалликларга чидамли бўлади.

Айрим сабабларга кўра онасининг оғиз сути ичириш учун яроқсиз бўлса, ёки елини касалланиб қолса, бошқа янги туққан сигир сутидан фойдаланиш мумкин. Агар бордию бундай сигир бўлмаса, уларга сунъий оғиз сути бериш тавсия этилади. У қуидагича тайёрланади. Яъни соғлом сигирдан соғиб олинган 1 кг сутта 15 г балиқ мойи, 10 г ош тузи ва 3—5 дона тухум солиб аралаштирилади ва совутилмасдан ичирилади.

Бундай тадбир ёш бузоқдарни новбуд бўлишидан саклайди.

*Янги туғилган бузоқларни оғиз сути билан озиқлантириши.* Бузоқ туғилгач, орадан 1—1,5 соат ўтгач, уларнинг танаси тозаланиб бўлгандан сўнг ўз онасини эмишга қўйилади. Бунда бузоқлар бир суткада 4—5 маротаба онасини эмиб, ўртача 5—6 л атрофида оғиз сути қабул қилиш меъёр ҳисобланади. Агар бузоқ катта вазнда туғилган бўлса, уларнинг меъёр даражасини кўпайтириш талаб этилади.

Бузоқлар ўз онасини эмиш жараёнида айниқса биринчи кунлари ходимлар томонидан назорат қилиб турйилади. Бунда бузоқлар онасини шошиб ва жуда тезлик билан эмишни олди олиниши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Чунки биринчидан эмилган сут сўлак безлари суюқлиги билан яхши аралашмайди, иккинчидан бир йўла кўп миқдорда сут ичиб юборса, уни ҳазм қилишга қийналади. Кейинчалик, оддий сутта ўтгач бузоқларга ўлчангандек ҳолда қўлда сут бериш мумкин. Бунинг учун кўплаб илгор фермер хўжаликларида сўргичли сут идишларидан фойдаланилади.

Бунда бузоқларга қатъий режим асосида, ҳар куни бир вақтда ва бир хил миқдорда сут берилиши мумкин. Бериладиган сут ҳарорати 36—38°C бўлиши мақсадга мувофиқдир. Бузоқларга совиган сут берилса уларда ичкетар хасталиги вужудга келади. Ёш бузоқларга оғиз сути юқори даражада иситиб ёки қайнатиб бериш тақиқланади, чунки бундай сут ивиб қолишга мойил бўлади ва қолаверса унинг таркибдаги кўплаб фермент, витамин ва минерал моддалар ўз кучини йўқотади. Бошқача қилиб айтганда, бундай сутнинг фойдасидан кўра зарари кўпроқ бўлиши кузатилган. Агар бузоқлар сутни иштаҳасизлик билан ичса, унинг сабаби аниқданиши лозим. Эҳтимол, уларда овқат ҳазм қилиш органлари фаолиятига путур етган бўлиши мумкин, ёки кўп миқдорда бериб юборилган сут уларни қийнаб қўйиши мумкин ёки сутнинг сифати ниҳоятда тубан бўлиши мумкин ва ҳ. к. Шунинг учун бузоқларга мажбуран сут ичириш яхши натижга бермайди.

Умуман, хулоса қилиб айтганда, ҳар бир фермер хўжалигига ёш, янги туғилган бузоқлар имкони борича ўз оналарини оғиз сутларидан тўла, чегараланмаган ҳолда (яъни тўйгунича) баҳраманд бўлишлари лозим. Шундагина улар дуркун ва бақувват бўлиб ўсади, яхши

ривожланади, ҳамма турли хил касаллукларга чидами бўлади.

*Бузоқларни эмизикли даврида озиқлантириш.* Бузоқларни эмизикли даврида тўғри, масъулият билан боқиш катта аҳамиятга эга. Улар 2,5—3 ой давомида турли хилдаги дарал, серсув ва ем озиқларни истеъмол қилишга мослашади. Лекин эмизикли даврда бузоқларни рационидаги сут салмоғи юқори бўлиши лозим. Чунки сутнинг таркибидағи кўплаб тез ҳазм бўладиган витаминлар, минерал моддалар, оқсили ва ҳ. қ.лар улар организмини тез ўсиб ривожланиши борасида муҳим омил ҳисобланади.

Ёри олинган сут бузоқларга 30 кунлигидан берилиши тавсия этилади. Лекин унинг дастлабки миқдори 0,5 л атрофида бўлиб, у 35—37°C ҳароратта эга бўлиши яхши натижа беради. Кейинчалик унинг миқдори 1,5—2 л гача кўпайиши мумкин.

Бузоқларга 10—11 кунлигидан бошлаб оз-оздан (100—150 г) сифатли беда пичани ва шунча омиҳта ем бериш мумкин. Кейинчалик бу миқдор кўпайтирилади ва, ниҳоят, улар 2 ойлик бўлганида кунига 800—1000 г дан беда пичани ва 1 кг дан омиҳта ем олишлари мумкин. Бошқача қилиб айтганда, ҳар бир бузоқ 50 кун давомида 35 кг атрофида беда пичани ва 19—20 кг омиҳта ем олишлари меъёр ҳисобланади. Бундан ташқари, бузоқларга истаганича ош тузи ҳам бериб борилади.

Айрим фермер хўжаликларида бузоқларни 20 кунлигидан бошлаб сут ўриндоши билан таъминлайдилар. Сут ўриндоши ўзининг таркиби ва барча ижобий хусусиятларига кўра табиий сутга ниҳоятда яқин бўлади. Уни тайёрлаш учун қўйидагилар талаб этилади. Яъни 100 кг сут ўриндоши тайёрлаш учун, 24—34 кг кукун кунжара, 17—25 кг арпа уни, 35—38 кг маккажўхори уни, гидролизланган 5 кг озиқ ҳамиртуруши, 6 кг беда уни, 1—1,5 кг бўр ва 0,6 кг ош тузи солинади. Шунингдек, озроқ сув ва кўпроқ ёғи олинган сут, балиқ мойи, қанд, террамицин ҳамда микроэлементлар (кобальт, марганец, мис, темир ва йод бирикмалари) ҳам қўшиллади.

Сут ўриндошини тайёрлаш ишлари асосан АЗМ-0,8 маркали агрегат ёрдамида амалга ошириллади. Унинг тайёрлаш технологияси қўйидагича: тайёрланган қоришмага 400 л иссиқ сув қўйилади, 100 кг аралаш омиҳта ем солинади ва бу масса 85—95°C гача пар

ёрдамида иситилади. Масса яхшилаб аралаштирилади. Сўнг у 70—75°C гача совитилади, ҳамда унга 300 л ёғи олинган сут қўйилади. Бошқа, қолган моддалар (ёғ, антибиотиклар ва микроэлементлар) масса ҳарорати 50°C бўлгач унга қўшилади ва у аралаштирилиб совутилади. Бузоқларга бериладиган сут ўриндошини ҳарорати 30—35°C бўлиши ижобий натижা беради.

Бузоқларга бериладиган дон-ем озиқларни ёрма ҳолда ивтиб бериш мақсадга мувофиқ ҳисобланади, чунки унинг ҳазм бўлиши ва шимилиш хусусияти юқори бўлади.

Илдизмевали озиқлар (савзи, лавлаги) бузоқларни 1,5 ойлигидан бошлаб бериш тавсия этилади. Бундай озиқларни таркибида карбон сувлар ва қанд моддаси кўпроқ бўлганлиги учун бузоқларни тез ва жадал ўсишига ижобий таъсир этади. Лекин бузоқларга бериладиган илдиз мевали озиқлар олдин тозалаб ювилади, майдалаб тўғралади ва тоза идишларга солинган ҳолда бериш тавсия этилади.

Бузоқларга сифатли силос уларнинг 2 ойлигидан бошлаб бериш мумкин. Лекин бунда ҳам уларни астасекинлик билан бу озиқга ўргатиб борилади.

Бузоқларнинг яхши ўсиб ривожланиши учун айрим фермер хўжаликларида сифатли беда пичанини иссиқ сувда сақлаб, унинг суви берилади. Бунинг учун беда пичани 3—5 см узунликда майдаланади, бирор катта ҳажмли идишга солинади ва унга ҳарорати 70—80°C бўлган сув қўйилади. Идишни усти беркитилиб қўйилади. Орадан 6—7 соат ўтгач у ишлатиш учун тайёр бўлади. Бунда ҳар бир кг беда пичани учун 6—7 л сув етарли ҳисобланади. Тайёрланган пичан суви бирор докадан ўтказилади ва унинг 2 л га 1 г ош тузи қўшилган ҳолда 35—37°C да бузоқларга ичирилади. Бу эса ёш бузоқларга витамишли сув ҳисобида анча фойдали ҳисобланади. Бундай сув бузоқларни 20 кунлигиндан (0,5 л дан) бошлаб бериш мумкин. 1 ойли бузоқларга 1 л, 2 ой бўлганда 4 л, 3 ой бўлганда 8 л дан бериш яхши натижা беради. Бундай пичан суви ошқозон фаолияти ва овқат ҳазм қилиш хусусиятини яхшилайди, шунингдек, уларда иштаҳа кўтарилади.

Бундан ташқари, бузоқларни ҳамма вақт тоза ичимили сув билан таъминлаш ҳам мухим аҳамиятта эга. Бунинг учун салқин ва совуқ кунлари ёш бузоқларга бериладиган сув 37—38°C ва 3—4 ойлигидан бошлаб хона ҳароратида бўлиши мумкин. Лекин совуқ, кун-

ларда совуқ сув бериш тақиқланади. Чунки у ёш организмни жароҳатлаб қўйиши мумкин.

*Сутдан ажратилган бузоқларни озиқлантириш.* Ҳар бир миңтақа шароитида фермер хўжаликларида ўстирилган бузоқлар сермаҳсул, тез етилувчан, соғлом, ҳамда ташқи муҳит қаршиликларига чидамли, бақувват ва йирик вазнили бузоқларни бўлиши ҳам хўжалик, ҳам иқтисодий аҳамиятта эгадир. Улар дағал, серсув ва ем озиқларни яхши ўзлаштираоладиган, истеъмол қилган озиқ бирлиги учун кўпроқ вазн қўшадиган моллар бўлиб етилиши барча фермерлар олдида турган энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланishi табиийдир.

Зоти, жинси ва маҳсулот йўналиши қандайлигидан қатъи назар бузоқларни боқицда улар вазнини жадал ўсишига алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Масалан, бунда уларнинг бир ёшлигидаги вазни туғилганидаги вазнига кўра 7—8 марта кўпроқ ёки 1,5 ёшга борганда 11—12 марта ортиқ бўлиши мақсадга мувоффик ҳисобланади. Умуман, подани бойитиш учун боқилаётган урючи бузоқларни боқишига ва парваришлашга алоҳида эътибор бериш керак. Уларни фермер хўжаликларида боғламасдан гуруҳ ҳолда боқиши ва парваришлаш тавсия этилади. Бинобарин, бу усуслни қўллаш кўплаб иқтисодий самараదорликка эришиш борасида муҳим омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

Бузоқларни кундалик рационига унинг тўйимлигига алоҳида эътибор бериш лозим. Маълумки, озиқ турларини сифати қанчалик паст таркибида кимёвий моддалар, айниқса протеин кам бўлса, бузоқларнинг ҳар бир кг семириши учун улар шунча кўп миқдорда сарфланади.

Бузоқларни яхши ва бақувват бўлиб ўсиши учун уларни узлуксиз ош тузи билан таъминлаб туриш тавсия этилади. Бунда 1—6 ойлик бузоқларнинг ҳар 100 кг вазни ҳисобида суткасига 8—10 г атрофида, 6 ойдан катта бузоқлар учун эса 10—15 г дан ош тузи бериш талаб этилади.

*3—6 ойлик бузоқларнинг рациони ёз ойларида асосан сўлитиб бериладиган беда ва маккажўхорининг кўк массасидан ташкил топса, қиши ойларида беда пиҷани ва сенаж ҳамда силос ҳисобига тузилади. Бинобарин 3 ойда ҳар бир бош бузоқ учун ёз ойларида 1200 кг серсув кўк масса ва 90 кг омикта ем сарфланса, қиши ойларида 600 кг силос, 150 кг беда пиҷани ва 120 кг омикта ем бериш меъёр ҳисобланади.*

Шу усулда парваришилаб боқилган урөочи бузоқлар бир ёшлигидә 300 кг ва ундан ҳам күпроқ тош босади. Уларнинг кундалик семириши 600—700 г баъзан ундан ҳам күпроқ бўлади.

Барча бузоқлар учун кунига уч мартадан озиқ берилади. Бунда ёз ойлари давомида ўртача озиқ рациони қуидагича бўлиши мумкин. Яъни бузоқларни 3—6 ойлигидә суткасига: 3—4 кг кўк беда, 4—5 кг маккажўхорининг кўк массаси, 1—2 кг қўқон жўхори кўк массаси, 1—2 кг дан жавдар ва арпанинг кўк массаси, ҳамда 1 кг дан ем бериш меъёр ҳисобланади. Қиши ойларида эса суткасига: 1 кг беда пичани, 1 кг дуккакли ёки бошоқли ўсимлик пояси, 6—7 кг маккажўхори силоси ва 1—1,5 кг ем бериш меъёр ҳисобланади (17-жадвал).

#### 17-жадвал

#### Сутдан ажратилган бузоқлар учун бир суткалик умумий рацион (ўртача)

Ем-ҳашак турлари, кг	Бузоқларни ёпи, ой			
	3—6	6—12	12—18	Фунажинлар
Ёз ойларида, ўртача:				
Ем (дон ёрмаси)	1—1,2	1—1,3	1,5—1,6	1,6—2,0
Кўк беда массаси	3—4	5—6	8—10	11,5—14
Маккажўхорининг кўк массаси	4—5	5—6	8—9	8—10
Кўқон жўхори кўк массаси	1—2	3—4	4—5	5—6
Арпанинг кўк массаси	1—2	1—2	3—4	4—5
Жавдарнинг кўк массаси	1—2	1—2	3—4	4—5
Ош тузи, г	20—26	20—30	34—40	45—50
Жами бўлиб: — озиқ бирлиги, кг	3—3,5	4,2—4,5	6,5—7	8—8,5
— ҳазм бўлувчи				
протеин, г	300—380	550—560	650—670	750—780
Қиши ойларда, ўртача:				
Ем (дон ёрмаси)	1—1,4	1,4—1,6	1,6—1,8	2—2,5
Беда пичани	1—1,5	1,5—2	1,5—2	2—2,5
Дуккакли ва бошоқли ўсимликларнинг пичани	1,0	1,0	1,0	2,0
Озиқбоп лавлаги	—	—	4,0	5,0
Сомон	—	—	1,0	1,5
Ош тузи	20—25	25—30	35—40	40—50
Жами — озиқ бирлиги, кг	3,3—3,5	4,4—4,6	6,5—7,2	8,3—8,8
бўлиб: — ҳазм бўлувчи				
протеин, г	300—390	555—565	640—700	800—820

17-жадвал кўрсатилган рацион бузоқларнинг ёшига ва ориқ-семизлигига кўра тахминий бўлгани ҳолда, ҳар бир фермер хўжалигининг ички шароитига қараб айрим ўзгартиришлар киритилиши мумкин. Умуман фан ютуқлари ва илғор тажрибага асосланган ҳолда, ҳар бир вилоят шароитига мос ҳисобланган рацион муҳим аҳамият касб этади.

### Молларни бўрдоқига боқиш

Республикамиздаги кўплаб қорамолчилик фермаларида ва фермерлик хўжаликларида новвосларни жадал усуlda гўштта семиртириш ишлари кенг авж олмоқда. Бундан асосий мақсад қисқа вақт ичидан кўплаб сифатли мол гўшти етиштиришдан иборат. Бундай тадбирлар тўғри қўлланган хўжаликларда маҳсулот таннархи арzonлашади, маблағ оз сарфланади ва унумдорлик юқори бўлади.

Бўрдоқига боқиш учун ёш моллар анча қулай ҳисобланади. Чунки уларнинг организми тез ўсади, гуштдорлик хусусиятлари яхши ифодаланади. Бўрдоқига боқилган молларнинг гўшти мазали ва тўйимлилик хусусияти бир-неча марта юксак бўлади. Бундан ташқари, агар ёш моллар бўрдоқига боқилса, уларнинг семиртиш бирлиги учун катта ёшдаги молларнига нисбатан кам озиқ сарфланади. Бунинг сабаби улар организмида сувнинг кўпроқ бўлиши ва қуруқ моддаларнинг камроқ бўлиши ҳисобланади.

Олиб борилган тажрибаларга кўра, вазни 400 кг бўлган икки ярим ёшдаги буқанинг вазнини бир килограмм ошириш учун ўрта ҳисобда 10—12 озиқ бирлиги сарфланса, 1,5 ёшдаги новвосларни жадал усуlda боқиб, вазнини 400 кг га етказилса, ҳар бир килограмм семиртириш учун атиги 7—8 озиқ бирлиги сарфланиши аниқланган.

Бўрдоқига боқиладиган қорамоллар учун рацион тузишда уларни суткасига камида 800—1000 г семиршини ҳисобга олиш лозим. Шунингдек, биринчи гада ҳар бир хўжалиқда етиштириладиган асосий ем-хашак турларидан рацион тузиш талаб этилади. Масалан, озиқбоп полиз экинлари, маккажўхори ёки хашиби лавлаги бўлса, шулар ҳисобига рацион тузиш фойдалидир. Чунки бу озиқ турлари емга қараганда анча арzon туради, бинобарин, етиштириладиган гўштнинг таннархи ҳам арzonга тушади.

Ўзбекистоннинг кўпгина хўжаликларида қорамоллар-

ни бўрдоқига боқишда силос, лавлаги, барди, дағал озиқ (пичан), ёз ойларида эса кўк беда, маккажўхори пояси, судан ўт каби ем-ҳашак турларидан фойдаланилади. Торли ва тороғди туман хўжаликларида асосан молларга дағал озиқлар ва ем-концентрат бериб боқилади.

**Озиқлантириш усуллари.** Гўштта семиртириш учун ажратилган барча новвослар эмизикили давридан ўттач, тўрт хил усуlda жадал озиқлантирилади.

Биринчи усул — силос ва дағал озиқлардан максимал фойдаланиб, қисман (30—45 фоиз) ем билан озиқлантириш.

Иккинчи усул — сенаж ва ем билан озиқлантириш. Бунда ем миқдори 35—50 фоизгача бўлиши мумкин. Ёз ойларида сенажни кўк ўт билан алмаштириш мумкин.

Учинчи усул — новвосларни силос, дағал озиқ, ем ва барда билан озиқлантириш ҳисобланади.

Тўртинчи усул — аралаш озиқлар, донадор ва брикет озиқлар, шунингдек, майдаланган маккажўхори сўтаси (40—60 фоиз) билан озиқлантириш.

Новвосларни юқорида номлари баён этилган усуллар асосида озиқлантирилганда уларга бериладиган ем миқдори уларнинг семириш жадаллигига ва боқиш муддатининг узоқ-яқинлигига қараб белгиланади. Агар молларни қисқа вақт ичида, жадаллик билан семиртириш талаб этилса, ем миқдори кўпроқ бўлиши керак, акс ҳолда, уларнинг семириши чўзилиб кетади, бу ҳол юқори самарадорликка олиб келмайди.

**Новвосларни озиқлантириш майдончаларида семиртириш.** Барча бўрдоқига боқиладиган новвосларни маҳсус ажратилган озиқлантириш майдончаларига қўйилади. Бунда қўлланиладиган технологик жараёнларни ҳисобга олган ҳолда озиқлантириш майдончаларининг уч хил бўлиши қабул қилинган.

1. **Очиқ майдончалар** ёки усти ёпилган, шу мақсад учун режалаштирилган майдончаларда озиқлантириб семиртириш.

2. **Уч томони ва усти беркитилган** кенг ярратиш майдонларида, ярим очиқ майдончаларда ва бостирма-лар остида озиқлантириб семиртириш.

3. **Бетонли блоклар ёрдамида,** енгил усуlda курилган, усти берк ва атрофи очиқ бўлган майдончаларда озиқлантириб семиртириш шулар жумласидандир.

Умуман, республикамизда фаолият кўрсатаётган, гўшт етиштиришга ихтисосланган фермер хўжаликларидан.

ри молларни муайян озиқлантириш майдончаларида гүштга семиртиришда ўз минтақаларининг табиий, иқтисодий ва географик хусусиятларини ҳисобга олишлари лозим. Бунда ҳар бош мол учун ўртача 5 м<sup>2</sup> жой ажратилиши етарли ҳисобланади. Бунда молларни тортиш, машиналарга ортиш имкониятлари ва барча талабларга жавоб берадиган асбоб-ускуналарни бўлиши ҳам мақсадга мувофиқдир.

**Молларни яйловда боқиб семиртириш.** Бу тадбир иқтисодий жиҳатдан самарали, кам куч ва маблағ сарфланадиган усул ҳисобланади. Самарадорлик даражаси кўп жиҳатдан яйловларнинг ҳосилдорлигига, ундаги ўсимликларнинг сифати, турли туманлигига, зичлиги ва қанчалик ўсганлигига боялиқдир. Шунингдек, новвосларни қисқа вақт ичида яхши семириши уларнинг ёшига, зоти ва зотдорлигига, физиологик ҳолатига, тана тузилишига ва индивидуал хусусиятларига ҳам борлиқ бўлади. Лекин афсуски, республикамиз минтақаларida табиий яйловларни ниҳоятда оз бўлиши кўплаб имконият ва режаларни чегаралаб қўяди. Табиий яйловлар оз бўлиши билан бир қаторда улар асосан, тоғ этакларида, тоғ ён барирларига жойлашган. Шунинг учун имкони бўлган фермер хўжаликлар моллар учун **маданий яйловларни ташкил этишлари** уларни юксак иқтисодий самарадорликка олиб келади. Маданий яйловларда турли сервитамин ўсимликлар (беда, сули, судан ўт, кузги жавдар, арпа ва х. к.лар)ни бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Новвосларни яйловда озиқлантириш жараёнида улар ош тузи ва бошқа турдаги минерал қўшимчалар билан таъминлаб турилади. Ҳайвонларни яйловларда семиртириш муддати технология талабига кўра 4—5 ойдан иборат. Бу давр ичида ҳар бир ҳайвоннинг салмоғи 90—100 кг ортади.

Муаллифнинг ўз шогирдлари билан 1968—1970 йилларда Қорақалпоғистоннинг Қўнгиrot туманидаги соғиқ «Ильич» номли совхозида гүштдор зот қорамолларни яйловда яйратиб боқиш тажрибаси шуни кўрсатдики, агар молларни боқиш технологиясидан тўғри фойдаланилса, яъни ёзда, иссиқ кунларда моллар фатқат тунда боқилиб, кундузи дам берилса, сув ва ош тузи билан етарли миқдорда таъминланса, жуда тез семирар экан. Масалан, бунда қозоқи оқбош ва абердин-ангус зот молларнинг вазни суткасига 950—1050 г дан ошган бўлса, маҳаллий моллар 700—800 г дан се-

мирған. Шунингдек, молларни жадал семиртириш маҳсулот таннархини бирмунча арzonлаштирган.

### **Назорат саволлари:**

1. Озиқ меъёри деб нимага айтилади? 2. Рацион нима? 3. Соғин сигирларга рацион тузишда нималарга эътибор берилади? 4. Озиқ бирлиги нима? 5. Молларни озиқлантириш типлари тўғрисида нималарни биласиз? 6. Соғин сигирлар қандай озиқлантирилади? 7. Бўрз сигирлар қандай озиқлантирилади? 8. Сутдан чиқдан бўрз сигирларни озиқлантириш қандай бажарилади? 9. Бузоқларни озиқлантиришда нималарга эътибор берилади? 10. Янги турилган бузоқлар 15 кунилигига қадар қандай озиқлантирилади? 11. Ориз сутининг аҳамияти нималардан иборат? 12. Бузоқлар эмизикли даврида қандай озиқлантирилади? 13. Бузоқларни озиқлантириш усуллари борасида нималарни биласиз? 14. Новвосларни бўрдоқига боқиш ва озиқлантириш қандай олиб борилади? 15. Ҳайвонларни озиқлантириш майдонларида гўштга семиртириш ишлари қандай олиб борилади? 16. Молларнинг яйловда боқишининг асосий самараదорлиги нималардан иборат?

### **Амалий машгулот**

#### **Илгор фермер хўжаликларида молларни боқиш, асраш, сақлаш ва парваришлаш ишлари билан танишиш**

**Асосий мақсад.** Бирор илгор фермер хўжалиги шароитида молларни боқиш, асраш, сақлаш ва парвариш қилиш ишлари билан танишиш ва бу борада малака ҳосил қилиш.

**Топшириқ.** Ўқитувчи раҳбарлигига бирор илгор фермер хўжалик фермасига экспурсия ташкил этилади. Уша ерда олиб бориладиган барча меҳнат жараёнлари билан танишилади, керакли маълумотлар ёзид олинади. Экспурсия натижалари ўқитувчи раҳбарлигига муҳокама қилинади.

### **Амалий машгулот**

#### **Молларнинг ёши, жинси, физиологик ҳолати ва маҳсулдорлигига кўра озиқ рационини тузиш**

**Асосий мақсад.** Молларни ёши, жинси, физиологик ҳолати ва маҳсулдорлигига кўра озиқ рационини тузиш бўйича малака ҳосил қилиши.

**Машгулот ўтказиш учун асосий воситалар:** Академик А. П. Калашников таҳрири остида чоп этилган «Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини озиқлантириш нормалари ва рационалари» китоби (Москва, 1985. «Агропром» нашриёти).

**І топшириқ.** Вазни 500 кг, суткасига ёндорлиги 3,8 фоиз бўлган, суткасига 15 кг сут берадиган, ўрта семизликдаги сигирга қиш ва ёз ойлари учун рацион тузиш талаб этилади. Сигирни учинчи марта түкиши, сўнгти марта тукданинига беш ой бўлган. Рацион тузишда хўжалиқда фойдаланиладиган ем-хашак турлари мисолида фойдаланинг.

**II топшириқ.** Вазни 500 кг лактация давомида 3500 кг сут соғиб олиниши режалаштирилган, соғищдан чиқарилган сигирга қишиш ва ёз ойлари учун озиқ рационини тузингт.

**III топшириқ.** 18 ойлик бўлганида вазни камида 450 кг тош босадиган новвосни гўштга семиртириш дэвлари бўйича рацион тузинг. Бунда хўжаликда фойдаланилаётган ем-хашак турларини асос қилиб олинг.

**IV топшириқ.** Соғин сигирлар ва новвослар учун тузилган рационларнинг таркибига кўра тўйимлилигини аниқланг.

## IV Б О Б. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ҲАЙВОНЛАРИНИ КЎПАЙТИРИШ АСОСЛАРИ

### Ҳайвонларнинг ўсиши ва ривожланиши

Ҳайвонларнинг ўсиши ва ривожланиши уларнинг ҳаётида муҳим жараён ҳисобланади. Бу жараённинг жадал ва суст бориши бир қанча омиллар билан белгиланади. Масалан, ирсий ва жинсий белгилар, ҳайвонларнинг зоти ва зотдорлиги, умуман, барча турдати ички ва ташқи муҳит таъсирлари шулар жумласидандир. Масалан, аниқланишича, эркак ҳайвонлар уроҷчиларига қараганда тезроқ ўсади. Ёки ёш ҳайвонларни боқиш ва парваришлашда ташқи муҳит ҳарорати, ҳавонинг намлиги, мусаффолиги ва ҳоказолар сўзсиз таъсир кўрсатиши кўплаб мисолларда исботланган.

Маълумки, ҳайвонларнинг ўсиши ва ривожланишига уларни озиқлантириш, озиқ микдори ва турлари ҳам катта таъсир кўрсатади. Жумладан, сут ва ем билан боқилган бузоқлар тирик вазни оғир ва гўштдор, шунингдек, серсув ва кўпроқ ҳашак билан боқилганда бузоқлар бирмунча ихчам, сут маҳсулоти кам бўлиши аниқданган.

Ёш моллар сакланадиган хоналарнинг нам ва зах бўлиши уларнинг соғлигига салбий таъсир кўрсатади. Қуёш нури, сунъий ёрувлик етарли бўлса, ҳайвонлар соғлом, касалликларга чидамли ва бақувват бўлиб ўсади. Ёш моллар организмида моддалар алмашинув жараёни анча жадал боради. Бунга асосий сабаб уларнинг ўсиши ва ривожланиши учун кўп озиқ моддалар талаб этилишидир. Умуман, ҳар бир турдаги ёш ҳайвонларнинг жадал ўсиши ва ривожланишини тўғри бошқариш ҳар бир чорвадорнинг муҳим вазифасидир.

Ёш ҳайвонларнинг ўсиши ва уни ҳисоблаш. Ҳай-

вонлар туғилганида унинг вазнини аниқлаш мақсадида тортилади. Кейин уларни асосан ойига 1 марта тортиб турилади. Бинобарин, улар вазнининг ортиб бориши ва кўрсаткичлари асосида ҳайвоннинг ўсиш тезлиги аниқланилади. Бунда ҳайвонларнинг ўсиш тезлиги аниқланилади. Бунда ҳайвонларнинг ҳақиқий ва нисбий ўсиши ҳисобга олинади.

**Ҳақиқий ўсиш** ҳайвонларни муайян вақт (кун, ой, йил) давомида қўшимча ўсишидир. Ҳақиқий ўсишни қўйидаги формула билан ифодалаш мумкин:

$$A = K - D$$

Бунда:  $A$  — ҳақиқий ўсиш;  $K$  — кейинги вазни;  $D$  — дастлабки вазни.

Мисол тариқасида бирор бузоқнинг ҳақиқий ўсиш тезлигини аниқлайлик. Фараз қилайлик, унинг туғилганидаги вазни 25 кг, орадан бир ой ўттач, вазни 48 кг га етган. Демак, унинг бир ойдаги ҳақиқий ўсиши (48—25) кг ни ташкил қиласди.

Шу билан бирга бузоқларнинг суткалик ўсишини қўйидаги формула бўйича ҳисоблаб топиш мумкин:

$$C = \frac{A - D}{B}$$

Бу ерда:  $C$  — суткалик ўсиши,  $A$  — ҳақиқий ўсиши,  $D$  — дастлабки вазни,  $B$  — икки марта тортиш ўртасидаги вақт (кун ҳисобида). Шундай қилиб, бузоқнинг суткалик ўсиши  $C = \frac{23}{30} = 766$  г ҳисобланади.

**Нисбий ўсиш** ҳайвонларнинг маълум вақт (ой, кун) ичида ортган вазнининг дастлабки вазнига нисбати бўлиб, фоиз билан ифодаланади. Уни қўйидаги формула бўйича ҳисоблаб топиш мумкин:

$$H = \frac{K - A}{A} \times 100$$

Бунда:  $H$  — нисбий ўсиш,  $K$  — кейинги вазни,  $A$  — дастлабки вазни, 100 — козефициент.

Мисол учун иккита бузоқни кўрайлик. Биринчисининг дастлабки вазни 40 кг, иккинчисиники 60 кг. Уларнинг вазни 1 ой ичида баравар, яъни 24 кг дан ошган. Буни формула бўйича ҳисоблаб кўрсак, биринчи бузоқнинг нисбий ўсиши 60 фоиз, иккинчисиники фақат 40 фоиз бўлган, яъни биринчи бузоқнинг ўсиш тезлиги иккинчисиникига қараганда 1,5 марта жадалроқ бўлган.

## Ҳайвонлар конституцияси

Ҳайвонлар конституцияси деб, уларнинг ташқи мұхит шароитига мослашғанлиги, ирсий белгилари ва маҳсулдорлиги жиҳатидан улар организмининг морфологик, физиологик ва биокимёвий хусусиятлари йиғиндисига айтилади.

Конституция академик И. П. Павлов таълимоти асосида ифодаланиб, унда организмларнинг фаолиятида ички мұхит билан ташқи мұхиттің ҳамда шакл билан бирор вазифа бажаришнинг бөрлиқтігін үз аксини то-паолган. Бинобарин, И. П. Павлов таълимотига күра, организм бир бутун ва яхлит бўлгани ҳолда у бир қанча органлар, тўқималар ва хужайралардан ташкил топган қон ва лимфа билан озиқданади, уларнинг фаолиятини эса нерв системаси бошқаради. Шундай қилиб, конституция деганда, ҳайвонларнинг айрим орган, тўқима ва хужайраларининг оддий йиғиндиси хусусиятлари назарда тутгилмай, балки уларнинг асосий белги ва хусусиятларининг маълум даражада бир-бири билан бөрлиқ ҳолдаги вазифаси ва шаклланиши тушунилади.

Ҳайвонларнинг ҳар хил конституция типлари аввало уларни инсон томонидан онгли равишда танлаш, саралаш, боқишиш, асрарш ва маълум мақсадда парвариш қилиш натажасида вужудга келган ва ташқи мұхит шароитига яхши мослаша олиш натижасида улар насл бериш қобилиятига эга бўлган.

П. Н. Кулешов, Е. А. Богданов, М. Ф. Иванов, У. Дюрст ва бошқа кўпгина олимлар турли маҳсулот йўналишидаги ҳайвонлар экстеръери, яъни ташқи қиёфасига кўра бир-бираидан кескин фарқ қилишини исботлаб берганлар. Ҳақиқатдан ҳам, агар серсуг зот сигирлар ташқи кўриниши бўйича гўштдор зот сигирлар билан тақдосланса, улар орасида жуда катта фарқ борлигига ишонч ҳосил қилинади. Шунингдек, барча турдаги чорва ҳайвонлари каби қорамолларнинг етилувчанлиги, тез семириши, ташқи мұхит қаршиликларини енга олиши, насл бериши, сергуштилиги, ҳар хил шароитта мослаша олиши каби хусусиятлари ҳам уларнинг конституция белгилари билан бөрлиқ ҳолда амалга ошади.

П. Н. Кулешов ҳар хил мақсадда фойдаланиладиган қорамоллар танаси айрим қисмларининг тузилишига ва нисбий ривожланганлигига асосланиб ва тана тузи-

лишининг бошқа хусусиятларига таяниб тўрт хил типдаги конституция мавжудлигини асослан берган.

**Пишиқ конституция.** Бу конституция типи асосан гўштдор, серсуг зотларга хос. Уларнинг ички органлари системаси меъёр даражада ва яхши ривожланган бўлади. Мускуллари тифиз, суюги пишиқ, тери остидаги ёғ қавати унча яхши ривожланмаган. Бу конституция типидаги ҳайвонлар унча семиз эмас, ориқ ҳам бўлмайди (17-расм).



17-расм. Пишиқ конституцияли Орлов зотли айғирнинг умумий кўриниши.

**Нозик конституция.** Бу тип асосан серсуг бўлган маданий зот сигирларига ва чопқир отларга хосдир. Бу типга мансуб бўлган сигирларнинг териси юпқа ва зластик, суюклари ингичка, жуни ялтироқ ва калта, мускуллари ва тери остидаги ёғ қавати суст ривожланган. Бинобарин, бундай сигирлар ориқ бўлади. Елини яхши ривожланган ва катта, оёқлари ориқ ва узун, бўйни ингичка ва чўзиқ бўлади. Еган озиги асосан сут ҳосил бўлишига сарфланади. Овқат ҳазм қилиш аъзолари системаси ҳам яхши ривожланган. Улар кўп миқдорда хашибак ейишга мослашган.

**Бўш ёки ҳом конституция.** Бу тип вакилларининг мускуллари яхши ривожланган, тери остидаги ёғ қавати қалин, яхши ифодаланган. Улар истеъмол қилган ем-

хашак асосан гўшт ва ёғ тўқимасининг ортишига сарфланади. Лекин суюклари унча пишиқ эмас, сут безлари яхши ривожланмаган. Бўш конституцияли моллар кам ҳаракат бўлиб, озиқлангандан кейин кўпроқ ётишни маъқул кўради.

**Қўпол конституция.** Бу типга мансуб молларнинг суюги йирик, териси пишиқ, қалин, жуни ўсиқ, тери остидаги ёғ қавати ўртача ёки суст ривожланган бўлади. Мускуллари тигиз, овқат ҳазм қилиш аъзолари системаси ва сут безлари ўртача ривожланган. Бу тип вакилларининг сут ва гўшт маҳсулоти ўртача.


Академик М. Ф. Иванов П. Н. Кулешов классификациясига яна бир типни — **мустаҳкам конституцияни** қўшимча ҳолда киритди. М. Ф. Иванов таърифига кўра, бу тип вакилларининг суюги мустаҳкам, яхши ривожланган, қўпол кўринишга эга эмас, танасининг ориқ-семизлиги ҳам ўртача, териси пишиқ ва қалин, терисининг ва тери ости ёғ қаватининг қалинлиги ўртача. Улар ташқи кўринишидан тетик, соғлом, касалликларга чидамли, ташқи муҳит шароитига тез ва яхши мослашадиган ҳайвонлар ҳисобланади.

Лекин қорамоллар орасида кўп вақт юқорида қайд қилинган муайян конституция типи талабларига тўла жавоб бера олмайдиган, яъни икки хил конституция талабига мансуб бўлганлари ҳам учрайди. Бинобарин, кейинги вақтларда молларга баҳо беришда қуйидаги нозик ва пишиқ, нозик ва бўш, қўпол ва пишиқ, қўпол ва бўш конституция типлари кўпроқ эътиборга олинади.

У дюрст ҳайвонлар организмида юз берадиган газлар ва моддалар алмашинуви жараёнлари жадаллигига кўра ҳамда улар томонидан ейилган ем-хашак маълум маҳсулот тайёрлашга сарфланишини ҳисобга олган ҳолда икки хил: серсутлик белгиси ривожланган ва гўштдорлик белгиси ҳам ривожланган типларни, иккита аралаш ёки қўшма, яъни: серсут-гўштдор ва гўштдор-серсут типларини асослаб берган.

Серсутлик белгиси ривожланган тип талабига кўра, сигирларнинг танаси ўртача семизликда ёки ориқ, бўйни узун ва ингичка, кўкраги тор ва кичик, нафас олиш, қон айланиш, моддалар алмашинуви органлари системаси кучли ривожланган. Шунингдек, гипофиз, қалқонсимон, секреция безлари яхши ривожланган. Умуман, серсут сигирлар шу конституция типига мансубдор (*18-расм*).

Гўштдорлик белгиси ривожланган тип талаби-



18-расм. Мустаҳкам конституцияли серсүт сигирнинг умумий кўриниши.

га кўра, молларнинг кўкраги кенг ва чуқур, боши кичик, бўйни калта ва йўғон, нафас олиш аъзолари системаси унча ривожланмаган, моддалар алмашинуви жараёни суст, буйрак усти ва жинсий безлари вазифаси ривожланган бўлиб, асосан гўштдор маданий зотларга хосдир.

*Аралаш тип* талабига кўра, улардан ҳайси маҳсулот кўпроқ олиниадиган бўлса, оддин ўшанинг номи айтилади. Масалан, гўштдор бўлса, у ҳолда «гўштдор-серсүт тип» деб юритилади ва аксинча.

Республикамизда барча турдаги чорва моллари ва паррандаларига баҳо беришда П. Н. Кулешов классификациясидан фойдаланилади. Айниқса наслчилик ишларида ҳайвонларни тўғри танлаш, уларни саралаш, яъни жуфтлашда ҳар бир ҳайвоннинг тана тузилиши, конституциясининг мустаҳкамлиги, ҳаракатчанлиги ва маҳсулдорлигига алоҳида эътибор берилади. Шу билан бирга, ҳайвонларнинг ташки қиёфаси, яъни экстерьери ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Насл олиш учун (яъни келгусида наслчиликда фойдаланиши режаланган) ажратилган қорамоллар экстерьери бўйича камчиликларсиз бўлиши керак. Акс ҳолда ҳар қандай камчилик ва нуқсонлар уларнинг келажак наслларида намоён бўлади.

## **Ҳайвонлар экстеръери**

Экстеръер деганда, ҳайвон танасининг ташқи кўриниши ва тана қисмларининг жойлашгуви тушунилади. Ҳайвонларга экстеръерига кўра баҳо бериш муҳим аҳамиятта зга. Бунда уларнинг зот талабларига кўра тана тузилиши, ихчамлиги, конституцияси, физиологик фаолияти ҳисобга олинади. Масалан, серсут сигирни экстеръерига кўра гўштдор сигирлардан фарқлаш ва уларга баҳо бериш анча қулай. Чунки бундай фарқларни кўз билан чамалаб аниқлаш мумкин.

*Серсут* сигирларнинг қорни ва елини катта, ўзи йирик, бўйни ва оёқлари узун, ингичка, боши енгил, териси юпқа ва чўзилувчан, яъни эластик ва тери остидаги ёр қавати юпқа бўлса, гўштдор сигирларда буннинг аксини кузатиш мумкин.

Зотли ва наслдор молларга экстеръери бўйича баҳо беришда жинсий белгиларининг ривожланганлигига ҳам алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Умуман молларга экстеръери бўйича баҳо беришда улар танасининг барча қисмлари (елкаси, бели, сағриси, кўкраги, қорин, оёқлари, ургочиларида елини ва ҳоказолар) ҳисобга олинади. Шунга кўра молларни беш балл система асосида баҳолаш қабул қилинган. Бунда беш балл олган ҳайвон ҳамма жиҳатдан юқори даражада, ҳеч қандай камчиликсиз бўлиши керак. Агар бирор камчилиги аниқланса, у ҳолда бериладиган балл қисман пасайтирилади.

Молларнинг экстеръери бўйича аниқ баҳо беришда ўлчов асбоблари ва ленталари ёрдамида улар танасининг қисмлари ўлчанади. Масалан, бошининг узунлиги, пешанасининг кенглиги, елиннинг чукурлиги ва айланаси, яғрини, бел ва думраза баландлиги, кўкрак чукурлиги, кураклар орти, кўкрак айланаси ва унинг кенглиги, гавдасининг қия узунлиги, поча айланаси ва ҳоказолар шулар жумласидандир.

## **Ҳайвонлар интеръери**

Ҳайвонлар ички органларининг морфологик (анатомик ва гистологик) физиологик ва биокимёвий йиғиндиси уларнинг интеръери дейилади.

Ҳайвонларнинг интеръери соҳасидаги қонуният ва назариялар рус олим академик Е. Ф. Лискун томонидан яратилган.

1912 йили Лискуннинг сут безларининг гистологик

тузилиши ва уларнинг серсугликка боғлиқлиги ҳақидағи асари нашр этилгач, бу йўналишга асос солинди. Кейинроқ кўплаб яратилган асарлар бу йўналишни бойитди. Масалан, молларнинг барча аъзо ва тўқималари ҳамда без ва қон элементларининг, нерв учлари (иннервация)ни, тери, жун ва ҳоказоларнинг улар маҳсулдорлигига, вазни, ёши, жинсига, озиқланиш, мосланиш хусусиятларига, конституциясига, экстеръери ва ҳоказоларга алоқадорлиги ва чамбарчас боғлиқлик хусусиятларини ифодалаб, асослаб бериш муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ўзбекистон шароитида сигирларнинг сут маҳсулдорлиги теридағи тери безларининг ривожланиши дараҷаси, серқаймоқлиги, ёғ безларининг йирик бўлиши ва зич жойланиши билан чамбарчас боғлиқ эканлиги, шунингдек, ёш бузоқларнинг тери морфологиясига асосланган ҳолда, олдиндан келажақдаги маҳсулот даражасини аниқлаб беришда муаллиф ва унинг шогирдлари томонидан бир қанча кузатишлар олиб борилди. Лекин бу соҳада бажарилиши лозим бўлган муаммолар, кўплаб илмий кузатув ишлари чексиз бўлгани ҳолда улар муҳим назарий ҳамда амалий аҳамиятга эга.

#### **Назорат саволлари:**

1. Ҳайвонларнинг ўсиши ва ривожланиши тўғрисида нималарни биласиз?
2. Ҳайвонларни абсолют ва нисбий ўсиши қандай ўрганилади?
3. Ҳайвон конституцияси деб нимага айтилади?
4. Экстеръер нима, чорвачилиқда унинг қандай аҳамияти бор?
5. Интеръер нима, ҳайвонларни баҳолашда унинг аҳамияти нималардан иборат?

## **V Б О Б. ЧОРВАЧИЛИКДА НАСЛЧИЛИК ИШЛАРИ**

Чорвачилиқда наслчилик ишлари олиб боришдан асосий мақсад ҳайвонларнинг маҳсулдорлигини ошириш, зотини яхшилаш, шунингдек, тез етилувчан, вазндор, серпушт ва юқори сифатли моллар етиштиришдан иборатdir.

Республикамизда наслчилик ишларини самарали олиб бориш мақсадида барча минтақаларнинг табиий ва иқтисодий хусусиятларини ҳамда молларнинг биологик ва хўжалик сифатларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг зотларини ривожлантириш ишлари амалга оширилган.

Чорва молларининг маҳсулдорлиги ва сифатини ошириш мақсадида барча турдаги урӯчи молларни

юқори кўрсаткичларга эга бўлган ҳайвонлар уруғи билан сунъий усуlda уруғлантириш мұхим аҳамиятта эга.

Наслчилик ишларининг самараси қўйида келтирилган бир қанча тадбирларга боғлиқ:

1. Барча чорвачилик фермаларида, чорвачилик фермаларида моллар зотини яхшилашда юқори классга хос бўлган сермаҳсул чорва моллари уруғидан унумли фойдаланиш.

2. Танлаш ва саралаш ишларида чорва молларининг келиб чиқишига, конституциясига, ривожланиш даражаси ва авлодининг маҳсулдорлик кўрсаткичига зътибор бериш.

3. Чорвачилик фермаларида бонитировка ишларини ўз вақтида ва сифатли ўтказиш.

4. Насл учун юқори сифатли ва соғлом ҳайвонларни ажратиш.

5. Ҳайвонларни чатишириш учун подадаги энг яхши, сифатли, сермаҳсул, соғлом молларни танлаш.

6. Наслчилик ишларини тасдиқланган қатъий режа асосида олиб бориш, боқиши, парваришлаш ва асрар ишларини юқори даражада олиб борищдан иборатдир.

Наслчилик хўжаликларида наслчилик ишидаги асосий усула чорва молларни соф ҳолда бир зотта оид моллар билан урчитиш ҳисобланади. Лекин айрим ҳолларда, молларнинг бирор маҳсулот кўрсаткичини яхшилаш ёки янги зот яратиш мақсадида зотлараро чатишириш усули ҳам кўлланилади.

Чорвачилик фермаларида кўплаб товар маҳсулоти етишириш учун ҳар хил чатишириш ва ҳатто дургайлаш усулларидан фойдаланиш мумкин. Бундай тадбирлар кўпроқ қорамолчилиқда, чўчқачилиқда ва парандачилиқда кўлланилади.

### Чорвачиликда танлаш

Чорвачиликда янги зот яратиш ва мавжуд бўлган ҳайвон зотларини такомиллаштириш, айрим маҳсулдорлик хусусиятларини яхшилаш борасида танлаш ишларини олиб бориш мұхим аҳамиятта эга. Танлаш молларнинг фенотипига (яъни ривожланиши, экстеръери, конституцияси ва маҳсулдорлигига ва генотипига (яъни ирсий хусусиятларига ва бу хусусиятларини ўз наслига бера олиш ҳолатига) кўра олиб борилади.

Бир томонлама танлашда моллар маълум бир кўрсаткич асосида танланади.

Келиб чиқишига кўра танлашда ҳали ёш моллар туғилмасдан олдин, маҳсус журнallардаги маълумотларга, авлодининг ирсий белгиларига қараб танланади.

Вазни ва жадал ўсишига кўра танлашда ҳар хил ҳайвонлар турли ёшида баҳоланади. Масалан, қулуналар (тойлар) 6—8 ойлигида, бузоқлар 5—6 ойлигида, қўзилар 3—4 ойлигида ва чўчқа болалари эса 2 ойлигида баҳоланади.

Ёш молларни сифатига кўра танлаш асосан уларнинг ҳаётчанлиги, тирик вазни, сони ва бошқа барча белгилари ҳисобга олинган ҳолда бажарилади.

**Танлашнинг асосий шаклари.** Чорвачилиқда ҳайвонларни ялпи ва якка ҳолда (индивидуал) танлаш усуллари қўлланилади. Ялпи танлашда асосан ҳайвонларнинг фақат фенотипи ҳисобга олинади. Якка ҳолда танлашда ҳам фенотипи, ҳам генотипига эътибор бериллади, бу эса наслчилик ишларида муҳим аҳамият касб этади.

Кўплаб олим ва мутахассисларнинг фикрича чорвачилик соҳасидаги наслчилик ва селекция ишлари чорвачилик ферма ва хўжаликларида ҳайвонларни боқиши ва парваришлашда юксак даражада олиб борилмоғи лозим. Акс ҳолда, наслчилик ишлари кўнгилдагидек натижа бермайди.

### Саралаш тадбирлари

Чорвачилиқда наслчилик ишларида муҳим тадбирлардан бири эркак ва урғочи ҳайвонларни саралаш (жуфтлаш, хиллаш) ҳисобланади. Бу тадбирдан асосий мақсад чорва молларининг авлодидаги барча ижобий белги ва хусусиятларни вужудга келадиган наслларда намоён қилишдан иборат. Бу тадбирнинг асосчиси П. Н. Кулешов ҳисобланади. Унинг фикрича, саралаш ишларини олиб борища ижодий ёндашиш ва маҳсулдорлиги юқори бўлган ҳайвонларга алоҳида эътибор бериш муҳим аҳамиятта эга. Шу йўл билан уларнинг фойдали белгиларини наслида мустаҳкамлаш мумкин.

Агар саралаш ишлари нотўғри олиб борилса, наслига ўтган хусусиятлар сифати пасайиб кетиши мумкин. Эркак ва урғочи ҳайвонларни саралашда қўйидагиларга эътибор берилади: 1) энг сифатли чорва моллари энг сифатли моллар билан жуфтлаштирилади; 2) жуфтлаштиришда эркак ҳайвон урғочисига қараганда

юқори классга оид бўлиши керак; 3) яқин қариндошга эга бўлган ҳайвонларни ўзаро жуфтлаштириш ярамайди. Акс ҳолда, заиф ва сифатсиз насл вужудга келади; 4) айрим бир хил нуқсонга эга бўлган эркак ва урючи ҳайвонларни ўзаро жуфтлаштириш ярамайди, чунки бу нуқсонлар олинадиган наслда жиддийлашиб кетади.

**Ҳайвонларни ёшига қўра саралаш.** Саралаш ишларини олиб борища ҳайвонларни ёшига қараб жуфтлаш муҳим аҳамият касб этади. Кўплаб тажрибалардан маълумки, ёш урючи ҳайвонларни ёш эркак ҳайвонлар билан қочириш кўп вақт салбий натижа беради. Шунга қўра қўйидаги тавсияларга зътибор бериш талаб этилади: 1) ўрта ёщдаги ҳайвонлар ўрта ёшли ҳайвонлар билан жуфтланиши лозим; 2) ёш ҳайвонларга катта ёщдаги ҳайвонлар қўшилиши керак; 3) катта ёщдаги ҳайвонлар ёш ҳайвонлар билан уруғлашиши яхши натижа беради.

### **Зот тўғрисидаги умумий тушунча**

Чорва моллари ва паррандаларининг келиб чиқиши, конституцияси, экстеръери, хўжалик ва маҳсулот йўналишига қўра бир хил бўлган ва ўз хусусиятларини наслларига бераоладиган гурӯҳи з о т дейилади. Барча зотларнинг бу хусусияти асосан наслчилик ишларида бошқариб борилади.

**Зотлар классификацияси.** Зот тўғрисидаги тушунча дастлаб Ч. Дарвин томонидан берилган. У ўзининг кузатишлари зотлар икки хил шароитда «онгсиз» танлаш натижасида ва сунъий танлаш оқибатида вужудга келишини исботлаб берган.

Кейинроқ проф. П. Н. Кулешов зотларни бир-бири билан боғлиқ бўлган тўрт гурӯҳга (қадимги, ҳаммабоп, яхшиланган ва маҳаллий зотларга) бўлди. Лекин ҳозирги вақтда наслчилик ишлари юқори даражада ривожланганлигига қўра, зотлар асосан уч гурӯҳга (маҳаллий, маданийлаштирилган ва оралиқ ёки яхшиланадиган зотларга) бўлинади.

**Маҳаллий зотлар** асосан табиий танланиш асосида, узоқ йиллар мобайнода «онгсиз» танлаш ва тубан, экстенсив усуlda олиб борилган чатиштириш ишлари натижасида вужудга келган. Лекин улар чидамли, ташқи муҳит шароитига яхши мослашган, мустаҳкам конституцияли, ҳаммабоп, лекин кеч етилувчан ва маҳсулдорлиги паст бўлган вакиллардан ташкил топган.

Ўзбекистонда тобора камайиб бораёттан маҳаллий зот қорамоллар республика минтақалари шароитида яхши мослашганлиги, чидамлилиги, озиқ танламаслиги билан бирга, кеч етилувчан ва маҳсулдорлиги пастдир. Масалан, сигирларининг вазни 220—280 кг, буқаларининг вазни эса 320—350 кг дан ошмайди. Маҳсулоти бир лактация давомида (яъни туққан кунидан то соғищдан чиқарилган кунгача) 300—450 кг дан, камроқ вакилларида 690 кг гача боради. Лекин сутидаги ёғ 5,5—5,8 фоиз, баъзан ундан ҳам юқори бўлади.


**Маданийлаштирилган зотлар** маҳсулдорлиги юқори бўлган ҳайвонларни экстеръери, конституцияси, маҳсулот йўналиши, келиб чиқиши, ирсий белгилари асосида танлаш, саралаш ишларини жадал олиб бориш натижасида яратилган гурӯҳ ҳисобланади. Маданий зотлар ирсий белгилари ва маҳсулдорлига кўра бошқа зот гурухларидан анча устун туради. Бундай зотларнинг таркибий қисми бир-бири билан қариндошлик вакилларининг бир қанча уруғ қаторларидан, урючи вакилларнинг кўплаб оиласидан ва маҳсус типларидан ташкил топган бўлади.

**Оралиқ зотлар** асосан маҳаллий ва маданийлаштирилган зотлар ўртасида бўлиб, уларнинг юқори кўрсаткичларга эта бўлган айрим вакиллари биланги наслчилик ишлари олиб борилади.

Чорва молларининг асосий зотлари маҳсулот йўналишига кўра, маълум гурӯҳ ёки типларга бўлинади. Масалан қорамоллар сут, гўшт ва гўшт-сут йўналишида боқиладиган; чўчқалар — гўшт, гўшт-ёғ ва ёғ учун боқиладиган; қўйлар — майин жунли, мўйнабоп (қоракўл), пўстинбоп, гўшт ва ёғ йўналишида боқиладиган; отлар — салт миниладиган, енгил аравага қўшиладиган ва оғир юқ тортувчиларга бўлинади.

**Молларни исирғалаш, кертиш ва лақаблаш.** Барча наслчилик фермаларида моллар туғилгач, уларга лақаб берилади. Бундан онаси лақабининг биринчи ҳарфини асос қилиб олиш анча маъқул кўрилади. Бу келиб чиқиш журналига ёзиб қўйилади.

Молларни исирғалаш, тамғалаш, номерлаш ва кертиш ишлари мутахассислар томонидан бажарилади. Бу мақсадда чорвачиликда металла ва пластмассадан ясалган исирғалардан фойдаланилади (19-расм). Қорамолчиликда исирғалаш ишлари қулоқларини кертиш йўли билан олиб борилади. Қулоқни кертища маҳсус исирғалаш қоидасига амал қилинади. Масалан, ўнг қулоғининг усти



19-расм. Моллар қулоғини кертиш ва исирғалаш асбоблари ҳамда қулоқ исирғаси. А — кертиш омбири, В — исирға босиш омбири, Г — қулоқ исирғаси, Б — қулоқ рақамларининг жойланиши.

кертилса, у 1 ни билдиради, шу қулоғининг ости 3, учи 100, ўртаси тешилса 400 ҳисобланади. Чап қулоғининг ости 10, ости 30, учи 200, ўртаси 800 бўлади ва ҳ. к.

Фермаларда молларни исирғалаш, кертиш ва уларга лақаб беришдан асосий мақсад улардан наслчилик ишларида фойдаланишда хатоликларга йўл қўймаслик, ҳар бирининг индивидуал ҳисобини алоҳида олиб боришдан иборатdir.

### Ҳайвонларни бонитировка қилиш

**Бонитировка** деб чорва молларининг комплекс белгилари асосида маълум мақсадда баҳолашга айтилади. Бунда ҳар бир ҳайвоннинг ирсий белгилари, экстерьери, конституцияси, вазни ва ҳоказоларга алоҳида эътибор берилади.

Бонитировка қилишда ҳар бир ҳайвоннинг маҳсулдорлиги мухим кўрсаткич сифатида қабул қилинади.

Масалан, йилқиларнинг чопқирлиги, оғир юқ торта-олиш хусусияти, кўйларнинг маҳсулдорлик йўналишига кўра жунининг сифати, гўштдорлиги ва ҳоказолар эътиборга олинади. Паррандаларнинг серпуштлиги, тухумининг оғирлиги, сигирларнинг серсутлиги, сутидаги ёғ миқдори, қанча сут бериши кабилар бонитёрнинг дикқат марказида бўлади.

Бузоқлар ярим ёшлигидан бошлаб комиссия томонидан бонитировка қилинади. Бунда уларнинг келибчиқиши, ўсиш ва ривожланиш даражаси, экстеръери, конституцияси ҳисобга олинади.

Бонитировка натижасида бирор классга мансуб эканлиги аниқданилади. Масалан, элита — рекорд, элита, I ва II класс шулар жумласидан бўлиб, энг юқори кўрсатигичга эга ва юқори даражада баҳоланган бузоқлар элита — рекорд ёки элита классга киритилади. Бонитировкани маҳсус комиссия ўтказади ва уларнинг маълумотлари ведомость ва актлар асосида расмийлаштирилади.

*Келиб чиқишига кўра баҳолашда* ҳайвонларнинг зоти, зотдорлиги ҳисобга олинади. Улар қайси бир уруғ қаторига ёки оиласа таалуқлиги аниқданилади ва ирсий афзаликлари ифодаланади.

*Экстеръерига кўра баҳолашда* уларнинг ташқи қиёфаси ҳисобга олинади. Бунда йирик ҳайвонлар 10 балли, бузоқлар ва бошқа турдаги ёш моллар 5 балли система асосида баҳоланади.

*Вазнига кўра баҳолашда* моллар тарозида тортилади ва уларнинг қайси йўналишига мансублиги ифодаланади. Кейин ҳар бир йўналиш талабига кўра баҳо берилади.

*Сигирларнинг серсутлиги* 305 кунлик лактация даврида берган сути, сутининг ёғи ва оқсил миқдорига кўра баҳоланади. Гўшт йўналишида боқиладиган қорамоллар 6 ойлик вақтида келиб чиқиши, вазни экстеръери ва барча индивидуал хусусиятларига кўра баҳоланади.

*Чўчқалар* серпуштлиги, болаларининг тез семиришига ва икки ойлик болаларининг вазнига кўра ҳамда туғилган болаларининг катта-кичиклигига қараб баҳоланади. Уларнинг серпуштлиги йигирма бир кунлик болаларини тортиб кўриш билан аниқданилади.

*Қўйлар* маҳсулот йўналишига кўра, жунининг вазни, сифати, текислиги, қалинлиги ва ёғ-терга бойлиги билан баҳоланади.

*Қоракўл қўзилар* 1—3 кунлигига мўйнасининг си-

фатига қараб баҳоланади. Бунда терисининг ранги, гулдорлиги, жингалакларининг йирик-майдалиги, жунининг ялтироқлиги ҳисобга олинади.

**Гүшт-ёғ йўналишига боқиладиган қўйлар** гўштдорлиги ва думбасининг ҳажми, вазни ва ташқи кўринишига кўра, пўстинбоп қўйлар мўйнасининг сифати ва серпуштлигига қараб баҳоланади.

**Йилқилар** чопқирлигига ва оғир юқ тортиш хусусиятларига кўра баҳоланади.

**Паррандалар** қайси йўналишда боқилишига кўра, серпуштлиги, гўштдорлиги, тухумининг йирик-майдалиги ва экстеръерига кўра баҳоланади. Серпуштлигини аниқлашда индивидуал уяларга бир йил мобайнида қўйган тухуми сони ҳисобга олинади. Тухумнинг вазнини аниқлаш учун уларнинг 10 тасини тортиб, ҳар бирининг ўртача вазни аниқданилади.

Шундай қилиб, бонитировка натижалари асосида маълум тадбирларни, моллар ва паррандаларнинг маҳсулдорлиги, ирсий хусусиятларини ҳамда тез етилувчанлигини яхшилаш борасида амалий, режа ва тадбирлар тузилади, ҳамда уларни бажариш лозим ҳисобланади.

Бонитировка ишлари Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан тузилган ва тасдиқланган маҳус услубий кўрсатмалар асосида олиб борилади.

#### **Назорат саволлари:**

1. Чорвачилиқда наслчилик ишларини олиб боришдан асосий мақсад нима?
2. Танлаш нима ва у қандай олиб борилади?
3. Чорвачилиқда саралаш деганда нималарни тушунасиз?
4. Чорвачилиқда зот деб нимага айтилади, унинг классификацияси тўғрисида нималарни биласиз?
5. Молларни исирялаш, кертиш ва лақаблаш ишлари қандай олиб борилади?
6. Бонитировка нима, у қандай бажарилади?

#### **Амалий машгуулот**

#### **Қорамоллар бонитировкаси билан танишиш**

**Асосий мақсад.** Қорамолларни бонитировка қилиш инструкцияси билан танишиш ва молларни бонитировка қилиш борасида малака ортириш.

**Машгуулот ўтказиш учун воситалар:** Бонитировка ўтказиш инструкцияси, наслчилик ишлари бўйича ҳисобот бланкалари ва тирик ҳайвонлар.

**I топшириқ.** Сигир ва фунажинларни, ҳамда турли ёшдаги бузоқларни наслчилик маълумотлари, индивидуал карточкалари билан танишиш. Ҳамда наслчилик гувоҳномаларини кўздан кечириш, сигирларни тувиши ва сунъий уруғланти-

риш турлари, бонитировка ведомостларини талаб асосида ўрганиб чиқиши.

**II топширик.** Сут ва сут-гүшт йўналишидаги зотларни бонитировка қилиш инструкциясини ўрганиб чиқиши ва бу борада олиб бориладиган тадбирларни амалга ошириш.

**III топширик.** Чорвачилик фермаси шароитида 5 бош сигирни бонитировка қилиш ва уларни барча хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда маълум классларга ажратиш.

**IV топширик.** Ўқитувчи топширигига кўра сигирларни сунъий уруғлантириш ва улардан бузоқ олиш режасини тузинг.

## VI БОБ. ЧОРВА МОЛЛАРИ ВА ПАРРАНДАЛАРИНИ УРЧИТИШ УСУЛЛАРИ

Чорвачиликда барча турдаги ҳайвонларни ва паррандаларни урчитиш асосан уч хил усулда олиб борилади: 1) тоза (соф) зотли урчитиш; 2) зотлараро чатиштириш; 3) турлараро чатиштириш ёки дурагайлаш.

**Тоза ҳолда урчитиш:** урчитилаёттан эркак ва урғочи моллар бир хил зотта мансуб бўлади. Бу усулнинг афзаллиги асосан урчитилаёттан зотда маҳсулдорлик жиҳатидан юқори кўрсаткичга эга ва уни такомиллаштириш мақсадга мувофиқ бўлишидан иборат. Чорвачиликда маданийлаштирилган зотларгина тоза ҳолда урчитилади ва улар ўз ирсий хусусиятларининг устунлиги билан ажралиб туради.

Чорва моллари ва парранда зотларини тоза ҳолда урчитища қўйидаги тадбирлардан фойдаланилади: 1) насл учун энг юқори кўрсаттичга эга бўлган маҳсулдор вакилларини танлаш; 2) хиллаш учун эркак ва урғочи вакилларнинг селекцион хусусиятларига кўра ажратиш; 3) олинган наслни мақсадга мувофиқ боқишиш ва парвариш қилиш шулар жумласидандир.

Бутун дунёга донг тараттган майин жунли меринос зот қўйлар, араби зот отлар, қимматбаҳо қоракўл қўй зотлари ана шу тоза зотли урчитиш асосида яратилган. Бу усулнинг камчилиги шундан иборатки, бунда зотнинг сифатини яхшилаш жуда секинлик билан боради. Лекин, бунинг учун бошқа йўл ва усуллардан фойдаланиб бўлмайди. Масалан, қоракўл тери сифатини яхшилаш учун бошқа зот қўйлардан фойдаланиб бўлмайди, акс ҳолда, терининг сифати ёмонлашиб кетиши мумкин. Бинобарин, урчитиш ишлари фақат муйян зот ичида олиб борилади.

*Соф зотли урчитишда құлланиладиган баъзи усуллар.* Моллар ва паррандалар соф ҳолда урчитилғанда баъзан әркак ва урғочи вакиллари бир-бирига қариндош ёки бегона бўлиши мумкин. Қариндош бўлган вакилларнинг ўзаро урчитиш инбридинг дейилади. Бунда масалан, битта ота-онанинг әркак ва урғочи насли ўзаро ёки ота-онаси билан урчитилиши мумкин. Инбридинг хўжаликларда камдан-кам қўлланиладиган усулдир. Бундан асосий мақсад, содир бўлган бирор камчиликни ёки кўрсаттични бартараф қилишдан иборат. Бинобарин, вужудга келган насл ўзининг аввалги юқори кўрсаткичга эга бўлган асл авлодини эслатади. Шунинг учун ҳам бу усул фақат айрим ҳоллардагина қўлланилади.

Лекин, бу усулдан фойдаланилганда олинган наслнинг ҳаётчанлиги ва чидамлилик хусусиятлари пасайиб кетади. Агар кетма-кет қўлланилса нимжон, ориқ, майда ва ҳатто ўлик бола туғилиши мумкин. Бинобарин, бундай тадбирлар катта масъулият сезган ҳолда олиб борилиши лозим.

**Уруғ қаторлар асосида урчитиш.** Уруғ қатор музайян зот ичидаги айрим хусусиятлари (гавда тузилиши, маҳсулдорлиги) жиҳатидан бир-бирига ўхшаган ва яхши уруғбошидан вужудга келган сермаҳсул әркак моллар гуруҳидир. Уруғ-қатор маълум әркак вакилининг лақаби билан аталади. Уруғ қаторлар асосида урчитища әркак ҳайвонларнинг генотипик хусусиятларидан фойдаланиш дикқат марказида туради ва шу туфайли у амалга оширилади.

Бундан ташқари, ҳар бир зот таркибида бир неча оиласлар бўлади. Оила ҳар бир соф урғочи (сигир, бия, чўчқа, совлик) вакилидан тарқалган урғочилар гуруҳидир. Зот таркибида оиласлар уруғ қаторларига нисбатан пастроқ туради. Гарчанд кўплаб урғочи вакилларнинг серпуштлигини оширища ўзининг юқори ирсий хусусиятларини ўтказа олса-да, наслчилик ишларида уруғ қаторлар дастлабки ўринда туради.

**Чатиштириш.** Агар урчитиладиган моллар турли зотларга мансуб бўлса ёки улардан бири дурагай бўлса, бундай урчитиш чатиштириш деб аталади. Қўйилган мақсадга кўра, чатиштириш бир неча турга бўлиниди (саноат асосида ёки кўпроқ маҳсулот олиш мақсадида, галма-гал, қон сингдириш ёки зотни ўзгартириш мақсадида, қон қуийш йўли билан ва янги зот яратиш мақсадида чатиштириш).

*Саноат асосида чатиштириш* деганда биринчи бўғин дурагайларга **гетерозис** (яъни ота-она кўрсатгичларидан ўзиб кетиш) хусусиятларидан тұла фойдаланиш учун икки хил зотни бир-бири билан қочириш тушунилади. Олинган дурагайлар насл учун қолдирилмайди, чунки кейинги авлодларда гетерозис ҳодисаси суст тақрорланади. Бу усул кўпроқ гўйтг етиштириш мақсадида фойдаланилади. Бундай чатиштириш ишлари «Қизил шалола» тажриба хўжалигида олиб борилган. Бунда гўштдор абердин-ангус буқалари билан қора-ола зот сигирлар қочирилган ва юқори кўрсатгичларга эришилган.

*Галма-гал чатиштириш* саноат асосида чатиштиришга ўхшашиб болади. Лекин бу усул фақат товар фермаларида қўлланилади ва молларнинг ҳаётчанлигини ошириш ҳамда маҳсулдорлигини кўпайтириш имконини беради. Бундай чатиштиришда иккита ёки кўпроқ зот иштирок этади. Бир марта чатиштирилгандан сўнг урюочи дурагай вакилларининг яхшилари яна дастлабки зотнинг эркакларидан қайта қочирилади. Бу усулнинг афзаллиги шундаки, барча товар фермаларида соғ зотли, сермаҳсул эркак вакилларидан урюочилар галма-гал қочираверилади. Наслчилик фермаларида бу усул қўлланилмайди.

*Қон сингдириш ёки зотни ўзгартириш мақсадига чатиштириш.* Бу усулда моллар зотини тубдан ўзгартириш мақсадида бошқа зотлардан фойдаланилади. Масалан, жайдари урюочи моллар юқори маҳсулдор зот эркак вакилларидан қочирилади. Айрим вактларда янги зот яратиш учун ҳам шу усулдан фойдаланиш мумкин.

Чатиштиришдан вужудга келган биринчи бўғин (1)2 қон қўшилган авлод/ дурагайларнинг эркаклари гўштга топширилади, урюочилари эса яна яхшиловчи зот билан чатиштирилиб, иккинчи авлод олинади ва уларнинг қонида яхшиловчи зот ҳайвон қони 3/4 ҳиссани ташкил этади. Сўнг шу усулда учинчи авлод олинади ва унинг қонида 7/8 ҳисса яхшиловчи зот қони бўлади. Тўртингчи авлод (15)16 қон қўшилган/ эркак ва урюочилари бўлса, бешинчи авлодда 31/32 ни ташкил этади. Бу усул чорвачиликда кенг қўлланилади.

Ўзбекистонда маҳаллий сигирлар шу усулда гўштдор санта-гертруда, абердин-ангус, қозоқи оқбosh ва ге-рефорд зот буқалари билан қочирилган ва ижобий натижаларга эришилган. Чатиштириш ишлари асосан Ўзбекистондаги «Санзар», «Зомин», «Бахмал» хўжа-

ликларида ва китоб муаллифи раҳбарлигига Қорақал-погистоннинг собиқ «Ильич» номли давлат хўжалигида олиб борилган.

*Қон қўйиш усулида чатиштиришда* асосан бирор зотнинг барча хусусиятларини тубдан ўзгартирмаган ҳолда, фақат бирор камчилиги ёки заиф томонини яхшилаш билан чекланилади. Бунда асосан яхшиловчи зот яхшиланувчи (асосий) вакиллари билан фақат бир марта чатиштирилади.

*Янги зот яратиш мақсадида чатиштириш* бу завод усулида чатиштириш деб ҳам аталади. Бунда иккита ёки ундан кўпроқ зот ўзаро чатиштирилади. Бундан асойи мақсад барча ижобий ҳислатларга эга бўлган янги зот яратишдан иборатдир. Бунда иккита зот қатнашса, оддий чатиштириш, бир неча зот қатнашса мураккаб чатиштириш дейилади. Дурагай вакиллари сифатли озиқ билан боқишини ва яхши парвариш қилишни талаб этади.

*Турлараро чатиштириш ёки гибриглаш* бирор зот ёки сермаҳсул дурагай олиш мақсадида икки тур ҳайвонни бир-бири билан чатиштириш гибриглаш дейилади. Айрим ҳолларда гибридлар қисман ёки мутлақо насл бермайдиган бўлади. Мутлақо насл бермайдиган бўлганида улар жинсий хромосомаларида юз берадиган бўлинини жараёнида ўхшашлик ва тенглик хусусияти бўлмагани учун қиз ҳужайраларда чалкашликлар юз беради ва ҳаётчанлиги паст ёки умуман бўлмаган жинсий ҳужайралар вужудга келади.

Қисман наслсизликка, кўпроқ бир жинс чорва молларида, асосан эркак вакилларида **гормонал** бошқаришнинг бир меъёрда бўлмаслиги сабаб бўлади. Гарчанд хромосомалар меъёр бўлингани билан етилиш жараёнида сперматогенез бузилади, сперматозоидлар етилмай қолади. Гибриглаш кўпроқ қорамолчиликда ижобий натижа беради.

Маълумотларга кўра, сигирлар зебу буқалари билан қочирилган ва насл берувчи гибридлар олинган. Яъни сигирлар билан чатиштиришдан олинган гибридларнинг фақат урғочилари насл бериши аниқланган.

От билан эшак чатиштирилиб, насл бермайдиган хачир олинади. Шунингдек, арҳар қўчқорлари билан меринос ва қоракўл қўйлари қочирилган, пировердида насл бериш хусусиятига эга бўлган гибридлар олинган.

Умуман, гибриглаш ишлари чорвачиликда кам қўлланилади. Лекин сермаҳсул, чидамли ва ҳаётчан

гибридлар етиштиришда бу усул маълум даражада аҳамиятта эга. Айниқса ҳали фанда ноаниқ бўлган айрим илмий жумбоқларни ҳал этишда бу усул ҳайвонот дунёсида салмоқли ўрин эталайди.

### Чорва молларини қочириш усувлари

Чорва моллари асосан икки хил табиий ва сунъий усулда қочирилади. Табиий усул яна иккига: эркин холда (ёки подада) ва қўлда қочиришга бўлинади.

*Эркин холда ёки подада қочириш* тартибсиз холда содир бўлади. Бунда қайси урючи қайси бир эркак молдан, қачон қочганилиги номаълум бўлади. Айрим ҳолларда юқумли жинсий касалликлар тарқалади. Ҳисоб ишлари олиб борилмайди. Бу усул асосан моллар подада яйлов шароитида боқилганда қўлланилади. Бунда ҳар бир буқа йил мобайнида 30—40 та сигирни қочириши режалаштирилади, ҳар бир айғир учун 20—25 та бияни режалаштириш мумкин.

*Қўлда қочириш усули* қисман самаралироқ бўлади. Бунда куюккан урючи моллар олдиндан танланган эркакларидан қочирилади ва қочган куни маҳсус журналга ёзиб қўйилади. Бу усулнинг афзаллиги шундаки, ҳар бир урючи ҳайвон қайси эркадан ва қачон қочганилиги маълум бўлади. Бинобарин, ҳисоб ишларини ҳам олиб бориш мумкин. Лекин иқтисодий томондан бу усул унча қулай змас, чунки кўплаб эркак молларни сақлаш, парвариш қилиш ва озиқлантиришга анчагина маблағ сарфланади.

*Сунъий уруғлантириш ёки қочириш.* Чорва молларини мазкур усулда уруғлантириш ҳамма томондан муҳим аҳамиятта эга. Чунончи, бунда юқори кўрсаткичта эга бўлиш сермаҳсул ва асл эркак вакилларидан унумли фойдаланиш, ҳамда гигиена жиҳатдан озода бўлиш ва қисқа вақт ичидаги кўп миқдордаги урючи молларни сунъий уруғлантириш мумкин бўлади (*18-жадвал*).

18-жадвал

**Урючи молларни ҳар хил усулда қочиришда ҳар бир эркак мол учун мўлжалланган молларнинг ўртача сони**

Ҳайвон тури	Эркин қочириш	Қўлда қочириш	Сунъий уруғлантириш	
			уртача	кўли оиласи
Айғирлар	20—25	50—60	150—200	—
Буқалар	30—40	60—80	800—1000	20000
Кўчқорлар	30—40	80—100	300—500	21000
Чўчқалар	—	20—30	—	—

Бу усулнинг яна бир афзаллиги қисир қолишнинг одини олиш ҳисобланади. Чунки бунда уруғ (сперма)нинг сифати ҳамма вақт назорат қилиб борилади.

Уруғ сифатига кўра тўрт гуруҳга бўлинади:

I — уруғ қуюқ бўлиб, «Қ» ҳарфи билан белгиланади. Микроскоپда қаралганда сперматозоидлар жуда зич бўлиб, улар орасидаги бўшлиқ деярли сезилмайди.

II — ўртача қуюқликдаги уруғ, «Ў» ҳарфи билан белгиланади. Бунда сперматозоидлар оралиғидаги бўшлиқ уларнинг узунлигига тенг бўлади.

III — сийрак уруғ, «С» ҳарфи билан белгиланади. Бунда сперматозоидлар оралиғидаги бўшлиқ уларнинг узунлигидан ортиқ бўлади.

IV — уруғда сперматозоидлар жуда оз миқдорда бўлган ёки бутунлай бўлмайди. Бундай уруғ чорвачиликда ишлатилмайди.

**Совлиқлар** фақат қуюқ уруғ билан уруглантирилади. **Сигирлар** эса қуюқ ва ўртача қуюқликдаги уруғ билан уруглантирилади. Уруғларни суюлтириб ишлатиш мумкин. Бунда синтетик суюлтиргичлардан фойдаланилади. Суюлтиргич уруғни узоқ вақт сақлаш даврида сперматозоидлар учун қўшимча озиқ муҳити ҳисобланади. Бундан ташқари, суюлтиргичлар уруғнинг сифатини, ҳаракатланиш хусусиятини ва уруглантириш даражасини яхшилайди, унинг таркибида бўлган микробларни йўқотиш имконини беради.

Хозирги вақтда сунъий уруглантириш станциялари ва пунктларида бир неча рецепт асосида тайёрланган қўшилмалардан фойдаланилади. Улардан бири қуйидагича тайёрланади: 100 мл дистилланган сувга 3 г сувсиз тиббиёт глюкозаси, 1,4 г натрий цитрат, 16 мл янги товук тухумининг сариги аралаштирилади. Бунга маълум миқдорда стрептацид, пенициillin, стрептомицин қўшилади. Бу борада буқаларнинг уруғи 10 мартача суюлтирилиши мумкин. Шундай қилиб, суюлтирилган уруғ музхоналарда ноль даражада сақланади ва икки-уч кун мобайнида сигирларни уруглантиришда фойдаланиш мумкин.

Хозирги вақтда уругларни узоқ вақт сақлаш учун улар музлатилади. Шунингдек, кўп миқдорда глицерин ҳам қўшилади. Уруглар 20—21°C совуқда сақланади. Айрим ҳолларда — 78°C совуқда сақлаш ижобий натижа беради. Бундай уруглар тўрт ойгача, баъзан ундан ҳам узоқ вақт сақлагандага ҳам яшовчанлигини йўқотмайди.

Сигирларни уруғлантириш учун 1,5 мл ууруғ етарли ҳисобланади. Бир марта уруғлантирилган сигирларни орадан 12 соат ўттач, иккинчи марта қўшимча уруғлантириш ижобий натижা беради.

Кейинги йилларда ууруғни жуда узоқ вақт сақлаш учун 196°C совукда — қуруқ музда ёки суюқ азотда сақлаш синаб кўрилган. Бунда натижা ижобий бўлган. Ҳозирги вақтда шу усулни қўллаган холда ууруғни бир шаҳардан иккинчи шаҳарга ёки бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга олиб бориб фойдаланиш катта самарса бермоқда.

Уруғлантиришдан олдин ууруғли ампулалар 38—40°C ли иссиқ (илиқ) сувда 2—3 минут давомида сақланади, эритилади ва ууруғнинг сифати микроскопда текшириб кўрилади.

#### **Назорат саволлари:**

1. Чорвачиликда урчитиш ишлари қандай олиб борилади?
2. Инбридинг нима?
3. Ууруғ қаторлар за оила деганда нималарни тушинасиз?
4. Чатиштириш нима, унинг қандай турларини биласиз?
5. Қочириш усулларидан нималарни биласиз?
6. Ҳайвонларни сунъий уруғлантириш тўғрисида сўзлаб беринг.

#### **Лаборатория иши**

##### **Ҳайвонларни чатиштириш усуллари билан танишиш**

**Асосий мақсад.** Молларни турли усулда чатиштириш схемаларини ўрганиш ва олинадиган авлодларни дурагайлаш даражасини аниқлашдан иборат.

**Керакли воситалар.** Чатиштириш усулларини ифодаловчи схемалар, плакатлар ва слайдалар. Шунингдек, альбомлар ва наслчилик ишларига таалуқли қўлланма материаллари.

**Машғулотни ўтказиш.** Ўқитувчи томонидан чатиштириш ишларини маълум мақсад асосида олиб бориш ва бунинг учун усуллар мавжудлиги тўғрисида маълумотлар берилади.

**Топшрик ва уни бажариш.** Ўқиши хоналарида барча талabalар ўзларига берилган топшрик асосида чатиштириш схемаларини қўргазма материаллар, жиҳозлар асосида ўз дафтарларига ёзиб оладилар. Бу борада қўшимча малака олиш мақсадида қисқа муддатли кинофильмлар ва диафильмлар томоша қилинади. Машғулот якунида талabalар орасида савол-жавоб ишлари ўтказилади.

#### **Лаборатория иши**

##### **Ҳайвонларни саралаш тадбирлари билан танишиш**

**Асосий мақсад.** Саралаш мақсадида соғ зотли насл буқаларига сигир ва гунаҗинларни жуфтлаш режаларини ту-

зиш, насл сифатига кўра буқаларни баҳолаш, аниқдаш, ҳамда унумли фойдаланиш тадбирлари борасида малака орттириш.

**Керакли воситалар.** Молларни саралаш ишларига таал-луқди маълумотлар, наслчилик бўйича ҳужжатлар, гомоген ва гетероген саралашга доир материаллар, слайдалар, насл-чилик китоблари, плакатлар.

**Машгулотни ўтказиш.** Ўқитувчи саралаш ишларини си-фатли олиб бориш таддирлари ва бу борада қўлланиладиган усуллар тўғрисида тушунча беради. Бунда сут маҳсулдорли-гини ошириш борасида ва ҳайвонларни наслий хусусиятла-рини такомиллаш мақсадида гомоген саралаш қўлланиши лозимлигини ва инбридингта доир маълумотлар берилиши керак. Шунингдек, кенг миқёсда ва айниқса саноат асоси-даги ҳўжаликларда гетероген саралаш ишларини олиб бо-риш ва натижада юқори сифатли, соф зотли буқалардан юксак маҳсулотта эга бўлган авлоддар етиштириш мумкин-лиги ва бу хусусиятлар сигирларникидан бирнеча устунроқ бўлиши тўғрисида ахборот берилади. Зотлараро чатишти-риш ишлари ҳам гетероген саралашни бир усули эканлиги ҳам кўрсатиб ўтилади.

Талабалар ўқув хоналарида тўпланган барча материаллар асосида гомоген ва гетероген саралашда қандай буқаларга қандай сигир ва ғунажинларни жуфтлаштириш зарурлигини билиб оладилар. Айрим бирхил камчилиги бўлган эркак ва урочи ҳайвонлар жуфтлантирилса, олинадиган авлодларда бу камчилик янада жадаллашиб кетиши дикқат марказида бўлиши ва бундай тадбир қўлланмаслиги лозимлигига ало-ҳида эътибор берилади. Ўтказилган машгулот ўқитувчи то-монидан якунланади ва савол-жавоблар асосида олинган ма-лака такомиллашади.

### **Амалий машгулот**

#### **Гўштдор зотли молларни баҳолаш усуллари билиш танишиш**

**Асосий мақсад.** Гўштдор зотли молларни маҳсулдорли-гига кўра 100 балли шкала асосида баҳолаш ишларида малака ҳосил қилишдан иборат.

**Услубий кўрсатма.** Ўқитувчи раҳбарлигида, ўқув каби-нети шароитида қорамолларни бонитировка қилиш инс-трукцияси билан ва айниқса гўштдор зотли молларни қандай баҳолаш усуллари билан барча талабалар танишиб чи-қадилар. Шунингдек, молларни келиб чиқиши тўғрисидаги маълумотларга уларнинг маҳсулдорлигини ифодаловчи ҳуж-жатлар ҳамда молнинг ҳар хил ёшдаги вазни тўғрисидаги маълумотлар киритилади.

Катта ёшдаги барча моллар гавда тузилиши ва конститу-циясига кўра 100 балли (ёш моллар 5 балли) шкала асосида баҳоланади. Молнинг келиб чиқиши тўғрисидаги ҳужжат-

ларга қараб унинг қайси зотдан эканлиги, вазни, маҳсулдорлиги, гавда тузилишига қараб қайси классга мансублиги аниқланилади.

**Керакли воситалар.** Машгулот дастлаб ўкув хонасида, сўнг фермада олиб борилади. Бунинг учун айрим материалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, гўштдор зотли молларни ва уларнинг дурагайларини бонитировка қилиш инструкцияси, бонитировка ведомости бланкалари, завод дафтарлари, уруғлантириш, жуфтлаштириш, болалатиш, ёш молларни ўстириш журнallари, ўттан йилги бонитировка ведомостлари, насл тўғрисидаги гувоҳномалар шулар жумласидаандир.

Фермадаги 1—2 бош гўштдор зотли насл буқаси, 3—4 бош гўштдор зотли сигир ва 5—10 бош бузоқларни бонитировка қилинади.

**Топшириқни бажариш тартиби.** Молларнинг зотини аниқлаш ва уларни қайси классга мансублигини билиш талаб этилади. Зоотехника ва наслчилик ҳисоботи маълумотлари билан танишилади. Бонитировка ведомостига ҳар бир молнинг қайси зотдан эканлиги, келиб чиқиши ва ўсишининг жадаллиги (6, 12, 18 ойлигига) ёзилади. Моллар тортилади ва уларнинг вазни аниқланилади.

Молларнинг гавда тузилиши ва конституциясига балл шкаласи асосида баҳо берилади ва бонитировка ведомостига молларнинг семизлиги, ранги, соғлиги ва экстеръер ҳусусиятлари ёзик қўйилади.

Молларнинг қайси классга мансублиги ёзик қўйилади. Барча ишларни якунлаб натижалар бўйича ҳисбот ёзилади.

## И к к и н ч и б ў л и м Хусусий чорвачилик

### VII Б О Б. ҚОРАМОЛЧИЛИК

Қорамолчилик чорвачиликнинг муҳим ва етакчи тармоғи ҳисобланади Халқ хўжалиги учун қимматли маҳсулотлар (гўшт, сут, ёғ, тери ва ҳ. к.) етказиб беришда қорамолчилик муҳим аҳамиятга эга.

Маълумки, сут ва гўшт халқимизнинг кундалик ҳаётида салмоқли ўрин эгаллади. Бинобарин, республикамиизда етиштирилаётган сутнинг деярли 98 фоизидан кўпроги сигирлардан олинади ва гўштнинг 55—60 фоизи қорамол ҳиссасига тўғри келади.

Сут ёши болалар, қариялар ва айниқса беморлар учун энг муҳим озиқ ҳисобланади. У ўзининг бой кимёвий таркиби ва тез ҳазм бўлиш хусусияти билан бошқа маҳсулотлардан фарқ қиласди. Сутдан ҳар хил маҳсулотлар (сариёғ, қаймоқ, сметана, пишлок, творог, сузма, қатик, простокваша ва ҳ. к.лар) тайёрланади. Шунингдек, ундан узоқ муддат фойдаланиш ва сут етишмайдиган минтақалар учун қуолтирилган сут консервалари, қаймоқ аралаштирилган кофе, какао ва сут уни тайёрланади.

Сигир сутининг енгил саноат учун ҳам аҳамияти катта. Ундан казеин моддаси олинади. Казеиндан эса тутма, киноплёнка, сунъий жун, елим ва ҳоказолар ишлаб чиқарилади. Молларнинг териси енгил ва пойабзал саноатлари учун қимматли хомашё ҳисобланади.

Мол гўнги экин майдонларининг ҳосилдорлигини оширишда қимматли ўрит сифатида ишлатилади. Шунингдек, қорамолларнинг қони ва айрим гормонлари тиббиётда турли дориворлар (қон зардоби, гемоглобин, гематин, гематоген ва ҳоказолар) тайёрлашда фойдаланилади. Молларнинг инсон учун унча аҳамияти бўлмаган ички аъзолари, калла-почаси, қони ва суяклари майдаланиб айрим турдаги ҳайвонларга минерал озиқ сифатида берилади.

Қорамолларнинг шохи, туёғи ва суяклари галантрея ва безак ишларида ҳамда дурадгорлик елими тайёрлашда ишлатилади.

Шундай қилиб, қорамолларнинг бирор қисми ҳам чиқитта чиқмайди. Бинобарин, чорвачиликнинг етакчи ҳисобланган бу тармори халқ хўжалигида катта аҳамиятга эга.

### **Қорамолчиликнинг асосий йўналишлари**

Қорамолчиликдаги барча тадбирларни амалга оширишни қулайлаштириш ва кўплаб амалий ишларни тартибли равишда қўллаш мақсадида молларнинг маҳсулот тури, миқдори ва сифати ҳамда бошқа хусусиятларига кўра бир неча йўналишларга бўлиш тавсия этилган. Бинобарин, ҳозирги вақтда мавжуд қорамоллар асосан учта йўналишга: сут, гўшт, қўш маҳсулот йўналиш вакили ҳисобланади.

**Сут йўналиши.** Бу йўналиш асосан серсуг сигир зотлари ва зот гурухларидан ташкил топган. Бу йўналишга мансуб барча сигирлар организмида моддалар алмашинуви жараёнида улар истеъмол қилган ем-хашаклари асосан сут ҳосил қилиш учун сарфланади. Бундай сигирларни боши кичикроқ ва енгил, нозик ва чўзикроқ, шохи унча ривожланмаган, бўйи узун, ингичка ва тўғри, унча кенг бўлмаган ҳолда, юпқа тери бурмаларига эга. Елкаси торроқ, кўкраги чуқур, лекин кенг эмас, қовурғалари узун, умуртқа погонасига қия жойлашган ва кенг, қорни катта ҳажмли ва кенг. Думи узун ва нозик, оёқлари ҳам узун, ингичка ва мустаҳкам. Териси юпқа, эластик, қўзғалувчан ва мустаҳкам. Жуни нозик ва ялтироқ, елини катта, сут безлари ва барча паллалари яхши ривожланган, териси юпқа ва нозик, вена қон томирлари бўртиб чиқдан, кўзлари ҳаракатчан бўлади.

Сут йўналишидаги қорамолларга қуйидаги зотлар киради: Қора-ола, Красностерь, Холмагор, Ярославль, Тагиль, Украина оқбош, Латвия қўннир зоти, Эстония қизил зоти, Айршир ва Ангельн зоти, Истобен, Бушуев, Кавказ ва Сибирь зоти. Қуйида номлари тилга олинган зотларнинг айримлари устида қисқача тўхтада.

### **Ўзбекистондаги серсуг қорамол зотлари**

Ўзбекистон хўжаликларида кўпайтирилаётган серсуг сигирларнинг деярли ҳаммаси бошқа республика ва ўлкалардан тури даврларда келтирилган бўлиб, иссиқ иқдим шароитига мослаштирилган.

Ўзбекистон Марказий Осиё республикалари орасида салмоқли ўрин эгаллаган бўлишига қарамасдан, асрлар мобайнида ўз маҳсулоти унча юқори бўлмаган ва қорамолларнинг Бушуев каби зотлари кам бўлган. Зотнинг яратилишида жайдари сигирлар четдан келтирилган зотли буқалардан қочирилиб, тандаш ва саралаш ишларини маълум режа асосида олиб борилиши натижасида вужудга келган. Бу тўғрида кейинроқ тўхталиб ўтамиз.

Умуман, серсугт сигир зотлари қандай бўлишидан қатъи назар, тана тузилиши, яъни экстеръери, конституцияси, қайси мақсадда боқилишини акс эттирувчи хусусиятлари ва бошқа белгиларига кўра гўштдор қорамоллар зотидан катта фарқ қиласди.

Ўзбекистондаги серсугт сигирларнинг танаси узун, унча семиз эмас, кўкрак қисми бироз торайган, лекин яхши ривожланган, қовурғалари бир-биридан узок жойлашган, қорин қисми катта, иштаҳаси яхши, сёқлари узун, ингичка, териси юпқа, эластик ва ялтироқ бўлади. Бундан ташқари, уларнинг елини катта, сўргичлари узун цилиндр шаклида ва яхши ривожланган. Бу хусусиятлари наслдан наслга бериладиган ижобий белгилар ҳисобланади. Кўйида республикамиздаги серсугт сигир зотларининг айримлари билан танишамиз.

**Қора-ола зоти.** Мазкур зот барча Марказий Осиё республикаларида, жумладан, Ўзбекистонда кенг тарқалган, серсугт қорамоллар ичиде салмоқли ўрин эгаллайди. Бу зот маҳаллий сигирларни четдан келтирилган **голланд ва остфриз** зотли насл буқалари билан қочириш натижасида яратилган. Бу борада кўплаб танлаш ва саралаш, ҳамда наслчилик ишлари олиб борилган. Бу зотнинг вакиллари йирик, мускуллари яхши ривожланган бўлиб, тез етилувчанлиги ва серпуштиги билан бошқа зот қорамолларидан фарқ қиласди (*20 ва 21-расмлар*).

Улар қора ва ола бўлади. Сигирлари соғин даврида (300—305 кунда) 3500—4500 кг, айрим илғор хўжаликларда (масалан, собиқ «Чиноз техникиуми хўжалиги», «Қизил шалола» тажриба хўжалиги, «Малик» давлат хўжалигига, ҳамда яна бир қатор жамоа хўжаликлирида) 6000—6500 кг ва ундан кўпроқ сут беради. Айрим рекордчи сигирлардан йилига 10000 кг га яқин сут соғиб олинганилиги маълум. Сутнинг ёғдорлиги ўртача 3,5—3,7 фоизни ташкил этади. Бу зот Тошкент вилояти хўжаликларида кенг тарқалган ва юқори кўрсат-



20-расм. Қора-ола зот наследор бука.



21-расм. Қора-ола зот сигир.

кичларга эга. Сигирларининг тирик вазни 500—550 кг, буқалариники 850—950 кг келади, баъзан ундан ортиқ бўлади.

**Красностель зоти.** Бу зот сут учун боқиладиган барча зотлар орасида қуруқ ва иссиқ иқлим шароитига яхши мослашган вакили ҳисобланади. Мазкур зот моллар чул ва чала чўл яйловларидан унумли фойдаланаоладиган, чидамли ҳайвон ҳисобланади.

Красностель зоти танасининг тузилишига кўра сут учун боқиладиган вакилларининг барча талабларига

жавоб бера оладиган йирик, териси юпқа, бүйни билан оёқлари узун ва ингичка, елини яхши ривожланган, елинга туташган сут томирлари бўртиб чиқкан, сезгир ва истеъмол қилган ем-хашакни асосан сути учун сарфлайдиган зотдир. Бу зот молларнинг ранги қизил бўлади. Сигирларининг тирик вазни 450—500 кг, буқалариники 780—850 кг келади. Соғин даврида таркибида 3,7 фоиз ёғ бўлган 3000—4000 кг сут беради. Рекордчи сигирларининг сути 12 000 кг гача етади. Бу зот асосан Россия Европа қисмининг жанубий туманларида, Сибирь туманларида, ҳамда Марказий Осиё республикаларида кенг тарқалган. Ўзбекистонда бу зот асосан Самарқанд ва Хоразм, қисман Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятг хўжаликларида кўпайтирилади.

**Бушуев зоти.** Бу Ўзбекистонда яратилган ягона серсуг қорамол зоти бўлиб, у иссиқ иқдим шароитига яхши мослашган, шунингдек, айрим қон касалликларига чидамли ҳайвон ҳисобланади. Бу зот Сирдарё вилоятидаги маҳаллий сигирларни четдан келтирилган голланд ва швиц зот буқалардан қочириб олинган дургайларни яхши тарбиялаш ва парвариш қилиш натижасида яратилган. Бу зотнинг яратилиши борасида Ўзбекистон чорвачилик илмий-текшириш институти олимлари ва хўжаликлар чорвадорлари томонидан селекция ва наслчилик ишлари узлуксиз олиб борилган. Бу зотнинг кенг тарқалган миңтақаси Сирдарё хўжаликлари ҳисобланади (22-расм).



22-расм. Бушуев зот наслдор буқа.

Бушуев зот вакилларининг ранги асосан оқ, лекин танасининг айрим жойлари — боши, оёғи, қулоги, қорни ва бошқа жойлари қора, жигар ранг, қизил бўлади. Баъзан уларнинг ранги бутунлай оқ бўлиши мумкин. Сигирларининг тирик вазни 400—450 кг, буқалариники 600—700 кг ва ундан ортиқ бўлади. Сигирлари соғин даврида 2500—3000 кг, рекордчи сигирлари 5000—5200 кг сут беради. Сутидаги ёғ миқдори ўртача 4,1—4,4 фоизни ташкил этади.

**Эстония қора-ола зоти.** Эстония қора-ола зоти Эстонияга келтирилган остфриз ва голланд зот буқаларини маҳаллий сигирлар билан чатиштириш натижасида яратилган. Латвия ва Литва қора-ола зотлари ҳам шу тартибда вужудга келтирилган. Бу тадбирлар ўттан асрнинг ўрталарида бошланган бўлса, кейинроқ олинган маҳсулдор вакиллари бир-бири билан ўзаро чатиштириш натижасида етиштирилган. Шундай қилиб, бу зот сут учун боқиладиган қора-ола зот ҳисобланади.

Эстония қора-ола зот сигирларнинг тирик вазни 500—600 кг, буқалариники 900—1000 кг келади. Сигирлари соғин даврида ёғлилиги 3,7—3,8 фоиз бўлган 4000—4200 кг сут беради.

**Латвия қўниғир зоти.** Бу зотга мансуб сигирлар қизил-қўниғир бўлиб сути серқаймоқлиги билан бошқа зотлардан фарқ қиласди. Серсугт сигирлардан таркибида 3,8—4,1 фоиз ёғ бўлган 4200—5000 кг, рекордчиларидан 10900 кг ва ундан ортиқ сут соғиб олинган. Лекин, баъзан бундан ҳам серқаймоқ сут берувчи вакиллари учраб туради.

Сигирларининг тирик вазни 500 кг, баъзан 700 кг келади. Буқалари ўртача 820—880 кг тош босади. Лекин буқалари орасида 1200 кг келадиганлари ҳам аниқланган.

**Гўшт йўналиши.** Гўшт йўналишига мансуб барча зот ва гурӯҳлардаги моллар модда алмашинуви хусусиятига кўра, истеъмол қилинган озиқларни асосан гўшт ва ёғ ҳосил қилиш учун сарфлайди. Бинобарин, улар жадал семиради ва сарфланган ем-хашак нисбати сут йўналишидаги зотларга қараганда паст бўлади. Бошқача айттанди, гўшт етиштириш учун ем-хашак миқдори маълум даражада тежалиши билан маҳсулот танинхи арzon ва сифатли бўлади. Чунки бу йўналишдаги барча молларни биологик хусусиятлари қисқа вақт ичида кўп ва сифатли гўшт тайёрлашга мослаштирилган.

Гўштдор қорамолларнинг мускули яхши ривожланган, суюклари бирмунча енгил, танаси кенг ва юмалоқ кўриниша, сонлари семиз, гўштдор, гавдаси тўғри-бурчак шаклида бўлади. Боши кичик, енгил ва юмалоқлаштан, лекин кенг, шоҳлари асосан майда, ялтироқ, унча узун бўлмайди ва яримой шаклини эслатади. Шунингдек, бўйни калта, кенг, йўғон ва сермаҳсул ҳамда кўкрак қисмига бирикканлиги унча сезилмаган ҳолда бўлади.

Кўкраги узун, кенг ва чуқур. Қовурғалари узун, юмалоқ (доира шаклида) бир-бирига яқин жойлашган бўлади. Елкаси кенг ва тўғри, гўштдорлик хусусияти яхши ифодаланган. Қорни ўртача катталикда. Оёқлари калта, лекин йўғон. Орқа оёқлари олдингиларидан калтароқ ва тўғри жойлашган. Териси юмшоқ, қалин ва қуюқ, лекин анча нозик.

Сигирларнинг елини кичик, сўргичлари тўғри жойлашган, сут безлари унча ривожланмаган бўлади. Россиянинг турли вилоят ва туманларидаги гўштдор қорамоллар зоти асосан Герефорд, Қалмиқ, Абердин-ангус, Санта-гертрудада, Қозоқи оқбош, Шортгорн ва Шороле кабилардир.

### Ўзбекистондаги гўштдор қорамол зотлари

Ўзбекистон хўжаликларида юқорида номлари айтиб ўтилган гўштдор зотларнинг фақат айримлари (Қозоқи оқбош, Санта-гертрудада, Абердин-ангус, Герефорд ва жуда оз миқдорда Қалмиқ зотлари) кўпайтирилади. Чунки республикамизда табиий яйловлар оз бўлиши туфайли уларнинг ҳаммасини кўпайтириш имкони йўқ. Бу зот моллар асосан яйлов ўсимлик ҳисобига яшашга мослашган. Умуман, Ўзбекистонда гўштдор қорамоллар зоти атиги 5 фоизни ташкил этади. Лекин, афсуски, бу кўрсаткич йил сайин камайиб бормоқда. Ҳозирги вақтда сақланиб қолган гўштдор зотли қорамоллар асосан тоғли ва тоққа яқин туман хўжаликларида, айрим фермерларнинг шахсий фермаларида парваришланмоқда. Ниҳоят, уларнинг оз қисми чўл ва чала чўл минтакалардаги фермер хўжаликларида кўпайтирилмоқда.

**Қозоқи оқбош зоти.** Бу зот Қозогистоннинг чўл зonasida яратилган (1951). У Қозогистоннинг маҳаллий сигирларини герефорд зот гўштдор буқалар билан қочириш натижасида ва қалмиқ зот сигирларни герефорд буқасидан қочириб олинган дурагайларни ўзаро чатиштириш асосида вужудга келтирилган. Бу зот ва-

килларининг ранги тўқ қизил тусда бўлиб, боши ва танасининг айрим қисмлари оқ рангда (23-расм).



23-расм. Қозоқи оқбош зот сигир.

Сигирларнинг тирик вазни 500—550 кг, буқалари-ники 850—950 кг (баъзан 1000 кг ва ундан ҳам кўпроқ тош босиши аниқланган).

Нимталанмаган гўшт чиқими 53—63 фоиз, айрим холларда 70 фоиз ва ундан ҳам ортиқ бўлади.

Бу зот молларнинг гўшти «Мармар» кўринишга, яъни ёғ ва гўшти барча қисмида қаватма-қават кўринишда бўлиб, юқори калорияли ва лаззатлидир. Кўп сут берадиган сигирлардан бир лактация даврида 2200—2500 кг гача сут соғиб олиш мумкин.

Қозоқи оқбош зот асосан Қозогистоннинг вилоят ва туманларида, шунингдек, Оренбург, Саратов, Волгоград вилоятларида ҳамда Марказий Осиё давлатлари қатори Ўзбекистон хўжаликларида ҳам кўпайтирилайди. Бу зот молларни кўпайтирища асосан маҳаллий сигирларни юқори класс буқа уруғидан қочириш усулидан фойдаланилмоқда.

*Санта-гертрудаг зоти.* Бу зот АҚШнинг Техас штатида Санта-гертрудаг округида яратилган. У ўзининг чидамлилиги, ҳар хил мұхитта тез мослаша олиши ва қисқа вақт ичидаг тез семириши билан бошқа гўштдор зотлардан фарқ қиласди. Бу зот вакиллари айниқса қуруқ ва иссиқ иқдим шароитида ўзини яхши ҳис қилиши, қон касалликларига чидамлилиги билан бир қанча устунликларга эга (24-расм).



24-расм. Санта-гертрудада зот наслдор буқа.

Санта-гертрудада зоти Ўзбекистондаги бир қатор хўжаликларда, жумладан, Жиззах вилоятидаги «Бахмал» давлат хўжалигида, Қорақалпостоннинг собиқ «Қорақалпок» ва «Эркиндарё» давлат хўжаликларида кўпайтирилган, лекин сўнгти йилларда уларнинг миқдори ниҳоятда камайиб кеттан.

«Бахмал» хўжалигида гўштга боқилаёттан моллар кунига 890 г дан семиргани холда тирик вазни 540—550 кг га етганда гўштга топширилади.

*Абердин-ангус зоти.* Бу зот Англиянинг шимолий қисмига жойлашган Абердин графлигида яратилган. Зотнинг яратилишида асосан маҳаллий зотларининг роли катта бўлган. Ранги қора ва шохсиз. Сигирларининг тирик вазни 560—600 кг, буқалариники 800—900 кг келади (25-расм).

Бу зот моллар тез етилувчан, гўшти мазали ва тўйимли бўлади. Гўшт чиқими вазнига кўра 65—66 фоиз, айрим вақтларда 70 фоизгача бўлади. Сигирлари бир лактация даврида 1200—1500 кг сут беради ва сутининг ёндорлиги 4,0—4,5 фоиз. Бу зот асосан, Волгоград ва Оренбург вилоятларида, Ставрополь, Красноярск ва Олтой ўлкаларида ҳамда Украина, Қозогистон, Ўзбекистон ва бошқа айрим регионларда кўпайтирилади.

*Герефорд зоти.* Герефорд зоти ҳам Англиядада ма-



25-расм. Абердин-ангус зот наслдор буқа.

ҳаллий молларни танлаш, саралаш, парвариши қилиш ва яхши озиқлантириш натижасида яратилган. Бу зот тез етилувчанлиги билан бошқа зотлардан фарқ қилаади. Ранги қизил, боши, кўкраги, қорни ва оёқлари оқ рангда. Сигирларининг тирик вазни 490—580 кг, буқалариники 800—850 кг, айримлариники 1100 кг келади.

Сўйилганда нимталанмаган гўшт ва ёқ чиқими 65—68 фоиз, айрим холларда 70 фоиздан ҳам ортади (26-расм).



26-расм. Герефорд зотли наслдор буқа.

Герефорд зот сигирларнинг сути 1200—1400 кг, сутидаги ёғ миқдори 3,9—4,0 фоиз. Бу зот асосан Ростов вилояти хўжаликларида, Ставрополь ўлкасида, Қозғистон ва Марказий Осиё давлатларида кўпайтирилади.

**Қалмиқ зоти.** Бу зот Қалмиқ ўлкасида бундан таҳминан 360—370 йиллар муқаддам мӯғуллар томонидан келтирилган қорамолларни ўзаро чатишириш, танлаш ва саралаш натижасида вужудга келган. Бу зот вакиллари чўл шароитига, яйловдан унумли фойдаланишга яхши мослашган. Айниқса совуқда, ноқулай об-ҳавога ва турли хил касалликларга чидамлилиги билан бошқа зотлардан фарқ қиласди (27-расм).



27-расм. Қалмиқ зот наслдор буқа.

Қалмиқ зотининг ранги қизил. Баъзан парча-парча оқ доғлари бўлади. Зот орасида қизил-ола, тўқ сарик ва қўнғир-ола рангли вакиллари ҳам учраб туради. Сигирларнинг тирик вазни 420—450 кг, буқалариники 600—800 кг, айримлариники 900 кг гача бориши аниқланган. Гўшт чиқими 57—60 фоиз. Сигирлари бир лактацияда 650—1000 кг сут беради. Сутидаги ёғ миқдори 4,2—4,4 фоиз.

Ҳозирги вақтда бу зот асосан Қалмиқ ўлкасида, шунингдек, Ростов, Астрахань, Актюбинск ва Жамбул вилоятларида, ҳамда қисман Қорақалпористоннинг бир қатор хўжаликларида кўпайтирилмоқда.

**Гўшт-сут ва сут-гўшт йўналиши.** Бу йўналишга


мансуб бўлган зотлар гўштдорлик ва серсутлик хусусиятларига кўра бошқа йўналишдаги моллардан фарқ қиласди. Ана шу йўналишда боқиладиган зотлар иккига бўлинади. Биринчиси гўшт ва сут йўналишидаги, иккинчиси сут ва гўшт йўналишидаги зотлардир. Бунинг асосий фарқи шундан иборатки, биринчи йўналишдаги молларнинг маҳсулоти иккincinnisinikidan кўпроқ бўлади. Масалан, гўшт-сут йўналишидаги сигирларнинг гўштдорлиги серсутлиги кўрсаткичига нисбатан юқори бўлади ва аксинча сут-гўшт йўналишидаги сигирларнинг серсутлиги гўштдорлигига кўра устун бўлади.

Икки йўналишдаги барча қорамол зотлари ташқи кўриниши ва конституциясига кўра сут ва гўшт йўналишидаги молларга нисбатан оралиқ ўринда туради.

Икки йўналишга мансуб зотлар асосан қўйидагилардан иборат: Швиц зоти, Олатов зоти, Кострама зоти, Қизил горбат зоти, Курганска зоти, Украина кулранг зоти, Симментал ва Сичёв зоти, Олатов зоти шулар жумласидандир.

### Ўзбекистондаги икки йўналишдаги қорамол зотлари

**Швиц зоти.** Бу зот кўпроқ Фарғона водийси вилоятлари хўжаликларида, Самарқанд, Жиззах, Тошкент ва Сурхондарё вилояти хўжаликларида учрайди. Уларнинг тузи асосан кул ранг бўлади (28-расм).



28-расм. Швиц зот сигир.

Сигирларининг тирик вазни 480—550 кг, буқалариники 800—950 кг келади. Айримлари 1100 кг гача бориши аниқланган. Сигирлари соғин даврида ёғ миқдори ўртача 3,6—3,8 фоиз бўлган 3000—4200 кг сут беради. Айримлари (рекордчи сигирлари) 9000—10200 кг ва ундан ҳам кўпроқ сут берганлиги маҳсус адабиётларда акс эттирилган. Баъзан сут таркибидағи ёғ миқдори 4,7 фоизга етиши аниқланган.

**Олатов зоти.** Бу зот ҳам сут-гўшт йўналишидаги маҳаллий қирғиз ва қозоқи сигирларни швиц зот буқалардан қочириш натижасида ва наслани ўзаро чатиштириб, танлаш, саралаш йўли билан яратилган. Бу зот республикамиизда оз миқдорда бўлгани ҳолда асосан Фарғона водийсининг айрим хўжаликларида боқилади.

Сигирларининг тирик вазни 500—550 кг, буқалариники 850—950 кг. Соғин даврида ёғ миқдори 3,8—4,0 фоиз бўлган 2800—3500 кг сут беради. Бу зот ўзининг келиб чиқишига кўра тоғ зонаси шароитига яхши маслашган ҳайвон ҳисобланади.

### Фермер хўжаликларида сигирларни боқиш

Сигирларни боқишида уларнинг сут маҳсулдорлиги биринча галда дикқат марказида бўлмоғи лозим. Шунинг учун, лактация мобайнида соғиб олинган сут миқдорига кўра уларга бериладиган ем-хашак нисбати тахминан қўйидагича бўлиши мумкин (19-жадвал).

19-жадвал

**Сут миқдорига қараб озиқ турларининг тақсимланиши**  
(ўртача, фоиз ҳисобида)

Бир лактациядаги сути, кг	Дагал озиқлар	Серсув озиқлар	Кўк ўт (беда)	Ем ёки омиқта ем
3000	18	32	30	20
4000	14	29	27	30
5000	13	27	25	35

**Бўғоз сигирларни боқиш.** Бўғоз сигирларни боқишида уларнинг тирик вазни ва улардан соғиб олинадиган сут миқдори ҳисобга олинади (20-жадвал).

## Бүтөз сигирлар учун озиқ мөшері түйімлілігі (үртача)

Тирик вазни, кг	Хар бир бош сигир учун сутқада талаб этилади					
	Озиқ бир-лиги, кг	Ҳазм бұладыған протеин, г	Ош тузи, г	Кальций, г	Фосфор, г	Каротин, г
300	5	600	30	45	25	200
400	6	720	40	60	35	240
500	7	840	50	80	45	280

Бүтөз сигирларни боқишига алоқыда зәтибор бериш талаб этилади. Чunksи бундай тәдбириң үлар туққандан кейин сут маҳсулдорлигини юқори бўлишида муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Тирик вазни 500—550 кг ва сут маҳсулдорлиги 4000—6000 кг бўлган сигирларга суткасига ўрта ҳисобда 6—8 кг сифатли беда пичани, 10—15 кг маккажӯхори силоси ёки сенаж, 7—8 кг ҳашаки лавлаги, 2—3 кг ем (ёки омикта ем), шунингдек, 100—150 г калъций ва 50—70 г ош тузи бериш талаб этилади. Лекин уларни илдиизмевалар билан боқишида овқат ҳазм қилиш системаси фаолиятини назорат қилиб туриш талаб этилади, чunksи айrim вақтларда кўп микдорда берилган лавлаги уларни овқат ҳазм қилиш органдари фаолиятини сусайтиради.

**Софин сигирларни боқиши.** Соғин сигирларни боқишида уларнинг сут маҳсулдорлиги максимум дараҗага еттунча рациони сифатига ва таркибига алоқыда зәтибор бериш талаб этилади (29-расм). Айниқса, улар



29-расм. Маданий яйловда асл зотли серсут сигирнинг умумий кўриниши.

түкканидан кейин 2—3 кун мобайнида бундай тадбирларни қўллаш фойдалидир (30-расм).



30-расм. Гуруҳ ҳолда бокилаёттан голштинофриз зотли серсут сигирларнинг орқа томонидан кўриниши.

Сигирларнинг сутини ва айниқса сути таркибидаги ёқ миқдорини оширишда емнинг фойдаси каттадир. Бинобарин, емни меъёр даражада бериб боришга алоҳида эътибор бериш лозим. Сигирлар қанча серсут бўлса, уларга шунча кўп ем бериш талаб этилади (21-жадвал).

#### 21-жадвал

Ҳар бир кг сут учун бериш тавсия этиладиган ўртача ем миқдори (Ўзбекистон Чорвачилик и.т. институти маълумоти)

Сигирларнинг суткалик ўртача сути, кг	1 кг сут учун сарфланадиган ем миқдори, г
10 кг гача бўлганида	100 гача
10—15 кг бўлганида	100—150
16—20 кг бўлганида	160—200
21—25 кг бўлганида	250—300
25 кг дан ортиқ бўлганида	300—350

Агар сигирлар сутдан чиқиши даврида ориқ бўлса, уларнинг рационини 1—2 озиқ бирлигига кўпайтириш тавсия этилади. Бинобарин, ҳар бир озиқ бирлиги ҳисобига қўшимча равишда 110—120 г ҳазм бўладиган протеин, 9—10 г кальций, 5—6 г фосфор ва 40—50 мг каротин бериш лозим. Акс ҳолда улар эмбриони сурʼивожланади ва умумий физиологик холатига пуртурсиди.

Софин сигирларни боқищда улардан олинадиган сут ва ёғ миқдорини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир. Шунга кўра, улар организми учун зарур бўлган кимёвий элементлар миқдори ва умумий озиқ бирлиги резалаштирилади (22-жадвал).

#### 22- жадвал

**Тирик вазни ўртача 400 кг, сут таркибидаги ёғ миқдори 3,8—4,0 фоиз бўлган сигирлар учун озиқ меъёри**

Суткалик сут миқдори (ўртача)	Ҳар бош сигир учун бир суткада талаб этилади					
	Озиқ бирли- ги, кг	Ҳазм бўладиган протеин, г	Каль- ций, г	Фос- фор, г	Каро- тин, мг	Ош тузи, г
5	7	720	45	35	270	50
10	9	960	60	40	370	60
15	12	1450	80	60	500	80
20	15	1650	100	75	620	100
25	17	2100	130	100	740	130
30	21	2440	140	110	870	140

Сигирлар рационидаги қуруқ модда миқдори ҳар 100 кг га ўртача 3,0—4,0 кг ни ташкил этиши мумкин. Клетчатка сигирлар ошқозонида овқат ҳазм бўлишини меъёrlаштиради, шунинг учун унинг миқдори 18—24,5 фоизгача (қуруқ моддага нисбатан) бўлиши мумкин.

Агар рацион таркибида кальций ортиб кетса, овқат ҳазм бўлишига салбий таъсир кўрсатади. Айниқса протеин ва органик моддаларнинг, шунингдек, фосфорнинг ўзлаштирилиши сусаяди.

Сигирлар кўпроқ силос, сенаж ва илдизмевалар билан боқилганда, улар рационида фосфор ва натрий миқдори меъёр даражасида бўлишига эътибор бериш талаб этилади. Рациондаги озиқ турлари таркибидаги микроэлементлар миқдорига ҳам аҳамият бериш фойдалидир.

**Сигирлар гурухлаб боқилганда (31-расм), бир хил**



31-расм. Соғин сигирларни қўш (бокс ва бошбояксиз) усууда сақлашнинг умумий кўриниши.

рациондан фойдаланилса уларнинг сут маҳсулдорлиги бир-биридан 1—3 кг га фарқ қилиши мумкин. Шуннинг учун давал озиқ ва силос улар истаганича берилса, ем ва илдизмевалар каби озиқлар билан уларнинг серсуглигига эътибор берилгани ҳолда таъминланади.

**Сигирларни бояламасдан боқиши** меъёрларини тахминан 8—10 фоизга ошириш назарда тутилади. Бунда сигирлар ҳар 100 кг вазни ҳисобига 1,5 кг атрофида беда пичани, 2—3 кг хашак, 2 кг силос ис-теъмол қилиши ҳисобга олинади. Сигирларни қиш ва эрта баҳор ойларида сенаж, силос, пичан, илдизмевалар кўпроқ берилса, ёз ва куз ойларида асосан кўк ўт (беда, сули пояси, суданўт, маккажӯхори пояси ва ҳоказолар) берилади. Лекин, ем, қўшимча витаминалар, микроэлементлар, антибиотиклар, биологик препаратлар йил мобайнида сигирлар рационига эҳтиёжига яраша қўшиб берилиши лозим.

### **Деҳқон-фермер хўжаликларида бузоқларни боқиши ва парваришлаш**

Бузоқларни маълум мақсад асосида тўғри боқиши ва парвариш қилиш қорамол подасини соғлом, сермаҳсул сигирлар ва юқори кўрсаткичга эга бўлган бақувват наслдор буқалар билан тўлдиришда муҳим аҳамиятта эга. Умуман, бузоқлар ҳар бир ферманинг йўналиши, етиштириладиган маҳсулот тури ва ишлаб

чиқаришнинг конкрет мақсади ҳамда шароити ҳисобга олинган ҳолда боқиб парвариш қилинади (32-расм).



32-расм. Насл учун қолдирилган голштинофриз зотли урочи бузоқларнинг умумий кўриниши.

Умуман, аввалги боблар (III)да қайд қилиб ўтилганидек, бузоқларни боқиш ва парваришлашни бирқанча усуллари мавжуддир. Биз қўйида улар тўғрисида қисқа тўхталиб ўтишни маъқул топдик.

Шуни таъкидлаш лозимки, республикамиздаги барча қорамолчилик фермаларида, шу жумладан, фермер хўжаликларида, бу борада мавжуд усуллардан биттаси, айrim ҳолларда иккитаси қўлланилади.

**Биринчи усул — бузоқларни онасидан ажратиб боқиш.** Бу усул асосан барча сут-товар фермаларида ва айrim илгор фермер хўжаликларида қўлланишиб келинаётган прогрессив усул ҳисобланади. Бунда бузоқлар туғилган кунидан бошлиб 5—10 кун давомида ўз онасининг оғиз сугидан баҳраманд бўлади. Сўнгра улар маҳсус катақларга олинади ва гурухлаб боқиласи (33-расм).

Оғиз сути биринчи марта бузоқлар туғилганидан сўнг 1—2 соат ўтгач 1—1,5 кг миқдорида берилади. Озиқлантиришдан олдин бузоқларни лаблари, бурни ва юзи яхшилаб артилади. Янги туғилган бузоқларга дастлабки кунлари оғиз сути маҳсус резинка сўргичлар ёрдамида кунига 5—6 марта берилса, сўнгра ку-



33-расм. Бузоқларни индивидуал (якка) ҳолда катакларда боқиши.

нига 4 марта аниқ белгиланган вақтларда (кун тартиби асосида) берилади. Бунда бузоқлар ҳамма вақт бир хил миқдордаги сутни якка ҳолда олиши мумкин. Бериладиган оғиз сути ёки соғиб олинган сутнинг ҳарорати  $37^{\circ}\text{C}$ , тоза ва сифатли бўлиши мақсадга мувофикадир.

Агар туқдан сигирнинг елини касал бўлса ёки сутининг сифати талабга жавоб бермаса, у ҳолда бир вақтда туқдан ёки туғишига кўра 1—2 кунга фарқ қиласан сигирларнинг сути ичирилади.

Бузоқларга туғилган куни 5—7 кг атрофида оғиз сути ичирилиши яхши натижа беради. Беш кунлик бўлганида 6—10 кг гача кўпайтириш мумкин. Умуман, биринчи беш кун ичидан уларга 30—45 кг оғиз сути ичирилса, ҳар томонлама яхши натижа беради.

Бузоқларни кўп миқдорда, фақат сигир сути билан боқиши иқтисодий жиҳатдан унча кўп фойда келтирмайди. Бинобарин, уларни сунъий сут, серсув ва дағал озиқлар билан таъминлаш иқтисодий самараадорликка эришишда анчагина афзалликларга эга. Бундай тадбирларни бузоқлар туғилганидан сўнг сутининг миқдори оз-оздан камайтирилиб, унинг ўрнига ёғи олинган сут ва сунъий сут миқдори кўпайтирилиб борилади.

**Иккинчи усул — ажратиб — эмиздириб боқиш.**

Бу усул энг қадимги усул бўлиб, бунда сигирни соғищдан олдин, соғиши вақтида ва сут соғиби бўлингач, сигир ёнига унинг бузоғи қўйиб юборилади. Сигири бўлган барча хонадонлар ҳам шу усуlda бузоқ боқадилар ва парвариш қиласидилар. Бу усул ҳозирги вақтда хўжаликларда деярли қўлланимайди.

**Учинчи усул — «энага» сигирларга бириктириб боқиш.** Буниг учун ўз оналаридан ажратиб олинган бузоқлар 2 тадан 4 тагача қилиб машина ёрдамида соғишига яроқсиз ёки қари сигирларга бириктириб қўйилади. Бузоқлар ўз «энагасини» 2—3 ой мобайнида эмиб ўсади ва ривожланади.

Бириктирилган бузоқлар сони «энага» сигирларнинг сут маҳсулдорлигига боғлиқ. Эмизиш учун режалаштирилган сигирлар бир гурӯҳ бузоқни эмизиш даври тугаши билан янги гурӯҳ бузоқларни қабул қиласиди. Шундай қилиб, сут маҳсулдорлиги 3000—3500 кг бўлган сигирлар бир лактация даврида 8—10—12 та бузоқни эмиздириб, боқиб беради.

**Тўртинчи усул — оналарига узлуксиз эмиздириб боқиш.** Бу усул асосан гўшт йўналишидаги қорамолчиликда қўлланилади. Бунда сигирлар деярли соғилмайди. Пода шароитида ёш бузоқлар 6—8 ойлик бўлгунча фақат онасини эмиб ривожланади. Агар талаб этилса ва сигир сути икки бузоқ учун етарли бўлса, бир сигирга иккита бузоқни ҳам бириктириб боқиш тавсия этилади.

Шундай қилиб, бузоқларни боқиш, парвариш қилиш ва ривожлантириш усуллари ҳар бир хўжаликнинг маҳсулот йўналиши ва ишлаб чиқариш технологиясига кўра қўлланиши кўплаб ижобий натижа беради.

### **Бузоқларни 6 ойлигидан 2 ёшгача боқиш**

Бузоқлар олти ойлик бўлганида эркаклари урочилиридан ажратилган холда маҳсус хоналарда боқиласиди. Бунда тўртта гурӯҳ, ташкил этиш назарда тутилади.

**Биринчи гурӯҳда** бузоқлар 9 ойлик бўлгунча боқиласиди.

**Иккинчи гурӯҳда** 9 ойлиқдан 12 ойлик бўлгунча боқиласиди.

**Учинчи гурӯҳда** 12 ойдан 18 ойлик бўлгунча боқиласиди.

**Тўртинчи гурӯҳда** 18 ойлик гунажинлар икки ёшли бўлгунча боқиласиди. Бузоқлар хўжалик учун белгиланган усуlda боғлаб ёки боғламасдан боқиласиди.

Насл олиш учун мұлжалланған зеркак бузоқларни ҳисобға олмаганда барча гурухдаги бузоқларга 8—9 ойлигидан бошлаб күп микдорда сомон, силос ва илдизмевалар беріб боқылади. Бузоқларни боғлаб боқыща уларға суткасига уч марта ем-хашак берилади. Сувни автомат сувдонлардан истаганича ичади.

Насл олиш учун 6 ойлиқдан иккі ёшгача боқылаған бузоқларға сарфланадиган ем-хашак турлари ва микдори 23-жадвалда көлтирилген.

23-жадвал

**Насл учун қолдирилған бузоқларни иккі ёшгача боқыш учун сарфланадиган озиқ микдори, кг**

Сарфланадиган ем-хашак микдори	Ёши, ой ҳисобида			
	6 ойлик-кacha	6 ойлик-дан 12 ойлик-кacha	12 ойлик-дан 18 ойлик-кacha	18 ойликдан 2 ёшгача
Бузоқларнинг вазни, кг	170—180	260—270	340—370	440—480
Сорғиб олинадиган сут, кг	300—400	—	—	—
Ери олинган сут, кг	600—800	—	—	—
Оміхта ем, кг	130	320	250	230
Силос ва илдизмевалар, кг	200	1215	1480	2200
Беда пичани, кг	260	925	950	1100
Сомон ёки құрүқ хашак, кг	—	—	250	350

Күпгина хұжаликларда олиб борилған кузатишларта қараганда жадвалда күрсатилған меңгерларда боқылған бузоқлар соғлом, бақуувват ва юқори маҳсулдор бўлиб етишади. Бузоқларни сунъий сут билан боқиши 180—200 кг сигир сутини тежаш имконини беради.

Ем-хашакнинг сифати қанча паст, таркибида кимёвий элементлар, айниқса протеин кам бўлса, бузоқларнинг ҳар килограмм семириши учун шунча күп озиқ сарфланади.

Бузоқлар соғлом ва бақуувват бўлиб ўсиши учун уларни узлуксиз ош тузи билан таъминлаб туриш тавсия этилади. Бунда 1—6 ойлик бузоқларнинг ҳар 100 кг вазни ҳисобига 12 г, 6 ойлиқдан бошлаб 10 г дан ош тузи бериш талаб этилади.

**Наслдор буқаларни боқишиш ва парваришиш**

Наслдор буқалардан олинадиган уругнинг сифати биринчи галда уларнинг боқишиш шароитига ва усулига боялиқ. Наслдор буқаларни боқишишни сусайтириш ёки кучайтириш мақсаддага мувофиқ эмас. Чунки кучли озиқ-

лар билан ҳамма вақт түйдиріб боқиши ва мөцион ташкил этилмаслиги улар танасининг ва жинсий органларининг ёғ босиб кетишига олиб келади. Бунинг натижасыда уруғ бериш хусусияти ёмонлашади. Еки аксинча, сифатсиз ем-хашак билан боқиши улар организмини бўшаштириб, қувватсизлантириб қўяди. Бунинг оқибатида уруннинг сифати бузилади, буқалар ориқлаб, касалликларга берилувчан бўлиб қолади. Бинобарин, наслдор буқаларни боқища, илмий жиҳатдан асосланган истиқболли усуллар асосида рацион тузиш керак бўлади. У қуйидагича бўлиши мумкин. Масалан, буқалар қочириш ишларида фойдаланилмайдиган «т и н и м» даврида уларнинг ҳар 100 кг тирик вазни ҳисобига 1,1 озиқ бирлиги ва 110 г ҳазм бўладиган протеин бериш режалаштириш ижобий натижа беради.

*Наслдор буқаларни қиши ойларида боқиши.* Қиши ойларида наслдор буқаларнинг ҳар 100 кг тирик вазни ҳисобига 1—1,5 кг беда пичани, 1—1,5 кг илдизмева, 0,8—1,0 кг силос бериш мумкин. Ҳар бир буқанинг ориқ-семизлигига қараб 1 суткада 4 кг дан 8 кг гача ем бериш тавсия этилади.

Барча хўжаликларда ва сунъий қочириш пунктларида боқилаёттан буқалар рационига (уруг олиш даврида) 3—4 кг савзи, 300—400 г майдалангандон (арпа, сули, буғдой) ва 150—200 г хамиртуруушни қўшимча ҳолда киритиш яхши натижа беради.

Наслдор буқаларни қиши ойларида боқиши учун қуйидаги кун тартибига риоя қилиш мумкин:

Соат 5 дан 5.30 гача	Охурларни қолдиқ озиқлардан тозалаш.
Соат 5.30 дан 6 гача	Озиқлантириш, сурориши, танасини қашлаб тозалаш.
Соат 6.0 дан 8 гача	Дам бериш.
Соат 8.0 дан 10 гача	Уруг олиш ёки қочириш учун фойдаланиш.
Соат 10 дан 11 гача	Мөцион ташкил этиш.
Соат 11 дан 12.30 гача	Озиқлантириш ва сурориши.
Соат 12.30 дан 14.30 гача	Дам бериш.
Соат 14.30 дан 16.30 гача	Мөцион ташкил этиш.
Соат 16.30 дан 18 гача	Очиқ майдонда яйратиш.
Соат 18 дан 19.30 гача	Уруг олиш ва қочиришда фойдаланиш.
Соат 19.30 дан 20.30 гача	Озиқлантириш ва сурориши.

**Наслдор буқаларни ёз ойларида боқиши.** Ёз ойла-рида иложи борича барча хўжаликларда наслдор бу-қаларни яйловларда боқиши, кўпроқ ҳаракат қилдириш ва талаб этилган вақтда ем ва минерал қўшимчалар бериш тавсия этилади.

Ўзбекистон шароитида ёзниг иссиқ кунлари наслдор буқаларни 3—4 марта, ҳатто 5—6 марта сурориши ҳамда салқин, лекин нам ва зах бўлмаган тоза жойда дам олдириш яхши натижা беради.

Парвариш қилиш ишлари барча фаслларда узлук-сиз амалга ошириб борилганда наслдор буқалардан 10—12 йил ва айрим ҳолларда ундан ҳам узоқроқ вақт давомида фойдаланиш мумкин.

Барча хўжаликларда ва сунъий қочириш пунктла-рида вақти-вақти билан уруғ сифатини назорат қилиб туриш, шунингдек, улардан олинган авлодларни соғлом, бақувват, тетик бўлиб ўсишига эътибор бериш ҳам мақсадга мувофиқдир.

## **ҚОРАМОЛЛАРДАН ОЛИНАДИГАН МАҲСУЛОТЛАР**

Қорамоллардан олинадиган асосий маҳсулот сут ва гўшт ҳисобланади. Тери, ички органлари, жуни ва шохтуёқлари қўшимча маҳсулотлардир. Оз даражада бўлса-да, айрим жойларда ҳўқизлар транспорт вазифасини ҳам бажаради.


Қорамол маҳсулотининг миқдори ва сифати фақат зотлараро фарқланмай, ҳатто зот ичида ҳам маълум ўзгаришларга эга. Бинобарин, кўплаб сифатли ва арzon маҳсулот етиштириш жуда кўп омил ва тадбирларга боғлиқ. Шунинг учун қуйида улар устида қисқа-ча тўхталиб ўтамиз.

### **Сигирларнинг сут маҳсулдорлиги**

Серсут сигирларнинг истеъмол қилган ем-хашакни максимал даражада сутта айлантираолиши уларнинг энг муҳим хусусияти ҳисобланади. Бинобарин, уларнинг озиқ, рационнига алоҳида эътибор берилмаса, си-гирлар тезда ориқлаб кетади.

Серсут сигирларнинг елини катта ҳажмга эга бўлиб, йил сайин у яна катталашиб бориш хусусиятига эга (34-расм).

Айрим сигирларнинг елини катта бўлса ҳам, сути деярли кўп бўлмаслиги мумкин. Чунки бунда сут безлари асосан биринкирувчи тўқимадан иборат бўлади.



34-расм. Соғин сиғирлар елинининг ҳар хил шакллари:  
1—косасимон елин, 2—ваннысимон елин, 3—ривожланмай қолган кичик  
елин, 4—бўлимлари хотекис ривожланган елин, 5—осилиб турувчи елин,  
6—зачки елин.

Бундай елиндан сут соғиб олингач унинг ҳажми жуда ҳам кичраяди, у юмшоқ, хамирсимон бўлади.

Сиғирлар елинининг шакллари турлича бўлади. Бу уни қоринга бириктириб турувчи боғловчилар холатига боялиқдир. Юқори кўрсаткичга зга бўлган елин сиғирнинг орқа томонидан баландроқ, бўртиб чиқсан, кенг ҳажмли, олд қисми қоринга тақалган, туби текис — ётиқ ҳолатда бўлади (34-расм).

Елинининг ҳар бир палласи йирик ва бир-бирига тенг, улар оралиғида чуқурлик ёки бўртмалар бўлмаслиги керак. Сўргичлар цилиндр ёки бироз конуссимон, лекин унча йўғон, ингичка, узун ёки калта бўлмаслиги керак.

Акс ҳолда, бундай сўргичлар машинада соғишга ярамайди. Масалан, машинада соғишга мос ҳисобланган сиғирларнинг сўргичлари узунлиги 7—8 см, эни 2—3 см, бир-биридан узоқлиги ўртача 10—15 см бўлса меъёр даражада ҳисобланади.

Айрим сиғирлар елинининг иккита палласи анча

чўзиқ, сўргичлари олд томонга қараб тарвақайлаган бўлади (34-расм). Баъзан сўргичлари ҳар хил катталиқда ёки улардан бирортаси ривожланмасдан қолган бўлиши ҳам мумкин. Сигирларнинг хусусияти асосан наслдан-наслага ўтади ва бу нуқсонларни йўқотиб бўлмайди.

**Сигир сутининг аҳамияти** ҳар бир инсонни кундалик ҳаётида муҳим ўрин тутади. Сигирлар сути мазали, серқаймоқ бўлади ва ҳеч қачон киши меъдасига тегмайди. Шу билан бирга сут инсон учун энг қимматли озиқ ҳисобланади. Айниқса ёш болалар, қариялар ва касалликларга чалинган кишилар учун сутнинг ўрнини бошқа озиқ билан алмаштириб бўлмайди.


Бундан ташқари, сутдан хилма-хил сут маҳсулотлари тайёрланадики, инсон ҳаётида улар салмоқли ўрин тутади. Масалан, сариёғ, қаймоқ, қатиқ, сузма, кефир, чучук қатиқ, творог, пишлоқ, бринза ва ҳоказолар шулар жумласидандир.

**Сутнинг ҳосил бўлиши.** Сут елиннинг сут безларида ҳосил бўлади. Бу жараён анча мураккаб бўлгани ҳолда унда бир қанча органлар ҳам фаол иштирок этади. Сут безларининг ўсиши ва ривожланиши тухумдан гормонлари фаолияти билан борлиқлиги аниқланган. Сигирлар бўғозлик даврининг кейинги ойларида елин безлари яхши ривожланиб, улар туқач безлар катталашади, яъни актив фаолияти бошланади.

Сигир елини 4 та палладан иборат бўлиб, ҳар бир палласи сўргич билан тутайди. Елин паллалари ўзаро бир-бирлари билан борлиқ бўлмайди. Шунинг учун ҳам ҳар бир палладан согиб олинадиган сутнинг кўрсатгичи ҳар хил бўлади. Елинни орқа паллаларида сутнинг кўпроқ бўлиши аниқланган.

Елиннинг ҳар бир палласи без тўқималаридан иборат бўлиб, унинг ички қисми альвеола деб атальувчи, ички девори бир қаватли цилиндрический эпителий билан қопланган. Альвеолаларнинг ички қисмида юмшоқ ва юмалоқ пуфакчалар — найчалар жойлашган. Эпителий ҳужайралари доим қон билан таъминланиб турди ва унда қоннинг синтезланиши натижасида сут томчилари ҳосил бўлади (35-расм).

Артерия қон томирлари елинга кислород ва озиқ моддалар олиб келса, вена қон томирлари ундан карбонат ангирид ва қолдиқ озиқни олиб кетади. Серсуг сиғирларда бундай веналар яхши ривожланган бўлади ва қорин қисмида бўртиб чиқсан ҳолда «сут венаси» номи билан аталади.



35-расм. Сигир елинининг умумий схематик кўриниши.  
1—тери, 2—сут алъеволалари, 3—сут йўллари, 4—сўрчиц цистернаси,  
5—сўрчицдан сут чикувчи каналча.

Секрецияни бўлишига кўтарилади, бунинг натижасида суръати пасая боради. Шунинг учун ҳам серсуг сигирлар суткасига уч марта соғилган вақтда кўпроқ сут олинади. Бу борада елиннинг ҳажми ҳам катта аҳамиятга эга. Масалан, айрим кўп сут берадиган рекордчи сигирлар елинига ўртача 22—25 л сут сиғиши аниқланган.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, сигирлар туққанидан кейин 2—3 ой мобайнида елиннинг ҳажми ортиб боради ва ярим йилгача бир текис катталикда бўлади, бойдан сўнг унинг ҳажми аста-секин яна кичрая боради. Шундай қилиб, сигирларда сут ҳосил бўлиши бир қанча муҳим омилларга боғлиқ. Уларнинг энг асосийлари: сигирларни тўғри боқиши, ем-хашакнинг сифати, молларни асраш, парвариш қилиш усуслари, сигирларнинг ёши, зоти, лактация даври, елинни массаж қилиш, шунингдек, уларнинг индивидуал ҳусусиятлари ва бошқалардир.

**Сигир сутининг кимёвий таркиби.** Кузатишлардан маълум бўлишича, сигир сутининг кимёвий таркиби ўзига хос турли элементлардан ташкил топган. Масалан, унда ўртача 87,5 фоиз сув, 3,3 фоиз оқсил, 4,7 фоиз сут шакари, 3,8 фоиз ёғ, 0,7 фоиз минерал моддалар бўлади. Бундан ташқари, турли витаминалар,

маълум бўлишича, суткасига 20—25 л дан сут соғиб олинадиган сигирлар елинининг қон томирлари орқали бир суткада ўртача 10000—12500 л қон ўтиши мумкин. Ёки 1 л сут ҳосил бўлиши учун елиндан 400—500 л қон ўтиши тажрибаларда исботланган. Сут ҳосил бўлиши барча соғин сигирларда тинимсиз давом этади.

Сигир соғиб бўлингач, елинда сут ҳосил бўлиши (сут секрецияси) жадаллик билан давом этади ва у яна аста-секин сутта тўла бошлайди, бинобарин, елин ичидаги босим астасекин кўтарилади, бунинг натижасида секреция суръати пасая боради. Шунинг учун ҳам серсуг сигирлар суткасига уч марта соғилган вақтда кўпроқ сут олинади. Бу борада елиннинг ҳажми ҳам катта аҳамиятга эга. Масалан, айрим кўп сут берадиган рекордчи сигирлар елинига ўртача 22—25 л сут сиғиши аниқланган.

ферментлар, гормонлар, органик кислоталар, микроэлементлар, баъзи бир газ бирикмалари ва бошқа моддалар ҳам борлиги аниқланган (24-жадвал).

24- жадвал

**Сигир сутнинг химёвий таркиби  
(Г. С. Инихов маълумоти)**

Сут таркибидаги моддалар	Ўзгариш чегараси (фоиз)	Ўртача миқдор (фоиз)
Сув	84—89	87,5
Куруқ модда (жолдик)	11—26	12,5
Сут ёғи	2,7—6,0	3,8
Фосфатидлар	0,02—0,08	0,05
Оқсиллар, шу жумладан:		
альбумин	0,2—0,6	0,4
глобулин	0,05—0,20	0,12
казеин	2,2—6,4	2,7
Сут шакари	4,4—5,6	4,7
Анорганик кислота тузи	0,5—0,9	0,65
Органик кислота тузи	0,1—0,5	0,3
Кул (ёки минерал моддалар)	0,60—0,85	0,7
Витаминалар:		
А — ретинол	0,01—0,08	0,03
Д — эргокальциферол	—	0,00005
Е — токоферол	0,05—0,25	0,15
В <sub>1</sub> — тиамин	0,03—0,06	0,05
В <sub>2</sub> — рибофлавин	0,06—0,20	0,15
С — аскорбин кислотаси	0,5—3,5	2,0
РР — никотин кислота	0,10—0,20	0,15
Газлар (CO <sub>2</sub> , N <sub>2</sub> , O <sub>2</sub> )	3—15 мл/фоиз	7 мл/фоиз
Пигментлар	0,01—0,05	0,02

**Сутнинг қаймоқдорлиги.** Сут ёғи — сутнинг энг қимматли таркибий қисми ҳисобланади. У асосан ёғи кислоталар (глицерин)дан иборат. Унда тахминан 20 фоизгача ёғи кислоталар бўлади ва улар ёрининг сифатига, мазасига ўз таъсирини кўрсатади.

**Сут таркибидаги ёғи** — асосан жуда майдада (0,5—10—20 микрон) шарчалар шаклида, устки қисми нозик оқсил парда билан қопланган бўлади. Ёғи шарчалари 1 мл сутда тахминан 2 млн. дан 5 млн. гача бўлади. Ёғи шарчаларининг сони, катта кичиклиги саримой тайёрлашда муҳим аҳамиятта эга. Сут ёғи ўзининг технологоик хусусиятига кўра +27° — +35°C да эрийди, +17° — +21°C да эса қотади.

Сигирларнинг сут маҳсулдорлиги ва сутнинг серқаймоқдиги маълум даражада уларнинг зоти билан боғлиқ ҳолда бўлади. Бу хусусият кўпинча наслдан наслга

ўтади ва ҳар бир зотнинг мухим кўрсаткичи ҳисобланади. Сигир сутининг кимёвий таркибини қатъий, яъни ўзгармайдиган деб бўлмайди. Шунингдек, ҳар бир зот ўзига хос кўрсаткичга эга эканлиги ҳам аниқланган. Масалан, Ўзбекистонда кенг тарқалган, ҳар хил зот сигирларни сут маҳсулдорлиги ва унинг кимёвий таркиби бир неча бор текширилган ва турли кўрсаткичга эга эканлиги аниқланган. Жумладан, республикамиздаги жайдари — маҳаллий сигирлар билан Бушуев зотли сигирлар сути ниҳоятда серқаймоқ бўлиб, улар сутининг ёвлик даражаси ўртacha 4,2—5,1 фоиз бўлиши аниқланган. Оқсила моддаси 3,4—3,5 фоиз ва қанд эса 4,7—4,9 фоиз эканлиги кузатилган. Қора-ола зотли сигирлар сутидаги бу кўрсаттич ўртacha 3,5—3,6 фоиз, 3,2—3,3 фоиз ва 4,5—4,6 фоиз; швиц зотида 3,7—3,8 фоиз, 3,2—3,3 фоиз ва 3,9—4,2 фоиз; шунингдек, эстон ва латвия қўнғир зотида эса 3,5—3,7 фоиз, 3,1—3,2 фоиз ва 3,8—4,2 фоиз эканлиги кузатилган.

Сутнинг кимёвий таркиби ва ундаги ёғ, оқсила, қанд миқдори бир хўжаликнинг ўзида парваришланадиган бир хил зот сигирлар орасида ҳам турлича бўлиши аниқланган. Сигирлар сутидаги бундай миқдор ўзгаришлар бирқанча омилларга боғлиқ бўлгани ҳолда, уларнинг энг асосийлари: ем-хашак тури ва сифати, ҳайвоннинг зоти, зотдорлиги ва наслий хусусияти, ёши, ориқ-семизлиги, молларнинг сақдаш усули, уларнинг индивидуал хусусияти ва физиологик ҳолати ҳисобланади. Бинобарин, хўжаликларда серсут сигирларни боқишиш ва парваришларни ишларини олиб боришида сутнинг серқаймоқлигига ва сутнинг сифатига алоҳида эътибор берилгани ҳолда иш юритилиши мақсадга мувофиқдир.

Сигир сутининг серқаймоқлиги унинг түқдан кунига ва соғиши муддатига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ эканлиги аниқланган. Кузатишлардан маълум бўлишича, сигир сутининг серқаймоқлиги биринчи ойда камроқ бўлади ва сут бериш даврини иккинчи ва учинчи ойида бошқа ойларга нисбатан кескин камаяди. Тўртинчи ойидан бошлаб сутнинг мойи аста-секин кўпая бошлияди ва бешинчи ойга бориб, айниқса сутдан чиқариш арафасида сутнинг серқаймоқлик даражаси максимал миқдорда бўлиши кузатилган.

*Сигирларни соғиши усули ва вақти* сутнинг серқаймоқ бўлишига таъсир этувчи омиллардан бири ҳисобланади. Соғувчиларнинг тез-тез алмашиниб ту-

риши ҳам сут миқдорига ва серқаймоқлигига салбий таъсири күрсатиши исботланган.

Елиндаги сутни мумкин қадар тұла, сүнгги томчиларигача қолдирмасдан соғиб олиш сутнинг серқаймоқ бўлишининг яна бир омили ҳисобланади. Маълумки, сутнинг дастлабки соғиб олинган порциялари анча суюқ, ёғ миқдори оз (1,5—2,5 фоиз) бўлса, энг сүнгтида соғиб олинган қисмидан ёғ миқдори 6—7 фоиз ва ундан ҳам кўпроқ ёғ бўлиши аниқланган. Бинобарин, сигирларни тоза соғиш, сут тушмай қолганда елинни уқалаш, яъни массаж қилиш ва соғишини давом эттириш мақсадга мувофиқдир. Бунинг натижасида илғор соғувчилар соғиб олган сутдаги ёғ миқдорини 0,5—0,6 фоиз ва ундан ҳам кўпроқ фоиз кўтармоқдалар.

Сутнинг серқаймоқ бўлишини яна бир омили — сигирларнинг сифатли ем-хашак билан таъминлаш ва парваришлаш ҳисобланади. Кузатишлар шуни кўрсатадики, агар сигирлар сифатли ем-хашак билан таъминланса, ҳамда танаси ўз вақтида яхшилаб тозалаб турилса, шунингдек, ташқарида, тоза ҳавода яйратилса, улардан соғиб олинадиган сутнинг миқдори ортигина қолмасдан, унинг таркибидағи ёғ миқдори ҳам маълум миқдорда кўпаяр экан. Бордию, соғин сигирлар тўйиб озиқланмаса, ем-хашак сифати паст бўлса, уларнинг танаси ҳар куни тозаланмаса ва очик—тоза ҳавода яйратилмаса, уларнинг сути суюқ, сифатсиз ва оз миқдорда бўлиши кўплаб тажрибаларда синаб кўрилган.

Булардан ташқари, сигирлар сутининг таркиби йил мобайнида бир хил бўлмасдан турли даражада ўзгариб туради. Бунинг бир сабаби ҳар фаслда маълум ем-хашак турларининг мавжуддиги ва ташқи муҳит ҳарорати турлича бўлишининг таъсири кўплаб кузатишлар натижасида аниқланган.

*Сутнинг миқдори ва сифатига йил фасларининг таъсири* ҳам бирмунча илмий кузатишлар ва тажрибларда кузатилган. Жумладан, зоонженер Зиёд Турсунбоевнинг Тошкент вилоятидаги собиқ Карл Марксномли жамоа хўжалиги сут-товар фермасида қора-ола зотли сигирлар устида олиб борган изланишлари шуни кўрсатдики, фермадаги барча соғин сигирлар (200—235 бош)нинг сут миқдори ўртacha ҳар бир говмишга бўлганда энг юқори кўрсаткич асосан икки фаслда, яъни ёз (1127,7 кг) ва куз (1124,2 кг) фаслига тўғри келди. Баҳор фаслида (1032,8 кг) ва қишда (968,2 кг) бу кўрсаткич бирмунча камроқ бўлиши аниқланган. Бошқача қилиб

айттанды, агар сигирларнинг қиши фаслида берган умумий сут микдорини 100 фоиз деб олсак, бунда ёз фаслидагиси 116,5 фоиз, куз фаслидагиси — 116,0 фоиз, баҳордагиси — 106,7 фоизга түгри келади.

Сутнинг серқаймоқлик даражаси ҳам йил фасллари ва ойларига кўра ўзгариб бориш хусусиятига эга эканлигига ишонч ҳосил қилинди. Жумладан, сигирлар сут таркибидағи ённинг энг юқори кўрсаттичи асосан февраль (3,64 фоиз), март (3,59 фоиз) ва ноябрь (3,66 фоиз), декабрь (3,65 фоиз) ойларига ва энг тубан кўрсаттичи июль (3,25 фоиз) — август (3,27 фоиз) ойларига түгри келди. Қолган ойларда эса бу кўрсаткич ўртача 3,33—3,53 фоизни ташкил қилди.

Адабиётлардан маълумки, сут таркибидағи қуруқ моддалар баҳор (март ва апрель) ойларида камайса, куз ойлари (октябрь, ноябрь)да анчагина кўпаяди. Сутдаги ёғ ва оқсил моддалар ҳам шу каби ўзгариб туриши аниқланган. Бунга юқоридаги мисолларимиз даил бўлаолади.

*Сут микдори ва сифатига ем-хашак таъсири.* Сигирларни фақат бир тур ем-хашак билан тўйдириб боқиши ва уларни турли хилдаги тўйимли, серсув, илдизмева ва ем билан таъмин этмасдан туриб юқори натижаларга эришиб бўлмайди.

Тажрибалар шуни кўрсатдики, агар сигирлар фаттина бир тур ем-хашак билан тўйдириб боқилган тақдирда ҳам сут маҳсулоти кўпаймайди ва сифати паст бўлади. Бинобарин, сигирлар рационида мумкин қадар турли хил сифатли ем-хашакни бўлиши сут микдорини кўп, сифатли ва кимёвий таркиби юқори даражада бўлишини таъмин этади.

Сигир рационидаги озиқлар турли хилда бўлиши билан бирга улар мумкин қадар минерал моддаларга, витамин, микроэлементларга ва ҳайвон организми учун муҳим ҳисобланган барча моддаларга бой бўлиши кепрак. Буларни назарда туттган ҳолда соғин сигирларга бериладиган ем-хашакни асосий қисмини йилнинг фаслларига кўра маккажӯхори силоси, беда пичани, сенаж, янги ўриб олинган ўсимлик (маккажӯхори пояси, сули, судан ўт, беда каби)лар, ҳамда қанд лавлаги, хашаки лавлаги, озиқбоп полиз экинлари ташкил қилиши мақсадга мувофиқдир.

Ҳар бир зот ўзининг барча белги ва хусусиятларини наслларига ўтказа олиши турли маҳсус адабиётлардан маълум. Сигирлар ўзларининг бир қанча бел-

гилари билан бир қаторда серсуглиги, сутидаги оқсил миқдори ва серқаймоқлигини ўз бузоқларига бераолса, буқалар ўз насларига онасини ва иккала (ота ва она томонидан) бувисининг маҳсулот кўрсатгичларини ўтказаолиши аниқданган.

Ҳар бир қорамол зоти ўзининг муайян бошқа зотлардан фарқ қилувчи маҳсулот белги ва кўрсаткичларига эга. Аниқданишича, сигирларни серсуглигига кўра уларнинг сутидаги ёғ ва оқсили миқдори ҳар бир зот учун кўп жиҳатидан қатъий бўлади. Бу хусусият жадал ҳолда наслдан наслга ўтади. Кузатишлардан маълум бўлишича сигирларнинг серсуглиги 20—45 фоиз атрофида наслларда ўз аксини топса, сутидаги ёғ, оқсили миқдори 50—78 фоиз атрофида ўз наслида намоён бўлар экан.

*Сигирлар серсуглигини ошириш*, сутидаги ёғ, оқсили ва бошқа кимёвий моддалар миқдорини кўпайтириш учун наслчиллик ва селекция ишларини тўғри ўюштириш, реал мақсадлар асосида иш кўриш катта аҳамиятга эгадир.

Кузатишлар натижасида маълум бўлдики, қисман кам бўлса-да онаси серқаймоқ ва оқсили кўп бўлган зот буқалари билан қочирилганда олинган дурагай сигирлар оралиқ ўринда бўлган, лекин ёғининг умумий миқдори бўйича анча юқори бўлган.

*Сигирлар ёшини серсуглигига бўлган таъсири*. Бу ҳолат даставвал сигирларнинг зоти ва тез етилувчанликларига боғлиқ эканлиги аниқданган. Масалан, тез етилувчан ҳисобланган джерсей, голиштинофриз каби зот сигирларнинг энг юқори даражадаги сут маҳсулоти 4—6 маротаба бузоқ берган даврига тўғри келса, кеч етилувчан — симментал, холмагор ва ярослав зотларида бу кўрсатгич 5—8-нчи бузоқ бериш даврига тўғри келади. Маълум бўлишича, сигирлар биринчи марта тукқанида энг юксак даражада (максимал) сут бериш қобилиятининг 60—70 фоизини, иккинчи туғишида 75—80 фоизини ва ниҳоят учинчи марта тукқанида 85—90 фоизини бераолиш имконига эга бўлар экан. Шу билан бирга, соғин сигирларнинг ёши ортиб бориши билан уларнинг сути таркибида ёғ ва оқсили миқдорининг озайиб бориши тажрибаларда аниқданган.

Сигирлар тукқанидан бошлаб, то соғищдан чиқарилган вақт ичида берган сут маҳсулотини эгри чизиклар ёрдамида ифодалаш қабул қилинган. Сигир-

ларнинг сут миқдори туққанидан сўнг 1—2 ой мобайнида максимал кўрсаткичда бўлса, сўнг у аста-секин пасая боради. Лекин, юқори даражада сифатли ем-хашак билан бокилганда кўп сигирларнинг сут миқдори бўғозлигининг бешинчи ойида ҳам кўп бўлган, гарчанд бундаги фарқ унча катта (5—6 фоизгача) бўлмаган. Шунга қарамасдан, бундай сигирлар хўжалик иқтисодий самарадорлигини оширишда асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Маълумки, қоида бўйича сигирларнинг туғишига 45—60 кун қолганда уларни соғиш тўхтатилади ва туккан кунига қадар соғилмайди ва бу давр уларни «сутдан чиққан» даври деб аталади.

Сигирларни соғищдан чиқаришда уларни ориқ-семизлигига, сут миқдорига, ёшига ва физиологик ҳолатига алоҳида эътибор берилади. Агар сигирлар ориқ, кам сут ва ёш бўлса, туғишига 60 кун қолганида уларни соғиш ишлари тўхтатилади, аксинча, агар сигирлар семиз, серсуг ва ўрта ёшли бўлса, туғишига 40—45—55 кун қолганида уларни соғиш ишлари тўхтатилади.

Софин сигирларни жуда эрта сутдан чиқариш иқтисодий жиҳатдан заарли бўлса, кечикиб чиқариш улардан нимжон, касалванд бузоқ олишга ва келгусида сут маҳсулоти юқори даражада бўлмаслигига сабаб бўлади. Сутдан чиққан давр сигирлар учун танаффус вақти ҳисобланиб, бунда сут безлари фаолиятида ва умуман организмда турли кимёвий моддалар (ёғ, оқсили, витамин, минерал элементлар ва ҳоказолар)ни тўплаш, шунингдек, тикланиш жараёни вужудга келади.

Сигирлар туққанидан сўнг 1—2 ой ўттач, қочирилади. Лекин бу вақтни чўзилиб кетиши ёки жуда эрта бажарилиши ижобий натижа бермайди.

### **Фермер хўжаликлари учун сигир танлаш**

Ҳар бир фермер ўз хўжалиги учун соғин сигирларни танлашда катта масъулият билан иш тутиши муҳим иқтисодий аҳамиятга эга. Сигир танлашда, агар имконияти бўлса, яъни бирор давлат ёки жамоа хўжалигидан сотиб олмоқчи бўлса, оладиган сигирни ёши, зот, (агар маълум бўлса) онасининг маҳсулдорлиги, неча марта туққанлиги, сўнгти лактацияда берган сути, сутининг серқаймоқлигига эътибор бериш фойдадан холи эмас.

*Сигир танлашда* унинг ташқи кўриниши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Баъзан, айрим сигирлар ора-

сида турли хилдаги камчиликлари учраб туради. Жумладан, елка-бел қисмининг букурсимон кўтарилиб қолганлиги ёки пастта буқчайиб кетганлиги, тананинг орқа қисми ниҳоятда пастга букилган ҳолда бўлиши, қорин қисмини пастга осилиб кетганлиги, оёқларининг қийшиқ жойлашганлиги ёки оқсоқ бўлиши, елин ва туёкларида жароҳат бўлиши ва ҳоказолар ҳисобланади. Бундай сигирларни сут маҳсулоти нисбатан паст бўлиши билан улардан олинган наслларда ҳам шундай камчиликлар учраши табиийдир.

Сигир танлашда даставвал унинг елинининг умумий кўринишига, ҳажмига, сўргичлари меъёр даражада жойлашганлигига эътибор бериш лозим. Елинин кўл билан ушлаб кўрганда у бирмунча юмшоқ бўлгани ҳолда сут безлари яхши ривожланганлигидан далолат беради. Агар елин ниҳоят қаттиқ, бездек ҳолатта зга бўлса ундай сигирларнинг сути кам ва сифатсиз бўлади. Баъзан шундай елиnlар ҳам учрайдики, у худди эчкиникига ўхшаш осилиб туради. Айрим холларда олдинги икки сўргичи майдароқ ва юқори жойлашган бўлса, сўнгти иккита сўргичи каттароқ бўлиб, кўпинча осилиб туради. Бундай сигирлар ҳам фермерлар учун яроқсиз ҳисобланади. Сигирларда учрайдиган елин ва сўргичларнинг шакл-формалари 34-расмда кўрсатилган.

Ҳар бир фермер шуни унутмаслиги лозимки, энг яхши сигирларни талаб даражасида бўлган елини қуидагича бўлиши керак. Масалан, ҳажми катта, сўргичлари йирик ва бир хил, паллалари бир текис ҳамда яхши ривожланган бўлиши лозим.

Елининг териси юпқа ва эластик, яъни чўзилувчан бўлиши яхши ҳисобланади. Сигирларнинг қорин қисмига жойлашган сут венаси — қон томири бўртиб чиққан бўлиши уни серсуглигидан далолат беради. Серсугтаги сигирларни жуни ялтироқ, ўртача ўсиқлиқда бўлиб, пастта қараб йўналган бўлади. Умуман, талаб даражасидаги серсугтаги сигирларни ташқи қиёфаси ва танасини умумий кўринишида бирорта ҳам кўзга ташланиб турадиган камчилиги бўлмаслиги лозим.

*Софин сигирлар ёшини аниқдаш.* Соғин сигирларнинг ёши кўпинча уларнинг шохларидағи ҳалқалари сони билан белгиланади. Сигирлар ҳар сафар тукданларидан сўнг уларнинг шохларида янги қўшимча ҳалқа ҳосил бўлади. Биринчи ҳалқа уларнинг 2,5—3 ёшлигига вужудга келса, кейинчалик ҳар йили у биттадан

қўшилиб боради. Бинобарин, сигирлар ёшини аниқлашда уларнинг шохидаги ҳалқалар миқдори саналиб унга 2,5—3 йил қўшилади. Мисол учун, фарааз қилайлик, сигир шохидаги ҳалқалар сони 7 та бўлсин, унга биз 3 сонни қўшамиз ва, ниҳоят, шу сигирнинг ёши 10 эканлигини биламиз.

### **Сифатли сут соғиб олиш ва уни ташкил этиш**

Ҳар бир соҳанинг ўзига хос афзаллиги, хусусияти ва сири бўлганидек, соғувчилик касбининг ҳам масъулияти, шу билан бирга шарафли ва сирли томонлари кўп. Чунки соғувчи, аввало, меҳнати жараёнида асоссан сигирлар билан ишлайди. Лекин бу осон иш эмас. Сут соғиши тўғри ташкил этиш бу катта санъат ҳисобланади. Бунинг учун соғувчилар кўп нарсаларни яхши билишлари талаб этилади. Айниқса ўзига бириктирилган сигирларнинг хулқ-автори, соғлиги, елинининг ҳолати, шунингдек, агар сигирлар машинада соғилса, ўша машина ва аппаратларни ёйиш ва йигиши, тозалаш ва сақлаш, уларнинг тўғри ишлашини назорат қилиш кабиларни соғувчилар мукаммал ўзлаштириб олиши керак.

Фермадаги соғиши аппаратлари ҳамма вақт бир меъёра ишлайдиган ва запас қисмлари, деталлари етарли даражада бўлиши керак. Бунинг учун биринчи галда хўжалик механизми соғиши машиналари ишини ҳаммавақт назорат қилиб туриши талаб этилади. Лекин, шунга қарамасдан, ҳар бир сут соғувчи соғиши аппаратларининг ишлаш хусусиятларини ва, баъзан керак бўлиб қолса, айрим қисмларини тузатиш ва таъмирлашни билиши мақсадга мувофиқдир.

*Сутнинг соғиб олиниши.* Сутни соғиб олиш энг муҳим жараён бўлиб, унга алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Кузатишлардан маълум бўлишича, соғиши вақти яқинлашган сари унинг елинида сут ва босим кўпая боради. Бинобарин, сўричлар таранглашади ва сут бериш жараёни бошланади.

Сигирларни тез ва тоза соғиб олиш учун, уларни қандай усуlda асраш ва боқищдан қатъи назар, қуйидаги тадбирларга риоя қилиш талаб этилади: 1. Соғишишлари кўлда ёки машина ёрдамида бажарилишидан қатъи назар соғищдан олдин елин ва сўричлар 40—45°C ли сув билан ювилади ва тоза ҳолда артилади.


2. Сигир елинини соғиши жараёнида вақти-вақти билан массаж қилишга алоҳида эътибор бериш лозим.

3. Соғишиш ишлари тез ва бир меъёрда олиб борилиши талаб этилади. Акс ҳолда у соғиб олинадиган сут микдорининг камайишига ва сигирларнинг сут бериши тезлигини пасайиб кетишига сабаб бўлади. Умуман, ҳар бир сигирни соғиши учун ўртача 5—7—10 минут вақт сарфланса, у меъёр ҳисобланади.

4. Соғиб олинаётган сут тутай бошлиши билан елинни сўнгти марта уқалаш (массаж қилиш) талаб этилади. Елинни тўғри уқалаш унинг юқори қисмида тўпланиб қолган сутнинг сўрғичга йўналтириб, тоза соғиб олиш имконини берса, иккинчидан бу жараён сигир организмига ёқимли ва оромбахш бўлиши мақсадга мувофиқдир.

**Сигирларни қўлда соғишиш.** Сигирлар қўлда икки усулда: биринчиси бармоқлар билан ва иккинчиси кафт ёки мушт билан соғилади (36-расм). **Сигирлар бармоқлар билан соғилганда,** сўрғичнинг юқори қисмидан кўрсатгич ва бош бармоқ билан ва бошқа бармоқлар билан сўрғичнинг сўнгги қисми (учи)га қадар сиқиб сут чиқарилади. Бу усулнинг асосий камчилиги соғиши жараёнида сигирнинг елинни бир оз оғрийди ва сўрғич канали ички деворидаги нозик шилимшиқ қават жароҳатланишига сабаб бўлади. Бунинг натижасида бу канал торайиб, сут ажралиб чиқиши секинлашади.

**Сигирлар кафт ёки мушт билан соғилганда,** елиндаги сут анча осон ва жадал ташқарига чиқарилади. Бунда сигир оғриқ сезмайди. Шу билан бирга соғувчи учун ҳам анча қулайлик туғилади. Масалан, соғишида куч барча бармоқларга ва умуман кафтта бир меъёрда тушади. Бунда сўрғични кафтта тўла жойлаштирган ҳолда соғилади ва бармоқлар юқоридан пастта қараб кафт томон ўз ҳаракатида давом эттирилади.



36-расм. Кафт билан соғишиш усули.

Сигирларнинг тоза соғилиши соғипп суръатига ҳам боғлиқ эканлиги аниқланган. Бунда соғиш суръати бир хил бўлиши ва сўргич минутига 80—100 марта сиқилиши яхши натижা беради. Агар соғиш суръати пасайса соғиш муддати чўзилиб кетади, сигирнинг сут бериш активлиги пасайиб, елинда маълум даражада сут қолиши аниқланган.

**Сигирларни машинада соғиш.** Бунинг учун энг муҳим техника талаби — сўргичлар соғиш стаканларига тўғри кийдириб қўйиш учун мос келиши ҳисобланади. Кузатишлардан маълум бўлишича, соғиш техникаси талабига риоя қилинса, сўзсиз, сигирларнинг сути кўпаяди ва сифати яхшиланади (37 ва 38-расмлар).



37-расм. Машина ёрдамида соғиладиган 200 беш сигирга мўлжалланган молхона ички қисмининг умумий кўриниши.

Сигирларни машинада соғиш техникаси ва технологияси тўғри йўлга қўйилган хўжаликларда йил саёнин сигирларни сути кўпаймоқда, сутининг қаймоғи ортмоқда ва меҳнат унумдорлиги юксалмоқда. Илғор соғувчилар ўз сигирларини ҳар бирини соғиб олиш учун 5—7 минут вақт сарфлайдилар. Шунинг учун механизацияда гап кўп. У фақаттина чорвадорлар қўл меҳнатини енгиллаштирмасдан, маҳсулот сифатини яхшилаш ва таннархини арzonлаштириш имконини беради. Бошқача қилиб айтганда, қисқа вақт ичида кўплаб



38-расм. Соғиши стаканларини сигир сүрингчалирига кийдириш жараёнининг ифодаланиши.

говумушларни тоза соғиб олишда, сутнинг тоза бўлишида муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

**Сигирлардан фойдаланиш муддатини узайтириш.** Барча сут-товар фермаларида, шу жумладан, фермер хўжаликларида соғин сигирлардан унумли фойдаланиш муддатини узайтириш, улардан кўплаб сифатли сут ва соғлом бузоқ олиш муҳим иқтисодий ва хўжалик аҳамиятига эгадир. Бунинг учун, биринчидан, сигирларни бутун ҳаёти мобайнида яхши боқиш, асраш ва зоогигиена қоидлари асосида парвариш қилиш ишларига алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Иккинчидан, сигирларни шошма-шошарлик билан бракка чиқариб юбормасдан, иложи борича уларнинг потенциал имкониятларидан фойдаланиш зарур. Учинчидан, турли хилдаги касалликларга учрамаслиги учун уларни ўз вақтида эмлаш, дорилаш, тозалаб туриш каби зооветеринария тадбирлари амалга оширилиши зарур.

Сигирлардан узоқ вақт унумли фойдаланишнинг яна бир муҳим омилли хўжаликларда наслчилик ишларига, ҳайвонларни танлаш ва саралаш тадбирларига алоҳида аҳамият беришдан иборат. Бинобарин, бу борада барча мутахассислар катта масъулият сезганлари ҳолда иш олиб боришлари талаб этилади.

Күплаб олиб борилган кузатишларга қараганда, бир-мунча қариб қолган бўлса-да, лекин сут маҳсулоти унча пасаймаган сигирларни брак қилмасдан, уларни наслдор буқалар уруғи билан урувлантиришда давом этилса ва ҳар йили биттадан соғлом бузоқ олинса, республикамиизда ўртача 90—100 минг қўшимча бузоқ олиш билан бир қаторда 25—30 минг тонна сут этиши-тириш имконини берар экан.

Софин сигирлардан фойдаланиш муддатини узайтириш ва айрим серсугт сигирлардан қариб қолганида ҳам бузоқ олиш муаммоси ҳозирги вақтда барча шахсий-фермер хўжаликларида энг муҳим ва долзарб ҳисобланади. Лекин бу масала ўзининг мураккаблиги ва уни ҳал қилиш кўплаб тадбирларга боғлиқ эканлиги билан ҳар бир минтақада ва турли хил иқлим ва географик шароитда ўз аксини топмоғи лозим. Афсуски, ҳозиргача бу масала ҳар томонлама текширилмаган ҳолда давом этмоқда ва ҳозирга қадар илмий жиҳатдан ҳал этилганича йўқ.

Шуни унумаслик керакки, соғин сигирлардан қанчалик узоқ муддат давомида унумли фойдаланилса, иқтисодий самарадорлиги шунчалик юқори бўлади. Шунингдек, сигирлардан соғиб олинадиган сут маҳсулоти жадаллаштирилса, рентабеллик даражаси шунчалик ортади ва маҳсулот бирлиги ҳисобида камроқ маблағ сарфланади ва кўпроқ даромад олинади.

Айрим иқтисодчи мутахассислар подадаги сигирларни брак қилиш тадбирларини жорий этиш борасида АҚШ фермерлари тажрибасига ён босадилар. Яъни ҳар йили подадаги 25 фоиз сигирларни брак қилиб, уларнинг ўрнини биринчи марта туқсан сигирлар билан тўлдириб боришни тавсия этадилар. Лекин бу тадбир ҳамма вақт ҳам ўзининг ижобий натижасини беравермайди. Чунки ҳали яна бир неча йил мобайнида унумли фойдаланилиши мумкин бўлган, ҳали сут миқдори тубанлашиб кетмаган сигирлар подадан четлаштирилиши натижасида улардан кўплаб сут ва бир неча бузоқ олиш ишларига путур етади. Бу тадбир хўжалик учун иқтисодий жиҳатдан фойда бериш ўрнига баъзан зарар кўришга олиб келади.

Сигирлардан узоқ муддат давомида фойдаланиш борасида айрим чет мамлакат мутахассислари олиб борган тажрибалари ҳам дикқатга сазовордир. Масалан, Финляндия мамлакатида 20 бош айршир зотли сигирлар устида кузатиш олиб борилган. Шу сигирлар ора-

сида «Ойи» лақабли сигир 20 ёшига қадар 101284 кг сут ва, шу жумладан, 4215 кг қаймоқ берган. Шунингдек, шу сигирдан 15 та соғлом бузоқ ҳам олинган. Шу сигирнинг бир йиллик сутини юқори кўрсаттичи ўртача 7714 кг га teng бўлган. Ёки «Тяпля» лақабли сигир ўзининг 17 йиллик ҳаётида 100097 кг сут ва шу жумладан 4545 кг қаймоқ берган. Унинг тўққизинчи лактациясида сут мойи 300 кг ни ташкил қилган. Бу сигирдан 14 соғлом бузоқ олинган ва ҳар йилги ўртача сут миқдори 6388 кг ни ташкил қилган.

#### **Назорат саволлари:**

1. Қорамолчилиқда маҳсулотига кўра қандай йўналишлар мавжудлиги тўғрисида сўзланг.
2. Ўзбекистон шароитида қандай зотлар сут йўналишига, гўшт йўналишига ва қўш маҳсулот йўналишига мисол бўлаолади?
3. Бўюз сигирларни боқиш технологияси тўғрисида тушинча беринг.
4. Бузоқларни боқиш ва парвариш қилиш тўғрисида нималарни биласиз?
5. Наслдор буқаларни боқиш ва парвариш қилиш тўғрисида сўзлаб беринг.
6. Сигирларнинг сут маҳсулдорлиги тўғрисида тушунча беринг.
7. Сутнинг кимёвий таркиби тўғрисида сўзланг.
8. Фермер хўжаликлари учун сигир танлашда нималарга зътибор бериш талаб этилади?
9. Сигирларни қўлда ва машина ёрдамида соғиш тўғрисида тушунча беринг.
10. Соғин сигирлардан фойдаланиш муддатини узайтириш қандай омиллар билан белгиланади ва унинг самарадорлиги қандай?

#### **Амалий машҳулот**


#### **Сигирлар елинини баҳолаш ва сут бериш тезлигини аниқлаш**

**Асосий мақсад.** Сигирлар елинини баҳолаш ва сут бериш тезлигини аниқлашни ўрганиш. Шунингдек, машинада соғишига мос бўлган сигирларни елин паллалари ва сўрғичларининг ривожланиш даражасига кўра танлаш ишларини тўғри амалга оширишдан иборатdir.

**Дарснинг асосий мазмуни ва уни ўтказиш.** Сигирлар елинини катта-кичиклиги, шакли, паллаларининг бир хил ривожланганлиги, сўрғичларини катта-кичиклиги ва шаклига кўра баҳолаш ишлари уларни 2—3 ой лактация давомида олиб борилади.

Елинни морфологик жиҳатдан баҳолаш учун сигирларни соғищдан 1—1,5 соат олдин елинлари ўлчанади. Бунинг учун ўлчов тасмасидан, циркул ва штангенциркулдан фойдаланилади (39-расм).

Баҳолаш учун морфологик белгилар 5 гурухга бўлинади. Уларнинг ҳар бирини юксак баҳоси 5 балл ҳисобланади. Елинни баҳолашда ундаги без тўқимасини ривожланганлик даражаси ва соғилгандан сўнг кичрайиб қолиш хусусияти ҳам ҳисобга олинади.



39-расм. Сигир елинининг асосий ўлчамлари:  
АВ—елиннинг кўндалангига айланаси, АК—елиннинг орқа-юқори қисмидан олдинги асос қисмигача бўлган узунлиги, БЕ—елиннинг олдинги палласи, юрин чегарасидан сўрич асосигача бўлган чуқурлиги, ДЖ ва ЕЗ—орқа ва олд сўричлари диаметри.

**Елиннинг ҳажми** қўйидаги формула асосида аниқланилади. Яъни:  $\text{ҳажми} = 0,3 \times \text{узунлиги} \times \text{ченглиги} \times \text{чуқурлиги}$  (олдинги палласи). Елин ҳажмини аниқлаш ишлари сигир соғилгандан сўнг 12 соат ўттач олиб борилади.

**Сут бериш тезлигини аниқлаш** елин индексини белгилаш (яъни, олдинги ва кейинги елин паллаларидан соғиб олинган сут миқдорини бир-бирига бўлган нисбати), улар машинада соғишга мос эканлигини аниқлаш муҳим кўрсатчилардан бири ҳисобланади.

Сигирларни ўртача сут бериш тезлигини аниқлаш учун олинган барча сут миқдорда (1 сутка давомида) сарфланган вақтга бўлинади.

Елин индекси балл ҳисобида баҳоланади ва у қўйидаги талаб асосида олиб борилади:

Елинни олдинги палласидан  
олинган сут, фоиз 43 40 37 34

Берилган баҳо балл  
ҳисобида 5 4 3 2

### ҚОРАМОЛЛАРНИНГ ГЎШТ МАҲСУДОРЛИГИ

Мол гўшти лаззатли ва мазали бўлиши билан бирга истеъмол қилинадиган маҳсулотлар ичида салмоқли ўрин тутади. Гўштнинг тўйимлилиги унинг таркибида ги оқсил ва ёрнинг миқдори ҳамда калориясига боғлиқ.

Молниг нимталанмаган гўшти таркибида тўйимлиги жиҳатидан унча юқори бўлмаган пай, тоғай ва суяқ тўқималари ҳам бўлади. Демак, семизлигига кўра, мол нимтасининг салмоғи тирик вазнининг 51—63 фоизини, ён 2—14 фоизини ташкил этса, суяклар 20 фоиз атрофида бўлади.

Мол гўштининг умумий калорияси молниг ориқ-семизлигига, ёшига, жинсига, физиологик ҳолатига, боқиши усулига ва ҳоказоларга боғлиқ. Одатда, 1 кг мол гўшти ўртача 1800—2200 килокалорияни ташкил этади (25-жадвал).

#### 25-жадвал

**Ҳар хил семизликдаги мол гўштининг таркиби ва калорияси**  
(Гўшт саноати илмий текшириш институти маълумоти, 1978)

Таркиби ва калорияси		Молларнинг семизлик даражаси			
		ориқ	уртача	семиз	жуда семиз
Морфологик таркиби (фоиз)	Лаҳм гўшти Ёни Суяги Пайлари	60,8 3,3 21,9 14,0	59,9 10,3 17,5 12,3	56,5 16,1 15,7 11,7	52,1 23,1 16,2 9,6
Кимёвий таркиби (фоиз)	Сув Оқсил Ён	74,4 21,0 3,5	67,3 21,0 10,7	61,6 19,2 18,3	58,5 17,6 23,0
Калорияси	Минерал моддалар Килокалория	1,1 1210	1,0 1810	0,8 2490	0,9 2850

Ориқ молларнинг гўштида ён миқдори ўртача 3,5 фоиз бўлса, юқори даражада семирганда, у 23 фоизни ташкил этади. Пайлар ориқ молларда 14,0 фоизни ташкил этса, семиз молларда 9,6 фоизга боради.

Кимёвий моддалар лаҳм гўштида турли миқдорда бўлади. Масалан, мол қанча семиз бўлса, гўштидаги сув (58,5 фоиз) ва оқсил (17,6 фоиз) камайиши билан бирга ён миқдори (23,0 фоиз) ва калорияси (2850 ккал) шунчак кўпаяди.

Одатда гўштдор мол зотларидан сифатли гўшт маҳсулотлари етиштирилади. Етиштирилган гўштни чамалаш йўли билан аниқлаш мумкин. Бунда уларнинг семизлиги, сон қисмларининг гўштдорлиги, елка йўналишининг текис ва кенглиги ҳамда танасининг умумий кўринишига эътибор берилади. Бундан ташқари, молниг гўштдорлик хусусиятини ифодалаш учун у сўйилгач, тортиш ва ҳисоблаш усулидан фойдаланила-

ди. Бунинг учун уларнинг иккита кўрсаткичи, яъни сўйим вазни ва сўйим чиқими ҳисобга олинади.

Сўйим вазни сўйилган молнинг боши, териси, ичакчавоқлари ва байқаларидан (олдинги оёқлари кафт усти бўғимидан, кейинги оёқлари эса сакраш бўғимидан олиб ташлангандан сўнг) ташқари, қолган нимтасининг вазнидир. Сўйим вазни килограммларда ифодаланади.

Сўйим чиқими гўшт нимталари билан ички ёғ миқдорининг молни сўйишдан олдинги тирик вазнига бўлган нисбатидир. Сўйим чиқими фоиз билан ифодаланади.

Сўйим чиқимини тўғри аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$C = \frac{\Gamma + E}{T_B} \times 100$$

Бунда  $C$  — сўйим чиқими,  $\Gamma$  — гўшт нимтасининг вазни,  $E$  — ички ёғнинг вазни,  $T_B$  — сўйишдан олдинги тирик вазни.

Мол гўшти нимтадаги бошқа қисмларидан ажратиш усулига ва даражасига кўра бир неча гуруҳга бўлинади, яъни суякли гўшт ёки гўшт нимталари, лаҳм гўшт ёки суяқдан ажратиб олинган гўшт, қора гўшт ёки ёғ, пай, тоғай ва лимфа томирларидан тозаланган гўшт шулар жумласидандир.

Гўштининг асосий қисми мускул тўқималаридан иборат бўлгани ҳолда, у ёш моллардан олинганда анча нозик, тез пишиш ва яхши ҳазм бўлиш хусусиятига эга. Қари молларнинг гўшти анча қаттиқ, дараллашган, узоқ вақт пишириш талаб этиладиган, ҳамда қийин ҳазмланадиган бўлади. Шунингдек, семиз молларнинг гўшти кўп, ориқлариникида оз, ёш молларники оз, катта ёшдаги вакиллариники кўп ҳамда эркаклариники урюочилариникига қараганда кўп бўлади. Ёғ тўқимаси асосан тери остида, буйрак ва қовук атрофида, ошқозон ва ичак атрофида кўпроқ тўпланади. Бундай хусусият кўпроқ йирик молларда яхши ифодаланган бўлади.

Мол гўштининг сифатини аниқлашда унинг мармарсимон кўринишидан фойдаланилади. Мармарсимон қават-қават ҳолдаги гўшт тўқимаси орасида ёғ жойлашган бўлади. Бундай гўшт мазали ва тўйимли бўлади. Бундай хусусият асосан гўштдор зот қорамолларда яхши ривожланган. Бинобарин, уларнинг гўшти сут

учун боқиладиган қорамолларни кига нисбатан юмшоқ, тўйимли, тез пишадиган ва мазали бўлади.

Агар гўшт ҳаддан ташқари ёғли бўлса, таъми паст, ҳазм бўлиши қийин бўлади. Асосан 16—18 ойлик новвослардан сифатли гўшт олинади. Уларнинг гўшти таркибидағи оқсил ва ёғ моддалар микдори тенг (17—18 фоиз) бўлади. Бундай гўшт етиштириш учун бузоқларни ёшлигидан бошлаб жадал боқиш талаб этилади, бинобарин, улар бир ярим ёшга борганида тирик вазни 400—450 кг га етади, баъзан ундан ҳам ортиқ келади.

Гўшт маҳсулдорлиги юқори даражада бўлишини таъминлашда молларни сифатли ем-хашак билан боқиш, парвариш қилиш ва уларни тоза сақдаш муҳим аҳамиятта эга. Бунинг учун катта ўшдаги моллар 2,5—3 ой мобайнида сифатли ем-хашак билан тўйдириб боқилади, уларнинг вазни 20—25 фоизга ортиши билан гўштта топширилади. Шунда улардан олинадиган гўшт сифатли бўлади.

### Молларни гўштга семиртириш

Қорамолларнинг гўшт маҳсулдорлигини кескин оширишда молларни бўрдоқига боқишини тўғри ташкиллаштириш муҳим аҳамиятта эга. Бунинг учун моллар икки хил усуlda, яъни **қўлда** (фермер хўжаликлида, бўрдоқичилик базаларида ва комплексларида) ва **яйловда** боқиб семиртирилади.

Ўзбекистонда табиий ўтлоқлар ва яйловлар чегараланган бўлиб, улар асосан чўл ва чалачўл ҳамда тоғ ва тоғ этакларига жойлашганлиги сабабли кўплаб хўжаликларда молларни қўлда гўштга боқиш усулидан кенг фойдаланилади. Лекин Самарқанд, Жиззах, Сирдарё, Сурхондарё, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларининг торли минтақаларида ҳамда Қорақалпогистоннинг чўл зонасидаги хўжаликларда мавжуд молларни яйловда боқиш яхши ўюштирилган.

Ҳозирги вақтда, республикамиизда табиий яйловларнинг ўзлаштирилиши, пахта, шоли ва бошқа экин майдонларининг тобора кенгайтирилиши натижасида яйловлар майдони йилдан-йилга камайиб бормоқда. Шунга қарамасдан, мавжуд яйловлардан унумли фойдаланиш, улардаги ўт ҳосилдорлигини ошириш замон талаби ҳисобланади. Масалан, сув чиқмайдиган тепаликларда ўсадиган бошоқли ўтлар, протеинга бой дуккакли ўсимликлар, шунингдек, тупроғи шўрланган яйловларда ўсадиган шўра ва ҳар хил турга оид ўсим-

ликлар қорамоллар учун яхши ва арzon озиқ ҳисобланади. Бинобарин, табиий яйлов ўсимликлари ҳосилдорлигини опиришда мавжуд резервлардан унумли фойдаланиш, илғор агротехника ва янги технология усулларини қўлаш, ем-хапак экинлари ҳосилини ошириш ва уларнинг сифатини яхшилаш гўшт этиширища энг муҳим омиллардан ҳисобланади.

*Гўштнинг сифати ва миқдорига таъсири этувчи омиллар.* Қорамолларда гўшт маҳсулдорлигини юқори бўлиши бир қанча омиллар билан белгиланади. Масалан, уларнинг зоти, ёши, семизлиги, жинси, боқиши ва асрар усули, шунингдек, физиологик ҳолати ҳамда ташқи муҳит таъсири шулар жумласидандир. Олиб борилган кузатишлардан маълум бўлишича, гўшт учун боқувга қўйилган гўштдор зот қорамол қанча яхши боқиласа ва парвариш қилинса, сўйилганда шунча кўп ва сифатли гўшт чиқади.

Қорамол гўшти таркибидағи инсон организми учун зарур бўлган моддалар — оқсил, ёғ, минерал тузлар, витаминалар, аминокислоталар, микрозлементлар бир қанча афзаликларга эга.

Қорамолнинг гўшт маҳсулдорлиги яна бирқанча бошқа омилларга ҳам боғлиқ бўлади. Масалан, молнинг тирик вазни, нимталанмаган гўштининг вазни, унинг таркибидағи лаҳм гўшт, ёғ, суяқ, тоғай ва пайларнинг миқдори ҳамда уларнинг гўштига нисбати, шунингдек, гўшт нимталаридағи бошқа нав гўштнинг вазни, миқдори ва нисбати, уларнинг тўйимлилиги, кимёвий таркиби ва, ниҳоят, калорияси шулар жумласидандир.

*Мол ёшининг семиришга таъсири.* Ёш ва катта ёшдаги молларни гўштта боқища бир қанча талабларга эътибор бериш керак бўлади. Масалан, ёш молларни гўштта боқища мумкин қадар уларнинг рационида гўшт маҳсулотининг оширишга имкон берадиган биологик жиҳатдан тўла қимматли протеин, витамин ва минерал элементларга бой озиқ турларини кўпайтириш, шунингдек, улар ҳаддан ташқари семириб кетмаслиги тадбирлари қўлланиши лозим. Умуман, ёш моллар жадал усулда семиртирилса, улар организмида гўшт ва ёғ тўқималари тез тўпланади, бинобарин, гўштдорлик дарражаси юқори бўлади (26 ва 27-жадвал).

Бузоқлар 12—15 ойлик бўлгунча мускул тўқимаси суяқ тўқимасига нисбатан жадал ўсади ва 18 ойлигига мускулининг нисбий вазни кўпроқ, суякларнинг солиштирма вазни камроқ бўлади. Қорамол нимтаси-

нинг морфологик таркиби унинг ёшига ва вазнига кўра ўзгариб туради (26-жадвал).

26-жадвал

**Ахталаңган симмитал зот новвос нимтасининг морфологик таркиби (Д. Л. Левантин маълумоти)**

Ёши	Тирик вазни, кг	Нимта ва ички ёрининг саломоғи, кг	Тўқималар вазнининг нимта ва ички ёшига бўлган нисбати (фоиз ҳисобида)			
			сувак	гўшт	ёр	пайлар
Турилган вақтида	39,5	23,0	27,6	61,7	4,6	6,1
12 ойлигида	304,5	165,1	18,8	64,2	14,2	3,1
18 ойлигида	425,0	236,3	16,5	61,8	18,6	3,1
29 ойлигида	614,0	341,8	16,3	56,0	25,3	2,4

27-жадвал

**Ахталаңган эрқак мол гўштининг кимёвий таркиби, фоиз (Е. А. Арзуманян маълумоти)**

Ёши	Тўйдириб боқилганда, фоиз				Меъерида боқилганда, фоиз			
	сув	ёр	оқсиқ	кул	сув	ёр	оқсиқ	кул
Турилган вақтида	72,80	3,64	11,25	4,54	72,80	3,64	18,25	4,52
5,5 ойлигида	56,27	20,99	17,18	4,04	63,97	10,48	19,56	5,00
11 ойлигида	54,75	23,57	17,21	3,95	60,60	15,05	18,94	4,88
18 ойлигида	51,70	26,74	17,18	3,81	58,30	17,40	18,30	4,90
48 ойлигида	38,75	44,34	12,50	3,31	51,88	21,09	18,31	5,10

Моллар ёшининг ортиб бориши билан гўштининг кимёвий таркиби ҳам ўзгарида, яъни сув камаяди, қуруқ моддалар кўпаяди, мускуллар оралиғидаги мой микдори ортиб боради. Бу ўзгариш уларни боқиш усулiga ҳам борлиқ (27-жадвал).

Қорамолни 1 кг семиртириш учун ёшига қараб турили микдорда озиқ бирлиги сарфланади. Масалан, 10—12 ойлик новвосларни 1 кг семиртириш учун ўртача 7—8 озиқ бирлиги сарфланса, катта ёшдаги моллар учун 8,5—10 озиқ бирлиги сарфланади.

Бузоқлар асосан лаҳм гўшт этиштириш учун боқилаади. Шунинг учун уларни 6 ойлигидан тортиб режалаштирилган давргача гўштта боқиш мумкин. Лекин катта ёшдаги моллар 60—90 кун мобайнида бўрдоқига боқилаади. Чунки боқиш муддати чўзиб юборилса, уларнинг танасини ёғ босиб кетади, гўштининг сифати пасаяди.

**Мол зотининг гўшт маҳсулдорлигига таъсири.** Гўштининг хусусиятига кўра, сут учун боқиладиган ва қўш маҳсулдор зотлар гўштта боқилганда ёғ асосан ички органларида тўпланади, нимталарида эса камроқ бўлиши аниқданган. Шунинг учун ҳам уларнинг нимтасидаги лаҳм гўшт учун боқиладиган молларнига нисбатан камроқ бўлади. Бундай моллар жадал усуlda гўштта боқилганда гўшт чиқими 50—56 фоизни ташкил этади.

Молларнинг гўшт маҳсулдорлигини ортишига, сифати ва тўйимлилигини яхшиланишига уларнинг зоти ва зотдорлиги салмоқди таъсир кўрсатади. Бунга асосий сабаб гўштдор зотларнинг тез етилувчалиги, қисқа вақт ичида яхши семириши, семириши учун сут йўналишидаги молларга қараганда камроқ, ем-хашпак талаб қилиши, гўштини мармарсимон ва мазали бўлишидир. Бинобарин, гўштдор зот молларнинг бузоқ ва новвосларини 15—18 ойлигигача боқиши кифоя қиласи. Бунда уларнинг тирик вазни 400—450 кг га етиши мумкин. Ҳозирги вақтда гўштдор буқаларни сут учун боқиладиган ва қўш маҳсулдор зот сигирлар билан чатиштириш натижасида олинган бузоқларни жадал усуlda гўштта боқиб семириши ишлари кенг тус олган.

**Жинси ва ахталашнинг гўшт маҳсулдорлигига таъсири.** Гўшт етиштиришда насл олиш учун яроқсиз бўлган сут, гўштдор зотли ва қўш маҳсулдор зот бузоқлар салмоқди ўрин тутади. Уларнинг умумий сони барча ёшдаги молларнинг деярли 90—95 фоизини ташкил этса, урючи бузоқлар 30 фоиз атрофида бўлади. Қолган қисмини новвослар ташкил этади. Айрим вақтларда хўжаликнинг шароитига ва боқиши усулига қараб, новвослар ахталашади. Лекин кузатишлардан матълум бўлишича, ахталашган новвослар-буқачаларга қараганда суст ўсади ва секин ривожланади, шунингдек, гўшт чиқими пастроқ бўлади. Ахталашдан мақсад уларни подада боқиши учун мойиллигини ошириш ва урючи бузоқлар билан бирга гўштта боқищдан иборатdir.

Урючи бузоқлар гўштта боқилганда нимтасининг вазни, суткалик семириши, семириши учун ем-хашпак сарфланиши ва лаҳм гўшт миқдорига қараб бичилган ва бичилмаган новвослардан камроқ бўлади. Лекин гўштининг сифати, юмшоқлиги, нозиклиги, таркиби ва мармарсимонлиги жиҳатидан юқори туради. Бинобарин, уларни 15 ойлигигача боқиши ва вазни 350—400 кг га еттандага гўштта топширишни тавсия этса бўлади.

Новвослар ва ахталанган буқачаларни 15—18 ойлик бўлгунча боқиши, новвослар вазни 450—550 кг ва ахталанган буқаларнинг 400—450 га атрофида бўлганда уларни гўштта топшириш усули ҳам кенг қўлланилмоқда.

**Боқишининг гўшт маҳсулдорлигига таъсирি.** Молларнинг гўшт маҳсулдорлигини кескин оширишдаги энг муҳим омилларидан бири уларни боқиши усули бўлиб, у гўшт маҳсулоти салмогини ошириш ва гўшт чиқимини кўпайтириш имконини беради. Яхши боқилган молнинг нимтасида суяк ва пайлар микдори сифатсиз ем-хашиб билан боқилган вакиллариникига қараганда 25—30 фоиз кам, гўштининг калорияси 40—50 фоиз юқори бўлади.

Моллар ем билан боқилганда, уларнинг тез семириши, лаҳм гўшти ва ёғининг кўпроқ бўлиши аниқланган. Аксинча, озиқ рационида дагал ва серсув озиқлар микдори кўпайиб кетса, молларни семиртириш муддатининг узайиб кетишига ва вазнини секинлик билан ортишига сабаб бўлади (28-жадвал).

#### 28-жадвал

**Герефорд зот буқаларнинг тўййимлилиги, ҳар хил ем-хашиб билан боқилгандаги гўшт маҳсулдорлиги**

Кўрсаткичлар	Калорияси паст ем-хашиб ва 20 фоиз концентрат берилганда	Калорияси юқори ем-хашиб ва 90 фоиз концентрат берилганда
Дастлабки вазни, кг	182,9	186,1
Суткалик семириши, г	708	972
1 кг семириши учун кетган озиқ бирлиги	10,3	6,8
Нимтасининг нави, балл	6,9	9,0
Гўшт чиқиши, фоиз	58,6	61,8
Гўштининг мармарсимилиги (б а л)	5,0	6,3

Шундай қилиб, молларга бериладиган ем-хашиб қанчалик сифатли ва калорияси юқори бўлса, улардан этиштириладиган гўшт шунчалик кўп ва сифати яхши бўлади.

#### Турли ёшдаги молларни гўштга боқиши

Молларни ёшига кўра асосан беш хил усулда гўштта боқилади.

1. *Оқиш ёки оч пушти рангли бузоқ гўшти этиши*

**тириш.** Бунда 1—2 ҳафталик зеркак бузоқлар 3—4 ой мобайнида фақат сут билан боқилади. Ҳар бир бузоқда кунига 12—16 кг дан сут ичирилади ва уларнинг суткалик семириши ўртача 1 кг атрофида бўлади.

**2. Оғдий бузоқ гўшти етиштириш.** Бунда олиандиган маҳсулот таннархини арzonлаштириш мақсадида бузоқлар 3—4 ойлигигача сутдан ташқари, серсув, дағал озиқ ва ем бериб боқилади ва улар суткасига 400 г атрофида семиради.

**3. Ёш бузоқ гўшти («беби-биф») етиштириш.** Бунинг учун бузоқлар бир ёшли бўлгунча сифатли ҳар хил ем-харакат билан боқилади ва вазни 350—400 кг га етказилади. Рацион таркибидағи емни 30—80 фоизга, айрим ҳолларда 90 фоизгача ошириш талаб этилади.

**4. Бузоқларни йирик нимта олиш учун боқиш.** Бу усуlda бузоқлар 18—24 ойли бўлгунча ёки вазни 400—600 кг га етгунча боқилади. Бинобарин 1,5—2 йил давомида молларга кўплаб ўт (яйловда) ва пичан (қўлда) берилади. Ем рационнинг 25—35 фоизини ташкил этиши мумкин. Айрим ҳолларда ем миқдори 40 фоизга етказилади.

**5. Катта ёшдаги молларни гўштга боқиш.** Бунда гўшт етиштиришга мўлжалланган брак қилинган сигирлар ва буқалар 60—90 кун боқилади. Улар умумий поданинг 25—30 фоизини ташкил этади. Бунда семиртирилган моллардан кўп миқдорда гўшт олинади. Лекин гўшти дағал бўлганлиги сабабли ундан суюқ таомлар, сосиска, консерва ва колбаса тайёрлашда фойдаланилади.

**Гўштдор зотли моллардан гўшт етиштириш.** Барча мамлакатларда мол гўшти етиштиришда гўштдор зотли қорамолларнинг тутган ўрни бениҳоя каттадир. Чунки бундай зотлардан етиштириладиган гўшт ўзининг тўйимлилиги, мазаси, таркиби ва лаззатлиги билан сут ва қўш маҳсулотли зотларга нисбатан анчагина устун туради. Бундан ташқари гўштдор зотли ҳайвонлар тез етилувчан, тез семирувчан ва семиртириш бирлиги учун камроқ ем-харакат талаб этувчи йўналиш ҳисобланади. Масалан, айрим илғор хўжаликларда боқиладиган сантга-гертрудага зотли новвосларнинг тирик вазни 18 ойлигига 518 кг тош босган бўлса, улар икки ёшга киргач 551,2 кг ни ташкил этган. Бошқа хўжаликларда эса шу зот новвослари 18 ойлигига 440—450 кг га тўғри келган.

Агар таққослаш учун сут йўналишига мансуб бўлган

қизил чўл зотининг гўштга семиртирилган новвослари 18 ойлигига 316,8 кг тош босган бўлса, 24 ойлигига у ўртача 393 кг га тенг бўлган. Шунингдек, гўштдор зотли новвослар ҳар бир килограмм семириши учун 6,9—7,0 озиқ бирлиги сарфланган бўлса, қизил чўл зотли новвосларнинг ҳар бир килограмм семириши 8,2—8,4 озиқ бирлигига тўғри келган.

Яна шуни ҳам таъкидлаш лозимки, гўштдор зотли молларнинг гўшт чиқими ўртача 60—65 фоиз бўлса, сут йўналишидаги ҳайвонлар вазнига кўра 52—56 фоиз гўшт қилган.

Гўштдор зотли моллар иқтисодий ва хўжалик афзалиги жиҳатидан бир хил боқилганда сут йўналишидаги тенгқурларига нисбатан 35—40 кг кўпроқ тош боса олиш хусусияти аниқланган. Бу эса ҳар бир хўжалик учун муҳим ҳисобланади.

Маълумки, гўштдор зотли қорамоллар асосан серўт яйловларда боқишига мослашган. Лекин, афсуски, Ўзбекистон вилоятларида бундай талаб даражасида бўлган яйловлар ниҳоятда оз ва ҳосилдорлиги бирмунча тубандир. Лекин, шунга қарамасдан оз бўлса-да мавжуд серўт яйловларда молларни семиртириш кўп жиҳатдан иқтисодий афзаликкларга эгадир. Чунки бу усул уларни қўлда, мол оғилларига ем-хашиб солиб боқишига қараганда қарийб 5—8 баробар кам маблағ ва меҳнат талаб қилинар экан.

Айрим мутахассислар (У. Н. Носиров, Т. Х. Икрамов, И. Хидиров ва бошқалар)нинг маълумотига қарандан, моллар республикамиздаги серўт яйловларда боқилганда суткасига 750—800 ва ҳатто 900 граммгача семирганлиги аниқланган. Албатта, бу борада молларнинг боқиши тўғри ташкил қилиш, махсус боқув гурӯхларини вужудга келтириш, молларни жинси, ёши, вазни, ориқ-семизлиги каби хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларни маълум гурӯхларга ажратиб алоҳида-алоҳида боқилиши кўп жиҳатдан иқтисодий самарадорлик касб этади ва улкан ютуқларни қўлга киритишда муҳим омиллардан ҳисобланади.

### Молларни яйловда боқиш

Қорамолларни яйловда яйратиб боқиш, юқорида қайд қилиб ўтилганидек, иқтисодий жиҳатдан катта аҳамиятта эга. Бунинг афзалиги, даставвал шундаки, моллар оёқ остидаги ҳар хил ўт-ўланларни инсон меҳ-

натисиз истеъмол қиласи ва семириш имконига эга бўлади.

Бунда самарадорлик боқиш муддатига, яйловнинг ҳосилдорлигига ва ўтларнинг хилма-хиллиги, ҳамда сифатли бўлишига, молларнинг ёшига, жинсига ва физиологик ҳолатига боғлиқ бўлади.

Умуман, моллар яйловда 4—5 ой мобайнида боқилиади. Моллар яйловда боқилганда катта ёпцаги йирик молар 25—30 фоиз семирса, ёш моллар 40—60 фоиз ва ундан ҳам кўпроқ семириши мумкин экан.

Молларни яйловда боқиш учун қуийдаги асосий тадбирларни амалга ошириш талаб этилади:

1. Подани ташкил этишда моллар кўп жиҳатдан (ёши, жинси, ориқ-семизлиги бўйича) бир хил бўлиши.

2. Мол боқиш учун ажратилган яйлов етарли ва сув билан таъминланиши.

3. Барча тадбирлар ва молларни боқиш маълум кун тартиби асосида олиб борилиши.

4. Мехнатни тўғри ташкил қилиш ва меҳнатта ҳақ тўлашда моллар қанчадан семирганлигини ҳисобга олиш.

5. Илғорлар тажрибасидан ва фан ютуқларидан унумли фойдаланиш ҳамда боқиш технологиясини зона ва фасл шароитига қараб жорий қилиш керак бўлади.

**Молларни яйловда боқиш технологияси** бир қанча масалаларни ўз ичига қамраб олгани ҳолда, улар албатта бажарилишини талаб этади, уларнинг энг асосийлари қуийдагилар:

1. Молларни тасдиқланган кун тартиби асосида ва сутканинг маълум соатларида боқиш, ҳаво исиб кетганда, уларга дам бериш. Умуман, ёз ойларида сутка мобайнида 16—17 соат, куз ойларида 12—14 соат атрофида боқиш.

2. Моллар яйловда боқилганда улар ҳар томонга тарқалиб кетишига йўл қўймаслик керак. Бунинг учун молбоқар поданинг олд томонидан уларни назорат қилиб бориши, молларни кўпроқ серўт ерларда ўтлатиши.

3. Молларни эрта билан оч пайтида шудринг тушган ўтларда ўтлатмаслик (қорни шишиб кетиши мумкин), дастлаб турли хил бошоқли, кун исиб, шудринг бурланиб кеттач, дуккакли ўсимликлар ўсадиган яйловларда ўтлатиши.

4. Яхши семирган молларни ўз вақтида подадан ажратиб олиш ва гўштта топшириш.

5. Молларнинг семиртириш даражасини аниқлаш мақсадида уларни оч ҳолда эрта билан тарозида тортиш ва шунга асосан молбоқарларга ҳақ тўлаш.

6. Семирган молларни узоқ масофага юргизмаслик, умуман, поданинг суткасига 12—15 км дан ортиқ масофага юришига йўл қўймаслик.

7. Молларни ёз пайтида салқин жойда дам олдириш, қолган фаслларда шамолдан ва заҳдан эҳтиёт қилиш керак бўлади.

Асосий самараадорлик молларни семиртириб боқишга, вазни ва етилувчанлигига таъсир этувчи зоти, ирсий хусусиятлари ва маҳсулот йўналишига ҳам боғлиқ.

**Республикамизда молларни яйловда боқиш.** Яйлов ва ўтлоқлари бўлган хўжаликларда молларни тўтри, янги технология асосида яйратиб боқиш катта самара беради. Чунки молларни яйловда боқишга қараганда қўлда боқишга 5—8 баробар кам маблағ ва куч сарфланади. Агар яйлов серўт бўлса унда боқиладиган катта ёшли моллар суткасига ўртача 650—700 ва ундан ҳам кўпроқ семириши мумкин экан.

Республикамиз яйловларида қорамоллар ёши, жинси, ориқ-семизлигига қараб пода ташкил қилинган ҳолда боқилади. Бунда ёш молларнинг 180—200 тасидан битта пода, йирик, катта ёшдаги молларнинг 100—120 тасидан битта пода ташкил этилади.

Молларни яйловга ҳайдашдан олдин баъзи касалликларга қарши олдини олиш ва ветеринария тадбирлари амалга оширилади. Бу соҳада ўrnak сифатида «Бахмал» давлат хўжалигини иш тажрибасини кўрсатиш мумкин. Бу ерда ахталанганд буқачалар тоғ этаги ва тоғ яйловларида З ой мобайнида боқилади. Моллар асосан гўштдор зот — санта-гертруда ва унинг дурагайлари бўлганлиги учун олинадиган самараадорлик бирмунча юқори даражада бўлиши аниқланган.

**Табиий яйловлари бўлмаган хўжаликлар** молларини гўштта семиртиришда ўз хўжалигида етиштириладиган ем-хашаклардан ва давлатдан сотиб олинадиган ем озиқлардан тежамкорлик билан фойдаланган ҳолда иш юритишлари мақсадга мувофиқдир. Бунда қисқа вақт ичida ҳайвонларни бўрдокига боқиш ишларини жадаллаштириш масалалари бўйича бирмунча қўлланма ва тавсиялар чол этилган. Бинобарин, улардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Шуни қайд қилиб ўтиш лозимки, сўнгти маълумотларга қараганда, гўштга семиртирилган новвослар кунига 750—800

граммдан эт қўшганлар ва уларнинг вазни 12 ой давомида 300—350 кг тош босган. Республикаиздаги айрим фермер хўжаликларида бу борада қўлга киритиллаётган ютуқлар салмоги бирмунча юксак эканлигини кундалик матбуот саҳифаларида кўриш мумкин.

### **Фермер хўжаликларида гўшт етишириш тадбирлари**

Маълумки, ҳар бир фермер хўжалигида гўшт етишириш технологиясини тобора такомиллаштириш кўп миқдорда сифатли маҳсулот олишнинг муҳим омили ҳисобланади. Етиширилладиган гўштнинг миқдори ва сифати бирқанча омиллар билан белгиланади. Уларнинг энг асосийлари:

— ҳайвонларни гўшт учун жадал боқиш ва парваришилаш; — ҳайвонларни гўштта боқиш техникаси ва технологияси; — ҳайвонларнинг ёши, жинси, зоти, зотдорлиги ва тез етилувчанлиги шулар жумласидандир.

Тез етилиувчаник деганда ёш молларни жадал усуслар ёрдамида қисқа вақт ичида гўштга семиртиришда уларнинг ниҳоятда тезлик билан семириши, катта вазнга эга бўлиши ва гўштдорлик кондициясининг юқори нуқтага кўтарилиши тушунилади. Тез етилувчанлик хусусияти даставвал молларнинг зоти билан белгиланади. Бу борада маҳсулот йўналишига кўра гўштдор зотлар тез етилувчан бўлади. Бунга асосий сабаб, улар истеъмол қилган озиқларни асосан организмида мускул тўқималарини тез ва жадал ривожланишига, кўпроқ гўшт тўплашга сарфлайди.

Юқори сифатли гўшт даставвал ёш молларни жадал усуlda семиртириш натижасида олинади. Бундай ҳайвон тўшининг асосий қисми гўшт тўқимасидан (мускуллардан) ташкил топган бўлиб, суяқ қисми нисбатан бирмунча озроқ бўлади. Сифатли гўшт анча юмшоқ, ранги оч пушти, личноқ ёрдамида тез ва осонлик билан кесилладиган бўлади. Бундан ташқари бундай гўшт таркибида камида 18—22 фоиз оқсили ва 18 фоиз атрофиди ёғ бўлади.

Новвосларни жадал усуlda семиртириш асосида уларнинг ўсиши ва ривожланишини ифодаловчи қонуниятлар ётади. Шунга кўра ва маълум бўлишича, ёш молларни бир ёш бўлгунига қадар гўшт ва суяқ тўқималари қолган бошқа барча орган ва тўқималарига қараганда ниҳоятда тез ва жадал ўсади ва ривожланади. Бинобарин, юқори сифатли гўшт етишириш борасида ёш

молларни бўрдоқига, жадал усулларда боқиб семиртириш ниҳоятда муҳим аҳамиятга эгадир. Шунга кўра ёш молларга бериладиган ем-хашак сифатига ва таркибиға алоҳида зътибор берилади. Бинобарин, ёш ҳайвонлар учун мўлжалланган озиқларнинг таркиби турли хилдаги минерал элемент ва витаминаларга бой, тез ҳазм бўладиган, ёш организмларнинг физиологик талабига мос ва арzon бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Ёш молларни боқиш учун ем-хашак сифатли бўлгани ҳолда меъёр асосида берилиши лозим. Бунда уларнинг суткалик семириши ва саломатлигининг юқори даражада бўлиши дикқат марказида бўлиши яхши, ижобий натижаларга олиб келади.

Бир қанча кузатишларга қараганда, ёш новвосларни 18—20 ой давомида гўштга боқиш учун ўртача 3000—3100 озиқ бирлиги ва 300—360 кг ҳазм бўлувчи протеин сарфлаб, уларнинг вазни 400—450 кг га етказилган. Бошқача қилиб айтганда, ҳар 1 кг семириши учун 7—8 озиқ бирлиги ва 1 кг озиқ бирлиги таркибида 100 г ҳазм бўлувчи протеин бўлишига эришилган. Натижада новвослар юқори семизлик даражасида бўлганлар ва уларнинг гўшт чиқими ўртача 55—58 фоизга тўғри келган. Шунингдек, 1 кг гўшти таркибида 2500—3000 ккал бўлган. Бундай гўшт ниҳоятда юқори сифатли, тез ҳазм бўладиган, нозик, юмшоқ ва лаззатли бўлади.

### Новвосларнинг гўшт маҳсулдорлиги

Новвос гўшти — инсонлар учун қимматли ва лаззатли бўлиши билан, истеъмол қилинадиган маҳсулотлар ичида салмоқли ўрин тутади. Гўштнинг тўйимлилиги унинг таркибидаги оқсили ва ёғ моддаларнинг миқдори ва калорияси билан белгиланади.

Молларнинг нимталанмаган гўшт таркибида тўйимлилиги жиҳатидан унча юқори бўлмаган пай, тоғай ва суяқ тўқималари учрайди. Шундай қилиб, мол танасида семизлигига кўра нимтасининг оғирлиги тирик вазнини 51—63 фоизини ташкил қиласа, ундаги ёғ 2—14 фоизини, суяклари эса 20 фоиз атрофида бўлади.

Новвос гўштининг умумий калорияси унинг сифатига, молнинг ориқ-семизлигига, боқиш усулига, озиқлантиришга, ёшига, жинсига, физиологик ҳолатига ва ҳоказоларга боғлиқ бўлган ҳолда 1 кг да 1200—5000 килокалория ва ундан ҳам кўпроқ бўлиши мумкин (29-жадвал).

Жадвалдан шуни аниқдаш мумкинки, ориқ молларнинг лаҳм гүштидаги ёғ микдори ўртача 3,30 фоиз бўлса, юқори семизлик даражасига етказилгач, у 23,1 фоизгacha кўпаяр экан. Ёки пайлар ориқ молларда 14,0 фоиз бўлса, юқори даражада семиз вакилларида у атиги 9,6 фоизни ташкил қиласр экан.

Шуни унугтаслик лозимки, юқори сифатли гүшт асосан новвосларнинг барча гүштдор зотлари(қозоқи оқбош, санта-гертруд, абердин-ангус, герефорд, қалмок, шароле ва ҳ. к.) дан етиштирилади.

Новвослардан етиштирилайдиган гүшт сифатини молларнинг тирик вақтида ҳам чамалаш йўли билан аниқлаш мумкин. Бунда, юқорида айтиб ўтилганидек, молларнинг семизлиги, сон қисмларининг гүштдорлиги, елка йўналишини текис ва кенглиги, ҳамда танасининг умумий кўринишига қараб белгиланади.

#### 29-жадвал

##### Ҳар хил семизлидаги новвослар гүштининг таркиби ва калорияси

Таркиби ва калорияси	Семизлик даражаси			
	ориқ бўлганда	ўрта семизликда	семиз бўлганда	жуда семиз бўлганда
Морфологик таркиби, %	Лаҳм гүшти Ёғи Суяти Пайлари	60,8 3,30 21,90 14,0	59,9 10,3 17,5 12,3	56,5 16,1 15,7 11,7
Кимёвий таркиби, %	Сув Оқсил Ёғ Кул (минерал моддалар)	74,4 21,0 3,5 1,1	67,3 21,0 10,7 1,0	61,6 19,2 18,3 0,8
Калорияси (килокалория)	1210	1810	2490	2850

Собиқ Бутуниттироқ чорвачилик илмий текшириш институти олимлари томонидан симментал зотли новвослар устида олиб борилган бир тажриба ва кузатишни ҳавола қилиш мумкин (30-жадвал).

#### 30-жадвал

##### Турли даражада боқилган новвосларнинг гүшт маҳсулдорлиги

Боқиш даражаси	18 ойлиги-даги тирик вазни, кг	Салмоғи, кг			Чиқими, %	
		гүшт	ёғ	жами	гүшт ва ёғ	суюк
Жадал усулда	405	214	12,5	226,5	55,9	17,9
Тубан бўлганда	225	98	1,0	99,0	44,1	24,1

Бунда новвослар икки гурухга бўлиниб, уларнинг бир гурухи жадал усуlda семиртирилган ва иккинчи гурухи эса тубан усуlda боқилган. Бунинг натижасида, улар 18 ойлик бўлганида, жадал усуlda боқилгандари иккинчи гуруҳдагиларга қараганда деярли икки марта кўпроқ тош босганлар. Шунингдек, гўшт чиқими ва сифати жиҳатидан биринчи гурух кўп жиҳатдан устунликка эга бўлган (30-жадвал).

Новвосларни жадал технология усулида гўштта семиртириш кўп жиҳатдан юқори самарадорликка эга эканлиги бирқанча олимлар тажрибасида ҳам синааб кўрилган (31-жадвал).

### 31-жадвал

#### **Новвосларни тугилганидан бошлаб 2 ёшлигига қадар гўшт етиштириш мақсадида боқилиши натижаси**

Кўрсаттичлар	Ёши, ой ҳисобида			
	6	12	18	24
Тирик вазни, кг	189,2	287,8	406,5	499,1
1 кг вазни учун озиқа сарфи (озик бирлиги)	3,3	5,0	6,2	7,3
Сўйим чиқими, %	50,5	52,6	54,0	56,6
1 ц гўштнинг тан-тирик вазнда нархи, сўм. (*)	62,2 123,2	56,4 107,3	51,0 94,8	52,8 93,4

Изоҳ: Нархлар 1990 йил ҳисобида.

Новвослар тубан усуlda боқилганда мускул тўқимаси ниҳоятда суст ривожланади, ички органлар системаси суяқ тўқимаси, тери ва бириктирувчи тўқималари ўрта холда ўсади ва маълум даражада ривожланышда давом этади. Бинобарин, улар бир ярим ёшга борганида 150—200 кг тош босган. Бундай новвослар қисқа вақт ичида сўқимга боқилганда аввало уларнинг ички органларида ва тери остида тез ёғ тўпланади. Мускул тўқимаси эса асосан кўп миқдорда сув тўплаб бўртиб боради.

Лекин гўшт сифати юқори бўлмайди. Унда кўпроқ чандир ва пай қисмлар миқдори ортади. Улар 2,5—3 ой боқилганда 280—300 кг тош босади. Молларни сўйган вақтда нимталанмаган танасининг 10—12 фоизи бириктирувчи тўқима, 25 фоизи суяқ, ички мойи— 10—22 фоиз ва гўшт таркибида 15—16 фоиз оқсил бўлишини аниқлаш мумкин. Бинобарин, бун-

дай новвослар гүшти юқори кондиция талабига жа-  
воб бераолмайды. У сифати жиҳатидан бирмунча ту-  
бан бўлади.

Шундай қилиб, юқори сифатли, ниҳоятда лаззат-  
ли, тез ҳазм бўлувчи гушт етиштиришда энг мухим  
омиллардан бири ёш новвосларни 15—18 ойлигига  
қадар жадал технология тадбирлари асосида семир-  
тириш ва юқори кондицияда гўштга топшириш  
ҳисобланади.

Барча фермер хўжаликлари новвосларни қўлда боқ-  
қанда улар тез семиради, лекин етиштириладиган маҳ-  
сулотнинг таниархи яйловда боқилганга нисбатан қим-  
матроқ бўлади. Чунки бунда молларга тайёрланган ва  
маълум даражада ишлов берилган ем-хашак берилади,  
ҳамда меҳнат кўпроқ сарфланади.

Новвослар қўлда боқилганида олинадиган иқтисо-  
дий самарадорлик бир қанча омилларга боғлиқ ҳолда  
бўлади. Масалан, уларни боқиш техникаси ва техно-  
логияси, озиқлантириш даражаси ва типлари, шунинг-  
дек, уларнинг ёши, жинси ва зоти шулар жумласидан-  
дир. Гўштга боқилаётган молларни юқори семизлик  
кондицияси (даражаси)га етказиш, маҳсулотни кўп ва  
сифатли қилиб етиштиришда мухим роль ўйнайди,  
ҳамда олинадиган даромад бирмунча ортади.

Новвосларни гўштга семиртиришда барча шарт ша-  
роит (географик, минтақавий (зонал), иқтисодий, иш-  
лаб чиқариш ва хўжалик)ларни ҳисобга олган ҳолда  
турли ем-хашак бериб боқиш кенг қўлланилади. Бун-  
да озиқнинг қайси бир турининг салмоги катта ва  
юксак даражада бўлса, ўша озиқ номи билан юрити-  
лади.

**Кўк ўт бериб боқиш.** Кўк ўт барча хўжаликлар  
учун анчагина арzon бўлиши билан бирга у тез ҳазм  
бўладиган ва организмга тез сингиб кетадиган озиқ  
ҳисобланади. Шунинг учун ҳам у барча турдаги қора-  
моллар учун уни мухим озиқ сифатида қўлланилади.  
Кўк ўт микдори ҳайвонларни ёшига ва ориқ-семизли-  
тига қараб бериш режалаштирилади. Масалан, ёш мол-  
ларга 30—50 кг, катта ёшдагиларига 40—70 кг атрофи-  
да бериш тавсия этилади. Бундан ташқари 30 фоиз  
атрофида ем ҳам бериш мақсадга мувофиқ ҳисобла-  
нади (32-жадвал).

**Озиқнинг тўйимлилигига кўра таркиби  
(фоиз ҳисобида)**

Рацион таркиби	Катта еъдаги моллар	Новвослар	
		Боқувнинг даст- лабки вақтида	Боқувнинг сўнги даврида
Кўк ўтлар Ем (концентрат)	70 30	75 25	60—55 35—40

Айрим вақтларда кўк ўт бериб боқища молларни семириш даражаси юқори бўлмаса, уларнинг рационига қўшимча лавлаги, озиқбоп полиз экинлари қўшиш тавсия этилади.

**Силос бериб боқиш.** Ўзининг экин майдонларига эга бўлган ҳар бир фермер хўжаликлари етарли миқдорда маккажўхори, оқ жўхори ва кунгабоқардан силос бостиришлари ва куз-қиши ойлари давомида ўз молларига едиришлари тавсия этилади. Новвосларнинг рационида силос 50—60 фоизни ташкил қилиши мумкин. Ем эса 24—25 фоиз, беда пичан 7—8 фоиз, илдиз-мевали озиқ 5—6 фоиз ва қолган қисми минерал моддалар ҳисобига тўлдирилиши мумкин.

**Сенаж бериб боқиш.** Сенаж асосан дуккакли ва бошоқли ўтлардан тайёрланганлигига кўра унинг таркибида 50 фоиз сув, 8—10 фоиз протеин, 1,2—2 фоиз ёғ, 21—23 фоиз азотсиз экстратив моддалар, 14—15 фоиз клетчатка, 4—4,5 фоиз кул бўлгани ҳолда, 1 кг сенажнинг тўйимлилиги 0,35 озиқ бирлигига тенгdir. Шунингдек, сифатли сенажнинг 1 кг да 55 г ҳазм бўйувчи протеин, 40 мг каротин, 6—7 г кальций, 1—1,5 г фосфор бўлиши аниқланган.

Сенаж молларни ёшига ва физиологик холатига кўра қўйидаги миқдорда берилиши мумкин: масалан, 3—6 ойли бузоқларга 5—8 кг, 6—8 ойлик бўлгандарига 10—15 кг, 1 ёшдан катта молларга 15—20 кг сенаж меъёр ҳисобланади. Рационнинг қолган қисми бошқа тур озиқлар ҳисобига тўлдирилади.

**Ем билан боқиш.** Новвосларни гўштта семиртириш муддатини қисқартириш, меҳнат жараёнини ихчамлаштириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш мақсадида ем билан боқиш катта аҳамиятта эга. Лекин, ем бошқа тур (дағал, илдиз мева, кўкат ва серсову) озиқларга кўра қимматроқ бўлгани учун кўплаб фермер

хўжаликлари уни тежаб сарфлайдилар. Шунинг учун бу усул республикамида кам қўлланилади.

Моллар асосан дон (арпа, сули, маккажўхори ва х. к.) ва уларни ёрмасидан тайёрланган ем билан боқилиди. Бунда рационнинг умумий қисмини 80 фоизини ем ташкил қиласа, 20 фоизи дағал озиқлар ҳисобига бўлиши мумкин. Лекин боқувнинг сўнгги даврида тўйимлилиги жиҳатидан рационнинг 75—95 фоизи ем ҳисобига бўлиши мумкин.

**Пахта чиқиншилари билан боқиш.** Новвосларни гўштта семиртиришда кўплаб фермер хўжаликлари пахта чиқиндиларидан кенг фойдаланишни яхши йўлга қўйганлар. Бунда ҳар бош мол учун уларнинг ёши ва физиологик ҳолати ҳисобга олинган ҳолда кунига 2—5 кг пахта шулҳаси, 2—2,6 кг кунжара ёки кукун кунжара берилмоқда. Шунингдек, 2,5—3 кг беда пичани, 0,6—2,0 кг арпа ёки маккажўхори дон ёрмаси, ҳамда силос, лавлаги, сенаж ва минерал қўшимчалар бериш тавсия этилади.

#### **Назорат саволлари:**

1. Қорамолларнинг гўшт маҳсулдорлиги тўғрисида нималарни биласиз? 2. Ҳайвонларнинг сўйим вазни ва сўйим чиқими дегандা нималарни тушунасиз? 3. Молларнинг гўштдорлик ҳусусиятлари қандай аникланади? 4. Молларни гўштта семиртириш ва унга таъсир этувчи омиллар тўғрисида сўзланг. 5. Турли ёшдаги молларни гўштга семиртириш қандай олиб борилади ва номланади? 6. Молларни яйловда ва кўлда гўштта семиртириш тадбирлари қандай олиб борилаади? 7. Фермер хўжаликларида мол гўшти етиштириш технологияси ни тушунтиринг. 8. Новвосларни гўшт маҳсулдорлиги тўғрисида тушунча беринг. 9. Новвосларни боқиш типлари тўғрисида тушунча беринг.

#### **Амалий машғулот**

#### **Молларнинг гўшт маҳсулдорлигини аниклаш усуллари**

**Машғулотдан мақсад.** Молларнинг гўшт маҳсулдорлигини аниклаш усулларини ўрганиш ва гўштдор зот молларнинг ташки кўриниши билан танишиш.

**Керакли воситалар ва жиҳозлар.** ГОСТ 5110—87 «Сўйиш учун қорамоллар» қўлланмаси, «Наслдор қишлоқ хўжалик ҳайвонлари» қўлланмаси (ГОСТ 25967—83), «Гўштдор зот молларнинг маҳсулдорлик даражасини баҳолаш», тавсияномаси, кинофильмлар, диафильтмлар, слайдлар ва моллар расми ифодаланган фото-альбомлар.

**I-топширик.** Давлат стандартларини ўрганиш.

**II-топширик.** Якка (алоҳида) топшириклар асосида молларнинг гўшт маҳсулдорлигини аникладап.

**III-төлшириқ.** Материаллардан фойдаланилган ҳолда гүштдор зот молларнинг хусусиятлари ва белгиларини ўрганиш. Вилоятда ёки республикада боқиладиган гүштдор зот молларни тўлиқ ҳолда ифодалаш.

## VIII Б О Б. ҚЎЙЧИЛИК

**Қўйчиликнинг аҳамияти.** Қўйчилик чорвачиликнинг муҳим тармоғи бўлиб, саноат учун жун, мўйна, қоракўл тери ҳамда аҳоли учун озиқ-овқат сифатида гўшт, ёғ, сут етиширади.

Қоракўл қўйлардан олинадиган сифатли ранг-баранг товланиб турадиган қоракўл, қоракўл-қоракўл-ча ва қоракўлча деб аталадиган мўйна-тери дунё бозорида олтин баҳода сотилади. Қоракўл терилардан бош кийимлар, ёқа тайёрланади ва у юқори нархларда баҳоланади.

Қўй ва қўзи гўшти республикамиздаги гўшт балансининг 10—12 фоизини ташкил этади. Бундан ташқари, қўй сутидан тури хил маҳсулотлар, пишлок, бринза кабилар тайёрланади.

Умуман, қўйларнинг асосий маҳсулоти жун ҳисобланади, улардан олинадиган сифатли ва хилма-хил жунларни бошқа бирор ҳайвондан олиб бўлмайди. Бошқача айттанда, қўй жунини бошқа бирор қишлоқ ҳайвони жуни билан тенглаштириб бўлмайди.

**Қўйларнинг биологик хусусияти.** Қўйларнинг муҳим биологик хусусиятларидан бири яйловлардаги ўт-ўланларни яхши ўзлаштиришидир. Боши чўзиқ, ҳаракатчан, лаби юпқа, тишлари қия жойлашган бўлганлиги туфайли улар паст бўйли ўтларни ва ҳатто ерга тўкилган ўсимлик барглари ва бошоқларини бемалол териб ея олади.

Қўйлар ҳаракатчанлиги ва узоқ масофаларга юра олиши, хилма-хил ўт-ўланларни танламасдан ейиши билан бошқа тур чорва молларидан устун туради. Ҳосилдорлиги паст бўлган яйловларда қўйлар ўз озигини бемалол топиб ейди ва қорнини тўйдиришга ҳаракат қиласи. Думбали ва думли қўйлар дум органларидаги кўплаб ёғ тўпланади. Куруқ ва иссиқ иқлим шароитида ўзини яхши сезади. Улардан олинадиган ёғ инсон учун қимматли ва лаззатли озиқ-овқат маҳсулоти ҳисобланади.

Қўй зотлари биологик хусусиятларига кўра ҳар хил

зона шароитида яшашга мослашган. Шунга кўра қўйларни боқиши, асраниш ва кўпайтиришда ҳар бир зонанинг табиий-иктисодий ва хўжалик хусусиятлари ҳисобга олинади.

Кўйларнинг фойдали хусусиятлари яна шундаки, улар тез етилувчан, серпушт ва бўғозлик даври қисқа бўлади. Масалан, уларда бўғозлик даври 150—155 кун давом этиши туфайли, улар йилига икки марта кўзилаши мумкин. Бундан ташқари, қоракўл қўйлар ҳар гал 1—2 тадан қўзи туғса, романов зот қўйлар 4—6 тадан қўзилайди. Урчиш вақти ўрта ҳисобда 1,5 ёшта тўғри келади.

Шундай қилиб, қўйлар биологик хусусиятларига кўра бир қатор устуналларга эга. Бинобарин, уларни кўпайтиришда, маҳсулдорлигини оширишда, насл олишида, гўштга боқища, сифатли мўйна ва тери етиширишда, шароитини яхшилашда ва серпуштигини оширишда уларнинг асосий биологик хусусиятлари дикқат марказида туриши керак.

### Қўйларнинг маҳсулот йўналиши

Қўйларни икки хил, яъни зоологик ва хўжалик таснифи асосида гурӯҳларга бўлиш қабул қилинган.

**Зоологик таснифи.** Бунда қўйлар дум узунлиги ва шакли асос қилиб олингани ҳолда 5 та гурӯҳга бўлиниди:

- ингичка калта думли қўйлар,
- ингичка узун думли қўйлар,
- калта ёғ думли қўйлар,
- узун ёғ думли қўйлар ва
- думбали қўйлар.

Бу таснифнинг камчилиги шундаки, айрим холларда турли хил маҳсулот йўналишидаги қўй зотлари бир гурӯҳга мансуб бўлиб қолади. Шунга кўра ҳар бир зотнинг асосий маҳсулот йўналиши ва унинг афзалиги ҳисобга олингани ҳолда қўйларнинг хўжалик таснифи ишлаб чиқилган.

**Хўжалик таснифи.** Бу тасниф академик М. Ф. Иванов томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, ҳамма қўй зотларининг асосий маҳсулоти асос қилиб олинган. Хўжалик таснифи 8 та гурӯҳни ўз ичига олади.

1. **Майин жунли қўйлар.** Жуни сифатли, бир текис, ўта майин бўлган қўйлар шу гурӯҳга киради. Масалан, меринос зоти, аскания, грознен, ставропол, ол-

той, озарбайжон тоғ меринос зоти, прекос, майин жунли қозоқи ва вятский зот қўйлар шулар жумласидандир.

2. **Ярим майин жунли қўйлар.** Бу гуруҳга бир хил ярим майин жунли линкольн, ромни-марш, шропшири, гемпшир, латвия қорабоши каби ҳамда жун ва гўшт учун боқиласидиган цигай ва бошқа зотлардир.

3. **Ярим дагал жунли қўйлар.** Бу гуруҳ қўйларнинг жуни гилам тўқиши учун муҳим хомашё ҳисобланади. Асосий вакиллари: саражи ва тожик қўй зотларидир.

4. **Пўстинбоп қўйлар.** Бу гуруҳга мансуб қўйлардан сифатли пўстинбоп тери олинади. Шу жиҳатдан улар бошқа қўйлардан фарқ қиласиди. Асосий вакиллари: романов зоти, шимолий калта думли ва сибирь серёрга калта думли қўйлар ҳисобланади.

5. **Мўйнабоп қўйлар.** Улар қимматбаҳо мўйнаси (териси) билан бошқа йўналишидаги қўйлардан фарқ қиласиди. Масалан, қоракўл қўйлар, сокольский ва решетилов зотлари шулар жумласидандир.

6. **Гўшт-ёғ йўналишидаги қўйлар.** Бу гуруҳга мансуб қўй зотларидан сифатли ва мазали ҳамда кўп миқдорда гўшт ва ёғ олиниши билан бошқалардан фарқ қиласиди. Асосий вакиллари: ҳисор, жайдари ва эдилбой қўй зотларидир.

7. **Гўшт-жун-сут йўналишидаги қўйлар.** Бу гуруҳга кирувчи зотлардан бир вақтни ўзида гўшт, жун ва сут етиштирилайди. Лекин жуни дагал бўлади. Асосий вакиллари: тушинский, балбас, карачайдир.

8. **Гўшт-дагал жун йўналишидаги қўйлар.** Бу гуруҳга мансуб қўйлардан анчагина сифатли дагал жун ва сифатли гўшт олинади. Масалан, михновский, черкесский, кучугуров каби қўй зотлари шулар жумласидандир.

### **Қўйлардан олинадиган асосий маҳсулотлар**

**Жун.** Қўйлардан олинадиган жун енгил саноат учун муҳим хомашё ҳисобланади, ундан турли хил кийим-кечак, шолча ва гилам, хилма-хил жун газламалар тайёрланади. Жун тери маҳсулоти ҳисобланади ва қўй эмбрионининг 60—85 кунлигида эпидермис қаватидан ташкил топган фолликулалардан ўсиб чиқади. Жуннинг шаклланиши ва тери сатҳи бирлигига нисбатан миқдорининг ортиши уларнинг туғилиш вақтига бориб якунланади. Жун қатлами бир қанча турга мансуб

бўлган толалардан ташкил топган. Масалан, тивит, оралиқ, дағал, ўлик, қуруқ ва қопловчи жунлар шулар жумласидандир.

**Мўйна.** Мўйна асосан қоракўл, соколский ва решетилов зот қўйларининг янги турилган қўзиларидан олинади. Чунки уларнинг мўйнаси гулдор, жингалак ва ялтироқ бўлади. Майин жунли ва ярим майин жунли қўйлардан олинган мўйнали терини л я м к а, дағал жунли қўйлардан олинадиганини м е р л у ш к а деб аталади.

**Қоракўл тери.** Қоракўл терининг сифати жун қатламининг шакли, гули, жингалаги, ялтироқлиги, ранги ва гулининг зичалиги каби кўрсаткичларга боғлиқ. Қоракўл тери гулининг шаклига кўра қалами, ловиягул, гажак, ҳалқасимон, спиралсимон (пармагул) бўлиши мумкин. Шунингдек, айрим ҳолларда гулининг шакли бузилмаган ва ҳеч қандай шаклага эга бўлмаган ҳолда учрайди, бундай тери сифатсиз ҳисобланади.

Қалами гул типидаги жингалаклар сифатли ҳисобланади ва уч гурухга (калта, ўртача ва узун) бўлиниади. Агар узунлиги 2 см гача бўлса, қаламигуллар — калта, 2 см дан 4 см гача бўлса — ўртача, 4 см дан ортиқ бўлса — узун ҳисобланади. Узун қаламигуллар юқори баҳоланади.

Ловиягул типидаги жингалаклар ҳам сифатли ҳисобланади. Улар ловия донини эслатади. Узунлиги 12—15 мм ва ундан ортиқ бўлиши мумкин.

Гажак шаклидаги жингалаклар унча сифатли эмас, теридан чиқсан жунлар қарама-қарши томонга ажраблиб, туташ бўлмаган гул ҳосил қиласи.

Нўхатгуллар талабга мувофиқ бўлмаса-да, уни ташкил этувчи жун тўпламларининг учлари тугунсимон ёки нўхат шаклида жингалаклашган бўлади.

Ҳалқасимон (спиралсимон) жингалаклар сифатсиз ҳисобланади ва бундай гулли тери сифатсиз деб баҳоланади. Шунингдек, батъзи тери юзасида шаклсиз гуллар ҳам учраб туради.

Қоракўл тери жунининг ўсиқлик даражасига кўра уч хил бўлади: 1) қоракўлча — ҳали турилмаган (таксминан 4,5 ойлик) қўзи териси бўлиб, у юқори даражада баҳоланади; 2) қоракўл-қоракўлча — тутилишига 5—10 кун қолган қўзилар териси бўлиб, у ҳам сифатли бўлади; 3) қоракўл — меъёр даражада ривожланган ва турилган қўзилар териси.

Қоракўл тери орасида баязан жуни анча ўсиқ тур-

лари учрайди, ёки туғилғандан сүнг бир неча кун ёки ҳафта ичида жуни үсиб кетади. Бундай тери ё қабоп дейилади ва арzon баҳоланади.

Қоракұл тери ҳар хил рангда бўлади. Кўпроқ қора (араби 90 фоиз), баъзан **кул ранг** (шерози), **жигар ранг** (қамбар) ва кўпроқ с у р тери бўлади. Сур ва кул ранг тери чиройли ва ноёб бўлади, бинобарин, унга талаб катта. Кул ранг тери мўйнаси оқ ва қора жунларнинг микдори ва узунлигига кўра тўқ кул ранг, ўртача кул ранг ва оч кул ранг бўлиши мумкин.

**Тери.** Қўй териси одатда 5—7 ойлик ва ундан катта ёшдаги қўйлардан олинади ва асосан уч гурухга бўлиниади: 1) пўстинбоп тери — дағал ва ярим дағал жунли қўйлардан олинади. Бундай тери асосан романнов зот қўйлардан етиштирилади ва жуннинг ўсиклиги 2,5 см атрофида бўлади. Айниқса, 6—8 ойлик қўзилардан сифатли тери олинади; 2) мўйнабоп тери — майнин жунли ва ярим майнин жунли қўйлардан олинади. Бундай терининг энг сифатлиси цигай зот қўзилардан етиштирилади ва у «цигейка» номи билан аталади. Улар жуннинг узунлиги 1 см атрофида бўлади; 3) йирик тери — катта ёшдаги қўйлардан олинади. Бундай тери баъзан **пойабзал тери** деб аталади. Улардан саноат эҳтиёжлари учун фойдаланилади.

**Гўшт.** Қўй гўштининг сифати қўйнинг зоти, ёши, жинси, ориқ-семизлигига, боқиши шароитига ва физиологик ҳолатига боғлиқ. Гўштининг сифати унинг кимёвий таркиби, умумий гўшт чиқиши, ундаги ёр ва суяк нисбати, парҳезлик хусусияти ва нав қисмларнинг микдори билан аниқланилади.

Нимталанмаган қўй гўштининг вазни ҳар хил зотларда турлича бўлади ва, кўпинча, катта ёшли қўйларда у ўртача 18—30 кг атрофида, лекин ҳисор ва линкольн каби зотларда 80—90 кг гача ва ундан ҳам кўпроқ бўлиши мумкин. Қўзиларнинг нимталанмаган гўшти 10—15—20 кг атрофида бўлади.

Қўйлардан соғ гўшт чиқиши уларнинг ориқ-семизлигига ва зотига боғлиқ. Масалан, яхши семиртирилган майнин жунли қўйларда бу кўрсаттич 50 фоиз атрофида бўлса, ориқ қўйларда 38—40 фоиз ва гўшт-ёўйўналишидаги қўйларда 60—65 фоиз бўлиши аниқланган.

Кузатишлардан маълум бўлишича, гўштта 6—8 ойлик қўзиларни боқиши иқтисодий жиҳатдан яхши са-

мара беради. Қўй гўштининг сифати ва кимёвий таркиби уни боқиши усулига ва ориқ-семизлигига боғлиқ (33-жадвал).

### 33-жадвал

**Қўйларнинг семизлигига кўра гўштининг кимёвий таркиби  
(Г. Р. Аитовченко маълумоти)**

Семизлик даражаси	Сув, %	Оқсил, %	Ёғ, %
Ориқ	70,0	21,0	8,7
Үртacha семиз	68,3	20,0	10,7
Семиз	58,5	17,7	23,0

**Сут.** Қўй сути кимёвий таркибига кўра сигир ва бошқа чорва моллари сутидан фарқ қилади. Унинг таркибида 6,7 фоиз ёғ, 5,8-фоиз оқсил, 4,6 фоиз сут қанди ва 0,8 фоиз минерал элементлар бўлади.

Қўйлар 100—150 кун атрофида соғилади, айрим ҳолларда 200—300 кг ва ундан кўпроқ сут соғиб олинади.

Марказий Осиё давлатларида, жумладан, Ўзбекистон Республикасида боласи тери учун ажратилган қоракўл қўйлар ўртача 3 ой, баъзан 4 ойгача соғилади ва ҳар бир совлиқдан кунига ўртача 300—730 г ва ундан кўпроқ сут соғиб олинади. Қўйлар қўзилари билан бирга бўлса улар соғилмайди. Шунингдек, наслдор совлиқлар, ориқ, биринчи ва кўп түқдан м а р и совлиқлар соғилмайди. Қўзиси бўлмаган мари қўйлар эрталаб ва кечқурун соғилади. Қўйлар асосан қўлда соғилади.

### Қўй зотлари

**Майин жунли қўй зотлари.** Майин жунли қўйлар узоқ тарихга эга бўлиб, эрамиздан 1000 йиллар аввали Кичик Осиё ва Грузиянинг фарбий туманларида боқилганлиги, кейинчалик Греция, Италия ва Шимолий Африкада кенг тарқалганлиги маълум. Уларни **меринос қўйлар** деб аташган (40-расм).

Майин жунли қўйлар асосан Шимолий Кавказнинг даштли туманларида, Ставропол ва Краснодар ўлкаларида, Грозний ва Ростов вилоятларида, шунингдек, Сибирь, Қозогистонда ва Марказий Осиё давлатларидан Қирғизистонда кўпайтирилади.

Сўнгти вақтда академик А. Н. Николаев тавсиясига мувофиқ, қўй зотларини уч хил йўналиш ёки гуруҳга бўлиш мумкин.



40-расм. Майин жунли, сержун меринос зот құчқор.

1. **Майин жунли сержун қўйлар** — меринос, ставропол, грознен ва ҳоказо зотлар.
2. **Майин жунли сержун-гўштдор қўйлар** — аскания, кавказ ва олтой зотлари.
3. **Майин жунли гўштдор-сержун қўйлар** — пре-кос, архар меринос ва майин жунли қозоқи қўй зотлари киради.

**Майин жунли сержун қўйлар.** Бу қўйлар бақувват бўлиб, сувсиз чўл яйловларида яшашга мослашган. Асосий маҳсулоти жун. Жуни қалин ва ўсик, ёғ-тери яхши ифодаланган. Ҳар килограмм вазни ҳисобига 50—60 г тоза жун олинади. Майин жунли сержун қўйлар бир қанча маҳсус зотлардан иборат бўлиб, уларнинг кўп тарқалгани: меринос, ставропол, грознен зотларидир.

Меринос Россияда кенг тарқалган майин жунли қўй зотидир. Ҳозирги вақтда меринос икки типдан иборат: **сержун-гўштдор** ва **сержун қўйлар**.

**Сержун-гўштдор қўйлар** асосан Шимолий Кавказ, Фарбий Сибир ва Шимолий Қозогистонда кенг тарқалган.

**Сержун типдаги қўйлар** кўпроқ Қалмиқ, ўлкасида, Астрахан, Волгоград вилоятларида, шунингдек, Ростов вилояти ва Ставропол ўлкасининг қурғоқчил туманларида кўпайтирилади.

Меринос қўйлардан сифатли жун олинади. Қўчқорларидан ўртача 10—12 кг, совликларидан 5—6 кг ат-

рофида жун қирқиб олинади. Жүннинг узунлиги сержун-гүштдор типида 7—8,5 см, сержун типида 8—10 см ва 64—70 сифат талабига жавоб беради. Жун чиқиши 36—40%.

Қўчқорларининг шохи яхши ривожланган, совлиқларида шох бўлмайди. Ҳар 100 бош совлиқдан 110—130 та қўзи олинади. Баъзан бу кўрсаттич 150 тагача етиши мумкин. Қўчқорларининг тирик вазни 75—85 кг, совлиқлариники 45—55 кг (баъзан 60 кг), гүшт чиқиши гўштдор-сержун типида 45—48 фоизни ташкил қилади.

**К а в к а з з о т и.** Совлиқларининг тирик вазни ўртача 46—55 кг, қўчқорлариники 90—100 кг келади. Қўчқорларидан 10—11 кг, совлиқларидан 6—7 кг жун қирқиб олинади. Жуни сифатига кўра, 64 даражага тўғри келади. Узунлиги 7—8 см, жун чиқиши 40—42 фоиз. Ҳар 100 бош совлиқдан 130—140 та қўзи олинади. Бу зот Ставропол ўлкасида, Ростов вилоятида, Сибирда ва Қозогистоннинг айрим хўжаликларида кўпайтирилади.

**О л т о й з о т и.** Қўчқорларнинг вазни 90—110 кг бўлиб, 9—10 кг жун олинади. Совлиқларининг вазни 50—60 кг, жуни 5—6 кг, жуннинг узунлиги 7—8 см ва 64 сифат даражасига жавоб беради. Жун чиқиши 40—42 фоиз. Ҳар 100 бош совлиқдан 120—130 та ва ҳатто 160 тагача қўзи олинади. Бу зот кўпроқ Сибир, Урал ва Шимолий Қозогистон туманларида боқилади.

**Қозоқи архар-меринос зоти.** Бу зот төршароитида яшашга мослашган дунёда ягона зот ҳисобланади. Қўчқорлари 100—110 кг, совлиқлари 60—65 кг. Қўчқорлари 7—8 кг, совлиқлари 3,5—4,5 кг жун беради. Жуннинг узунлиги 7—8 см, сифати 64—70 даражага тўғри келади. Жун чиқиши 50—55 фоиз. Ҳар 100 бош совлиқдан 130—140 та қўзи олинади. Бу зот асосан Шарқий Қозогистон ва Олмаота вилояти хўжаликларида боқилади.

**Ярим майин жунли қўй зотлари.** Цигай зоти. Бу зот қурвоқчил туманларда яшашга мослашган. Қўчқорлари 80—90 кг, совлиқлари 45—55 кг келади. Қўчқорлари 5—6 кг, совлиқлари 3,5—4,0 кг жун беради. Жун чиқиши 55—60 фоиз ва сифат даражаси 45—46 та тўғри келади. Бу зот эса Молдова, Крим, Жанубий Украина, Ростов, Саратов, Краснодар ва Қозогистон туманларида кўпайтирилади.

**Ярим майин жунли гүштдор-сержун қўй зотлари.** Линкольн, ромнимарш ва шимолий кавказ зоти шу йўналишга мансубдир.

**Линкольн зоти.** Кўчкорлари 120—160 кг, совликлари 80—90 кг келади. Англиядаги кўргазмада 300 кг ли қўчкор намойиш этилган. Кўчкорлари 8—10 кг, совликлари 5—6 кг жун беради. Жунининг узунлиги 25—30 см га етади. У ипаксимон ялтироқ. Жун чиқиши 55—65 фоиз, сифат даражаси 36—44 га тўғри келади. Бу зот асосан Воронеж, Москва ва бошқа вилоят хўжаликларида кўпайтирилади.

**Ярим дагал жунли қўй зотлари.** Бу йўналишга асосан иккита зот яъни саража ва тожик зоти киради.

**Саража зоти.** Бу зот думбали қўйлар гурӯҳига киради. У Туркманистанда танлаш ва саралаш йўли билан яратилган. Жуни ҳар хил толалар (тивит, оралиқ ва дагал)дан ташкил топган. Бу зотнинг жунидан ниҳоятда ноёб, чидамли ва қимматбаҳо гиламлар тўқилади. Уларнинг жуни 10—17 см, кўчкорлари 5—7 кг, совликлари 3—4 кг жун беради. Кўчкорларининг вазни 70—80 кг, совликлариники 55—60 кг атрофида бўлади.

**Тожик зоти.** Бу зот Тожикистанда яратилган. Жуни гилам саноати учун керакли хомашё ҳисобланади. Бу зот Ўзбекистоннинг айрим тоголди туманларида ҳам боқилади. Сўнгти йилларда бу зот Оҳангарон тумани хўжаликларида жадал усулда кўпайтирилмоқда.

**Дагал жунли қўй зотлари.** Дагал жунли қўйларнинг жуни бир хил бўлмай, унинг таркибида дагал толалар кўп бўлади. Лекин саноат учун дагал жун ҳам зарур хомашё ҳисобланади. Дагал жунли қўйларни жуни уларнинг қўшимча маҳсулоти ҳисобланади. Дагал жунли қўйларнинг энг аҳамиятлилари уч хил йўналишда бўлади: 1. Мўйнабоп қўйлар. 2. Пўстинбоп қўйлар. 3. Гўштдор — серёғ қўйлар.

**Мўйнабоп қўйлар.** Мўйнабоп қўйларнинг асосий маҳсулоти уларнинг қўзисидан олинадиган ранг-ранг мўйна (тери)сиdir. Қолган маҳсулоти (гўшти, ёғи, жуни ва ҳоказолар) иккинчи даражали аҳамиятта эга. Бу йўналишнинг асосий зотлари: қоракўл, соколский ва решетилов кабилардир.

**Қоракўл қўйлар.** Бу қўйлар мўйна (тери) олинадиган дунёга машҳур энг муҳим қўйлардир. Туркманистанда олиб борилган археологик кузатишларидан маълум бўлишибча, зрамиздан 1500 йил аввал ҳам жуни жингалак бўлган қўйлар боқилган (41-расм).




41-расм. Насл утун қолдирилган күлранг сур күзилар.

XVII асрда қоракүл қўйлар ҳозирги Бухоро вилоятида ҳам кўплаб боқилган. Улар узун серёғ думли қўйлар гурухига мансуб бўлиб сувсизликка ва чўл шароитига чидамли бўлади. Бинобарин, бундай қўйлар асосан чўл зоналарида боқиласди ва чўлда оқар сувлар бўлмаганилиги сабабли асосан турли чуқурликдаги кудуклардан чиқариладиган сув билан суғорилади (42-расм).



42-расм. Дағал жунли қоракүл зот совлик.

Қоракүл қўйларнинг боши бир оз чўзиқ, қулоқлари осилиб туради, қўчқорлари шохли, совлиқлари шоҳсиз бўлади. Жунининг узунлиги 8—9 см. Баҳорги ва кузги жун қирқимида ҳар бир қўйдан ўртача 2,5—5 кг гача жун олинади. Қўчқорларининг тирик вазни 65—80 кг, совлиқлариники 45—50 кг атрофида. Ҳар 100 бош совлиқдан 110—120 та қўзи олинади. Қўзилари сўйиш учун топширилган совлиқлардан ўртача 35—50 кг атрофида сут сориб олинади. Қоракүл қўйлар асосан мустаҳкам, қўпол ва нозик конституцияга эга. Қоракүл қўйларнинг 90 фоизининг териси қора бўлса, 8—10 фоизи **кулранг** ва сур ҳамда бошқа рангда бўлаади.



43-расм. Платина рангли 1-нав сур қоракўл тери.

Сур терилар юқори даражада баҳоланади (43-расм). Улар жунининг учки қисми очроқ бўлган холда пастки қисми тўқ рангда бўлади. Ҳозирги вақтда қоракўлчилик асосан Ўзбекистон, Туркманистон ва Тожикистонда яхши ривожланган. Қозогистонда яйловлар кўплиги туфайли кейинги йилларда жанубий туманларда бу соҳа жадаллик билан ривожлантирилмоқда. Қозогистонда қоракўл қўйларнинг янги зотларини яратиш, мавжудларини яхшилаш мақсадида кўпгина ишлар амалга оширилмоқда.

**Гўштдор-серёғ зот қўйлар.** Бу зот қўйлар йирик, мустаҳкам тузилишга эга бўлиб, йирик думбали, асо-

сан яйловларда боқишига мослашган. Уларнинг жуни дагал, кўп микдорда ўлик ва қуруқ жун толалари учрайди. Шунинг учун ҳам уларнинг жунидан кигиз, намат, шолча қабилар тайёрланади. Бу йуналишга мансуб бўлган асосий зотлар: **ҳисор, жайдари ва эдилбой қўйлардир.**

**Ҳисор** зоти асосан Тожикистон, Ўзбекистон ва Қозогистон давлатларида кўпайтирилалди. Бу зот гўштдор-серёғ зот қўйлар ичида энг йириги ҳисобланади. Бинобарин, кўчкорларининг тирик вазни 100—130 кг, совлиқлариники 80—90 кг атрофида бўлади. Бу қўйларнинг танаси узун бўлиб, бўртиб чиққан, кулоқлари осилган бўлади. Оёклари узун ва пишик, думбаси 20—25 кг, ҳатто 40 кг ва ундан ҳам кўпроқ келади.

Жунининг ранги тўқ сариқ, қора ва жигарранг. Хамма вакилларида шох бўлмайди. Икки қирқимнинг ҳар бирида 1,2—2 кг дан жун олинади. Сергуштлик хусусияти яхши ривожланган. Қўзилари б 6 ойлик бўлганида вазни 60—65 кг га етади. Гўшт чиқиши 48—56 фоиз. Гўшти жуда мазали (*44-расм*).



44-расм. Гўштдор-серёғ маҳсулотли ҳисор зотининг насл қўчкори.

**Жайдари қўйлар.** Жайдари қўйлар Ўзбекистоннинг кўп туманларида учрайди. Улар ҳам, думбали қўйлар ҳисобланиб, кўчкорлари 80—90 кг, совлиқлари

60—70 кг келади. Ҳар галги қирқимда 1,6—2 кг, айрим холларда 2,5 кг гача жун беради. Гүштининг сифати яхши ва чиқиши ўртача 50—52 фоиз атрофида. Жайдари қўйлар анча чидамли бўлганлиги учун кўплаб хонадонларда боқилади ва кўпайтирилади. Улар асосан, Самарқанд ва Жиззах вилояти хўжаликларида боқилади.

Эдилбой зоти. Бу зот XIX асрда Фарбий Қозогистонда яратилган. Гүштдорлиги ва серёғлиги жиҳатдан фақат ҳисор қўйларидан кейинда туради. Кўчқорларининг тирик вазни 100—105 кг, совлиқлариники 75 кг, айрим холларда 80 кг келади. Энг йирик қўчқорлари 150—160 кг, совлиқлари 115 кг гача бўлиши аниқланган. Қўзилари 4 ойлигига 40—42 кг келади. Ранги асосан сариқ ва қизил, камроқ қора бўлади. Кўчқорларидан 3—3,5 кг (5 кг гача), совлиқларидан 2,3—2,6 кг жун қирқиб олинади. Ҳар 100 бош совлиқдан 110—120 та (баъзан — 125 тагача) қўзи олинади. Бу асосан Қозогистоннинг ғарбий туманларида кўпайтирилади.

### Қўйларни урчишиш ва кўпайтириш

Қўзилар 5—6 ойлик бўлганда жинсий жиҳатдан етилади, лекин уларни эрта қочириш ижобий натижа бермайди. Бунда уларнинг ривожланиши чекланиб қолади, насли тубанлашади. Қўзилар 6 ойлик бўлганида онасидан ва эркаклари урючилиаридан ажратилади. Кўчқорлар ва совлиқлар 1,5 ёшлигига урчишишга қўйилса, яхши натижа беради, баҳорда туғилган қўзиларни келгуси йилнинг кузидаги қочириш мумкин. Айрим холларда тез етилувчан қўйларни 9—10 ойлигига, яъни вазни таҳминан 45 кг га етганда қочирса бўлади.

**Совлиқларни қочириш.** Совлиқларни қочиришда уларнинг физиологик ҳолатига зътибор берилади. Совлиқларда куюкиш асосан 24 соат, камроқ 48—72 соат давом этади. Агар улар шу вақтда қочирилмаса, яна орадан 16—18 кун ўтгач қайта куюкади. Совлиқларда куюкиш мавсуми бўлиб, кўпинча у кузда ёппасига содир бўлади. Бундан ташқари, ҳавонинг ҳарорати ҳам таъсир кўрсатади. Масалан, ҳаво салқин бўлса, совлиқлар август ойининг охирига бориб ёппасига куюкади. Ҳаво иссиқ ёки аксинча совуқ бўлса, улар кеч куюкади ёки айримларигина вақтида куюкади.

Қўйларнинг бўроғлик даври 5 ой, асосан 152 кун давом этади. Бинобарин, Ўзбекистоннинг жанубий ту-

манларида март ойининг бошлари қўйлар қўзилаш учун энг яхши вақт ҳисобланса, шимолий туманларда март ойининг ўрталари маъқул кўрилади. Шунинг учун жа-нубий туманларда думбали ва қоракўл қўйлар октябр-нинг бошларида қочирисла, шимолий туманларда ок-тябрнинг ўрталарида қочирилади.

Ўзбекистоннинг айrim хўжаликларида кейинги йил-ларда қўйларнинг барвакт (февраль ойида) қўзилатиш усулидан фойдаланилмоқда. Бинобарин, ёш қўзиларни асралаш ва боқиши имкони бўлган хўжаликларда бу усул анча ижобий натижа беради. Бунда яйловда ўт-ўлан ўсгунча қўзилар анча тетик ва бақувват бўлиб қолади. Бинобарин, улардан кўпроқ жун ва бошқа маҳсулот олиш имкони вужудга келади.

**Қочириш усуllibari.** Совлиқларни қочиришда икки хил, яъни сунъий ва табиий усулдан фойдаланилади.

Сунъий қочириш (уруглантириш) истиқболи усул ҳисобланади. Бунда бир мавсумда бир бош қўчкор уруғи билан 300—500 та, айrim ҳолларда 5—6 минг совлиқ қочирилади. Бу хўжаликка, биринчидан катта иқтисодий фойда келтирса (қўчкорларни камайтириш ҳисобига), иккинчидан, ирсий хусусияти ва маҳсулдорлиги юқори бўлган асл қўчкорлардан кўп миқдорда сифатли қўзи олинади. Совлиқлар маҳсус сунъий қочириш пунктларида ургулантирилади. Қочирилган совлиқлар подасига икки кундан кейин яна синовчи қўчкор қўйилади. Бунда қайтадан куюккан совлиқлар аниқланса, уларни кўшимча сунъий қочиришга қўйилади. Ҳозирги вақтда республикамизда қўйларнинг деярли 70 фоизи шу усуlda қочирилади.

Табиий усул яна икки қисмга — эркин ва қўлда қочириш усулига бўлинади. Қайси қочириш усулидан фойдаланиш — хўжаликнинг маҳсулот ишлаб чиқариш йўналишига, наслчилик ишларига ва ҳоказоларга боғлиқ.

Эркин қочириш. Бу усул баъзан подада қочириш деб юритилади. Бунда подадаги ҳар 20—25 бош совлиқ учун битта қўчкор режалаштирилган холда 40—50 кун мобайнида улар бирга бўлади. Бунда қайси совлиқ қайси қўчкордан қочганлиги номаълум бўлади. Бундан ташқари, совлиқларни қочириш учун кўп қўчкор талаб этилади. Шунинг учун бу усулдан кам фойдаланилади.

Кўлда қочириш. Бунда куюккан совлиқлар, синовчи қўчкорлар ёрдамида танланади ва маҳсус жой-

да уларни қочириш учун наслдор қўчкор қўйилади, маҳсус журналга унинг қулоқ исирғаси номери, лақаби ва қочирилган куни ёзиг қўйилади. Бу усулни қўлланган вақтда ҳар бир қўзининг зоти ва қачон тутилиши аниқ бўлади. Бунда 1 қўчкор билан 90—100 бош совликни қочириш режалаштирилади.

**Қўйларни қўзилатиш ва уларни боқиши.** Ҳўжаликни шароитига кўра, қўйлар қишида ва эрта баҳорда қўзилайди. Бундан қатъи назар, бўғоз совлиқларни ориқлаб кетишига йўл қўймаслик керак, акс ҳолда қўзилатишда юқори кўрсаткичларга эришиб бўлмайди.

Қишки қўзилатиш январ-феврал ойларига тўғри келади. Бунинг учун совлиқлар сентябр ва октябр ойларида қочирилади. Бунда совлиқларнинг серпуштилиги 20—25 фоизга ортиши аниқланган. Қишида турилган қўзилар кузга бориб анча йирик, улардан олинадиган гўшт ва жун миқдори баҳорда тутилган қўзиларникига нисбатан кўпроқ бўлади.

Баҳорги қўзилатиш усули иссиқ қўйхонаси ва қўзихоналари бўлмаган, ем-хашак билан кам таъминланган хўжаликларда қўлланади. Бунда қўзиларнинг тутилиши кунининг илиши ва яйловларда ўт ўса бошлишига тўғри келади. Лекин қўзилар яйловда 1,5—2 ой бўлиб, ўсимликлардан яхши фойдаланиш вақти келганда, ўт қурий бошлайди ва қовжираб кетади, бунинг натижасида улар секин ўсиб ривожланади.

### **Қўйларни боқиши**

Қўйлар зотига, маҳсулот йўналишига ва боқиладиган туман ва зоналарнинг табиий шароитига кўра турли усулда боқиласди. Қўйлар бошқа чорва молларига қараганда яйловлардан яхши фойдаланади, бинобарин, Ўзбекистон шароитида қўйлар табиий ўтзорда боқиласди. Бунда яйловларнинг ҳосилдорлиги ва қўйлар учун турли хилдаги сифатли ўтлар бўлиши муҳим аҳамиятга эга.

Думбали ва сержун қўйлар асосан республикамизнинг шарқий қисмида, кўпроқ тоғ этакларига жойлашган яйловларда боқилса, қоракўл қўйлар гарбий туманларда, асосан, чўл (саҳро) ва чала чўл зоналарда боқиласди.

**Думбали ва сержун қўйларни боқиши.** Бу қўйлар ёзда тоғ яйловларида, баҳорда тоғ этакларидағи эфемерлар ўсадиган ўтлоқларда боқиласди. Уларни боқиш-

да секин-аста бир яйловдан иккинчи яйловга олиб ўтилади. Ёзниң иссиқ күнлари бу қўйлар учун маҳсус шароит яратилади, чунки улар қоракўл қўйларга қараганда иссиққа ва сувсизликка чидамсиз бўлади.

Кузда қўйлар тоғдан тоғ этакларига, аҳоли яшайдиган зоналар яқинига ҳайдаб келинади ва шу ердаги бегона ўтлар ҳамда ҳосили йигиштириб олинган экинзорларда боқилади. Қиши ойлари улар қисман бўлсада, ўти сақланиб қолган тоғ этакларидағи яйловларда боқилади. Яйлов ҳосилдорлиги паст бўлган маҳалларда уларга қўлдан қўшимча озиқ берилади. Думбали қўйлар айrim ҳолларда думбасидаги запас ёғ ҳисобига яшаши мумкин, бинобарин, баҳорга бориб, уларниң думбаси анча кичрайиб қолади.

Лекин сержун қўйларда бундай хусусият бўлмайди, бинобарин, улар оч қолиши ёки тўйиб озиқланмаслиги натижасида тез ориқлаб кетади, жунининг сифати ва миқдори пасайиб кетади. Шунинг учун уларни етарли миқдорда пичан, хашак ва ем, имкони бўлган хўжаликларда сенаж ва силос билан таъминлаб туриш лозим.

**Қоракўл қўйларни боқиши.** Қоракўл қўйлар йил бўйи яйловда боқилади. Фақат қалин қор ва кучли ёмғир ёққанда улар қўйхоналарда сақланиши мумкин. Қоракўл қўйлар учун қиши ва ёз ойлари қисман ноқулай ҳисобланади, чунки бу вактда яйловдан фойдаланиш анча қийинлашади. Лекин баҳор ва куз ойлари бирмунча қулай бўлади. Чунки баҳорда ўт кўп ва серсув бўлса, куз ойларида ёғингарчилик туфайли қовжираб ётган ўтлар анча юмшайди ва қўйларниң озиқланниши учун қулай даражага келади. Бундан ташқари, ўтларниң дони (уруги) етилади ва тўйимлилиги ортади. Қўйларниң яхши семириши учун уларга истаганича ош тузи берилади ва ҳар куни сурориб турилади. Ёз күнлари уларни суткасига икки марта сурориш керак. Лекин қиши күнлари, ерда қор бўлганида, уларни кунора сурориш мумкин. Қишининг қорли күнларида қўйларни ўтлари баланд бўйли яйловларда боқиши талаб этилади, чунки майда, паст бўйли ўтлар қор остида қолиб кетади ва баланд ўтлар қўйлар учун асосий озиқ манбаи бўлиб қолади. Бунда, айниқса, уруғли шувоқ, уруғли янтоқ, саксовул (кум саҳролар шароитида), шўрак ва бошқаларниң бўлиши қўйларниң яхши семиришини таъминлайди. Лекин шунга қарамасдан, қиши ойларида қўйларга етарли миқдорда ем, пичан ва турли хашак бериб туриш лозим. Бундай

тадбирлар март ойи бошланиб ерда етарли миқдорда күк майса ўсиб чиққунигача давом эттирилади. Подагриги ориқлаб заифлашиб қолган қўйларга қўшимча ем ва пичан бериб турилади.

Ёз ва кузнинг бошларида қўйларни кундузи иссиқдан сақлаш мақсадида эрталаб, кечқурун ва кечаси ўтлатиш тавсия этилади. Кундузи шабада эсиб турадиган жойларда дам олдирилади. Лекин бу усуллардан унумли фойдаланишда ҳар бир зона ва туманинг табиий шароити ҳисобга олиниши лозим.

**Қўйларни озиқлантириш.** Қўйлардан олинадиган маҳсулот турларининг миқдори ва сифати уларни озиқлантириш тадбирлари билан чамбарчас боғлиқдир.

**Бўғоз совлиқларни озиқлантиришда** уларга бериладиган ем-хашакнинг сифати ва тўйимлилиги серпуштлигини оширишга, семизлик ҳолатини сақлашга ва маҳсулдорлигининг камайиб кетмаслигига қаратилган бўлиши лозим.

Жун фолликулалари эмбрион 3 ойлигидаги вужудга кела бошлашини ҳисобга олган ҳолда бўғоз совлиқларга бериладиган рацион кучайтирилиши керак. Акс ҳолда, қўзилар нимжон, сийрак жунли ва майдага бўлиб туғилади.

Кўй эмбриони дастлабки бир ой ичида жуда сустривожланади ва атиги 0,8 г га тўғри келади. Орадан 90 кун ўтгач, у 90 г, 120 кунлигига 290 г, туғилиши арафасида 4700 г келади. Бинобарин, вазнининг тўртдан уч қисми бўғозлик даврининг сўнгги учинчи даврига тўғри келади. Шунинг учун совлиқлар бўғозлик даврининг иккинчи ярмига ўтиши билан ем-хашакка бўлган талаби бирмунча ортади. Ана шуни ҳисобга олган ҳолда уларнинг озиқ моддаларга бўлган талаби ва бўғозлик даври, вазни ва маҳсулотига кўра рацион меъёрлари белгиланади.

Агар яйлов ҳосилдорлиги юқори бўлса, қўйларга қўлдан қўшимча озиқ бериш талаб этилмайди, лекин бунда фақат минерал қўшимчалар бериш билан чекланилади. Қиши ойларида қўйлар кўлда боқилса, рационининг 20—25 фоизи пичан, 10 фоизи сомон, 30—50 фоизи сенаж ва силос, ҳамда 15—20 фоизи ем озиқлардан ташкил топган бўлиши керак. Лекин имконият борича бўғоз совлиқларга сенаж ва силосни камроқ беришни, улар ўрнига ем ва пичанни кўпайтириш маъқул кўрилади. Чунки у овқат ҳазм қилиш органларига баъзан салбий таъсир этиши мумкин.

**Эмизикли совлиқларни озиқлантиришда** уларнинг озиқ моддаларга бўлган талабини ҳисобга олиш керак. Чунки 1 кг сут ҳосил бўлиши учун рационда қўшимча 1 кг қуруқ модда бўлиши керак. Қўзилар эмадиган даврда жадал ўсади ва ривожланади. Бинобарин, совлиқларнинг сут маҳсулоти қанча кўп бўлса, қўзилар шунча жадал ўсиб семиради. Эмизикли совлиқларни озиқлантиришда уларнинг маҳсулот йўналиши, вазни, қўзиларининг сони ва физиологик ҳолатини ҳам ҳисобга олиш талаб этилади. Турли хил дагал ва серсув озиқлар билан бир қаторда суткасига 300—500 г дан ем бериш керак. Рационда пичан ўртача 30—40 фоиз, сенаж ва силос 20—25 фоиз атрофида бўлиши мумкин.

**Қўзиларни озиқлантиришда** уларнинг жинси, ёши ва маҳсулот йўналиши ҳисобга олинади. Масалан, икки ҳафталик қўзиларга ўртача 30—50 г дан, 4 ойликка етганда 250—400 г дан ем берилади. 2—3 ҳафталигидан улар серсув озиқ, илдизмева ва пичан ейишга ўргатилади. Бунда ем ёрма ҳолида берилади. Илдизмевалар тўяраб едирилади. Рационга қўшимча равища бўр, суяқ уни, ош тузи киритилиши лозим. Бунда ҳар 1 кг вазни ҳисобига 25—30 г дан минерал қўшимчалар бўлиши етарли ҳисобланади.

**Совлиқлардан ажратилган қўзилар** гурухларга бўлинниб яйловда ёки атрофи ўралган маҳсус қўраларда боқилади. Уларга қўшимча ем бериш маҳсулдорлигини ошириш имконини беради. Қўзилар кўпчилик хўжаликларда яйловда кеч кузгача боқилади. Лекин уларни кечаси музлаган ва кундузи зриган ўт билан боқиш ярамайди. Чунки бундай ўт ошқозон фаолиятини бузади ва қўзилар ичкетар касаллигига учрайди.

Қўзилар лагер шароитида қўтонларда боқилганда уларга суткасига 150—200 г ем, сифатли беда пичани, силос ва сенаж бериш керак. Шунингдек, уларни тоза илик сув билан сугориш керак бўлади.

**Қўйларни лагерда озиқлантириш.** Бунда қўйхоналар ёнидан кенг, атрофи ўралган, улар яшashi учун мослаштирилган маҳсус майдонлар ажратилади. Уларнинг ҳамма вақт очик ҳавода бўлиши соғлигига ижобий таъсир кўрсатади ва иштаҳа билан озиқланади. Майдон ичида 5 м узунлиқдаги кўчма охурлар бўлиши мақсаддага мувофиқдир. Лекин кучли қор ва ёмғир ёққанда қўйлар хоналарда озиқлантирилади. Бунда суткасига икки марта ем-ҳашак бериш етарли ҳисобланади. Сув ҳам суткасига икки марта берилади.

## Қўйларни гўштга боқиши

Одатда, қўйлар икки хил усулда — яйловда ва қўлда боқиласди.

**Қўйларни яйловда боқиши** энг арzonга тушадиган ва кенг тарқалган усул ҳисобланади. Бунда уларнинг вазни 25—40 фоизгача ортади, гўшт ва ёғининг сифати яхши бўлади. Ёшига кўра брак қилинган қоракўл қўйлар, насл олиш учун яроқсиз кўчкорлар ва асосан думбали эркак қўзилар гўштга боқиши учун ажратилади ва улардан ёши, жинси, физиологик ҳолатига қараб пода тузилади.

Агар брак қилинган қўйлар эрта баҳордан яйловда боқилса, улар яхши семиради ва қўлдан қўшимча ем-хашак беришга эҳтиёж қолмайди. Лекин гўштта боқиладиган даврда уларни кунига узоқ масофага ҳаракат қилдириш ярамайди. Чунки бу уларнинг семиришига салбий таъсир кўрсатади.

Қўйлар яйловда боқилганда уларга вақти-вақти билан ош тузи ва минерал қўшимчалар бериб туриш семиришини жадаллаштиради. Думбали қўйларнинг яйловда боқиши кўп миқдорда гўшт ва ёғ етиштириш имконини беради.

**Қўйларни қўлда боқиши** маҳсулот таннархининг бир оз қимматлашиб кетишига сабаб бўлиши билан бирга, қўйлар қисқа вақт ичидаги яхши семиради.

**Қўйларни бўрдоқига боқиши** яхши ташкил этилган илор хўжаликларда уларнинг суткалик семиришини 250—280 г га оширишга эришилмоқда ва қўплаб сифатли қўй гўшти етказиб бериш борасида кўпчиликка ибрат бўлмоқда.

**Жун қирқими** қўйчиликда энг масъулиятли давр ҳисобланади. Чунки жуннинг сифати ва миқдори маълум даражада уни қандай ташкил қилиб ўтказилишига боғлиқ.

Қўйларнинг жуни маҳсулот йўналишига қараб йилига бир ёки икки марта қирқиб олинади. Масалан, майин ва ярим майин жунли қўйларнинг жуни бир марта, дағал ва ярим дағал жунли қўйларнинг жуни икки марта қирқилади. Қўйлар жуни илгарилари асосан қўлда қирқиб олинар эди, ҳозирги вақтда машинада олинмоқда.

Ўзбекистонда қўйлар жуни баҳорда — апрель ойида, кузда — сентябрь ва октябрь ойларида қирқилади. Бунда об-ҳаво шароитини ҳисобга олиш керак бўлади.

## ЭЧКИЧИЛИК

Эчкичилик ҳам чорвачиликни сердаромад ва серпушт тармоғи ҳисобланади. Бу тармоқ, ҳалқ хўжалиги учун қимматли тивит, гўшт, тери ва сут маҳсулоти етишириб беради. Эчкилардан олинадиган тивит нозиклиги (диаметри 14—20 микрон), майинлиги, енгил ва пишиқлиги ҳамда чидамлилиги билан бошқа турдати тивитлардан устун туради. Бундай тивит асосан **ингор зот ва бошқа сержун** эчкилардан олинади. Улар тивитининг узунлиги 9—12 см, айрим ҳолларда 20—25 см га етади. Улардан қимматбаҳо рўмол, трикотаж кийимлар, гилам ва ҳоказолар тайёрланади. Эчки тери-сидан камар, ҳар хил галантерея анжомлари ва оёқ кийим тайёрланади. 1,5—3 ҳафталик эчки болаларининг мўйнасидан ҳар хил кийим-бош тикилади.

Эчки сути ҳам севиб истеъмол қилинади. Сути таркибида 87,2 фоиз сув ва 12,8 фоиз қуруқ моддалар бўлади. Жумладан, 2,8 фоиз казеин, 0,5 фоиз альбумин, 4,5 фоиз ёғ, 4,2 фоиз сут шакари ва 0,8 минерал моддалар бўлади. Сутиning солиштирма оғирлиги 1,033 га teng. Унинг таркибида фосфор ва кальций ҳам кўп бўлади. Эчки сути айниқса ёш болалар ва ошқозон касалига чалинган кишилар учун шифобахш ичимлик ҳисобланади.

Эчки гўшти сифатига кўра қўй гўштига яқин туради, тўйимлилиги бўйича унга teng келади. Гўштга боқилган эчкilar 20—28 кг гўшт ва 4—6 кг ёғ қиласи. Ахта қилинган такаларнинг гўшт чиқиши 50—55 фоизга боради. Эчки шоҳидан турли безакли буюмлар, туёғидан елим тайёрланади.

Сўнгти статистика маълумотларига кўра, ҳозирги вақтда ер юзида 380 млн. бош эчки боқилади. Шунда 54 фоизи Осиё мамлакатларида, 29 фоизи Африкада ва қолгани Европада, Америкада боқилади.

Эчкilarнинг сертивит зоти катта аҳамиятта эга. Бу зот асосан Волгоград, Оренбург, Ростов вилоятларида, шунингдек, Башқирдистонда, Бурятия, Қирғизистон, Қозогистонда, Воронеж, Пенза, Челябинск, Чита ҳамда Иркутск вилоятларида урчтилади.

**Маҳсулот йўналиши.** Эчкilar асосий маҳсулотига кўра: серсут, сержун, сертивит ва дағал жули қўш маҳсулдор бўлади.

**Серсут эчки зотлари** (горький, магрел ва рус зоти) собиқ Россия ва МДХда кенг тарқалган. Улар бир

лактация давомида ёғлилиги 3,5—4 фоиз бўлган 450—550 кг, айрим рекордчилари 1000 кг гача сут беради.

**Давал жунли сержун эчки** такасининг тирик вазни 55—60 кг атрофида бўлади ва 2—2,5 кг жун беради. Урғочиларининг вазни 35—45 кг ва жун миқдори 1—1,5 кг атрофида бўлади. Улар ташқи муҳит шароитига анча чидамли бўлади.

**Сержун ва сертивит эчкилар** кўплаб турли минтақаларда боқилади. Сержун эчкилар Тожикистон, Туркманистон, Қозогистон ва Ўзбекистоннинг Поп туманида боқилади (45-расм).



45-расм. Республикамизнинг Чуст туманида боқилаёттан ангор зот сержуи ва сертивит эчкилар.

Бу минтақада асосан ангор зот эчкилар боқилиб, уларнинг такалари 56 кг вазнга эга, йилига узунлиги 32 см келадиган 6 кг жун берса, урғочилари 32 кг вазнли, у шу узунликдаги жуни 3 кг келади.

**Сертивит эчкилар** кўпроқ Дон ҳавзаси ва Оренбург вилояти хўжаликларида боқилади. Ҳар бир эчки-

дан эрта баҳорда 400—600 г тивит тараб олинади. Сўнгти йилларда сертивит эчкilarни республикамиз шароитида кўпайтириш ва жайдари эчкilar билан қочириш ишлари олиб борилмоқда.

Эчкilarning серпуштлиги зотига кўра турлича бўлади. Умуман, ўртача ҳар 100 бош урючи эчкidan 145—150 та улоқ олинади.

Хозирги вактда эчkilar асосан меҳнаткашларнинг якка хўжаликларида, уларнинг шахсий эҳтиёжларини қондириш учун боқилади ва бу кўрсаттич қарийб 80 фоизни ташкил этади.

Республикамизнинг барча мингақа ва вилоятларида, айниқса тоғ, ҳамда тоғ яқинидаги хўжаликларда эчкичиликни ташкил этиш ва жадал усулда ривожлантириш катта ҳалқ хўжалик аҳамиятига эга.

Яқин йиллар ичida бундай муҳим тадбирларни амалга ошириш масалалари республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва бу соҳага оид масъул ташкилотлар ҳамда олимлар томонидан бажарилади деган умидни билдириш мумкин.

#### **Назорат ва саволлари:**

1. Кўйларнинг ҳалқ хўжалигида тутган ўрни ва аҳамияти тўғрисида тушунча беринг.
2. Кўйларнинг асосий биологик хусусиятлари тўғрисида сўзлаб беринг.
3. Кўйчиликдаги асосий йўналишлар тўғрисида сўзланг.
4. Қоракўл (мўйна) терининг сифат белгилари ва гул типлари тўғрисида нималарни биласиз.
5. Махсулот йўналишига кўра асосий қўй зотлари тўғрисида тушинча беринг.
6. Кўйларни қочириш усуллари тўғрисида сўзланг.
7. Кўйлар қандай боқилади?
- Уларни озиқлантириш тўғрисида сўзлаб беринг.
8. Кўйларни гўштта (бўрдоқига) боқиш тўғрисида сўзланг.
9. Эчкичилик тўғрисида нималарни биласиз?

#### **Лаборатория иши**

#### **Қўй жун толаларининг гистологик тузилиши билан танишиш**

**Асосий мақсад.** Барча турдаги қўй жун толаларининг гистологик тузилиши билан танишиш.

**Машгулотнинг мазмуни ва уни ўтказиш.** Машгулот ўтказиш учун 1—2 г қўй жуни намунаси қўйлардан қайчи ёрдамида қирқиб олинади. У бензинда ювиб тозаланади ва куритилади. Кузатиш ишларини олиб бориш учун микроскоп ва микроскопда кўришга мослаштирилган маҳсус предмет ва ёпувчи ойначалар, глицирин, қайчи, шиша таёқча, маҳсус игна ва чиззичлар тайёрланади.

**Топшириқ.** Маҳсус шиша ойначалар устига майдо қилиб

қайчида қирқилған жүн толалари устига 1—2 томчи глицирин томизиб ёпувчи ойнача билан беркитилади ва микроскопни созлаб кузатиш ишлари олиб борилади. Бунда тала-балар 1—2 тадан бўлиб барча турдаги (тивит, оралик, дағал, ўлик) жұнларни синчковлик билан назорат қиладилар ва уларни ўз дафтарларига чизиб оладилар. Жүн толаларини бир-бирларидан фарқий аломатлари, гистологик белгилари қисобга олинади.

### *Амалий машғулот*

#### **Қоракўл териларни сифатига кўра баҳолаш**

**Машғулотдан мақсад.** Қоракўл териларнинг сифат белгиларини ва барча хусусиятларини ўрганиш ва малака ҳосил қилиш.

**Машғулотнинг мазмуни ва уни ўтказиш.** Қоракўл тери деганда, шу зотта оид қўйлар қўзиси 1—2 кунлигидағи териси тушунилади. Унинг сифати асосан ранги, гулларининг шакли, ялтироқлиги, терисининг қалинлiği ва сатҳи билан белгиланади.

Хўжаликларда етиштириладиган териларнинг деярли 90 фоизи қора рангли бўлиб, уларни араби номи билан юритилади. Тимқора рангли терилар, қора-ола ёки қисман қўнғир рангли териларга нисбатан юқори баҳоланади. Қора-ола ва қўнғир рангли терилар завод шароитида қорага бўялади ва бир хил рангта эга бўлади.

**Жигарранг** терилар қамбар номи билан юритилади. Улар оч жигарранг ва тўқ жигарранг бўлиши мумкин.

**Кулранг** терилар ширози деб аталади. Улар оқ ва қора жұнлар аралашмасыдан иборат бўлади. Булар оч кулранг, ўртача кулранг ва тўқ кулранг бўлиши мумкин. Умуман, кулранг терилар ўртача 9 фоизни ташкил қиласади.

Қоракўл терилар орасида сур деб аталувчи терилар бирмунча юқори баҳоланади. Улардаги жүн толаларининг учки қисми (рангидан қатты назар) оч ва остки қисми тўқ рангда бўлади. Масалан, тўқ жигарранг терилар жүн қисмнинг учки бўлаги, оч тилларанг бўлганлиги учун тилларанг сур деб аталади. Кулранг бўлса, у кумушранг сур деб юритилади. Шунингдек, тутун рангли терилар ҳам учрайди. Улар оч жигарранг жұнлар билан оқ жұнлар аралашмасыдан вужудга келади.

**Тери юзасидаги гуллар** ҳам ҳар хил бўлади. Улар орасида қалами гулли навлар юқори баҳоланади. Уларнинг узунлiği 40 мм ва кўпроқ бўлиши мумкин. Агар улар 12 мм дан қисқа бўлса нўхат гулли ёки бўб деб юритилади. Шунингдек, ҳалқасимон, ярим ҳалқа, штоворсимон, ётиқ-ясси жұнли гуллар ҳам учрайди. Лекин, улар паст даражада баҳоланади.

Қоракўл терилар катта-кичикалигига кўра меъёр даражада

да, яъни  $700 \text{ см}^2$ , баъзан ундан йирик ва майдалари ҳам учраб туради. Умумий сатҳи  $350 \text{ см}^2$  дан кичик бўлган тери-лар брак ҳисобланади.

Айрим ҳолларда қўйлардан қоракўлча ва голяк деб аталувчи терилар ҳам олинади. Масалан, қоракўлча бўғозлик даври 4,5 ой ёки 135 кунлик бўлган совликлардан олинади. «Қоракўлча» дунё бозорида ниҳоят юқори даражада баҳоланади. «Голяк» деб аталувчи терилар бўғозлик даври 3—4 ойлик бўлган совликлардан олинади. Уларнинг жун қавати ниҳоят калта ва шаклсиз бўлади. Шунингдек, улар жуда паст даражада баҳоланади.

## IX БОБ. ПАРРАНДАЧИЛИК

**Паррандаларнинг ҳалқ, ҳўжалигидаги аҳамияти.** Паррандачилек чорвачиликнинг сердаромад, серпушт ва тез етилувчан тармоғи ҳисобланади. У ҳалқимизга кўплаб сифатли парҳез таом — тухум ва парранда гўшти етказиб беришда катта аҳамиятта эга. Айниқса, товук, ўрдак, ғоз ва куркачилек билан шугула-нувчи тармоқлари қишлоқ ҳўжалик паррандаларининг асосий ва етук соҳаси ҳисобланади. Улардан қисқа вақт ичида кўп миқдорда мазали гўшт олинади. Парранда гўшти тез ҳазм бўлиш хусусиятига кўра барча турдаги чорва моллари гўштидан устун туради. Таркиби ҳам ҳар хил кимёвий элементларга бой бўлади. Жумладан, 2 ойлик жўжа гўштида 20 фоизга яқин оқсили, 10—12 фоиз ёғ бўлади. Тухумда 13 фоиз оқсили. 11 фоиз ёғ, 1 фоиз минерал моддалар ва витаминалар комплекси кузатилади. Тўйимлилиги жиҳатидан 10 дона товук тухуми 0,8 кг мол гўштига тўғри келади. Тухум таркибida 85 фоизга яқин сув бўлиб, қолгани соғ оқсили, витамин ва ферментлардан иборат. Тухумнинг сарик моддасида 52 фоиз сув, 32 фоиз ёғ ва 16 фоизга яқин оқсили бўлади.

Илғор ҳўжаликларнинг тажрибасига кўра, ҳар бош товуқдан йилига 240—260 дона тухум олинади ёки 160 кг гўшт етиштирилади. Ўрдакларнинг ҳар биридан эса 200 кг гўшт етиштириш мумкинлиги аниқланган. Бундан ташқари, улардан енгил саноат учун пар ва пат етиштириб берилади, гўнгидан ўйтит сифатида фойдаланилади. Ҳар бир паррандадан ўртача 50 г пар ва пат олинади.

## **Паррандаларнинг биологик хусусиятлари ва маҳсулдорлик кўрсатгичлари**

Паррандачилик тез етиладиган, тез кўпаядиган ва семириш учун кам озиқ сарфланадиган чорвачилик тармоғи ҳисобланади. Масалан, товук жўжалари 5—6 ойлигидан бошлаб тухумга киради ва биринчи йилдаёқ 150—200 та тухум қиласди.

Гўшт учун боқиладиган товук жўжалари 55—60 кун ичидаги 1,5—1,8 кг семиради ва 1 кг семириш учун ўртача 2,6—2,8 кг озиқ бирлиги сарфланади. Ўрдакларнинг вазни 50 кунлигига 2 кг га етиб бир йилда ҳар бош ўрдакдан 100—150 донадан тухум олинади. Фозлар 65—75 кунлигига 4—5,5 кг келади ва ҳар 1 кг семириш учун 4—4,5 озиқ бирлиги сарфланади. Ҳар бир ғознинг йил давомида берган насли ҳисобига 70—75 кг ва куркалардан эса 200 кг гўшт етиштириш мумкин. Уларнинг жўжалари 6 ойлигига 5—6 кг келади. Айримлари эса 8—9 кг ва ундан кўпроқ тош босади.

Паррандаларнинг серпуштлиги уларнинг энг муҳим кўрсатгичларидан ҳисобланади. У яна бир қанча омилларга ҳам боғлиқ. Масалан, паррандаларнинг тури, зоти, ёши, боқиш усуслари, йилнинг фасли ва индивидуал хусусиятлари шулар жумласига киради (34-жадвал).

Паррандаларнинг тухум маҳсулдорлиги қиши ойларида сусайди ва баҳорда эса яна жадаллашади. Қиши вақтида олинган тухум миқдорини аниқлаш мақсадида 4 ой (ноябрдан феврал ойи давомида) мобайнида олинган тухумлар ҳисобланади.

Паррандаларнинг дастлабки тухум қилиш даврига-ча ўтган вақтни физиологик етилувчанилик даври деб юритилади.

34- жадвал

**Паррандаларнинг серпуштлигини ёшига қараб ўзгариши**

Парранда турлари	Еши, йил ҳисобида				
	1	2	3	4	5
Тухум йўналишида, ўртача, %	200	170	145	125	110
Товуклар: гўшт-тухум йўналишида, ўртача, %	100	85,0	72,5	62,5	55,0
Ўрдаклар: ўртача, %	190	140	110	90	65
Фозлар: ўртача, %	100	73,6	57,9	47,3	44,7
Куркалар: ўртача, %	110	120	90	80	60
	100	109	81,8	72,7	54,5
	40	50	65	60	30
	100	125	162	150	75
	80	85	75	60	30
	100	106,3	93,7	75,0	37,5

Бу давр турли паррандаларда турлича бўлади. Масалан, тухум йўналишида товуқларда 120—150 кун, гўшт-тухум йўналишидаги товуқларда 150—180 кун, куркаларда 220—320 кун, гўшт-тухум йўналишидаги ўрдакларда 200—260 кун, гўшт йўналишидаги ўрдакларда 280—330 кун ва ғозларда эса 250—330 кун давом этади.

Паррандаларнинг туллаш даврига қадар берган тухум миқдори тухум қилиш цикли деб аталади. Тухум қилиш циклини аниқлаш учун хўжаликларда маҳсус ҳисоб ишлари олиб борилади.

**Паррандаларда тухумларининг вазни уларнинг турига кўра ҳар хил бўлади.** Масалан, товуқ тухумлари 55—65 г, ўрдак ва куркаларники 80—100 г, ғозларники эса 110—180 г (айрим ҳолларда 200 г) келади.

Паррандалар вазни уларнинг индивидуал ва гурух қилиб тарозида тортиш йўли билан аниқланилади. Лекин тухум йўналишидаги жўжалар 150 кунлигига, гўшт йўналишидагилари эса асосий гурухга ўтказиш ёки гўшт учун сўйиш вақтида текширилади.

**Паррандаларнинг гўшт маҳсулдорлиги** уларнинг қўйидаги кўрсаттичлари асосида аниқланилади: танасининг шакл (формаси), сорти ва сифати, танасидаги гўшт ва суяк миқдори, уларнинг ўзаро нисбати, гўшт учун сўйилган вазни ва ана шу даврга қадар бўлган ўсиш тезлиги ва бошқалар.

Кўплаб сифатли парранда гўшти етиштиришда ихтиносслаптирилган паррандачилик фабрикалари ва комплекслари салмоқли ўрин эгаллайди. Бу борада **бройлер жўжа гўшти** етиштириш муҳим аҳамиятта эга. Брайлер деб 55—65 кунлигига қадар жадал усуlda боқиб вазни 1,5—1,8 кг га етган гўшт йўналишидаги ёки дурагай жўжаларга айтилади. Бунда уларнинг 1 кг семириши учун 2—2,5 кг омихта ем сарфланади. Брайлер етиштириш технологияси тўрисида кейинроқ тўхталиб ўтамиз.

## ПАРРАНДАЛАР КЛАССИФИКАЦИЯСИ

Паррандаларни маҳсулотига кўра классификациялаш қабул қилинган. Масалан, товуқларда асосий маҳсулот тухум ҳисобланади. Лекин товуқ, гўшти, айниқса брайлер, ўзининг мазаси, лаззатлиги ва парҳез таом бўлиш хусусиятига кўра катта аҳамиятга эга. Шунга кўра товуқларни гурухларга бўлишда уларнинг асосий

маҳсулоти ҳисобга олинади. Масалан, тухум йўналишидаги товуқларнинг вазни 1,8—2,2 кг, ҳам тухум, ҳам гўшт йўналишидагиларники 2,5—3,5 кг ва гўшт йўналишидагиларники 3,9 кг ва ундан кўпроқ келади.

### Парранда зотлари

**Тухум йўналишидаги товуқ зотлари.** Леггорн зоти. Бу тухум йўналишидаги серпушт товуқ зоти бўлиб, АҚШда яратилган ва дунё бўйича энг кўп тарқалган. Кўп мамлакатлар (Англия, Дания, Германия ва бошқалар) ўз леггорнларига эга. Бу зот Ўзбекистонда ҳам кўпайтирилади. Леггорнлар Россияга АҚШ ва Англиядан келтирилган. Унинг дастлабки партияси Краснодар наслчилик давлат хўжалигида, Пятигорск наслчилик хўжалигида, Симферополдаги «Красний» паррандачилик давлат хўжалигида ва Кучинский наслчилик хўжалигида кўпайтирилган, сўнгра бошқа республика ва зоналарга тарқалган.

Леггорн зотининг боши ўртача, бўйни узун, орқаси кенг, оёқлари узун, пат ва парлари қуюқ ва зич жойлашган. Бу дунё бўйича энг серпушт зот ҳисобланади (46-расм).



46-расм. Леггорн зот товуқларидан барча меҳнат жараёплари тўла механизациялаштирилган комплекс шароитида тухум етиштиришнинг умумий кўриниши.

Наслчиллик хўжаликларида селекция ишларини яхшилаш йўли билан бу зотта оид хўроздарнинг вазни 3,5 кг га, товуқларники 2,5 кг га етказилган. Лекин, кўплаб хўжаликларда бу кўрсаттич 0,7—1,0 кг атрофига камроқ бўлиши аниқланган. Тухум қилиши йилига 190—220 тага тўғри келади. Тухумларнинг оғирлиги 60—62 г.

Жўжалари 2,5 ойлигига 650—750 г келиб, 4—5 ойлигига тухум қила бошлиди. Ташқи муҳит шароитига мосланиш хусусияти яхши. Шу зот асосида Россияда юқори маҳсулдорликка эга бўлган **рус оқ товуғи** яратилган.

**Рус оқ товуқ зоти.** Бу зот 1929—1953 йилларда чатишириш ва селекция ишлари олиб бориш йўли билан яратилган. Бунда Англия, АҚШ ва Даниядан келтирилган леғторн хўроздари жайдари товуқлар билан чатиширилган. Ранги оқ, териси, тумшуги, сёқ ва бармоқлари сариқ (**47-расм**).



47-расм. Рус оқ зотига мансуб хўроз ва товуқ.

Улар экстеръерига кўра леғторн товуқларига ўхшашибўлади. Лекин вазни оғиррок, мускулатураси яхши ривожланган. Товуқлари ўртача 2,2 кг, айримлари 2,9—3,8 кг, хўроздари эса 2,8—3,9 кг келади. Тухум қилиши йилига 165—200 тага, рекордчи товуқлариники 320 тага тўғри келади. Тухумнинг ўртача оғирлиги 60—62 г, баъзан 75 г гача боради. Бу зот Россиянинг барча туманларида кенг тарқалган.

**Гўшт йўналишидаги товуқ зотлари.** Корниш зоти. Бу гўшт йўналишидаги асосий товуқ зоти ҳисобланади. У ўттан асрда Англиядаги уришқоқ товуқ зотларини чатиштириш йўли билан яратилган. Туси оқ, қора, қизил ва бирқанча ранглар аралашмасидан иборат. Хўroz ва товуқларида гўштдорлик белгилари яхши ифодаланган. Кўкраги кенг ва чуқур, оёқ мускуллари йўғон ва яхши ривожланган. Тумшуғи калта ва йўғон. Товуқлари 3—3,5 кг, хўrozлари 4—5 кг келади. Товуқлари йилига 110—150 та тухум қиласди. Тухуми 52—60 г келади.

**Плимутрок зоти.** Бу зот товуқ ўттан асрда АҚШда яратилган. Товуқларининг вазни 2,8—3,0 кг, хўrozлари 3,8—4 кг келади. Йилига 170—190 та тухум қиласди. Тухумининг оғирлиги 58—60 г атрофида.

Россияда асосан Голландиядан келтирилган «Гибро-47» ва «Гибро-57» кроссларидан фойдаланилади. Бу кросс бройлерлари 56 кунлигига 1500 г келади ва 1 кг семириши учун 2,4 кг озиқ сарфланади.

«Старбро-4» кросси эса Канададан олиб келинган. Унинг 56 кунлик бройлерлари 1430 г, айримлариники 1700—1800 г келади. Шунингдек, республикамизда Канада ва Япониядан келтирилган «Старбро-15», ва «Готто» кросс тизимларидан ҳам фойдаланиб келинмоқда.

**Тухум-гўшт йўналишидаги товуқ зотлари.** Москва зоти. Бу зот Москва вилоятида Орлов, леггорн ва Ньюгемпшир зотларини бир-бири билан чатиштириш ва дурагайлаш йўли билан яратилган. Гўшт-тухум йўналишидаги товуқлар зотига мансуб. Ранги қора, лекин бўйин қисмида сариқ-қизил парлари қуюқ жойлашган. Хўrozлари 3,5 кг, товуқлари 3 кг келади. Тухум қилиши йилига 170—200 та, ҳар бир тухуми ўртacha 62 га келади. Бу зот асосан Москва вилоятлари хўжаликларида кенг тарқалган.

**Загорск зоти.** Бу зот Москва вилоятининг Загорск шаҳрида паррандачилик илмий-текшириш институтининг тажриба хўжалигида яратилган. Бунда асосан род-айланд, нью-гемпшир, Орлов, рус оқ товуқ зотлари қатнашган. Ранги оқ, лекин патлари пушти ранглари ҳам учраб туради. Хўrozларининг вазни 3,6 кг, товуқлари эса 3 кг келади. Тухум қилиши йилига 165—175 дона. Тухумининг оғирлиги 64 г. Бу зот асосан Москва, Тамбов вилоятларида ва Краснодар ўлка-сидаги хўжаликларда кенг тарқалган.

**Род-айланд.** Бу зот товуқларнинг ватани

АҚШ ҳисобланади. Россияга 1920 йили АҚШ, Дания ва Англиядан келтирилган. Маҳаллий род-айланд зот товуқларни яратишида шанҳай ва бошқа хўроздардан фойдаланилган. Гўшт-тухум йўналишидаги зот ҳисобланади. Ранги қизил, думи қора, баъзан яшил, ялтироқ патлари ҳам учрайди. Хўроздарининг вазни 3,8 кг, товуқлариники 3 кг. Тухум қилиши йилига 150—180 дона. Ҳар бир тухуми 60—65 г келади.

Н ъ ю - г е м п ш и р з о т и . Бу зот товуқлар род-айланд зоти билан узоқ йиллар мобайнида селекция ва наслчилик ишлари олиб бориш йўли билан АҚШда яратилган. Гўшт-тухум йўналишидаги зотлардан бири. Ранги род-айланднига ўхшаш, лекин бир оз очроқ. Хўроздарининг вазни 4—4,5 кг, товуқлариники 3—3,5 кг келади. Тухум қилиши йилига 170—190 дона, ҳар бири 50—55 г келади.

**Ўрдак зотлари.** Ўрдаклар кряква деб аталувчи ёввойи вакилларидан келиб чиқсан. Уларни хонаки-лаштиришда олиб борилган танлаш ва саралаш ишлари эрамизнинг бошларига тўтири келади. Ҳозирги вақтда ўрдакнинг кўплаб сермаҳсул зотлари яратилган. Улар ўзларининг айрим хусусият ва маҳсулот кўрсаткичларига кўра бир-бирларидан фарқ қиласди.

Ўрдаклар асосан гўшти учун бокилади, улардан олинадиган тухум унчалик аҳамиятга эга эмас. Ўрдаклар тез етилувчан паррандалардан ҳисобланади, бокиш даврининг охирига бориб 2 кг ва ундан кўпроқ тош босади. Йилига ўртача 100 дан 200 тагача тухум қиласди. Инкубаторда етиштирилган жўжаларни ҳисобга олганда битта урғочи ўрдак насли ҳисобига йилига ўртача 75 кг гўшт олинади.

Ўрдаклар зотига кўра турли вазнда бўлади ва учхил (гўшт, тухум, ва гўшт-тухум) йўналишида кўпайтирилади. Ўрдакларнинг қуйидаги зотлари энг кўп тарқалган.

**Пекин зоти.** Бу зот Хитойда маҳаллий ўрдакларни оқ рангли, йирик вазнили ўрдаклар билан чатиштириш йўли билан яратилган. Уларнинг боши чўзиқ, тумшуги пушти ёки сариқ рангда, бўйнининг узунлиги ўртача, елкаси калта, кўкраги кенг ва чукур, гавдаси йирик, ранги оқ бўлади.

Россиянинг кўплаб вилоят хўжаликларида кўпайтирилаётган Пекин зот ўрдакларда эркакларининг вазни 3,5—4 кг, урғочилариники 3,0—3,5 кг келади. Тухум қилиши йилига 90—120 дона. Ҳар бир тухуми 90 г

келади. Бу зот Россиянинг Москва, Санкт-Петербург, Пенза ва Тамбов вилоятлари хўжаликларида кўплаб боқилади.

Ҳаки-кемпбел зоти. Бу зот Англияда бир неча ўрдак зотларини ўзаро чатиштириш йўли билан яратилган. Ўрдаклари тез етилувчан, гўшти юқори сифатли, юмшоқ ва серсув. Эркакларининг вазни 2,8 кг, урочилариники 2,5 кг келади. Тухум қилиши йилига 150—200 дона. Ҳар бир тухуми ўртача 75 г. Бу зот асосан Россиянинг кўплаб паррандачилик ва давлат хўжаликларида кўпайтирилади.

Оқ Москва зоти. Бу зот Москва вилоятидаги «Птичное» наслчилик хўжалигида яратилган. Бунда пекин ва ҳаки-кемпбел зотларидан фойдаланилган.

Бу зот ташқи кўриниши билан пекин ўрдакларига анча ўхшаш бўлади. Гўшти лаззатли ва сифатли. Эркакларининг вазни 3,5 кг, урочилариники 3 кг келади. Тухум қилиши йилига ўртача 100—110 дона. Ҳар бир тухумининг оғирлиги 100 г. Бу зот Россиянинг барча вилоятларида, шу жумладан, республикамизнинг бир қанча хўжаликларида боқилади.

Украина зоти. Бу зот Украинадаги паррандачилик тажриба хўжалигида қора рангли, оқ кўкракли маҳаллий ўрдакларни пекин ва ҳаки-кемпбел зоти билан чатиштириш йўли орқали яратилган. Эркакларининг вазни 3,7 кг, урочилариники 3,3 кг келади. Тухум қилиши йилига 90 дона. Ҳар бир тухумининг оғирлиги 90 г атрофида. Бу зот ўрдакнинг кул ранг тури маҳаллий ўрдакларни танлаш ва саралаш йўли билан яратилган. Эркакларининг вазни 3—3,5 кг, урочилариники 2,8—3,0 кг келади. Тухум қилиши йилига 110 дона, вазни эса 90 г атрофида. Бу зот асосан Украина вилоятлари хўжаликларида кенг тарқалган.

*Роз зотлари.* Дунёдаги барча мамлакатларда, шунингдек, Россия вилоятларида кўпайтирилаётган розларнинг ёввойи аждоди кул ранг розлардан тарқалган. Розлар бошқа тур паррандалардан ўзларининг ўтхўрликлари билан фарқ қиласи.

Розларнинг асосий маҳсулоти гўшт ва ёғи ҳисобланади. Тухуми кам бўлгани учун уни озиқ сифатида истеъмол қилинмайди, жўжа очиришда ишплатилади. Лекин роз тухуми йирик бўлиб, оғирлиги ўртача 150—200 г келади.

Розлар зоти ва зотдорлик ҳусусиятларига кўра катта, кичик ва ўртача вазни роз зотларига бўлинади.

Бунда ғоз танасининг вазни, гўштдорлиги ва ёғ миқдори ҳамда уларнинг бир-бираига нисбати асос қилиб олинади. Қуида Россияда ва Ўзбекистон хўжаликлирида тарқалган ҳамда хўжалик жиҳатидан катта аҳамиятта эга бўлган ғоз зотларининг асосий кўрсатгичлари келтирилади.

Холмагор зоти. Бу зот Марказий қоратупроқ зонасида оқ рангли маҳаллий ғозларни хитой зоти билан чатиштириб яратилган. Дурагайларда холмагор маҳаллий ғозларга хос бўлган узун бўйин ва тумшугининг устки қисмида ўсимта сақланиб қолган. Бу зотнинг вакиллари йирик, оёқдари калта, лекин кучли, боши катта, кўкраги кенг ва чуқур бўлади. Қорин қисмда бурушмалари бўлиб, семирганда унда ёғ тўпланади. Ранги оқ ва кула ранг. Бу зотнинг энг йирик вакиллари 7,5—8 кг, айримлари 10—12 кг, урочилари эса 5—6 кг келади. Тухум қилиши йилига 20—30 дона. Айрим вақтларда 40 та ва ундан ҳам кўпроқ тухум бериши аниқланган. Тухуми ўртача 150—200 г келади. Бу зот асосан Курск, Воронеж, Санкт-Петербург, Саратов ва Харьков вилоятлари хўжаликларида кенг тарқалган.

Холмагор зот ғозларнинг асосий маҳсулоти гўшт ва ёғи ҳисобланади. Лекин тухум маҳсулдорлиги кам бўлганлиги туфайли ҳар тухуми қарийб 200 грамм келади (48-расм).



48-расм. Гўшт етиштириш мақсадида боқилаётган ғозлардан холмагор зоти.

**Тула зоти.** Бу юз энг қадимий зотлардан ҳисобланиб, Россиянинг Европа зонасида кўпайтирилади. Туси асосан кул ранг, шунингдек, кул ранг ва жигар ранг аралашмасига эга, баъзан ер рангида учрайди. Эркакларининг вазни 6 кг, урочилариники 5—5,5 кг келади. Тухум қилиши йилига 10—12 дона. Асосан, Тула ва Калуга вилоятларида учрайди.

**Калуга зоти.** Бу зот ғозлар тула зотига ўхшаш бўлади. Ранги оқ ва кул ранг. Оқ пат ва парлари кўпроқ қорин, кўкрак ва қанот учларига жойлашган. Эркакларининг вазни 7—7,5 кг, урочилариники 5,5—6,0 кг келади. Йилига 10—15 дона тухум беради. Ҳар қайси тухуми 170—200 г атрофида. Асосан Калуга вилояти хўжаликларида кўпайтирилади.

**Тамбов зоти.** Бу зот Тамбов вилоятидаги «Арженка» паррандачилик давлат хўжалигида тулуз ва ромен зот ғозларининг ўзаро чатиштириш йўли билан яратилган. Ранги кул ранг. Эркакларининг вазни 8 кг, урочилари 7 кг келади. Тухум қилиши йилига 50 дона. Ҳар қайси тухуми ўртача 175 г келади. Асосан Тамбов вилояти хўжаликларида кенг таркалган.

**Тулуз зоти.** Франциянинг Тулуз шаҳрида маҳаллий ғозларни танлаш, саралаш ва парвариш қилиш орқали яратилган. Туси тўқ кул ранг, баъзан танасида айрим дөглар бўлади. Тумшуғи оч пушти рангда, оёқлари қизил-пушти бўлади. Эркакларининг вазни 7,5—8 кг, урочилариники 7,0—7,5 кг келади. Тухум қилиши йилига 30—50 тага боради. Тухумининг ўртача вазни 170—200 г. Бу зот асосан Украинанинг Харьков вилояти хўжаликларида учрайди.

**Курка зотлари.** Куркалар фақат гўшт йўналишидаги парранда ҳисобланади. Эркакларининг вазни ўртacha 16 кг, урочилариники 9 кг келади. Курка тухуми эса 90 г ва ундан кўпроқ бўлади. Инкубаторда очириладиган жўжаларни ҳисобга олганда йилига бир бош урочи куркадан (унинг жўжалари ҳисобига) 60—70 кг гўшт олинади. Уларнинг гўшти ёғли, лаззатли, майнин, ранги оқ бўлади. Куркалар зот хусусиятларига кўра тури хил вазнга эгадирлар.

Сўнгти чорак аср мобайнида Россия вилоятларида куркаларнинг юқори сифатли, сермаҳсул зотлари яратилди. Ҳозирги вақтда энг кўп тарқалган курка зотлари бронза рангли Шимолий Кавказ зоти, Москва кул ранг зоти, Москва оқ курка зоти, Краснодар зоти ҳисобланади.

Бронза рангли Шимолий Кавказ зоти. Бу зот курка Американинг ёввойи куркаларини қора рангли Англия куркалари билан чатиштириш натижасида олинган. Улар йирик вазнли бўлиб, эркаклари 16 кг, урочилари 9 кг келади. Тухум қилиши йилига 60 дона атрофида. Тухуми ўртача 80 г келади. Зотли куркалар етиштирадиган Георгиевск давлат наслучлилик станцияси фермаларида ҳар бир куркадан 67—70 тадан тухум етиштирилмоқда (49-расм).



49-расм. Бронза рангли Шимолий Кавказ зот куркалар.

Москва кул ранг зоти. Бу зот Москва вилоятидаги «Берёзка» давлат хўжалигида бронза рангли зотни маҳаллий куркалар билан чатиштириш натижасида яратилган. Эркаклари 13—15 кг, урочилари 7—8 кг келади. Тухум қилиши йилига 86—88 дона атрофида. Бу зот кўпроқ Москва вилояти хўжаликлирида кўпайтирилмоқда.

Москва оқ курка зоти. Бу зот ҳам Москва вилоятидаги «Берёзка» давлат хўжалигида — оқ рангли маҳаллий куркалар, голландия оқ рангли ва белтовил зотларини бир-бири билан ўзаро чатиштириш йўли билан яратилган. Эркаклари 12—14 кг, урочилари 6—8 кг келади. Тухум қилиши йилига ўртача 104 дона. Бу зот асосан Москва, Сибир, Украина ва Россия вилоятларида кенг тарқалган.

## Инкубация

Хозирги вақтда инкубаторда жұжа очириш барча паррандачилик фабрикаларида ва комплексларида, үй-рик давлат ва жамоа хұжаликларида яхши ийлігін атап көрді. Шунингдек, хұжаликлараро ва туманлараро инкубация станциялари ҳам ишлаб турибди.

Инкубаторда жұжа очиришнинг афзаллиги шундай, бунда ийл давомида, күплаб юқори сифатлы соғылмалар жүжалар очириш имкониятига зәғірелген. Инкубатордаги барча шароит — ҳарорат, намлық, ҳавонинг қаралатын мөртвасының мөртвасынан ажыратылған түрлі табиий қолдагидек махсус аппарат ердамида баражирады.

Инкубацияның самараадорлығы бир қанча омиллар билан белгиланади. Масалан, инкубация режими, жұжа очириш учун қўйилған тухумларнинг сифати ва биологик жиҳатдан талабларга жавоб беріши, яъни тухумларнинг уругланған бўлиши ҳамда тухум таркибида муртакнинг тараққиёти учун озиқ моддаларнинг етарли миқдорда бўлиши муҳим аҳамиятта зәғірелген.

Инкубация жараёни уч даврни ўз ичига олади. **Биринчи даврда** тухумда муртак шакллана бошлайди, яъни унинг нерв, овқат ҳазм қилиш, жинсий, қон айланыш каби органлар тизими вужудга келади. Бу даврда тухум таркибида сувнинг етарли бўлиши ва ҳароратни юқори тутиш муҳим омиллардан ҳисобланади. **Иккинчи даврда** муртак жадал ўсади ва ривожланиши жараёни бошланади. Шунга кўра модда алмашув жараёни кучаяди, озиқ моддаларга бўлган эҳтиёж ортади ва ортиқча сув оқсилининг пўстлоқ қаватидан чиқарип юборилади. Учинчи даврда муртак тўла етилған бўлиб, тухумнинг ёриб чиқиш учун тайёр бўлади. Бунда ортиқча иссиқлик талаб этилмайди.

Хозирги вақтда ҳажми жиҳатидан турлича бўлган ва бир вақтнинг ўзида 39 минг жұжа очиришга мўлжалланган «Рекорд-39» маркали ва 15—45—65 минг тухумдан жұжа очиришга мослаштирилган «Универсал» инкубатор аппаратларидан фойдаланилмоқда. Бунда жұжалар паррандаларнинг биологик ва наслдорлик хусусиятларига қараб турли муддатларда очиб чиқадилар (35-жадвал).

**Парранда тухумларидан мөнбеттүүлгүүштүүлүк шароитта жүйже очириш  
учун сарфланган ваңт**

Асосий дәврлар	Товук жүжаларида	Үрдак ва курка жүжаларида	Фоз жүжаларида
Тухумнинг ёрилабоплаши	19-куни	25-куни, соат 8 да	27-куни соат 2 да
Тухумдан жүжанинг чиқабоплаши	20-куннинг охири	26-куни	29-куни
Тухумдан жүжанинг ёппасига чиқиши	21-куннинг биринчи ярми	27-куни 27-куннинг охири ва 28-куннинг бошида	30-куни 30-куннинг охири, 31-куннинг боши
Тухумдан жүйже чиқишининг туталманиши	21-куннинг охири		

Инкубаторга қўйиладиган тухумлар навларга ажратилиди. Бунда эски, майда, нотекис, ифлос, дарз кетган, ювилган ва сариқлиги 2 та бўлган тухумлар жўйже очириш учун ярамайди.

Инкубаторга қўйиладиган тухумлар кўпи билан 6 кунлик бўлиши, намлиги 75—80 фоиз ва ҳарорати 8—12°C бўлган жойда сақланиши лозим. Инкубаторга тухумлар бир текисда уч қисмини остига қилиб вертикал ҳолда жойлаштирилади.

Инкубаторга қўйилган тухумлардан мумкин қадар кўпроқ ва соғлом жўйже очириш мақсадида биологик назорат олиб борилади. Бунинг учун инкубация жараёнида тухумларнинг баъзи бири текшириб кўрилади. Электр нури ёрдамида бу жараён кузатиб борилади ва уларнинг баъзи бирлари олиб текширилади. Шунингдек, муртаклар устида патологик ва, анатомик кузатишлар олиб борилади. Муртакларнинг тараққиёт даражаси аниқланади ва, керак бўлса, талаб этилган шароит яратиб берилади.

### **Парранда боқиши**

Паррандаларнинг овқат ҳазм қилиш органлари тизими ўзининг тузилиши ва вазифасига кўра бошқа ҳайвонларницидан фарқ қиласи. Паррандаларда тумшуги билан қамраб олинган озиқ тил ёрдамида ичкарига сурилиб ҳалқумига, ундан қизилўнгачга ўтади. Қизилўнгачнинг пастки қисми кенгайган ҳолда жирилдонга айланган. У ерда озиқ юмшайди ва ошқозонга ўтади. Ошқозон безли ва мускулли бўлимдан ташкил топган.

Безли бўлимининг деворларида кўп микдорда безлар жойлашган бўлади. Улардан ажralиб чиқсан ҳазм шираси таъсирида ошқозондаги озиқ янада юмшайди ва бўртади. Озиқ безли ошқозондан мускулли ошқозонга ўтади. Безли ошқозондан мускулли ошқозонга ҳазм шираси ўта бошлайди. Мускулли ошқозон деворларидан маҳсус модда ишланиб чиқарилиб, у ошқозоннинг ички деворларида пишиқ пўст ҳосил қиласди. Бу пўст озиқнинг майдаланишига ёрдам беради.

Паррандаларга майда тошлар ҳам бериб турилади. Бу мускулли деворлар қисқарганда ошқозоннинг яхши ишланишига ёрдамлашади. Шундан кейин майдаланган озиқ ингичка ичакка тушади. Ичакнинг бошлангич қисмига жигар ва ошқозон ости безининг йўли келиб қўшилган бўлади. Озиқ моддалари бошқа тур ҳайвонлардаги каби ингичка ичакда ҳазмланади.

Паррандалар асосан **озиқ рациони** асосида боқилали. Рацион тузганда уларнинг ёши, вазни, маҳсулоти ва физиологик ҳолати ҳисобга олинади. Паррандалар асосан дон, омихта ем ва ҳайвонот чиқиндиларидан олинадиган озиқ билан боқилади. Бу озиқлар рациондаги умумий озиқнинг 70—80 фоизини ташкил қиласди.

Паррандалар ёшига, вазни ва маҳсулот йўналишига ҳамда боқиши технологиясига кўра қуруқ дон ва ем билан боқилганда озиқлантириш жараёнларини механизациялаштириш анча қулай бўлади (50-расм).



50-расм. Товуқларни маҳсус тўшамалар солинган хоналарда боқиши.

Паррандалар озиқ рационини суткалик ва индивидуал ҳолда тузиш анча мураккаб бўлганилигидан уни гурух ҳолида тузиш қўлланилади. Чунки, суткалик рацион тузишда биологик қўшимчаларни ҳисоблашга кўп вақт кетади, индивидуал рацион тузишда ҳар бир парранданинг ёши, физиологик ҳолатини ҳисобга олган ҳолда тез-тез унга ўзгаришлар киритиш талаб қилинади, автоматик охурлардан ва озиқ тарқатувчи ускуналардан фойдаланиб бўлмайди. Шунга кўра рацион 100 г озиқ меъёри асосида тузилса, юқорида келтирилган камчиликлар бартараф қилинади. Бунда озиқларнинг тўйимлилиги уларнинг кимёвий таркибиага кўра комплекс ҳолда баҳоланади ва паррандаларнинг озиқ миқдорига бўлган суткалик эҳтиёжи осон аниқланади. Бундан ташқари, озиқ тайёрлаш ва уни механизация ёрдамида тарқатиш имкони вужудга келади.

100 г озиқ асосида рацион тузишнинг яна бир муҳим томони шундаки, бунда паррандалар томонидан истеъмол қилинадиган озиқ аралашмасининг сифатини ва тўйимлилигини назорат қилиб бориш қулайлашади.

Илор хўжаликларда паррандалар учун рацион тузишда 100 г дон аралашмасида 110—112 г озиқ бирлиги ва 8—9 г ҳазмланадиган протеин бўлиши назарда тутилади. Шунингдек, унинг таркибида етарли миқдорда минерал элементлар, витаминлар бўлиши талаб этилади (36-жадвал).

### 36-жадвал

#### Паррандаларнинг турига қараб рациондаги озиқ турларининг нисбати, фоиз ҳисобида

Озиқ турлари	Товук	Ўрдак	Фоз	Курка
Бутун дон	35	25	20	25
Ёрма дон	35	35	25	25
Қон — сүйк уни	7	1	4	7
Кўкат озиқ	20	30	48	40
Минерал озиқ	3	3	3	3

Товуқлар суткасига 4—5 марта озиқлантирилади. Лекин тухум йўналишидаги товуқларга 5—6 марта озиқ берилади. Бунда эрталаб қисман дон ва омихта ем берилса, кейин кўкат озиқ ва ундан кейин эса намланган аралаш озиқлар берилади. Озиқ қолдиқлари тозалаб олинади. Хоналарда полдан унча баланд бўлмаган охурларда сифатли личан, илдиз-мева, маҳсус охур-

ларда эса бўр, ўтин кўмири, моллюскаларнинг майдаланган чиғаноқлари ва тоза сув ҳам берилиши лозим.

Ўрдаклар учун рацион тузиш уларнинг хусусиятига кўра рационга кўпроқ силос, кўкат ўт, илдизмева ва беда уни сингари озиқларни киритиш лозим. Лекин тухум қилиш даврида бундай озиқлар таркибида ҳазмланувчи протеин кўпроқ бўлган озиқ турлари билан алмаштирилади.

Ўрдаклар қунига 2—3 марта озиқлантирилади. Бунда уларга кундузи намланган омикта озиқ берилса, иккинчи марта ундирилган дон майсалари берилади. Махсус охурларда майдаланган моллюска чиғаноги, тоза сув ҳам бўлиши керак. Агар ўрдаклар турли хил озиқларга бой бўлган кўлмак сувларда яйратиб боқилса, уларнинг рационини 30—40% га камайтириш мумкин.

Фозлар бошқа тур паррандалрга қарагандা яйлов ўсимликларидан кўпроқ фойдаланади. Шунга кўра уларнинг рационида силос, илдизмевалар бўлиши фойдали. Агар юзлар яқин ва серҳосил яйловларда боқилса, уларнинг рационида кўкат озиқлари бўлмаслиги ҳам мумкин.

Фозларнинг тухум қилишига икки ой қолганда уларга кўпроқ дон, намланган озиқ, майдаланган чиғаноқ ва минерал моддалар берилади.

Куркалар ҳудди товуқлар сингари боқилади.

### Жўжаларни боқиш ва парваришлаш

Паррандачиллик хўжаликларини ихтисослаш дарајасига қараб жўжаларни полда ёки катакларда боқиш ва парвариш қилиш усуслари қўлланилади. Бунда паррандалар полда боқиладиган бўлса, унга майдаланган хашиб ёки похол тўшалади. Дастрлаб тўшама 5—7 см қалинликда солинса, кейин уни 25—30 см гача етказилиди. Шунингдек, айрим ҳолларда бу мақсадда сим тўрдан ясалган поллардан фойдаланса ҳам бўлади.

Хозирги вақтда жўжаларни катакларда боқиш усули кенг қўлланилмоқда. Бундай хоналарга 4—5 мартадан ҳам кўпроқ жўжаларни жойлаш мумкин бўлади. Жўжалар учун хоналар тоза, ёруғ ва етарли даражада кенг, илиқ бўлиши лозим. Айниқса, ҳаво салқин ва совуқ бўлса хонанинг ҳарорати паррандаларнинг ёшига қараб ўзгартирилиб турилиши талаб этилади (37-жагвал).

Жўжалар боқиладиган хоналарда ҳавонинг ўртacha намлиги 65—70 фоиз атрофида бўлиши керак. Жўжа-

ларни катакларда боқиши ва парваришилашыда уларнинг ориқ ва нимжонлари юқори қаватларга, бақувват ва сорғомлари остики қаватларга жойлаштирилиши лозим (51-расм).



51-расм. Инкубациядан чиққан бир кунлик жўжаларни турӯҳ ҳолда боқиши.

37-жадвал

#### Жўжаларнинг ёшига қараб ҳаво ҳароратининг ўзгариш меъёrlари

Товуқ ва курка жўжалари учун		Үрдак ва гоз жўжалари учун	
ёши, кун	ҳаво ҳарорати, °C	ёши, кун	ҳаво ҳарорати, °C
1—5	30—28	1—5	30—28
6—20	28—24	6—16	27—25
21—40	24—18	16—20	26—22
41—60	18—15	21—30	22—18

Товуқ жўжалари бир ойлик бўлганида эркаклари урточилиридан ажратилиб алоҳида хоналарда боқилади. Бунда насл учун қолдириладиган жўжаларни 40—60 кунлигига қадар маҳсус хоналарда сақлаш тавсия этилади. Гўшт учун ажратилганлари эса ўз ката克拉рида қолдирилади.

Үрдак ва гоз жўжалари 15—20 кунлигига қадар катакларда, сўнгра лагерь шароитида боқилади. Имкони бўлса бунинг учун кўлмак ёки секин оқадиган сувлардан фойдаланиш яхши натижа беради. Айниқса,

турли хил ҳашарот, итбалиқ, майда балиқлар ва сув ўтлари кўп бўлган кўлмак сувлар жуда фойдалидир.

**Бройлер жўжалар парвариши.** Бройлер инглизча сўз бўлиб, қовурма жўжа деган маънони билдиради. Бройлер жўжаларини меҳнат жараёнлари тўла механизациялаштирилган йирик хоналарда боқиш меҳнат самарадорлигини ошириш имконини беради. Бунда улар 55—60 кунлигига қадар боқиласди. Ана шу даврда уларнинг вазни 1,5—1,8 кг га етиб, ҳар бир кг семириши учун 2,6—2,8 кг озиқ бирлиги сарфланади (52-расм). Ҳозирги вақтда 5 мингдан 20 минг бош жўжага мўлжалланган маҳсус «Бройлер-10» ва «Бройлер-20» маркали қурилма комплектлари ишлаб чиқарилмоқда. Комплект қуруқ озиқ сақлашга мўлжалланган бункер, 4 ва 6 тизим (линия) учун мослаштирилган ҳаракатчан вакуумли озиқ тарқаттич, 4,5 ҳажмали суворгичлар ва барча жараёнларни бошқариб туриш учун пульт билан жиҳозланган. Комплектта жўжаларни қўйишдан олдин хоналар яхшилаб тозаланади, дезинфекция қилинади, сўндирилган оҳак сепилади ва 5—7 см қалинликда тўшама тўшалади.



52-расм. Гўшт учун боқилаёттан бройлер жўжаларнинг осма охурлардан озиқданиш жараёни.

Ҳар 12 та жўжа учун  $1\text{ m}^2$  жой ажратилиб, ҳар 500 жўжа учун битта электр иситтич ўрнатилади. Жўжалар 20 кунлик бўлгунча деразадан тушадиган ёргулик

кифоя қиласи ва 40 кунлигигача ёруғлик миқдори суткасига 16—18 соатгача камайтирилади. Бройлерларни деразаси бўлмаган хоналарда боқиш яхши натижа беради. Бунда сутка давомида оз миқдорда сунъий ёруғлик берилади. Агар ёруғлик қизил рангда бўлиб фақат охурларнинг устига ўрнатилган бўлса, жўжаларнинг семириши яхши бўлади (53-расм).



53-расм. Бройлер жўжаларни 8—9 ҳафта боқиб кўп миқдорда парҳез гўшт етиштириб берувчи курилма.

Бройлерлар семириши билан маҳсус темир катакларда кушхоналарга жўнатилади. Бу тадбир қисқа муддат ичидаги бажарилиш лозим, акс ҳолда, катакларда туриб қолган жўжаларнинг вазни соатига 0,34 фоиз камайиб боради. Шунинг учун бройлерларни ташишда транспорт ва барча воситалардан унумли фойдаланиш муҳим аҳамиятта эга.

#### **Назорат саволлари:**

1. Паррандаларнинг халқ хўжалик аҳамияти тўғрисида сўзланг.
2. Паррандаларнинг биологик хусусиятлари ва маҳсулдорлиги тўғрисида нималарни биласиз?
3. Товуқ зотлари мисолида асосий йўналишларга тушунча беринг.
4. Ўрдак зотлари тўғрисида сўзланг.
5. Фоз ва курка зотлари тўғрисида ўз тушунчаларингизни айтиб беринг.
6. Инкубация ва унинг аҳамияти тўғрисида нималарни биласиз?
7. Паррандаларни боқиш тўғрисида тушунча беринг.
8. Жўжаларни боқиш ва парваришлаш ишлари қандай олиб борилади?
9. Бройлер жўжаларни парваришлаш тўғрисида сўзланг.

## Амалий машгулом

### Тухумларнинг инкубацион сифатини аниқлаш ва инкубациялаш тартиби

**Машгулотдан мақсад.** Инкубация учун яроқли тухумларнинг сифати, морфологик тузилиши ва иш тартиби билан танишиши.

**Дарснинг мазмуни ва уни ўтказиш.** Инкубациянинг са-марадорлиги қўйидаги кўрсатгичлар билан белгиланади:

1. Насл олиш учун белгиланган товуқ ва хўроз галаларини тўғри боқиш ва парваришилаш.

2. Инкубаторга қўйишга қадар тухумларни сақлаш муддати.

3. Тухумларнинг саломги, шакл-формаси ва пўстложи-нинг сифати (қалинлиги, текислиги, тозалиги, шикастланма-ганлиги ва ҳоказо).

4. Тухумларнинг биокимёвий ва биофизик ҳусусиятлари.

Инкубаторга қўйиладиган тухумлар кўши билан 5 кунликда ошмаслиги керак. Тухумларни янги ёки эскириб қолганлиги асосан унинг ҳаво камерасининг катта-кичиклигига қараб белгиланади. Масалан, янги олинган тухумда ҳаво камераси сезиалмаслик даражада (2 мм атрофида) бўлса, 10 кунлик тухумда у 3—5 мм ва 20 кунли тухумда 7—8 мм, ҳамда 20 кундан оштан тухумда 13 мм ва ундан кўпроқ бўлади.

**Тухумнинг шакл-формаси** — унинг катта ва кичик диаметри нисбати билан белгиланади. Унинг шакл-формасини индекси ўртача 1,32—1,40 бўлиши меъёр ҳисобланади. Йирик тухумларнинг индекси 1 га teng бўлади (38-жадвал).<sup>\*</sup>

38-жадвал

#### Инкубаторга қўйиладиган товуқ тукумига бўлган талаблар

Кўрсатгичлар	Тухум йўналишидаги зотлар	Гўшт ва гушт тухум йўналишидаги зотлар
12 ойлиқдан катта бўлган товуқлар тухумининг оғирлиги, г	54	54
12 ойлиқгача бўлган товуқлар тухуминиг оғирлиги, г	52	52
Товар хўжаликларидан олинган, насл тухумлар, г	50	52
Ҳаво камерасини диаметри, мм	18	18
Тухумларнинг уруғланганлиги, %	92	90
Соғлом жўжа олиш, %	76	70
Тухум шакл-формасини индекси	1,32—1,40	1,32—1,40
Тухум оқсилининг саригига бўлган нисбати	2:1	2:1

\* Изод: Тухум индекси — сарик қисмининг оқсил вазнига бўлган нисбати.

Тухумнинг оғирлиги ҳам турлича бўлиб, то-  
вукларники 55—65 г, ўрдакларники 90—100 г, курка-  
ларники 85—110 г ва ғозларники 110—120 г атрофида-  
дир.

Овоскоп ёрдамида тухумларни ёруғлантириб  
кўриш ҳам талаб этилади. Бунда тухум пўстлоғини  
бутунлиги, яъни дарз кетмаганлиги, ҳаво камераси-  
нинг ҳажми, тухум саригининг жойлашганлиги ва ран-  
гининг жадаллиги ҳам ҳисобга олинади. Талаб дара-  
жасида бўлмаган тухумлар брак қилинади.

Тухумларни ёриб кўриш. Тухум таркиби-  
даги оқсил, сариқ қисми пўстлоқ муртагининг меъёр  
даражада ривожланишида муҳим роль ўйнайди. Агар  
оқсил 56 фоиз, сарифи 32 фоиз ва пўстлоғи 12 фоиз  
бўлса, у меъёр даражада деб ҳисобланади.

**Инкубациялаш тартиби.** Ҳозирги вақтда «Уни-  
версал-45», «Универсал-50», «Универсал-55», ва «Кав-  
каз» маркали инкубаторлардан кўпроқ фойдаланилади  
(39-жадвал).

39-жадвал

**«Универсал-45» инкубаторининг иш тартиби**

Кўрсатчилар	Тухумтурлари:			
	Товуқ	Курка	Ўрдак	Ғоз
Ҳавонинг ҳарорати, °С	37,5	37,4—37,5	37,4—37,5	37,5
Нисбий намлик, %	48—50	56	48—52	48—52
Намланган термометр ҳарорати	28—29	30	28—29	28—29
Тухум жойлашган лотокларни суткалик айланиши	24	24	24	24

Муртакларни меъёр даражада ривожланаёттанили-  
гини аниқлаш мақсадида назорат ишлари олиб бори-  
лади. Товуқ тухумлари 24 соат ва 7, 11, 19-кунларида  
ёритқич аппарат ёрдамида ёритиб кўрилади. Ўрдак ва  
курка тухумлари 24 соатда ва 7,5; 12,5; ва 25—26 кун-  
лигига ғоз тухумлари 36 соатда ва 8; 13,5 ҳамда 28—29  
кунлигига назорат қилинади. Инкубацияни давом эти-  
ши: товуқ тухуми учун 21 кун, ўрдак курка учун 27  
кун, ҳамда ғозлар учун 31 кун ҳисобланади.

## Амалий машғулот

### Бройлер гүшти етиштиришнинг технологик жараёни билан танишиш

**Машғулотдан мақсад.** Бройлер гүшти етиштирадиган паррандачилик фабрикалари цехларининг ишлаб чиқариш усулларини ўрганиш.

**Дарснинг мазмуни ва уни ўтказиш.** Бройлер гүштини саноат асосида етиштириш тадбирларини технологик графиклар асосидан бажарилиши билан танишиш ва бу борада малака ҳосил қилиш.

**Насл олиш учун тухум етиштириладиган цех инкубация цехи талабини бажариши лозим.**

**Паррандаларни сўйиш ва қайта ишлаш цехида барча шароит яратилиши ва улар талаб даражасида бўлиши керак.**

**Мисол.** 1 йилда 4 млн бройлер гүшти етиштирадиган паррандачилик фабрикасида ҳисоблаш ишларини олиб бориш. Бунда катталиги  $18 \times 96$  м хоналардан фойдаланилади.

$1\text{m}^2$  ер сатҳига 18 та жўжа режалаштирилади.

1 хонанинг фойдали сатҳи  $1340\text{ m}^2$ . Шу хонага 24120 бош бир суткали жўжалар қўйилади. 95 фоизини соғ қолиши мўлжалланганда 23000 бош қолади. Жўжалар 7 ҳафта боқилса ва 2 ҳафта профилактика муддатини ҳисобга олса, у 4,7 ни ташкил этади.

1 паррандахонада 1 йилда 1081000 бройлерни боқиши мумкин. 37 парранда хонада ( $4000000:108100$ ) бир йилда ҳар бири 23000 бошдан ( $4,7 \times 37$ ) ташкил топган 174 та бройлер партияси сўйиш учун етиштирилади. Расмий жиҳатдан кунора битта паррандахона жўжалар билан тўлдирилади ва ундан 24120 бош жўжа бўлади.

Инкубаторда ҳар бир гуруҳда камида 24 минг жўжа бўлади. 70 фоизини соғлом қолиши назарда тутилганда бир вақтнинг ўзида инкубаторга кўйидаги микдорда тухум қўйилади:

$$\frac{24120}{x} = \frac{70}{100} \quad X = \frac{24120 \times 100}{70} = 34457 \text{ дона}$$

Инкубаторга қўйилган ҳар 100 та тухумдан меъёр ҳолда 70 тадан соғлом жўжа олиш режалаштирилса, у ўртача 50 минг донани ташкил этади. Насл учун кунига 25 минг дона тухум олинади. Шунда, 1 йилда ( $50000 \times 174$ ) = 8,7 млн дона тухум олинади.

Глимутрок зот товуқлардан йилиги ўртача 180 тадан тухум олинса, у ҳолда 50 минг бош товуқ бўлиши талаб этилади.

8 та товуқ, учун 1 та бош хўрорз белгиланса, у 5625 бошни ташкил этади.

Шундай қилиб, насл учун тухум етиштирадиган галаларда 55625 бош товуқ-хўрорз бўлади.

Оборот козефициенти 1,45 бўлганда, дастлабки паррандалар миқдори 80656 бошни ташкил этади ва унинг 72500 таси товуқ, 8156 таси хўроз бўлади.

## Х Б О Б. ЙИЛҚИЧИЛИК

**Йилқичиликнинг ҳалқ ҳўжалигидаги аҳамияти.** Йилқичилик чорвачиликнинг муҳим соҳаси ҳисобланади. Республикализнинг айрим туманларида қишлоқ ҳўжалик ишларининг бир қисми (қарийб 20%) от кучи билан бажарилади. Масалан, отлар аравага қўшилган ҳолда қишлоқ ҳўжалик машиналарига ёқилғи ва сув ташиб беради, шунингдек, илдизмеваларга ишлов беришда, чорвачиликда айрим транспорт ёрдамида бажариладиган ишларни амалга оширишда ва бошқа бир қатор ишларни бажаришда яқиндан ёрдам беради. Бундан ташқари, тогли туманларда, яъни транспорт воситалари юра олмайдиган ерларда отлар бемалол юқ ташиш ишларини бажара олади. Яйловда чўпон ва молбоқарлар учун отлар асосий транспорт воситаси ҳисобланади.

Чегараларни қўриқлашда, айниқса тоғ ва ўрмон ҳамда чўл зоналарида отлар посбонларимизнинг дўсти, узоқ масофаларга олиб боришда муҳим транспорт воситаси ҳисобланади.

Спорт ўйинларида ҳам йилқилардан фойдаланиш йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Айниқса Марказий Осиё ва Қозоғистон давлатларида бирорта йирик анъана ёки байрам отлар иштирокисиз ўтмайди. Бунга ҳар йили турли отчопарларда ўтказиладиган ўнлаб ва юзлаб республика, вилоят ва туманлар миқёсидаги мусобақаларни мисолга келтириш мумкин. Дунё бўйича ўтказиладиган олимпиадаларда ҳам от спортига алоҳида зътибор берилади. Бу эса инсонлар учун кўплаб эстетик завқ бағишлайди.

Отлар ўзининг турли хил маҳсулотлари (гўшт, қимиз, тери ва бошқалар) билан катта ҳалқ ҳўжалик аҳамиятига эга. Масалан, қимиз аҳолининг энг фойдали ва шифобахш ичимликлардан ҳисобланади. У бир қатор касалликлар (сил, ичак, ошқозон ва бошқалар)-ни даволашда салмоқли ўрин эгаллайди. Ҳозирги вақтда қимиз ишлаб чиқариш айниқса Қозоғистон, Қирғизистон давлатларида, шунингдек, Татаристон, Ёкутия вилоятларида яхши ривожланган.

*От гўшти ўзининг тўйимлилиги, калорияси, мазаси ва қиймати жиҳатидан кўплаб халқарнинг энг севимли маҳсулоти ҳисобланади. От гўштидан айрим халқлар турли хил лаzzатли маҳсулотлар (қази, қарта, ёғ, қуритилган гўшт, консерва, колбаса ва бошқалар) ҳамда таомлар тайёрлайдилар. Бундай ажойиб, юқори калорияли, тўйимли ва мазали озиқ-овқат тайёрлашда от гўшти ўрнини бошқа бирор ҳайвон гўшти боса олмайди.*

Айрим мамлакатларда от гўштига бўлган талаб юқорилиги сабабли у парранда ва чўчқа гўштига қараганда икки баробар юқори нархда баҳоланади.

*Отларнинг биологик ҳусусиятлари.* Отлар асосан тўргта кенжা авлодга бўлинади: ҳақиқий отлар, эшаклар, қулонлар ва зебралар. Бу кенжা авлодлар бир-бирлари билан чатиша олади ва пуштсиз насл беради. Зебралар ҳозир хўжалик аҳамиятига эта эмас, уларни айрим ҳайвон от боғларида ёки қўриқхоналарда учратиш мумкин. Ҳусусан Узбекистонда қулонлар йўқолиб кетган. Айрим маълумотларга қараганда, улар қисман Мўғилистонда ва жуда оз микдорда Туркманистоннинг жанубида жойлашган Бадҳиз қўриқхонасида сақланиб қолган.

Отларнинг биологик ҳусусиятларидан энг муҳимлари шундан иборатки, уларни йил давомида яйловларда боқиши мумкин. Шунингдек, улар серҳаракат, касалликларга чидамли, ташқи муҳит шароитига тез мосланувчи бўлади. Уларнинг физиологик етигувчалиги 12—15 ой бўлиб, бўғозлик даври 11 ойни ташкил этади. Айрим ҳолларда бияларнинг зоти ва индивидуал ҳусусиятига кўра бўғозлик даври 330 кундан 365 кунгача чўзилиши мумкин. Одатда айғир ва биялардан ўрта ҳисобда 20 йил мобайнида фойдаланилади. Айрим ҳолларда уларнинг юқори сифатли, ҳаётчан вакилларидан 25—30 йил ва ундан кўпроқ фойдаланиш мумкин. Лекин биялардан 6—15 ёшлигида энг сифатли қулун олинади.

### **От зотларининг классификацияси**

Республикамиз минтақаларининг иқтисодий, ишлаб чиқариш ва табиий-экологик шароитларига, йил-қиларнинг турли хил типлари, маҳсулот йўналиши ва улардан фойдаланиш усуласига қараб жуда кўплаб зот ва гурухлари яратилган. Бундай зотлар дунё бўйича

150 тадан күпроқ, бўлса, шундан 50 дан ортиги Россия ва Марказий Осиё вилоятларида яратилган.

Академик А. Ф. Миддендорф отларнинг барча хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда иккита катта гурӯҳга — ч о п қ и р отлар, ҳамда ў р т а ч а тезлиқда ҳаракат қилувчи отларга бўлади.

*Биринчи гурӯҳга* тез югурадиган, танаси ихчам, енгил, кичик араваларга қўшган вақтда узоқ масофа ни қисқа вақт ичида босиб ўтадиган от зотлари кири-тилган.

*Иккинчи гурӯҳга* эса секин юрадиган, оғир юкларни торта оладиган, жуссаси йирик отлар киритилган. Лекин бу классификация шартли бўлгани учун отлардан фойдаланишнинг барча хусусияти ва белгиларини ўз ичига тўла қамраб олмаган. Бинобарин, сўнгти йилларда от зотларининг кўпайиб бориши ва улар томонидан бажариладиган иш жараёнлари турини ҳар хил бўлиши ҳамда наслчилик ишларини муайян мақсад ва режали олиб борилиши, уларни тарқалиши, ишлабчиқаришда фойдаланилиши, хўжалик жиҳатидан йўналиши ва бошқалар йилки зотларини янада тор доирада такомиллаштиришни тақозо қилди. Шунга кўра юқоридаги икки гурӯҳ яна кичик йўналишларга бўлиниди. Бунда салт миниладиган чопқир ва серҳаракат от зотлари биринчи гурӯҳга киритилган бўлса, ҳар хил араваларга қўшиладиган ва оғир юкларни тортувчи от зотлари иккинчи гурӯҳга киритилди.

Умуман, йилқичиликда асосий маҳсулоти (чопқирлиги, аравага қўшган ҳолда фойдаланиш ёки оғир юк тортиш хусусияти)га қараб қабул қилинган йўналишлар қатъий ва ўзгармас бўлмай, у шартли бўлиши табиий. Чунки танлаш, машқ қилдириш, саралаш ва наслчилик ишларини юқори даражада олиб бориш натижасида айрим гурӯҳлар орасидаги фарқлар ҳам ўзгариб боради. Шунга кўра адабиётларда баъзи бир йўналишдаги от зотларининг ўрин алмашиниши шубҳасизdir.

Барча от зотлари ўзларининг ҳаракат даражасига қараб одимлаб, йўртиб ва йўргалаб юрадиган турларга бўлинади.

**Одимлаб юрганда** отнинг тўртала оёғи галма-гал кўтарилиб, галма-гал тушади. Бунда аввал орқа оёғининг бири, сўнгра шу томондаги оддинги оёқ, кейин иккинчи орқа оёқ ва унинг кетидан шу томондаги оддинги оёқ кўтарилиб оддинга ташланади. Бу усууда отлар секин (соатига 4—5 км тезлиқда) ҳаракат қила-

ди. Бундай ҳаракат асосан оғир юк тортувчи отларда учрайди.

**Йўртиб юрганда** отлар диагонал бўйича икки оёгини, масалан, олдинги ўнг оёги билан кетинги чап оёгини, сўнгра олдинги чап оёги билан кетинги ўнг оёгини баравар кўтариб, баравар ерга ташлайди. Бундай ҳаракат қиласидан отлар соатига 10—12 км йўл босади. Отчопарда енгил пойга аравасига қўшилганда чопқир йўртоқи отлар 1 км масофани бир-бир ярим минутда босиб ўтади.

**Йўрғалаб юрган** отларнинг ҳаракат тезлиги йўртиб юрадиган отларнинг тезлигига тенг бўлади. Ўзбеклар йўрғалаб юрганда чопмасдан тез ва текис ҳаракатда бўлувчи отларни айтишади. Йўрғалаб юришини йўртишдан фарқи шуки, бунда от бир гал ўнг томонидаги иккала оёгини ва иккинчи сафар чап томонидаги иккала оёгини баравар кўтариб ташлайди.

### От зотлари

**Салт миниладиган от зотлари.** Бу зотта асосан эгарлаб миниладиган отлар киради. Бу йўналишдаги отлар серҳаракат, чопқир, қотма, боши енгил, суюкли ингичка ва ихчам бўлади. Улар йўртиб юра олмайди, лекин сакраб чопгандан тез ҳаракатланади, ҳозирги вақтда дунё бўйича салт миниладиган отларнинг араби ва тоза қонли зотлари мавжуд.

Араби зоти энг қадимги чопқир отлардан ҳисобланади. Ҳозирги маданий от зотларининг асосий қисми шу зотни маҳаллий зотлар билан чатиштирилишидан вужудга келган. Араби зот от унчалик йирик эмас, баландлиги 150 см атрофида, тузи кул ранг, жийрон ва қора аралаш бўлади. Курғоқчиликка ва ташқи муҳит шароитларига чидамли. Бу зот дунё бўйича кенг тарқалган. Асосан Марказий Осиё давлатларида, Кавказ ва Ставропол ўлкасида кўпроқ учрайди.

**Асл чопқир от зоти XVII** асрнинг бошларида Англияда яратилган. Бу зот маҳаллий бияларни араби, туркман, турк, испан ва неаполитан айирлари билан чатиштириш натижасида вужудга келган. Вакиллари ҳаракатчан, темпераменти юқори ва чопқир бўлади. Туси жийрон, қора ва бошқа ранглар аралашмасидан иборат. Баландлиги 158—161 см, кўкрак айланаси 180—183 см, почасининг йўронлиги 20 см. Бу зот асосан Украина нинг Луган ва Кировград вилоятларида тарқалган.

Ахалтака зоти Туркманистаннинг жанубий туманларида яратилган. Бу зот от чопқир, қумли саҳроларда салт миниб юриш учун қулай келади. Баландлиги 152—154 см, почасининг йўғонлиги 19 см. Мухит шароитига анча чидамли. Туси тўриқ, кўк ва қорасаман бўлади. Чопиш тезлиги юқори, фақат асл чопқир отлардан кейинда қолади. (54-расм).



54-расм. Асл зотли ахалтака биясининг умумий кўриниши.

Қорабайир зоти Марказий Осиё давлатларида боқиладиган зот отларидан кўп жиҳатдан устун туради. Чопқирлиги, чидамлилиги, чиройлилиги ва араваларга қўшган вақтда яхши ишлаши билан ажralиб туради. Баландлиги 152—154 см. Йириклиги ўртача. Туси туриқ, кўк ва жийрон. Қорабайир отлари Ўзбекистоннинг барча вилоят ва туманларида учрайди. Айниқса Жиззах, Самарқанд вилоятларида кўп тарқалган.

Кабардин зоти Шимолий Кавказда яратилган. Бу зотнинг яратилишида карабах, туркман ва араби зот айғирлар маҳаллий биялар билан чатиширилган. Кабардин зоти чопқир отлардан ҳисобланishi билан бирга транспорт ишларида ҳам фойдаланилади. Тор шароитига яхши мослашган. Кунига бб км йўлни босиб ўтиши аниқданган. Бўйи 153 см, кўкрак айланаси 177 см, почаси 19 см. Ранги қора, саман ва қулранг.

**Лақай зоти төр шароитига яхши мослашган,** жанубий Тожикистоннинг Ёзёвон водийсида қадимги ўзбек қабиласи — лақайлар томонидан яратилган. Гавдаси кичикроқ. Бўйи 140—142 см, танасининг узунлиги 144 см, кўкрак айланаси 166 см, почаси 18 см. Ранги саман ва турли хилда бўлади. Асосан Тожикистон вилоятларида тарқалган.

**Чопқир от зотлари.** Бу йўналишдаги от зотлари чопқирлиги ва йўралаб тез юриши билан бошқа зотлардан фарқ қиласди. Бу йўналишдаги отлар **дон** ва **будённий зоти, кустанай ва новокиргиз** каби от зотлари киради.

**Дон зоти** асосан кавалерия эҳтиёжини қондириш мақсадида етиштирилган. Дастрлабки вақтда Дон казаклари ўзларининг шахсий отлари иштирокида ҳарбий хизматларини ўтар эдилар. Бинобарин, Дон ҳавзасидаги дашт шароитида жуда чидамли, йўргалик хусусияти ривожланган йилқи зоти вужудга келтирилган. Инқилобдан олдин кавалерия отларининг ярмидан кўпрори шу зотлардан ташкил топган.

Дон зотининг вужудга келтиришда маҳаллий жанубий рус биялари зрон, карабах, туркман, кейинироқ орлов ва соф қонли чопқир зот айтиларидан қочирилган. Зот вакилларининг танаси йирик, кенг ва кучли, оғир шароитларга яхши мослашган. Бўйи 156—159 см, кўкрак айланаси 185—187 см, почаси 20—21 см. Туси сарғиш-тилла ранг. Бу зот Ўзбекистонга келтирилмаган, лекин Қирғизистон орқали Фарғона водийсидаги хўжаликларга олиб келтирилганлиги адабиётлардан мътум.

Будённов зоти чопқирлик ва узоқ масофани қисқа вақт ичида босиб ўтишда дон зотидан устун туради. Бу зот Ростов вилоятида биринчи отлиқ армия йилқичилик заводида яратилган. Бундан мақсад дон зотининг барча ижобий хусусиятларидан фойдаланган ҳолда йирик вазни, мустаҳкам конституцияга эга бўлган, пода шароитига мослашган ва чидамли зот яратишдан иборат. Уруш йилларида бу зот отлардан кенг фойдаланилган. Улар 500—600 км масофани 5—7 кунда босиб ўтганлар. Бу зот вакилларининг бўйи 162—163 см, танасининг қия узунлиги 164—168 см, кўкрагининг айланаси 187—191 см, почаси 20—20,5 см. Ранги сарғиш тарғил, қора ва тилла ранг. Бу зот Россиянинг кўплаб вилоят ва зоналарида кенг тарқалган.

**Йўртоқи зотлар.** Орлов зоти. Бу зот

Воронеж вилоятидаги Хреновский йилқичилик заводда яратилган. Зот вакилларининг туси кул ранг қора. Улар якка, қўш ҳолда ва учталаб араваларга қўшилади. Бўйи 158—161 см, танасининг қия узунлиги 160—161 см, кўкрак айланаси 180—183 см, почаси 18,8—20,3 см. Бу зот Россия вилоятларида қўпайтирилади.

Рус йўртоқи зоти. Бу зот 1926—1928 йилларда орлов зотининг америкадан келтирилган юқори сифатли йўртоқи отлар билан чатиштириш на-тижасида яратилган. Уларнинг танаси йирик, келишган ва ихчам, мускулатураси яхши ривожланган, юриши чиройли, ҳаракатчанлиги ва темпераменти юқори даражада бўлади. Баландлиги 158—161 см, танасининг қия узунлиги 159—162 см, кўкрак айланаси 179—182 см, почаси 19,5—20 см. Ранги қора, тарғил, кул ранг. Россиянинг барча вилоятларида учрайди (55-расм).



55-расм. Рус йўртоқи зотли айрирнинг умумий кўриниши.

**Оғир юқ тортувчи от зотлари.** Оғир юқ тортувчи отлар бундан 170—195 йил илгари ривожланган капиталистик мамлакатларда кенг тарқалган бўлса, улар

Россияга кейинроқ, келтирила бошланди. Бу йўналишдаги от зотлари асосан Воронеж, Тамбов, Пенза ва бошқа вилоятларда урушдан сўнг урчитила бошланди.

Айрим бу зотли отлар Иваново вилоятида маҳаллий бияларни «Клейдесдалъ» ва «Шайр» зотли оғир юк тортувчи айғирлар билан қочириш натижасида яратилган. Вакиллари йирик вазни, темпераменти юқори жуда оғир юк тортишга мослашган. Масалан, «Мудрий» лақабли айғири 8 ёшлигида 13870 кг юкни, «Легион» лақабли айғир эса 16400 кг юкни тортганлиги адабиётлардан маълум. Бу зот отларнинг бўйи 157—161 см танасининг қия узунлиги 162—165 см, кўкрагининг айланана узунлиги 183—196 см, почасининг айланаси 23—24 см. Ранги қора, оёғининг пастки қисми ва бурнининг усти оқ жун билан қопланган. Баъзан кул ранг, тим қора ва тарғил бўлади (56-расм). Асосан Россиянинг айрим вилоят хўжаликларида кўпайтирилади.



56-расм. Оғир юк тортувчи Владимир зотли айғирнинг умумий кўриниши.

### Отларнинг гўшт ва сут маҳсулдорлиги

Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Ёқутия ва Бошқирдистон аҳолиси от гўштини кўпроқ истеъмол қилишга мослашган халқ ҳисобланади. Бу республикаларда гўшт учун боқиладиган отлар йил мобайнида асосан яйловларда боқилади ва парвариш қилинади. От гўшти ўзининг кимёвий таркибига кўра турли минерал моддаларга бой ва тўйимлилиги жиҳатидан юқори бўлади (40-жадвал).

От гүштининг кимёвий таркиби (М. Содиков ва А. Одилбеков)

Таркиби ва калорияси	Сўйилган вактидаги ёши		
	8—9 ойлик	1,5 ёш	4 ёшдан катта
Сув, %	72,3	70,3	69,6
Оксиген, %	20,6	22,1	18,9
Ёр, %	6,1	6,51	10,4
Кул, %	1,09	1,12	1,02
Калорияси, ккал	14,05	1517	1747

Той гүшти майин, серсув, ҳидсиз ва калорияси анча юқори (2700 ккал) бўлиши билан фарқ қиласди. Отларнинг ёши ошган сари гүшти ҳам чайирлашиб, дағаллашиб боради, сифати эса пасайди. Яхши семирган отлардан гүшт чиқиши 60 фоиз, ўртача семизлиқдаги отларда 48—52 фоиз, ва ориқ вакилларида 45—48 фоиз бўлади. Териси тана оғирлигининг 5—6,5 фоизини ташкил қиласди. Яхши боқилган отлар суткасига 0,6 дан 1 кг гача (баъзан ўртача 1300 г) семиради.



57-расм. Гүшт учун боқилган айғирнинг умумий кўриниши.

**Бияларнинг сутдорлиги.** Биялар 5—7 ой (лактация) давомида 1300—3000 кг сут беради. Қозоқи ва бошқир зот биялар серсугут ҳисобланиб, туққанидан сўнг 2—3 ой мобайнида суткасига ўртача 10—15 кг дан, айримлари эса 20—25 кг гача сут беради. Бияларнинг

серсүтлиги лактациянинг биринчи ойида юқори бўла-ди ва 4—5 ойлигига қадар пасайиб боради. Тукқанига б ой бўлган бияларда у бўғозлиги сабабли сут бериши анча паст бўлади. Одатда биялар 7—10 ёшлигида сер-сүт бўлади ва кейинчалик сутдорлиги пасайиб боради.

Бияларнинг елини кичик бўлгани билан 1,5—3 кг сут сифади, шунга кўра лактациясининг дастлабки ой-ларида уларни ҳар 2—3 соатда, кейин эса 3—3,5 соат оралаб ва лактациясининг сўнгти ойларида ҳар 4—6 соатда соғиб турилади.

**Бия сутининг кимёвий таркиби** бошқа чорва мол-ларникига қараганда фарқ қиласи. Масалан, унинг тар-кибида 6,3 фоиз сут қанди, 1,7—2,2 фоиз оқсил, 1,6—2,2 фоиз ёғ, 0,3—0,33 фоиз минерал моддалар ва кўп микдорда витаминалар ҳамда ферментлар бўлади. Кис-лоталик даражаси 6—9°Т. Бия сутида қанд моддаси кўп бўлганлиги туфайли ундан энг қимматли ичимлик ҳисобланган қимиз тайёрланади.

К и м и з ўзининг мазасига кўра бир оз нордон бўлгани ҳолда у маҳсус ачитқи-томизри ёрдамида тай-ёрланади. Тайёрланадиган қимизнинг сифати юқори даражада бўлишида томизгининг роли каттадир. То-мизри бия сутининг ачиш жараёнида тайёрланиши ҳам мумкин. Баъзан олдиндан тайёрлаб қўйилган томизги-лардан фойдаланилади. Соғиб олинган бия сутига маъ-лум микдорда томизри солиниб бир сутка атрофида иссик ерда сақланади ва вақти-вақти билан аралаш-тирилиб турилади. Бия сути тахминан 3—4 кун даво-мида ачиши мумкин, сўнгра уни яна аралаштирган ҳолда салқин ерда сақланади.

Қимиз одамларнинг овқат ҳазм қилиш фаолиятини яхшилайди, нерв системасини меъёрлаштирилади, орга-низм қувватини оширади, ўпка, ичак ва ошқозон ка-салликларини даволашда муҳим ва шифобахш ичим-лик ҳисобланади.

### **Отларни боқиш ва парвариш қилиш**

Отлар биологик хусусиятларига кўра бошқа турдаги чорва молларидан фарқ қиласи. Масалан, уларнинг ош-қозони содда тузилишига эга бўлиши билан ҳажми жи-ҳатидан қорамонникига қараганда 7—8 марта кичиқдир.

Отларнинг ичаклари ҳам анча калта бўлади. Шунга кўра отларнинг асосий озиғи беда, пичан, ем, кунжа-ра, серсув ва ширали озиқлар ҳисобланади. Ош тузи эса уларнинг истаганича берилади (41-жадвал).

**Тураги ишларнинг бажарадиган отларниң  
суткалик рационы (ўртача)**

Ем-хашак тури	Иш тури ва суткалик озиқи, кг		
	енгил	уртacha	оғир
Беда пичани	6,0	5,0	5,0
Сули пичани	3,0	2,0	1,0
Ем	2,5	3—3,5	4—4,5
Жумладан: сули	1,5	1,5—2	2—2,5
Ёрма дон	0,5	1,0	1,0
Маккажӯхори	0,5	1,0	1,0
Илдизмева, силос	8,0	6,0	4,5
Ош тузи, грамм	30	30	30

Отларга кечқурун кўпроқ дағал озиқ берилади. Ем суткасига тўрт баробар миқдорда берилиши маъқул. Озиқлантиришда олдин дағал озиқ, сўнг ем ва яна дағал озиқ берилади. Суткасига 3—4 марта сугорилади. Терлаб турган отларни бир оз дам олиб бўлгач, сугориш мумкин.

**Айғирлар рационига бияларни қочириш даврида 5 кг сут, 3—5 дона тухум, 0,—03 кг гўшт-сүяқ унини киритиш тавсия қилинади. Агар айғирнинг тирик вазни 500 кг атрофида бўлса, у ҳолда унга суткасига 6—8 кг беда пичани, 6 кг ем ёки омихта озиқ бериш маъқул кўрилади. Айрим вақтларда 500—600 г дон майсанси бериш ҳам фойдалидир.**

Ёз ойларида беда пичани ўрнига 15—25 кг атрофида янги ўриб келтирилган кўк беда бериш мумкин. Қочириш кампанияси тугагач, уларнинг рационидан сут, гўшт-сүяқ уни ва тухум чиқариб ташланади ва 3 кг атрофида силос бериб турилади.

**Бўғоз ва эмизикли бияларни боқиши.** Бунинг учун дастлаб уларнинг тирик вазни, ёши, ориқ-семизлиги ва физиологик ҳолати ҳисобга олинади. Бунда уларнинг 100 кг тирик вазни ҳисобига ўртача 2—3 кг беда пичани, 0—0,8 кг омихта ем, 40% сули, 35% арпа, 25% маккажӯхори, 0,1—0,2 кг кунжара, 1—1,5 кг сабзи ёки хашаки лавлаги, 0,5—1 кг силос бериш фойдали ҳисобланади.

Бўғоз бияларга бўғозлигининг сўнгти ойида силос ва беда пичани берилмайди, хашак ва серсув озиқ миқдори бир оз камайтирилади. Уни ҳисобига 30—60 г дан суткасига бўр ва бошқа минерал қўшимчалар бе-

рилади. Сөвүк сув ичириш ман этилади. Очық ҳавода яйратиб турилади.

*Отларни урчитиш.* Ёш айрир ва биялар 12—18 ойлигидә жинсий балогатта етишади. Лекин бу вактда уларни урчитиш ёки ана шу мақсадда фойдаланиш мутлақо ярамайды. Акс ҳолда, улар ўсишдан тұхтайди, нимжон ва кичик вазнли қулун беради. Шуларни ҳисобға олган ҳолда биялар ва айғирлар уч ёшта тұлғунча урчитишга қўйилмайды. Отлардан 20 йил ва ундан узоқ вакт қулун олиш мүмкін.

Кулунлаган биялар 8—10 күн деганда ва баъзан кечроқ куюлади, бу жараён 5—7 күн (жатто 2—12 күн) давом этади. Агар бия ана шу даврда қочирилмаса, бу хусусият 20—23 кундан сўнг яна такрорланади. Бу асосан уларнинг ориқ-семизлиги, зоти, етилувчанлиги, боқиши усули ва физиологик ҳолатига боялик бўлади.

Йилқичиликда бияларни сунъий, қўлда ва яйловда қочириш усулларидан фойдаланилади. Сунъий усулда мавсум давомида битта айғир уругидан 150—300 та бияни қочириш мүмкін. Қўлда қочирилганда 4 ёшдан кичик бўлмаган бир айғир билан 50 та бияни қочириш мүмкін. Яйловда (пода шароитида) 25—40 бия учун бир айғир етарлидир.

*Бияларни бўғозлик даври ва қулунлаши.* Бияларнинг бўғозлик даври 11 ой (310—360 күн) давом этади. Биялар туғишига 10—15 күн қолганда, улар ўт пичани тўшалган маҳсус хоналарга олинади. Туғишига яқин биянинг елини катталашади ва сўргичлари сутта тўлган ҳолда бироз катталашади.

Биялар меъёр ҳолда туғса, инсоннинг ёрдами талаб этилмайды. Бунда қулуннинг киндиги узилмай қолса, уни қорнидан 5—6 см қолдириб қайчи билан кесилади ва йод суркаб қўйилади. Оғзи, бурни ва қулоқлари тоза сочиқ билан яхшилаб артилади ва онасига ялаш учун қўйилади. Қулун оёққа тургач онасини эмиши учун айрим ҳолларда ёрдам бериш талаб этилади. Орадан 1—1,5 соат вакт ўтгач бияларга илиқ, сув ва сифатли беда пичани берилади. 4—5 соатдан сўнг ёрма дондан тайёрланган атала бериш тавсия этилади. Биялар 6—7 кундан сўнг умумий рационга ўтказилади.

*Кулун ўстириш.* Қулунлар 5—6 ой мобайнида оналари билан бирга боқиласади. Биринчи ойда она сути етарли ҳисобланади. Уларни кўпроқ оналари билан тоза ҳавода яйратиш фойдали. Бир ярим ойлик қулунларни

ўт ва пичан едиришга аста-секин ўргатила бошланади. Сўнг кунинга 100—200 г дан ёрма дон бериш мумкин. Сутдан ажратиш даври яқинлашгач, қулуналарга 2—3 кг ем, кўпроқ беда пичани ва сабзи каби озиқлар берилади. Қулуналар сутдан 9—10 ойлигида, баъзан 11 ойлигида ажратилади ва уларни (8—10 та дан) гурӯхлаб алоҳида сакланади.

Бир-икки ёшли қулуналарга суткасига 4—5 кг беда пичани, 3—5 кг сомон, 2—4 кг ем, 2—4 кг серсув ва ширали озиқ берилади. Шунингдек, ош тузи, бўр, суяк уни ҳам бериб турилади. Улар суткасига 3—4 марта озиқлантирилади. Улар турган жой маълум вақтда тозаланиб турилади.

Қулуналар яхши парвариш қилинса, улардан етиладиган айғир ёки биялар юқори курсаттичларга эга, сермаҳсул, соғлом ва йирик бўлади.

### Ўзбекистонда йилқичилик

Маълумки, йилқилар асосан яйловларда боқилади ва кўпайтирилади. Бинобарин, республикамизнинг табиий яйловлари оз бўлганлиги учун отлар подаси, кўпроқ торли ва тороиди зоналарда кўпайтирилади.

Ўзбекистонда йилқилардан асосан уч хил мақсад учун, яъни спорт ишларида, гўшт ва қимиз йўналишида фойдаланилади. Кейинги йилларда бир қатор вилоятларда, жумладан Қашадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Жizzах, Сирдарё ва Қорақалпогистон республикасида йилқиларни кўпайтириш тадбирлари кўрилмоқда.

Хозирги вақтда республикамида йилқичиликни ривожлантиришга катта аҳамият бериш керак. Айниқса кўп микдорда сифатли гўшт ва қимиз етиширишда бу тармоқда катта бурилишлар бўлмоғи лозим.

Йилқиларнинг маҳсулдорлигини ошириш, биялардан кўпроқ қулун олиш, уларнинг наслини яхшилаш ишларини юқори даражага кўтариш лозим.

Республикамида ҳар 100 бош биядан 35—40 та ва ундан ҳам камроқ қулун олмоқдалар. Шу билан бир вақтда Ўзбекистонда ҳар 100 бош биядан 85—95 тадан қулун олаётган хўжаликлар сони оз эмас. Бунга мисол қилиб Жizzах вилоятидаги 76-от заводи, бир қанча жамоа ва давлат хўжаликларини кўрсатиш мумкин.

Шундай қилиб, чорвачиликнинг салмоқли тармоқларидан бири бўлган йилқичиликни ривожлантириш, улардан кўп микдорда сифатли ва арzon маҳсулот олиш мухим халқ хўжалик аҳамиятига эгадир. Шунга кўра

бу соҳада имкони бўлган хўжаликлар мавжуд резервлардан унумли фойдаланган холда йилқичиликни ривожлантириш ишларига ўз ҳиссаларини қўшишлари республика йилқичилари олдида турган асосий вазифа бўлиб қолади.

#### Назорат саводлари:

1. Йилқичиликнинг аҳамияти тўғрисида сўзлаб беринг. 2. Отларнинг қандай биологик хусусиятларини биласиз? 3. От зотларининг классификацияси тўғрисида тушунча беринг. 4. От зотлари тўғрисида нималарни биласиз? 5. Отларнинг гўшт ва сут маҳсулдорлиги тўғрисида сўзланг. 6. Бияларнинг сут маҳсулдорлиги ва сутининг кимёвий таркиби тўғрисида тушунча беринг. 7. Отларни боқиши ва парваришлаш қандай олиб борилади? 8. Бўйоз ва эмизикли биялар қандай бокилади? 9. Кулун ўстириш тўғрисида нималарни биласиз?

## XI Б О Б. ТУЯЧИЛИК

Туялар ўзларининг биологик хусусиятларига кўра барча турдаги чорва молларидан фарқ қиласидан, асосан сувсиз дашт ва саҳролар зонасига тарқалган ҳайвон ҳисобланади.

Туялар асосан Марказий Осиё республикаларида, хусусан кўп ерларда қоракўчлиликда фойдаланиладиган қимматли иш ҳайвонидир. Туялар шунингдек, Қозогистон ва Қалмиқ ўлкасида, Волгоград чўлларида ҳамда озроқ бўлса-да Озарбайжон, Саратов, Фарбий Сибирь, Оренбург, Ростов, Краснодар ўлкасида, Чита вилоятида ҳам учраб туради.

Кўп жойларда туялардан транспорт воситаси сифатида фойдаланилса, уларнинг яна қимматли томони маълум миқдорда гўшт, жун ва сут етишириб беришдан иборатdir.

Зоология курсидан маълумки, туясимонлар оиласи иккита авлодга, яъни туялар ва ламалар авлодига бўлинади. Ламаларнинг гавдаси бирмунча кичикроқ бўлиб, ўркачининг бўлмаслиги билан туялардан фарқ қиласи. Ламалар кўпроқ Жанубий Американинг тоғли зоналарида учрайди, туялар билан чатишмайди.

Туялар авлоди эса ўз навбатида иккита мустақил турга: бир ўркачли — дромедар ва икки ўркачли — бактериан туяларга бўлинади. Улар ўзаро чатишади ва урчишга қобилиятли дурагайлар беради. Лекин улар тоғли ва зах ерларда яшай олмайди (58-расм).



58-расм. Бир ўркачли дромедар урлочи түя.

Ууман, қишлоқ хўжалик ҳайвонлари ичидаги бирорта ҳайвон тури йўқки улар туялардек чўл, дашт ва саҳро шароитига ниҳоятда яхши мослашган бўлсин. Уларнинг бундай мураккаб экологик шароитга мослашишини асосий омиллари қуидагилардан иборат:

1) туялар чўл, дашт ва саҳролардаги бошқа тур ҳайвон еяолмайдиган тиканли, жуда сийрак, шўр ўсимликларни бемалол истеъмол қила олиши ва уларни яхши ўзлаштираолиши;

2) чўл ва саҳролардаги шўр ва шўр-тахир сувларни бемалол ича олиши, шунингдек, сувсиз бир неча кунлаб ҳаёт кечираолиши;

3) чўлнинг ўта континентал (яъни ёзи ўртача  $50^{\circ}\text{C}$  иссиқ, қиши ўртача —  $27^{\circ}\text{C}$  совуқ) бўлган шароитига яхши мослаша олганлиги;

4) туялар йўлсиз, нотекис, қумлоп ерларда соатига ўртача (юксиз ёки енгил юки бўлгани ҳолда) 8—9 км масофа боса олиши;

5) туялар турли об-ҳаво шароитида ҳам юки билан кунига 50—60 км, суткасига 170—180 км масофани боса олиши;

6) туялар бошқа тур ҳайвон юра олмайдиган қум барханлари оралаб, 240—320 кг юк кўтарган ҳолда бемалол ҳаракат қила олиши;

7) узок масофага отланган түяларни кέчаю-кундуз ҳаракат қилиши ва уларга ҳар 60—65 км масофадан сўнг қисқа вақтли дам олиб яна ўз юришини давом эттира олиши шулар жумласидандир. Түяларнинг бундай ажойиб хусусиятларидан қадимги замонларда минглаб савдогарлар ўз юкларини бир давлатдан иккинчи давлатта олиб бориб сотишда фойдаланганлар.

Кузатишлардан (М. К. Кукебаев ва П. Д. Лысогоров) маълум бўлишича, ҳар бир түя ўртача 200—250 кг юкни бемалол узок масофага олиб бора-олади. Айрим ҳолларда йирик, бақувват эркак түялар 400—500 кг ва ҳатто 700 кг юкни қўтариб ҳаракат қилганлиги кўплаб кузатилган. Тажриба тариқасида Орол дентизи яқинидаги Челкар туманида йирик эркак бактериан түянинг бир ўзи 1300 кг юкни олиб бораёттанилиги кўплаб одамларни қойил қолдирганлиги адабиётлардан маълум.

*Түяларнинг ҳалқ ҳўжалиги* *аҳамияти*. Түялар ҳам бошқа турдаги чорва ҳайвонлари каби ҳалқ ҳўжалигида салмоқли ўрин згаллади. Улар юқорида қайд қилиб ўтилганидек, сувсиз дашт ва саҳро зоналарида иш ҳайвони бўлиши билан бирга түялардан гўшт, сут, жун ва тери маҳсулоти олинади.

Маълумотларга қараганда, Россиянинг барча дашт ва чўл зоналарида 240 мингга яқин түя бўлиб, уларнинг 34 фоизи дромедар, 44 фоизи бактериан ва 22 фоизи дурагай түялар ҳисобланади. Айтиб ўтилганидек түялар йил мобайнида дашт ва саҳро яйловларидаги ўт, янтоқ каби ўсимликлар билан озиқланади. Уларга фақат оғир шароитда ва қочириш мавсумидагина қўлдан пичан ва ем берилади.

*Түяларнинг маҳсулдорлиги*. Түяларнинг гўшти сифатига кўра қорамол гўштидан пастроқ баҳоланади. Гўшт чиқиши ўртача 50 фоиз атрофида бўлади. Бир ўркачли түялар асосан Туркманистон, Тоҷикистон ва Ўзбекистоннинг шимолида, Қалмиқ ва Тува вилоятсида, ҳамда Волгоград, Астрахан, Чита вилоятларида учрайди.

Мутахассисларнинг кўрсатмасига кўра түялар Қалмиқ, Қозоқи ва Мўғил зотларига бўлинади. Бу зотларнинг ичида энг йириги қалмиқ зоти ҳисобланиб, эркаклари 770 кг, урочилари 680 кг келади.

Бир ўркачли түялар икки ўркачиларга қараганда бирмунча серсут бўладилар. Бинобарин, улардан йил давомида ёғдорлиги 4,5 фоиз бўлган 1000—1100 кг сут соғиб олинади. Икки ўркачли түялардан эса ёғдорлиги 5,4 фоиз бўлган 750—800 кг гача сут соғиб олинади.

Туя сути ўзининг шифобаҳш ва мазали бўлиши билан бия сугидан қолишмайди. Қимиз тайёрлаш технологияси каби туя сути ачитқичлар ёрдамида ишланади ва қисқа вақт ичида ниҳоят ажойиб ичимлик олинади. Бу ичимлик қозоқ тилида «шубат», туркман тилида «чал» деб номланади. Умуман қозоқ ва туркман халқарини туя сугига бўлган эҳтиёжи анча юқоридир.

Туялар суткасига 2—4 марта соғилади ва ҳар соғища уларнинг ёши, вазни ва бошқа хусусиятларига кўра 0,5—1,0 л сут соғиб олинади. Айрим маълумотларга қараганда туялар орасида ниҳоятда серсуг вакиллари ҳам учраб туради ва улар суткасига ўртача 13—15 л сут беради, сугидаги ёғи 5—6 фоизни ташкил қиласди.

**Туяларнинг жун маҳсулдорлиги** ҳам ўзига ҳос кўрсаттичга эга. Бунда икки ўркачли туялар сержун бўлгани ҳолда, улардан йилига 5—10 кг, айрим ҳолларда 12 кг гача жун қирқиб олинади. Бир ўркачлиларидан ўртача 2—4 кг атрофида жун олинади. Жун қирқими асосан апрел ойида ўтказилади.

Икки ўркачли туяларнинг жуни бирмунча сифатли ҳисобланиб, унинг таркибида деярли 85 фоиз тивит бўлади. Шунинг учун ҳам бундай жун юқори даражада баҳоланади. Туя жунидан турли хил жунли кийимлар, трикотаж, одеяллар тайёрланади. Шунингдек, сифатли жундан пайпок, қўлқоп ва рўмоллар ишлаб чиқарилади. Эркак туяларнинг жун миқдори урюочиляриникига қараганда бирмунча кўпроқдир (59-расм).



59-расм. Икки ўркачли бактериан эркак туя.

**Түяларнинг етилувчанилиги.** Түялар бошқа ҳайвонларга нисбатан кеч етилувчан ҳайвон ҳисобланади. Улар 2,5—3 ёшлигидаги жинсий балоғатта етади. Бу даврда эркак түяларни урғочиларидан ажратиб қўйиш талаб этилади. Акс ҳолда улар жуфтлашиб ўсиш ва ривожланишдан тўхтайди. Шунга кўра урғочи түялар биринчи марта жуфтлашишда 3—4 ёшлигидаги, эркаклари эса 4—5 ёшлигидаги қўйилади.

Түялардан асосан 20 ёшгача фойдаланиш мумкин. Сўнг уларнинг тишлари едирила бошлайди ва ем-хашакни ҳазм қилиш хусусияти пасаяди. Бинобарин, бунда түялар семиртирилиб гўштга топширилади. Лекин қариб қолган түяларнинг гўшти чайир ва дагал бўлади.

**Түяларнинг бўхозлик даври** ҳар хил бўлади. Масалан, дромедар түяларда бу давр 13 ой давом этса, бактерианларда эса 14 ойга боради. Бўталоқлари оналарини 18 ойлигига қадар эмади. Ҳар бир түя асосан битта ва камдан-кам иккита тугади.

**Түяларни қочириш** асосан ики хил усуlda — қўлда ва уюрда амалга оширилади. Қўлда қочирилганда бир эркак түяга 25 урғочи, уюрда эса 15—20 урғочиси режалаштирилади. Эркак түя суткасига фақат битта урғочи түяни қочириши мумкин.

Бактериан түялар асосан қўлда, дромедари эса уюрда қочирилади. Дурагай насл олиш мақсадида түяларни қўлда қочириш талаб этилади.

**Бўталоқ ўстириш.** Буталоқлар одатда 35—55 кг вазнда тугилади. Агар ҳаво совук бўлса тугилган бўталоқлар иссиқ хонага олинади ва суткасига 5—6 марта онасини ёнига келтириб эмиздирилади. Бўталоқлар ўсиб, ривожланиб борган сари ем-пичангага ўргатила борилади. Улар икки ёшга еттанда 400 кг вазнга зга бўлади. Бунда уларга суткасига 10—12 кг пичан ва 1 кг ем бериш талаб этилади (60-расм).

Бўталоқларнинг вазни уларнинг ёшига қараб ортиб боради. Бундай бўталоқларнинг тирик вазнини ёшига қараб ўзгариш динамикаси куйидагича бўлиши аниқланган (И. Н. Чашкин маълумоти):

**Ўртача:**

Бўталоқлар тугилганида	49,39 кг
1 ёшли бўлганда	221,3 кг
2 ёшли бўлганда	350,5 кг
3 ёшли бўлганда	432,0 кг
Катта ёшдагилари	551,4 кг

**Ўзгариш чегараси:**

30—64 кг
140—289 кг
220—459 кг
330—549 кг
375—825 кг



60-расм. Бир ўркачли дромедар туянинг 1,5 ёшли бўталоги.

Бўталоқлар 2—3 ёшлигидан қўлга ўргатила бошлади. Бунда овоз чиқариб ўтириш ва туриш машқлари ўтказилади. Беш ёшга етганда улардан тўла ҳолда фойдаланиш мумкин.

Шундай қилиб, ёшлигидан қўлга ўргатилган туялар анча юввош ва буйруқни ўз вақтида бажарадиган бўлади. Бундай туялардан хўжалик ва ишлаб-чиқариш ишларида фойдаланиш имкони вужудга келади.

#### **Назорат саволлари:**

1. Туя биологиясининг ўзига хослиги тўғрисида сўзлаб беринг.
2. Туяларнинг халқ хўжалик аҳамияти тўғрисида нималарни биласиз?
3. Туяларнинг маҳсудорлиги тўғрисида тушунча беринг.
4. Туяларнинг етилувчаниги тўғрисида сўзлант.
5. Туя бўталогини ўстириш ва парваришлаш тўғрисида нималарни биласиз?

## XIII Б О Б. ҚҮЁНЧИЛИК

Ўзбекистондаги барча хўжаликларда, шу жумладан, фермер хўжаликлирида қуён асосан гўшти ва мўйнаси учун боқилади.

**Қуён мўйнаси** ранг-баранг, енгил, чиройли ва арzonга тушиши туфайли ундан кўп фойдаланилади. Ундан болалар пальтоси, теллак, ёқа, пойабзal тайёrlанади. Шунга кўра халқ хўжалигида унинг аҳамияти ниҳоятта каттадир.

**Қуён гўшти** ўзининг сифати, барралиги ва парҳезлиги билан бошқа тур ҳайвонлар гўштидан фарқ қилади. Умуман, гўшт етиштириш борасида қуёнлар салмоқли ўрин эгаллайди. Бунга асос сифатида уларнинг тез кўпайиши, тез етилувчанлиги ва турли хилдаги ем-хашакларни истеъмол қилиши каби хусусиятларини кўрсатиш мумкин.

Йилига битта она қуён ҳисобига 70—80 кг гўшт ва 25—35 дона мўйна етиштириш мумкин.

Статистика маълумотларига қараганда, йилига Россия ва Марказий Осиё давлатларида 50 миллион атрофида қуён гўшт учун сўйилар экан. Бу эса 1 млн бош кўй гўштига тенг демакдир. Умуман, қуён гўшти ўзининг ҳазм бўлиши ва оқсил моддаларга бойлиги билан чорва моллар гўшти орасида биринчи ўринда туради. Шунингдек, бир килограмм қуён гўшти етиштириш учун кўй, чўча ёки қорамол гўшти тайёrlашдагига нисбатан кам озиқ талаб этилади.

Қуён гўшти таркибида оқсил кўп, холестерин кам бўлғанилиги туфайли айниқса болалар, ҳомиладор ва эмизикли аёллар, шунингдек, ошқозон ва юрак-томир касаллигига чалинган кишилар учун жуда фойдалидир. Қуён ёри қўй ва қорамол ёғига нисбатан тез эрийди ва тўлик ҳазм бўлади. Шунинг учун ҳам болалар борчалари, санаторий ва касалхоналарда қуён гўштидан хилма-хил таомлар тайёrlанади.

Қуёндан жуда майин ва нозик тивит ҳам олинади, ундан шарф, рўмол, свитер, беретка, пайпoқ ва бошқалар тўқилади. Шунингдек, қуён терисидан қўлқоп, сумка, енгил оёқ кийим ҳам тайёrlанади.

Қуёнларни кўпайтириш ва парваришлаш ишлари, айниқса, сўнгти йилларда кўплаб фермер хўжаликлирида кенг қулоч ёзмоқда.

## Қүёnlарнинг маҳсулотига кўра асосий йўналишлари

Қүёnlар ўзларининг асосий маҳсулоти бўйича учта йўналишга мансубдирлар: 1) гўшт йўналиши, 2) тивит йўналиши, 3) мўйна йўналиши. Бундан ташқари, тивит йўналишидаги қўёnlарнинг мўйнаси ўзининг ўсиллигига кўра, ўртача, узун ва калта тивитли гурхударга бўлинади.

**Гўшт йўналишидаги зотлар.** Кулранг йирик зот. Уларнинг вазни 4,5—6,5 кг келади. Танасининг узунлиги 56—66 см, кўкрак айланасининг ўлчами 37—39 см. Ранги ҳар хил. Асосан кул ранг, оч ва тўқ кул рангли вакиллари ҳам учрайди (61-расм).



61-расм. Кулранг йирик зот қўёnlарнинг наслдор эркаги.

**Оқ рангли йирик зот.** Бу қўёnlарнинг мўйнаси зич ва майин, кўзлари қиззиш ёки пушти рангда бўлади. Танаси йирик, узунроқ, тирик вазни 4,3—6,4 кг га боради. Танасининг узунлиги 55—65 см, кўкрак айланаси 36—38 см. Мўйнасининг сатҳи катта. Ранги оқ бўлганлиги учун уни турли ранг билан бўяш мумкин.

**Болалаши.** Урғочилари бир йўла етти-саккизтадан болалайди ва бу болаларини яхши парвариш киласи. Бу зот ўзининг тез етилувчанилиги билан бошқа зот қўёnlардан фарқ қиласи. Болаларининг суткалик семириши юқори даражада бўлади. Икки ойлик болаларининг вазни ўртача 1,5 кг, уч ойлигига 2 кг ва тўрт ойлигига 2,6 кг тош босади. Бу зот қўёnlар асосан соф ҳолда кўпайтирилади.


**Шиншилла зоти.** Бу зот 1913 йилда Францияда яратилган. Вазни ўртача. Бу зот Россияга келтирилгач, унинг барча сифат белгилари, маҳсулот кўрсаттичлари тубдан ўзгарди. Бунинг натижасида ўзимизнинг маҳаллий шиншилла зоти вужудга келди. Маҳаллий шиншилла зоти гўшт-мўйна йўналишига мансуб. Мўйнаси тўқ кул ранг, қорин ва дум ости, оёқларининг ички

қисми оч кулранг. Тирик вазни 3,2—6,2 кг, танаси 55—65 см, күкрак айланаси 36—39 см. Бир йўла ўрта ҳисобда саккизтагача болалайди. Тез етилади ва яхши семиради.

*Кумуш рангли зот.* Бу зотнинг ранги кумуш рангдан ҳаво рангтacha бўлади. Жунлари ўsicк, қора, дагал туклари оқ бўлган вакиллари кўпроқ учрайди. Болала-ри қора рангда туғилади. Вазни ўртача 4,7 кг, танаси 60 см, күкрак айланаси 37 см. У тез етилувчан ҳисобланади.

*Тивит йўналишидаги зотлар.* *Ангор сертивит қуён зоти.* Бу зот кенг тарқалган. Асосан тивит учун боқилади. Ранги оқ, баъзан қора рангли вакиллари ҳам учраб туради. Вазни 3 кг атрофида. Ҳар бир қуён-дан йилига ўртача 250—300 г тивит олинади.

*Оқ сертивит қуён гуруҳи.* Танаси йирик. Тивити юқори баҳоланади. Тирик вазни ўртача 4 кг. Ҳар бир қуёндан йилига ўртача 400—500 г тивит олинади. Ти-витетининг йўғонлиги 12—14 микрон. У саноат учун ни-ҳоятда қимматли хом ашё ҳисобланади (62-расм).



62-расм. Оқ рангли сертивит зот қуён.

*Мўйна йўналишидаги қуён зотлари.* Бу йўналиш-даги қуёнларнинг мўйнаси қалин, жун толалари калта. Дагал жун толалари ҳам калта ва нозик. Мўйнаси май-ин, юқори қадрланади. Саноат учун керакли хом ашё ҳисобланади. Уларнинг ранги — жигар ранг, сарғиш, оқ, қора, ҳаво рангда бўлади. Вазни 4 кг атрофида. Бир йўла 3—4 тадан болалайди (63-расм).



63-расм. Мўйна йўналишидаги куён.

### Қуёнчилик фермаларини ташкил этиш

Ўзбекистон шароитида қуёнчилик фермалари заҳва намгарчилик бўлмайдиган қуруқ ерларда ташкил этилиши керак. Имконият борича теварак атрофи дарахт ва мевазорлар билан ўралган бўлиши мақсадга мувофиқдир. Умуман, қуёнчилик фермаларининг чорвачилик фермалари яқинида жойлаштирилиши кўп жиҳатдан осон ва кулай бўлади.

Куёнчилик фермаларини ташкил этиш ва мавжуд фермалардан катта даромад олиш учун биринчи навбатда серпушт она қуёнлар сонини кўпайтириш керак бўлади. Шундагина маҳсулотнинг таннархи арzonга тушиди ва сифати яхшиланади.

Шароити тўғри келадиган хўжаликларда йил давомида қуён гўшти этиштириладиган йирик қуёнчилик фермаларини ташкил этиш мумкин. Бунда майда қуён болаларини гўшти учун жадал усуlda семиртириш талаб этилади. Унинг афзаллиги шундаки, қуён болалари 60—65 кунгачча оналарига эмизиб боқилади ва вазни 1,8—2,2 кг га этиши билан гўштга топширилади. Шундай қилиб, қуёнларнинг 1 кг семиртириш учун ўрта ҳисобда 3,0—3,5 кг озиқ бирлиги сарфланади. Семиртирилган қуёнларнинг гўшти 50—60 фоизни ташкил этади.

**Қуёнларни қочириш ва болалатиш.** Маълумки, қуёнларнинг бўғозлик даври ўртача 30 кун давом этади. Қуйида қуён болаларини боқиш ва парваришлаш

усулига қараб, айрим тадбирлар, яъни қочириш ва болалатиш масалалари тавсия этилади (42-жадвал).

Қүён болалари жадал усуlda боқиладиган бўлса, улар ўз оналаридан 19, 29 ва 45 кунлигида ажратилади ва турли озиқлар билан боқилади. Бу усул қўлланилганида ҳар бир она қуён йилига беш-олти марта болалайди.

Ҳозир республикамиз шароитида қуёnlарни катакларда боқиши усули кенг тарқалган. Бунда эркак қуён урючиси билан бир катакда сақланади. Қуён боқишида бу усул қўлланганда гурӯҳ-гурӯҳ қилиб боқилганга қараганда турли юқумли касалликлардан, ит, мушук, каламуш, тулки ва бошқалардан сақланиши учун барча муҳим тадбирларни амалга ошириш талаб этилади.

**Қуён болаларини боқиш.** Қуён болалари оналаридан ажратиб олингач таркиби сутта нисбатан озиқ моддаларга унчалик бой бўлмаган пичан, турли ўт ҳамда дон озиқларга ўтади. Шунинг учун улар биринчи ойда оналарига қандай озиқ берилган бўлса, худди шундай озиқ билан боқилиши мумкин. Лекин дон албатта ёрма ҳолда берилиши керак. Шунингдек, қўшимча ҳолда сабзи, қаймоги олинган сут, творог берилиши яхши натижа беради (64-расм).



64-расм. Гўшт учун боқилган қуён болалари.

#### 42- жадвал

**Гўшт йўналишидаги қуёnlарни фермаларида қочириш ва улардан бола олишининг таҳминий календар муддатлари**

Нечанчи болалапи	Қочириш муддати	Болалаши	Кушхонага жўнатиш	Боқищдан мақсад
Биринчи	1 январь	1 февраль	5 апрель	Гўштта
Иккинчи	1 апрель	1 май	3 июль	Гўштта
Учинчи	1 июль	1 август	3 октябрь	Гўштта
Тўртнчи	1 октябрь	1 ноябрь	3 январь	Гўшт ва мўйнаси учун

Озиқлар қуёnlарга белгиланган муддатларда берилиши зарур. Рационга янги озиқ киритилган бўлса, у оз-оздан қўшиб борилиши керак. Масалан, кунжаранинг умумий суткалик миқдори етук қуёnlар учун 20 г, болалари учун 10 г дан ошмаслиги лозим. Айрим ҳолларда кунжара дон ёрмасига аралаштириб берилади. Ёрма ҳолидаги дон сабзавотларга аралаштирилиб берилса, юқори кўрсаткичларга эришилади.

**Қуёnlарни сувориш ишларига ҳам алоҳида аҳамият берилиши керак.** Қиши ойларида суткасига бир марта, ёз кунлари икки марта, яъни эрталаб ва кечқурун сув берилиши зарур. Куз ойларида, қуёnlар рационанида илдизмева ва ширали озиқлар кўп бўлса, улар суворилмаса ҳам бўлади.

**Бўрдоқига боқиш.** Қуёnlардан юқори сифатли гўшт олиш учун улар асосан бўрдоқига кузда боқилиши керак. Чунки бу вақтда улар яхши семириши билан бирга, терисининг сифати ҳам анча яхши бўлади. Бўрдоқига боқиш учун асосан қисир қолган она қуёnlар, брак қилинган эркак қуёnlар, қуён болалари ажратилади. Бўрдоқига боқиш даври 25—30 кун. Лекин қуёnlарнинг турли зот вакиллари ўзларининг барча биологик ва хўжалик хусусиятларига кўра, бир-бirlаридан фарқ қиласи (43 ва 44-жадваллар).

43- жадвал

**1-класста онд ўртача семизлиқдаги қуёnlарнинг айрим кўрсаттичлари**

Зоти	Тирик вазни, кг	Танасининг узуналиги, см	Кўкрак айланаси, см
Кул ранг великан	4,5	60	37—38
Оқ великан	5,5	67	36
Ҳаво ранг Вена зоти	4,2	50	36
Шиншилла	3,7	43	35
Оқ сертификат зот	3,7	54	35

Қуёnlарни бўрдоқига боқиш даврида озиқлар сифатли бўлиши ва у тўядиган даражада берилиши ҳамда сув билан таъминлаб турилиши лозим. Шундагина қуёnlар кўнгилдаги семиради, курак ва тери остидаги ёғининг ўзи 500—600 г ва ички органлари атрофидагиси 250—300 г, ўзи эса 6—7 кг гача етади (65-расм).



65-расм. Гўшт йўналишидаги эркак қўён.

#### 44- жадвал

##### **Қуёnlар меъёр даражада боқилгаида ёшига кўра тирик вазнининг ўзгариб бориши**

Зоти	Қуёnlарнинг ёши, кун ва вазни, кг		
	60 кун	90 кун	120 кун
Кул ранг великан	1,4	2,6	3,6
Оқ рангли великан	1,3	2,6	3,6
Маҳаллий шиншилла	1,2	2,2	3,1
Ҳаво ранг Вена зоти	1,2	2,2	3,1
Кумуш ранг зот	1,4	2,6	3,6
Қора-ола зот	1,4	2,6	3,6

**Қуёnlчилик фермаларида кун тартиби.** Қуёnlчилик фермаларининг кун тартибини тузиша ёз ва қишилари учун белгиланган тадбирларга амал қилинади. Бунда қуёnlарни эрталабки сувориш, дон бериш, катакларни тозалаш, уларни қочириш, кўкат озиқ бериш, дам бериш ва бошқа тадбирлар ўз навбатида узлуксиз олиб борилади.

Умуман, барча қуёnlчилик фермаларида ҳамма тадбирлар маълум режа асосида олиб борилиши мақсадга мувофиқдир. Кун тартиби эса ферма хусусияти, қуёnlарни умумий миқдори ва маҳсулот йўналишига кўра маълум даражада ўзгариши табиийдир. Лекин асосий мақсад вақтдан унумли ва самарали фойдаланишдан иборат.

## **Назорат саволлари:**

1. Күёnlарнинг мўйнаси ва гўшт маҳсулоти тўғрисида сўзлаб беринг.
2. Күёnlчиликда маҳсулотига кўра қандай йўналишлар мавжуд?
3. Күёnlчилик фермаларини ташкил этиш тўғрисида нималарни биласиз?
4. Күёnlарни қочириш ишлари ва болалатиш тадбирлари қандай олиб борилади?
5. Күёnl болаларини боқишиш қандай бажарилади?
6. Күёnlарни бўрдоқига боқишиш тўғрисида тушунча беринг.

## **XIII Б О Б. ОНДАТРАЧИЛИК**

Ондалтра ўзининг ташқи кўринилиши билан кўпроқ иирик каламушларга ўхшаб кетади. Ондатранинг асосий ватани Шимолий Америка бўлиб, у кўплаб мамлакатларга кенг тарқалган.

Айрим маълумотларга кўра у собиқ СССРга 1927—1928 йилларда ва Марказий Осиёга 1935 йилда келтирилган.

Ондалтранинг мўйнаси ўсиқ ва сарриш-оч жигарранг, қора, қизил-сарғиш, тўқ мalla ранг, оёқлари калта ва кучли бўлади. Бармоқларининг ораси калта парда билан бирлашган бўлиб, сузишда катта вазифа бажаради. Думи узун ва икки ён томонидан торайган ҳолда учрайди. Қулоги калта ва кичик, айрим ҳолларда у унча сезилмайди.

*Ондалтрапарнинг ҳаётни асосан серсув, ўсимликларга бой бўлган кўлмак ерларда ўтади. Улар шундай ерларда урчиб кўпаядилар.*

Сўнгги йилларда хусусий секторда ва айрим фермер хўжаликларида ондалтрапарнинг танлаш ва саралаш ишларини қўлланиши сабабли уларнинг вазни ва мўйнасининг сифати бирмунча ортди ва яхшиланди.

*Вазни — 1,5—2 кг, баъзан ундан ҳам кўпроқ бўлиб, тана узунлиги 30—35 см атрофида учрайди.*

*Асосий озиши — қамиш ва шу каби сув ўсимликлари, уларнинг илдизлари, ҳамда сувдаги моллюскалар, ҳашаротлар, чувалчанглар ва сувдаги майда ҳайвонлар ва уларнинг личинкалари ҳисобланади.*

*Улар сузган вақтда кўпинча боши ва елка қисмини ташқарига чиқарган ҳолда жуда тез ҳаракат қилаади.*

Сув остида 3—5 минут, баъзан ундан ҳам кўпроқ туролади. Бир сузишда 100 метрга тўхтовсиз бораолади.

*Ондалтрапар мўйнаси бирмунча зич ва қуюқ жой-*

лашган. Шунинг учун ҳам сувда уларнинг мўйнасига нам юқмайди. Мўйнаси калта ниҳоят зич жойлашган, тивити уларнинг танасини совуқдан ҳимоя қиласи.

### Ондатраларнинг урчиши ва кўпайиши

**Урчиши** — бирмунча жадалликда юз беради. Уларнинг бўроздик даври 25 кун давом этади. Бир йўла 3—8 та бола туғади. Уларнинг болалашни даставвал ташки муҳитта боғлиқ. Агар шимолий зоналарда улар йилига икки марта болаласа, республикамиз шароитида улар йилига 5 марта гача болалайди.

**Болалари** — 20—25 кун давомида онасининг сутти билан озиқланади, сўнг мустақил ҳолда турли хил озиқларни истеъмол қиласи.

Табиий шароитда урғочилари эрта баҳорда кўпайди. Болалари туғилгач бир ой мобайнида улар қайтадан куюқади. Шу тариқа йилига 4—5 марта болалаб, 35—40 тагача бола бериши аниқланган.

**Болаларининг ўсиши** дастлаб онаси сутининг миқдорига ва парваришига боғлиқ бўлади. Болалари туғилгандан сўнг деярли бир ой давомида фақат онасининг ёнида бўлади.

Яхши парвариш қилинмаган болалари ёшлигидаёқ нобуд бўлиб кетади. Табиатда ондатраларнинг душмани кўп. Жумладан, чия бўри, тулки, ёввойи мушук, ва ҳатто йирик илонлар ҳам уларнинг майдага болаларига ҳамла қиласи.

### Мўйна сифати

**Мўйна сифати** — барча мўйнабоп ҳайвонлар ичидаги салмоқди ўрин эгаллайди. Шунинг учун ондатраларни имкони борича хўжалик шароитида кўпайтириш ишлари юқори самарадорликка олиб келади.

Ондатралар асосан Амударё атрофидаги серсув ерларда кўпайтирилади.

**Мўйнанинг сифати** асосан қиши ойларида юқори бўлади. Бошқа вактларда улар туллайди ва бу жараён мўйна сифатига салбий таъсир кўрсатади.

**Ондатра сўйилганда** уларнинг думи ва оёқлари ташлаб юборилади, шилиб олинган териси маҳсус рагмаларга кийдирилган ҳолда қуритилади ва уларга ишлов берилади.

**Гўшти** — Шимолий Америкада озиқ сифатида истеъмол қилинади. Ошхоналарда улардан турли хил та-

омлар тайёрланади. Марказий Осиёда ондатра гўлти айрим гўштхўр ҳайвонлар (норка, тулки ва ҳ. к.) учун ишлатилади.

Ҳозирги вақтда ондатраларнинг асосий қисми Қо-рақалпогистонда, кўпроқ Мўйноқ тумани хўжаликлирида ва Амударё қирғозларига жойлашган хўжаликларида кўпайтирилмоқда.

#### **Назорат саволлари:**

1. Ондатраларнинг қандай ҳайвон эканлиги ва ҳаёти тўғрисида тушунча беринг.
2. Ондатраларнинг урчиши ва кўпайиши тўғрисида сўзланг.
3. Мўйна сифати тўғрисида нималарни биласиз?

### **XIV Б О Б. НУТРИЯЧИЛИК**

Нутрияларнинг ватани Жанубий Америка ҳисобланиб, ёввойи ҳолда иссиқ ва нам иқлимли тропик зоналарда, қамишзор серсув ерларда яшайдиган кеми-рувчилар оиласига мансуб бўлган зич мўйнали ҳайвон ҳисобланади.

**Биологик ҳусусияти.** Нутриялар ўз озирини асосан сувдан топади. Улар сувда яхши сузаоладилар. Сув остида бирнеча минут бўлаолади. Бинобарин, уларнинг бу ҳусусияти кўплаб ўз душманларидан жон сақлаб қолиш имконини беради.

Табиий шароитда улар тунги ҳайвон ҳисобланади. Шунга кўра ўз ўлжаларини тунда овлайдилар.

**Асосий озиқи** сув ўсимликлари (қамишлар) ва уларнинг илдизлари. Сувдаги майдা жониворлар ҳам улар учун озиқ сифатида фойдалидир.

**Вазни** — ўртача 6—7 кг, тана узунлиги 60—70 см атрофида. Эркаклари 12 кг гача ва тана узунлиги 90 см гача бўлади. Курак тишлари ўткир ва уларнинг бутун умр бўйи ўсиб боради. Уларда 16 та озиқ тиши ва 4 та оч пушти ранг курак тиши бўлади.

Кўлда боқилган нутрияларнинг остки жағ ва курак тишлари бир-бирларига ишқаланиб ўткирлашиб туриши аниқланган.

**Урчиши ва кўпайиши.** Улар йил мобайнида бир меъёрда урчиши ва кўпайиш ҳусусиятига эга. Эркак нутриялар бирмунча серҳаракат бўладилар. Қочмай қолган урюочи нутриялар ҳар 25—30 кунда қайтадан куюкка келадилар.

**Болалаши.** Йилига 2 марта, баъзан икки йилда 5 марта юз беради. Бўвозлик даври 127—137 кун. Ҳар туғишида 4—5 та бола беради. Лекин айрим ҳолларда

10 тагача ва ҳатто 14 тагача бола бериши мумкин. Түғилган болалари ҳаракатчан, күзлари очиқ, танаси жун билан қопланган бўлади. Ҳатто тишлари ҳам бўлади ва сувда бемалол сузаоладилар.

**Болалари** 2—3 кунлигидан онаси озиғини тотиб боради ва 10—15 кунлигидан бошлаб кўкат озиқларни бемалол истеъмол қиласидилар. Эмизикли даври 45—60 кун ва 3—7 ойлигида жинсий балоғатта етади.

**Яшаш даври** — 6—7 йил, баъзан ундан ҳам кўпроқ. Лекин 3—4 ёшдан ўтгач, уларнинг серпуштлик дараҷаси бирмунча пасайиб кетади.

**Нутрияларнинг мўйнаси** қуёнларникидан сифатли бўлади. Бинобарин, у қиммат туради (66-расм).



66-расм. Оқ рангли наслдор эркак нутрия.

Ҳар доим сифатли озиқлар билан боқилган ва яхши парвариш қилинган урючи нутриялар бутун йил давомида куюкиб туради, қочади ва болалайди. Лекин улардан насл олиш ёз ва иссиқ кунларга тўгри келса, болаларининг ўт-ўсимликларни яхши истеъмол қилиши учун қуай шароит мавжуд бўлади.

### Ёш нутрияларни қочиришга тайёрлаш

Урючи нутрия болалари 50—60 кунлигида оналиридан ажратиб олинниб 7—8 тадан гуруҳданади ва уларга қочириш учун эркак нутрия қўйилади. Катта ёшдаги нутриялар тукқандан сўнг орадан 1—3 кун ўтгач, улар яна куюкка келади. Эркаклари қўшилгач улар

тезда қочади ва яна бўғоз бўлади. Лекин бу ҳолат яхши натижа бермайди. Бинобарин, туққанига 22—25 кун ўтгач қочирилса, у ижобий натижа беради.

**Нутриянинг бўғозлигини аниқлаш** урғочиларини, айниқса ёш нутрияларни қисир қолиши олдини олишдаги муҳим тадбир ҳисобланади. Бунинг учун урғочи нутриялар турган катакларга эркаклари киритилиб турлади. Агар урғочиси бўғоз бўлса, у эркагини яқинлаштиrmайди ва анча уришқоқ бўлади. Агар нутрия қочмаган бўлса, анча юввош ва мойиллик билан эркагини қабул қиласди.

Бўғоз нутрияларни озиқлантиришда, катакларни тозалашда ортиқча шовқин-сурон қилмаслик талаб этилади. Шунингдек, ит, мушук, ғоз ёки бошқа ҳайвон ҳамда паррандаларни уларга яқинлаштиrmаслик лозим.

Нутрияларни думидан кўтариш ва қийнаш кўнгилсиз воқеаларга (кўпроқ бола ташлашга) олиб келиши мумкин. Иссиқ кунларда уларни тоза сув, совуқ кунларда тоза муз ва қор, серсув ва ширали озиқлар билан таъминлаш яхши натижа беради. Шу билан бирга бир вақтни ўзида кўп микдорда берилган илдизмевалар уларнинг овқат ҳазм қилиш органлари фаолиятини бузади, айрим ҳолларда бола ташлашга олиб келади.

Нутриялар туғишига яқин уларнинг катаклари тозаланади, унга похол ва юмшоқ сомон ёки бошқа ўсимлик тўшамалар солинади. Қиши кунлари эса хона иситилиши керак. Ҳамма вақт тоза сув билан таъминлашади.

Нутрия болаларини туғилганидаги вазни улар қанча туғилганлигига боғлиқ бўлади. Агар нутрия болалари қанчалик кўп туғилса, уларнинг вазни шунчалик кичик ёки аксинча бўлади. Ўз оналарини тез-тез эмиб турган нутрия болалари тез ўсади ва ривожланади. Чунки нутрия сути жуда сермой (26%) бўлади. Агар она нутриянинг елини касалланган бўлса, унинг болаларига пипеткалар ёрдамида кунига 3—4 марта сигир сути бериб турилади. Шунингдек, ёш болаларига сутга нон тўғраб бериш ҳам яхши натижа беради.

Нутрия болалари 2 ой бўлгунча кунига 40—50 г дан сут, 20 г дан нон ёки маккажўхори уни олиши мумкин. Кўкат озиқлар эса уларни истаганича берилади. Нутрия болалари 45 кунлигидан бошлиб, катта ўшдаги нутриялар рационига ўтказилади. Шунингдек, қора нон, балиқ мойи ва витаминлар бериш тавсия этилади.

Онасидан ёшлигіда ажратиб олинган нутрия болалари одамга тез үрганади ва унинг олдидан узоққа кетмайдилар.

**Нутрияларнинг болалаши** учун қулай вақт I квартал ҳисобланади. Чунки совуқ тушгунча улар анча йирик, мўйнаси ўsicқ ва сифатли бўлади. Лекин кўплаб хўжаликларда бу ҳол II—IV кварталга тўғри келади.

### Нутрияларни озиқлантириш

Нутриялар жадал ўсиши ва ривожланиши учун уларни **рацион** асосида боқиши ижобий натижа беради. Уларга бериладиган ем-хашак сифатли бўлиши ва тоза ҳолда дастлабки ишлов беришдан ўтган бўлиши лозим. Бундай озиқлар уларнинг физиологик ҳолатини яхшилайди, семиртиради ва ўсиш-ривожланишини тезлаштиради.

**Озиқ рациони** ёз кунларида асосан кўкат озиқлардан иборат бўлиши мумкин. Масалан, янги ўрилган кўк беда, бошоқли ўсимликлар пояси, лавлаги, савзи ва уларнинг барги ва бошқа тур ширали ўсимликлар шулар жумласидандир.

Ҳар бир нутрия учун бир суткада 100—150 г илдизмевани асосан кечқурун (қиши кунлари эса эрталаб ва кечқурун) берилади. Ем улар учун энг тўйимли озиқ ҳисобланади. Айниқса, арпа, маккажўхори, сули, нўҳот, буғдой каби дон озиқларни нутриялар севиб истеъмол қиласидилар. Нутрияларга бериладиган ем аввал сувга намланса ёки қайнатиб берилса, унинг сифати, тўйимлилиги ва ҳазм бўлиши юқори бўлади.

Ёз ва қиши кунлари 1 бош нутрияга бир кунда берилиши режалаштирилган рацион (грамм ҳисобида) 45-жадвалда кўрсатилган.

45- жадвал

#### Бир бош нутрия учун бир суткада бериладиган рацион

Ем-хашак номлари	Катта ёшли, йирик нутриялар	Ёши нутриялар	
		Эмизикили боласи (2-ойлигига қадар)	Онасидан ажратилган (2 ойдан бойга) болалари
Серсув кўкат озиқ	Ёз ойларида:		
Ем	800—1000	150—400	800 г гача
Кўшимча: ош тузи бўр	100—150 0,5—1,0 1,5	35 0,2 0,5	80—100 0,5 1,0

сугт балиқ ёки гүшт	15—20 7—10	10—15 5—8	10—15 5—8
<b>К и ш о й л а р и д а:</b>			
Илдишева	400—500	150	300
Ем	100—150	35	80—100
Пичан	100	50	150
Сомон	150	50	150
Балиқ, мойи	0,5	0,3	0,5

**Нутриялар рационига** минерал, ёғи олинган сугт, қон ва суяқ уни каби озиқлар бўлиши уларнинг оқсил мoddасига бўлган эҳтиёжини қондиришда, жадал семиришида ва тез ривожланишида муҳим омил ҳисобланади.

**Нутрияларнинг жун қатлами.** Уларнинг жун қатлами асосан ўсиқ дағал жун толаларидан ва калта, лекин ниҳоятда зич жойлашган тивит толалардан ташкил топган. Бу толалар совук, кунларда нутрия танасини совукдан сақлаш имконини беради (66-расм).

**Тери қатлами қалинлиги** елка қисмида яхши ривожланган бўлса, қорин, биқин, бош ва кўкрак қисмидагиси бир оз юпқа бўлади. Бу хусусият уларнинг мўйнасини ишлап даврида ҳисобга олиниши лозим.

**Нутрия мўйнаси** енгил саноат учун қимматли маҳсулот ҳисобланади. У ўзининг чидамлилиги ва пишиқлиги билан ондатра ва қуён мўйнасидан устун туради. Уларнинг мўйнасидан аёллар ва болалар учун сифатли бош кийимлар, ёқалар тайёрланади. Айрим вақтларда уларнинг мўйнасини бўяш ҳам мумкин.

**Сўйшлган нутриялардан** 2,5—3,5 сифатли гўшт олиш мумкин. Нутрия гўштидан кўплаб чет мамлакатларда, жумладан, Америка континентида тўйимли ва мазали овқат сифатида кенг фойдаланилади. Шунингдек, мамлакатимизда ҳам кейинги йилларда нутрия гўштини истеъмол қилиш яхши йўлга қўйилган.

#### **Назорат саволлари:**

1. Нутрияларнинг биологик хусусиятлари тўғрисида нималарни биласиз?
2. Нутрияларнинг урчиши ва болалаши тўғрисида тушунча беринг.
3. Қочириш учун ёш нутриялар қандай тайёрланади?
4. Нутрияларнинг асосий озиқлари ва озиқланиши тўғрисида сўзланг.
5. Нутрияларни жун қатлами ва мўйнаси тўғрисида нималарни биласиз?

## XV Б О Б. НОРКАЧИЛИК

Норкалар ҳаракатчан, танасининг вазнига нисбатан кучли йиртқич ҳайвон ҳисобланади. Улар ўзларининг келиб чиқиши ва айрим хусусиятларига кўра икки турга бўлинади. I. Америка тури. II. Европа тури.

**Америка норкасининг қулоқ супраси** айлана шаклида, мўйнаси қуюқ ва сифатли. Бинобарин, америка норкаси кўпчилик зона хўжаликларида кўпайтирилади.

**Европа турининг қулоқ супрасини** учи торайган ва бироз ингичкалашган кўринишга эга. Шунингдек, уларнинг думи 5—10 см калтароқ бўлади. Кўплаб хўжаликларда Аляска норкаси ва Кентай норкаси ҳам боқилади ва кўпайтирилади.

### Норкаларнинг умумий хусусиятлари

Норкаларнинг тана узунлиги 60—80 см атрофида. Эркакларнинг вазни 1000—3000 г, айрим ҳолларда 3,5—3,8 кг ҳам бўлиши мумкин. Урочилари 700—1900 г тош босади. Улар сувда яхши сузаоладилар.

Айрим ҳолларда норкаларнинг ёввойи ҳолда кўл, дарё ва сувли ерларда яшашлари аниқланган. Бунга асосий сабаб уларнинг озиқ рационининг деярли 70—75 фоизи турли хил майда ва ўртача ҳайвонлардан ташкил топганлигидир. Масалан, ҳамма турдаги балиқлар, бақалар, қисқичбақалар, молюскалар, каламуш, сичқон, олмахон, ондатра, қушлар, илонлар ва ҳатто ҳашаротлар шулар жумласига киради.

Шунингдек, уларнинг рационини 25—30 фоизи турли хилдаги ўсимликлар ва уларнинг дони, мевалари, сабзавот экинларидан иборат.

Норкалар ёввойи ҳолда оила бўлиб яшамайди. Куюкка келган урочи норкалар қочгач, ўзининг бўлажак болаларини эркагидан сақлаш учун узоқ масофа-ларга жўнаб кетади. Бир онадан туғилган 2—3 та болалари куз келишинга қадар бирга, оналари ёнида бўлишади, сўнг ҳар томонга тарқалиб кетишади.

Норкалар асосан тунги ҳайвон ҳисобланади. Лекин айрим вақтларда кундузи ҳам ов қилади. Улар қочиши ва қочириш вақтида жуда актив (фаол) бўладилар. Уларнинг оёқлари калта, лекин бақувват, бармоқлари жун билан қопланган, ораси сузғич парда билан бирлашган бўлади. Бармоқлари бир-биридан мустасно ҳаракатланиш хусусиятига эгадир.

Норкалар олмахон каби тик дараҳт ёки сим тўрла-рида тезлик билан ҳаракат қилаоладилар. Уларнинг тузи асосан жигарранг, лекин ҳозирги вақтда 5—6 хил туслари ҳам яратилган.

Норкаларнинг боши уларнинг жинсини аниқлашда

муҳим белги ҳи-собланади. Эркак-ларининг боши юмалоқ, кенг, анча қўпол бўлади. Уроҷочилариники эса бир оз чўзиқроқ-дир. Бир ойлик бўлган болаларининг бундай жинсий деморфизми яхши ифодаланган.

Норканинг кўзи юмалоқ, ялтираб туради, асосан қора рангда. Лекин айрим вақтларда жигарранг, қизил ёки оч пушти ва кўк рангда бўлиши ҳам мумкин. Умуман уларнинг кўзи, танаси ва мўйнасининг рангига қараб турлича бўлади (67-расм).



67-расм. Оқ рангли наслдор норка.

### Норкаларни қўлда боқиш ва кўпайтириш

Норкалар узоқ йиллардан бери қўлда боқиш ва кўпайтиришга мослашган. Улар устида селекция ва наслчилик ишларини олиб бориш натижасида уларнинг ўнлаб турли хил ранг мўйналарини етиштириш имконига эга бўлинди.

Ҳозирги вақтда мўйначилик хўжаликлирида норкаларнинг стандарт (тўқ жигар ранг), ҳаво ранг, жигар ранг, оқ ва қора рангли турлари кўплаб урчтилмоқда ва кўпайтирilmоқда.

Норкалар йилига бир марта, февраль ойининг дастлабки кунларида куюкка келади. Бу вақтда улар турли

хил овоз чиқаради ва эркагини қаршилик кўрсатмаган ҳолда қабул қиласи.

Жинсий инстинкт эркакларида кучли ривожланган, айрим ҳолларда бир урғочи норкани бир неча бор зўрлаб қочириши кузатилган. Лекин, айрим вақтларда бу ҳол икки жинс ўртасида уруш ва бир-бирларини тишлаб жароҳатлашгача олиб келади.

**Норкаларнинг қуюкиш муддати** 25—30 кун давом этади. Тухум ҳужайраларининг тухум йўлидаги ҳаракати ҳам 6—7 кун давом этади. Тухум ҳужайра тухум йўлининг юқори қисмида оталанади ва 10—40 кун мобайнида тухум йўлида тўхтаб қолади. Бу давр латент даври деб аталади. Айрим ҳолларда қочирилган норка танасида қўшимча (янги) тухум ҳужайралар ҳосил бўлади, шунга кўра улар яна эркаклари билан қўшилишга ҳаракат қилишади. Қўшимча қочириш натижасида янги эмбрионлар вужудга келади.

Норкаларнинг бўғозлик даври 40 кундан 73 кунга-ча давом этади. Бундай катта фарқ бўлишининг асосий сабаби уларда латент даврининг ва эмбрионлар миқдорининг ҳар хил бўлишидадир. Эмбрионлари кўп бўлган норкаларнинг бўғозлик даври бирмунча чўзи-лиши аниқланган.

### **Норкаларни рацион асосида озиқлантириш**

Норкаларни боқищда уларнинг рационыни минимал ёки максимал даражада ўзгаришига йўл қўймаслик лозим. Чунки минимал даражадаги рацион норкаларнинг соғлиги сақданиши билан маҳсулдорлиги пасайиб кетади ва максимал даражада бўлганида овқат ҳазм қилиш органларининг жадал ишлаши натижасида жигари ва айрим органларининг фаолияти бузила-ди. Шунинг учун рацион доимо меъёр даражада бўлиши керак.

Республикамиз хўжаликлари шароитида норкаларнинг боқиши ва озиқлантириш борасида Ангрен мўйна-чилик хўжалигининг иш тажрибаси ўrnak бўлмоқда.

Хўжаликларда рацион тузищда норкалар организмининг озиқ моддаларга эҳтиёжини тўла қондириш ҳисобга олинади. Бунда ҳайвонларнинг ёши, жинси ва йилнинг фаслига эътибор берилади.

Норкаларни соғлом сақлаш ва маҳсулдорлигини оширишга катта аҳамият берилади, физиологик ҳолати (урчиши, ўсиши, ҳомиласининг ривожланиш қобилияти ва бошқалар) ҳисобга олинади. Хўжаликда

норкаларни балиқ, гүшт ва гүшт-балиқ билан боқиши усуулари құлланилади. Балиқ билан боқиши усулида ҳайвонлар оладиган жами калориянинг 50 фоиздан күпроғи балиқтарга ва балиқ маҳсулотларига, гүшт билан боқищда эса турли ҳайвонлар гүшти ва ичак-чавоктарга түрі келади. Гүшт-балиқ билан боқищда рационда калорияси ва түйимлилик даражаси теңг бўлган, теңг микдордаги гүшт ва балиқ маҳсулотлари бўлиши кўзда тутилади.

Зарурият бўлган пайтларда ёш норкаларнинг ўсиши ва ривожланишини яхшилаш, катта ёшли норкаларнинг урчиш қобилиятини ошириш ва юқори сифатли маҳсулот етиштириш мақсадида рационга ёғ, витаминлар, антибиотиклар, ачитқилар, биопрепаратлар ва минерал элементлар (кальций, фосфор ва бошқалар) кўшилади.

Урчишига тайёргарлик кўриш ва урчиши, бўғозлик ва лактация даврларида рационга жигар, от гүшти, сут, балиқ мойи ва ачитқилар киритилади.

Ҳозирги вақтда Ангрен мўйначилик хўжалигидаги турли хил озиқ нисбатлари ва уларнинг калориясини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги рацион қўлланилади (46-жадвал).

#### 46- жадвал

**Норкаларнинг турли ойларга мўлжалланган озиқ рациони  
(озиқ турларининг саломи, %).**

Ойлар:	Рациондаги озиқ турлари						Ҳазмла- надиган протеин	Ёғ
	Гүшт	Сут	Дон	Сабза- бот	Балиқ мойи	Ачитқи		
Январь	75,6	0,03	19,9	1,1	2,5	0,9	25,4	9,4
Февраль	79,3	1,9	14,3	1,3	4,1	0,9	25,7	9,8
Март	81,5	1,6	11,8	1,1	2,8	1,1	28,6	10,1
Апрель	83,2	2,9	12,1	0,8	—	1,0	39,8	9,4
Май	80,1	6,2	10,0	0,6	1,4	1,7	39,6	15,2
Июнь	82,9	1,6	10,8	0,4	1,8	2,5	20,7	10,6
Июль	74,5	1,4	15,6	0,3	0,8	2,5	30,6	10,4
Август	60,4	1,2	19,7	0,7	15,3	2,8	31,1	9,7
Сентябрь	72,8	0,6	17,1	0,6	6,3	2,5	33,8	17,5
Октябрь	66,4	0,2	19,2	0,4	9,1	2,4	31,8	18,7
Ноябрь	74,3	0,2	18,6	0,4	1,9	4,9	27,7	15,8
Декабрь	73,5	0,5	19,0	0,6	1,7	4,7	28,4	10,3

## **Норкаларни сўйиш ва териларига ишлов бериш**

Бундай тадбирлар норка боқувчи ишчилар иштирокида мўйначилик мутахассислар бажаради. Норкаларни сўйиш учун уларга укол қилиниб дистелин юборилади.

Мўйнага биринчи ишлов бериш маҳсус асбоблар ёрдамида сўйиш пункти (кушхона)да бажарилади. У ерда мўйнани ишлаш, тозалаш, ёғини кетказиш, текислаш ва қуритиш, ташиш ва саралаш цехлари бор. Қуритиш ишлари 31—35°C да 11—12 соат давом этади.

Шундай қилиб, норкаларни боқиши, уларни урчишиб кўпайтириш иқтисодий жиҳатдан сердаромад тармоқ ҳисобланади. Бинобарин, имкони бўлган фермер хўжаликлари ушбу тармоқ билан шугулланишлари мумкин.

### **Назорат саволлари:**

1. Норкаларнинг қандай хусусиятларини биласиз? 2. Улар табигатда, ёввойи ҳолда қандай япайдилар? 3. Норкалар кўда қандай боқилади ва кўпайтирилади? 4. Норкалар рацион асосида қандай озиқлантирилади?

## **XVI Б О Б. АСАЛАРИЧИЛИК**

**Асалариларнинг ҳалқ хўжалик аҳамияти.** Республикамиз аҳолисини барча турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашда асал салмоқли ўрин эгаллайди. Барча турдаги ўсимлик гулларини чангланда ва улар ҳосилдорлигини оширишда ҳам асаларилар муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бир қаторда улардан саноатимиз учун зарур ҳисобланган мум маҳсулоти ҳам етиштирилади.

Асаларилар томонидан чангланган меваларни мазаси, хушхўрлиги ва вазни оддий табиий усуlda чангланган меваларга қараганда бирмунча юқори даражада бўлиши тажрибаларда синааб кўрилган.

Республикамизда асаларилар томонидан чанглантириладиган мева, савзавот, гул, пахта, полиз экинлари ва умуман 100 дан ортиқ ўсимлик турларининг мавжудлиги аниқданган. Уларнинг орасида кенг тарқалганлари: мева берувчи ўсимликлар, кунгабоқар, пахта, гречиха, беда, экспартет, қизил беда, полиз экинлари ва бошқалар асаларилар ёрдамида чанглантирил-

са, уларнинг ҳосилдорлиги 20—30 фоизга, айрим ҳолларда ундан ҳам кўпроқ ортар экан.

Айрим сугориладиган зоналарда асалариларни ўсимлик гулларини чанглатишдаги фойдаси ва ундан олинадиган даромад ва самарадорлик ариларни берадиган асал ва мум маҳсулотига нисбатан бирмунча юксак бўлиши тажрибаларда синааб кўрилган.

Республикамизнинг барча вилоятларида асаларилар учун ниҳоятда бой озиқ базаси мавжуд бўлганлиги учун кўп миқдорда асал етиштирилади.

Асалариларнинг асосий маҳсулоти а с а л ўзининг юқори калорияси, мазаси, парҳезлиги ва даволаш хусусиятларига эга эканлиги билан барча турдаги озиқовқатлардан кескин ажralиб туради. У ўзининг инсон ички касалликларини даволашда юксак шифобахшлиги билан ҳам салмоқли ўрин эгаллайди.

Асал ёш болалар учун ҳам ниҳоят фойдалидир. Бунга асосий сабаб унинг таркибидағи оддий қанд-глаукоза, фруктоза, ферментлар, органик кислоталар, турли хил микроэлементларни бўлишидир ва улар инсон организми учун ниҳоят зарур эканлигидадир.

Барча мамлакатларда бўлгани каби бизнинг республикамизда тиббиёт фанларини тобора ривожланиб бораёттанлиги сабабли кўплаб касалликларни даволаш ишларида асалари майда бола (личинка)ларини озиқлантиришда фойдаланиладиган «ас а л а р и с у т и» — (маточное молочко), «асалари заҳари» ва «прополис» (асалари елими) кабилар ўз самарасини бермоқда.

Республикамизнинг барча вилоятларида чорвачиликни бу сердаромад ва фойдали тармоғини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Айрим фермер хўжаликлари бу соҳани ривожлантиришда фаоллик кўрсатиш учун бел боғлаганлар. Бундай хўжаликлар Фарғона, Андижон ва Қорақалпоғистон туманларида салмоқли ўрин эгаллаб келмоқдалар. Ҳар бир хўжаликда 120—200 асалари оиласи боқилаёттанлиги матбуот саҳифаларида кўрсатилган.

### Ўзбекистонда асаларичиликнинг қисқача тарихи

Асалари Туркистон ўлкасига биринчи бор 1848 йили Семипалатинск вилоятидан олиб келинган. Жумладан, Тошкентта 1872 йили Самарқандга 1893 йили келтирилган. Бинобарин, бу тармоғнинг афзалликларини кўрган маҳаллий аҳоли уни ривожлантиришга астой-

дил киришган ва ташвиқот-тарбибот ишлари олиб борилган.

1926 йили 1970 та асалари оиласи бўлган бўлса, 1930 йили 20080 та асалари оиласи, 1934 йили 19672 та, 1940 йили 37690, 1970 йили 71672 та, асалари оиласи бўлган. Шунингдек, ҳаваскор асаларичиларда (индивидуал секторда) 70000 дан кўпроқ асалари оиласи бўлган. 1980 йилда Ўзбекистон вилоятларида 190 минг асалари оиласи мавжуд бўлганлиги адабиётларда акс эттирилган.

1962 йили Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик вазирлигига қарашли хўжаликлар пасекаларидан 672,8 т асал йирилган.

Республикамизда ўрмончиликни ривож топиши туфайли чорвачиликни бошқа тармоқлари каби асаларичилик юксалаборди. Асал ишлаб чиқариш йил сайнин ортиб борди.

1971 йилдан бошлаб 5,5 млн гектар ўрмон хўжаликлирида асал ишлаб чиқариш режа асосига ўтди. Бу хўжалик ерларининг 3570 минг гектари қумлик, 1212 минг гектари тоғли массивлар, 1193 минг гектари во́дий ва ундан 4321 гектари боғлардан иборатdir.

1977 йили 32 та ўрмон хўжалиги асаларичилик билан шуғулланган.

1976 йили Яккабоғ ўрмон хўжалигига 364 та асалари оиласи бўлиб улардан 6 тонна асал ишлаб чиқилган. Шунингдек, Жиззах ўрмон хўжалигига 210 та асалари оиласидан 4 тонна, Самарқанд ўрмон хўжалигига 240 оиласи ҳар биридан ўртacha 27,5 кг дан асал олинган.

Шерободда 1977 йили 110 оиласининг ҳар биридан ўртacha 32,2 кг дан асал жамғарилган.


Асаларичилик барча ижобий томонлари билан бир қаторда энг катта муаммо малакали кадрларни етишмаслиги сезила бошлади. Бинобарин, шунга кўра 1977 йили Тошкент асаларичилик совхози қошида 100-ўқувчига мўлжалланган бир йиллик асаларичилар мактаби ва бир ойлик малакани ошириш курси (350—400 тингловчига мўлжалланган) очилди.

1970 йили Пскентда профессионал-техника билим юрги очилди (Ўқув-техника билим юрти). Шу тариқа, малакали кадрлар тайёрлаш ишлари бирмунча жонлантириб юборилди.

## Асалари оиласининг таркиби ва биологияси

Асаларилар оиласининг ҳаёти ниҳоятда мураккаб ва ўзига хос хусусиятларга эгадир. Оилани ташкил этувчи ҳар бир индивид маълум бир муайян вазифани бажаради. Шунга кўра ҳар бир оилада урғочи ари ишчи ари ва эркак арилар бўлади. Улар ўзининг тана тузилиши, катта кичиклиги ва физиологик хусусиятларига кўра бир-бирларидан фарқ қиласидилар. Бу хусусиятга полиморфизм оиласидан ғизм дейилади.

Полиморфизм, одатда, ҳар бир индивид оилада маълум бир вазифа бажаришдан келиб чиқади. Бошқача қилиб айтганда бажарилиши лозим бўлган ишнинг тақсимланиши бевосита уларнинг барча морфологик фарқларига боғлиқ бўлади (68-расм).



68-расм. Асалариларнинг оила аъзолари (чапдан ўнта): урғочи асалари, ишчи асалари ва эркак асалари.

Асаларилар оиласи бир бутун ва ягона биологик ва хўжалик бирлиги бўлиб уларни на эркаги, на урғочиси ва на ишчиси ўз оиласидан ажралган ҳолда ўз вазифасини бажараолмайди. Улар бир-бирлари билан муайян, боғлиқ ҳолда ўз фаолиятини кўрсатаоладилар.

Асалариларнинг ҳаёти ва фаолияти ташки мухит шароити билан ниҳоят боғлиқ ҳолда бўлади. Уларнинг озиқ тўплаши, урчиб кўпайиши, ҳаётчанлиги, ўсиши ва ривожланиши ҳам ташки мухит билан чамбарчас боғлиқдир.

**Урғочи асаларилар.** Улар оиладаги жинсий органдари яхши ривожланган ягона индивидлар. У тухум қўйишдан бошқа ҳеч қандай вазифа бажармайди. Унинг танаси узунчоқ, келишган бўлиб, узунлиги 20—25 мм, оғирлиги 0,2 г атрофида бўлади. Унинг қорни қанот-

ларидан бир оз узунроқ бўлиб, 2 та орқа оёғида гулчанг йигадиган саватчаси бўлмайди.

Урғочи асалари қўйган тухумидан ишчи, эркак ва ёш урғочи асаларилар вужудга келади. Урғочи асаларилар бир-бирлари билан бирга яшайолмайдилар. Улар орасида «жанг» бошланади ва фақат бақувват ва кучлиси қолиб иккинчиси оиласини ташлаб учиди.

Лекин, камдан-кам иккита урғочи (қариси ва ёш урғочиси) вақтингча бирга, бир оилада, навбатчилик асосида яшаши ҳам кузатилган.

Урғочи асалариларнинг ҳаёти ўртача 5 йил бўлиб, улар 2 ёшдан сўнг оталанган тухум қўйиши сусаяди. Бундай тухумлардан ишчи асалари вужудга келади. Оталанмаган тухум қўйиш бирмунча кўпаяди ва улардан эркак асаларилар вужудга келади. Бинобарин, урғочи асаларилар 2 йилдан ортиқ сақлаш самара бермайди. Уларнинг ўрнига маҳсулдорлиги юқори бўлган оиласдан чиқсан ёш урғочи асалари билан алмаштириш яхши натижа беради.

**Эркак асаларилар.** Уларнинг танаси ишчи асалариларнидан каттароқ ва цилиндр шаклида бўлади (68-расм). Уларнинг узунлиги 15—17 мм, оғирлиги 2,2 г. Кўзлари нисбатан катта ва мураккаб, бошининг тепа қисмида бир-бирига жуда яқин жойлашган. Мўйлови 13 бўғиндан ташкил топган. Уларда ниш аппарати бўлмайди. Қорнида мум ойначалари ва оёғида гул чангини тўплайдиган мосламалари ҳам бўлмайди.

Эркак асалариларнинг бирдан бир вазифаси урғочи асалари билан жуфтлашиш ҳисобланади. Эркак асаларилар асосан баҳорда янги оиласага ажраб чиқиш олдидан вужудга келади. Битта оилада уларнинг сони бирнечча юздан бирнечча мингтacha бўлиши мумкин. Улар тайёр озиқ — асал билан озиқланади. Айрим ҳолларда ишчи асаларилар ўз ҳартуми билан уларни озиқлантиради. Асал тўплаш мавсуми тутагач, эркак асалариларни оиласдан ҳайдаб чиқаришади ва улар ташқарида очлиқдан ва совукдан ҳалок бўладилар. Шунинг учун ҳам уларни «трутень», яъни «текинхўр» номи билан атайдилар.

**Ишчи асаларилар.** Улар оиласининг асосий қисмини ташкил этади. Ёз ойлари асалари оиласида 3000—4000 ишчи ари бўлади. Катта оиласаларда эса айрим ҳолларда уларнинг сони 80000—100000 та бўлиши аниқланган. Ишчи асаларилар жинсий органи яхши ривожланмаган урғочи арилардир. Шунинг учун ҳам улар эркак

арилар билан жуфтлашиш қобилятига зга эмаслар. Лекин, айрим ҳолларда улар тухум қўйса, бу тухумлардан фақат эркак арилар вужудга келар экан.

Ишчи асалариларнинг танаси 12—14 мм, оғирлиги ўртача 0,1 г атрофида бўлади. Улар ёзда 5—6 ҳафта, қишда бирнече ой яшайди. Ишчи асаларилар оиласи турли хил вазифаларни бажаради. Жумладан, нектар, гулчанг ва сув йигади. Нектардан асал иплаб чиқаради ва ёш авлодни тарбиялайди. Шунингдек мумдан қурилма ясайди, уяни қўриқлашади ва ҳ. к. Шунга кўра улар танасида айрим ўзгаришларни вужудга келишига олиб келган деган фикрлар мавжуд. Жумладан, уларнинг хартуми урғочи ва эркак ариларнидан узунроқ, қорин стернитларида **мум ойначалари** ва орқа оёқларида гул чангини йигадиган **мосламаси** бўлади.

Умуман, ишчи асаларилар оиласи фаолиятида ҳал қилувчи роль ўйнайди. Улар уянинг газ, ҳарорат режими ва ҳаво намлигини маълум даражада сақлайоладилар. Шунингдек озиқ запаси тўплайдилар, уни қайта ишлайдилар. Ёш авлодни, эркак ва урғочи ариларни тарбиялайдилар.

### **Асалариларнинг озиқ манбалари**

Маълумки, табиатдаги барча хил ўсимликлар гулининг нектари ва чанги асаларилар учун озиқ моддалар манбаи ҳисобланади. Шунингдек, асаларилар учун сув ва минерал моддалар ҳам талаб этилади.

Н е к т а р — гул безлари — нектардонлардан ажralадиган ширин суюқликдир. Айрим ўсимликларда нектар безлари гулдан ташқарида бўлади. Ўсимликларнинг нектар ажратиши четдан чангланишга мосла нишидир.

Гулдаги нектар ҳиди ҳашаротларни ўзига жалб эта ди. Улар оёқчалари, қанотлари ёрдамида гулдан гулга чангни олиб ўтади ва натижада ўсимликлар четдан чангланади. Бундай ҳолат табиатда ўсимликларнинг ташқи шароитта мосланиш имкониятини кучайтиради ва ўсимликлар турини сақланиб қолишида муҳим роль ўйнайди.

Нектар таркибида шакар, сув, минерал тузлар ва бошқа тур моддалар учрайди. Қандлар оддий ва мурраккаб ҳолда бўлади. Ўсимликларни турига кўра улар нектаридан шакар ва сув миқдори ҳар хил (29—74% гача) бўлиши аниқланган.

**Қайта ишланган нектар** — асалга айлантирилади. У қүйидагича юз беради. Асаларилар гул нектарини оғиз аппарати ёрдамида асал жигілдонига сүриб олиб уясига олиб келади. Ишчи асалари нектарни олиб келгач, хартуми ёрдамида учмайдыган ёш асаларилар хартумига беради. Нектарни қабул қилиб олган арилар уни асал жигілдонига шимади, кейин уни қайтадан хартумига құсади. Бу жараён бирнече марта тақрорланади ва ниҳоят нектар асалари жигілдонида инвертаза ферментига бойийди. Бу фермент шакарқамыш шакарини, яъни мураккаб шакарни оддий мева ва узум шакаригача парчалайды. Сүнгра бу оддий шакарлар катакчаларга тұлдырилади, ортиқча суви буғланиб кетади ва уларнинг парчаланиш жараёни давом этиши натижасыда у етилган асалга айланади.

Тайёрланган, асал солинган катақчалар мүм қопқоқчалар билан беркитилади. Асал ўзининг кимёвий таркибига кўра шакар эритмаси концентрацияси ва нектардан фарқ қиласи. Агар асал таркибида 18—20 фоиз сув бўлса, қолгани шакардан иборат. Нектар таркибида сув кўпроқ бўлиб, унинг бир қисмини шакар ташкил қиласи.

Нектарни асалга айлантириш жараёнининг биологик моҳияти шундаки биринчидан, шакарнинг бойитилган эритмаси ҳисобланган асал узоқ вақт сақланганда ҳам айнимайди. Бинобарин қишлоғ учун кўп микдорда асал ғамлаб қўйиш ҳам унинг шу хусусиятига асосланган.

Нектарни асалга айлантириш жараёнида мураккаб шакар оддий шакарга парчаланади. Натижада асаларилар қишлоғ вақтида бу озиқни истеъмол қилишда кўп озиқ ва энергия сарф қилмайдилар. Шунингдек, кўп ахлат чиқармайдилар ва ортиқча безонта бўлмайдилар.

Асаларилар йигиб келган гул чангининг аҳамияти жуда катта бўлиб у ўз қийматига кўра асалга тенг туради.

### **Асалари касалликлари ва уларга қарши курашиш чоралари**

Асаларилар касаллиги уч хил: инфекцион, инвазион ва юқумсиз бўлади. Инфекцион касалликларнинг қўзғатувчиси ўсимлик танасидаги бактериялар, вируслар ва замбуруулар ҳисобланади. Инвазион

касалликларнинг қўзратувчилари бир ҳужайрали ва кўп ҳужайрали паразит ҳайвонлардир.

**Юқумсиз касалликлар** асалари оиласининг ҳаёти учун керак бўлган шароитларнинг бузилиши натижасида вужудга келади. Агар бу шароитлар тикланса касаллик ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетади.

Асалари оиласини соғайтириш учун касалликларни ўз вактида аниқлаб, унга қарши курашда даволаш, санитария ва профилактика тадбирларини олиб бориш талаб этилади.

**Асалариларнинг юқумли касалликлари** қўйидагилар: Европа чириш касаллиги, Америка чириш касаллиги шулар жумласига киради.

**Инвазион касалликлари:** Нозематоз, Акарапидоз, Браулёз ва Сенотаиниоз кабилар ҳисобланади.

### **Асалари оиласини кўчириш ва жойлаштириш**

Республикамизнинг табиий шароити кўплаб ўсимликларни ўсиши учун ниҳоят қулай ҳисобланади. Виляятларимизда асалари боқиши асосан кўчма асаларичиликка асосланган. Бинобарин, товар маҳсулотнинг асосий қисми шу усул асосида етиштирилади.

Кўчма асаларичилик зоналарида асалчил ўсимликларни хилма-хиллиги, ўлкамизда узоқ вақт совуқ бўлмаслиги, қиши мавсумининг қисқалиги, асалариларнинг юввошлиги, уларни парвариш қилиш усулларининг оддийлиги кўплаб қимматли асалари, она ари, ва пакетли асаларилар олиш учун кайта имкониятлар беради. Афсуски, ҳозирга қадар барча мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланилмасдан келинмоқда. Жумладан, ҳозиргача чўл ва тоғ этаклари зоналарида ўсадиган асалчил ўсимликлар, уларда нектарнинг оз-кўплиги ўрганилмаган.

Пасекалардан ҳар томонлама унумли фойдаланиш мақсадида уларни кўчириш тадбирлари тўла-тўқис ўрганилмаган. Лекин, пасекалар водий, тоғ этаги, тўқайларда кўчиб юради. Маълум миқдорда пасекалар Чотқол, Қурара, Бойсун, Ҳисор тизма тоғларига олиб чиқлади. Қиши ойлари (декабрь, январь, февраль) асаларилар далага нектар чанг йифишга чиқмайди. Улар запас озиқ билан озиқланадилар.

Кузатишлардан маълум бўлишича, об-ҳаво яхши келган йиллари (1967) апрель — май ойларида хилмачил чўл ўтларидан бир кунда 2—2,5 кг чанг ва нектар олиш мумкин экан. Лекин баҳор совуқ келганда чўлда

чанг ва нектар берувчи ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши бирмунча сусайиб кетади. Бундай вақтларда пасекани **чўлга кўчиришнинг** ҳожати бўлмайди. Апрелнинг охири ва майнинг бошида пасекаларни адирларга, төғ этагидаги хилма-хил ўтлар (хашаки нўхат, эркак ўт, кармак, қашқар беда, астрагал ва лола (қизғалдоқлар) кўп ўсадиган жойларга кўчириш мумкин.

Пахтадан кўпроқ асал оладиган ойлар — июль ва август ҳисобланди. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида экиладиган ингичка толали ўзаларда асал кўпроқ бўлиши тажрибаларда кўрилган. Масалан, битта асалари оиласидан олинган товар асал миқдори 40—70 кг тош босган. Ўзбекистоннинг бошқа зоналарида бу кўрсатгич 25—30 кг га тўғри келади. Тажрибалардан маълум бўлишича, ҳар бир гектар пахтазор майдонидан 20—30 кг чанг олинар экан. Маккажўхори ҳам кўп чанг берувчи ўсимликлардан ҳисобланар экан.

#### **Назорат саволлари:**

1. Асалариларнинг ҳалқ ҳўжалик аҳамияти тўғрисида нималарни биласиз?
2. Асаларилардан қандай маҳсулотлар олинади?
3. Асаларилар оиласининг таркиби ва биологияси тўғрисида сўзлаб беринг.
4. Асалариларни озиқ манбалари тўғрисида тушунча беринг.
5. Асалариларнинг қандай касалликларини биласиз?
6. Асаларилар оиласини кўчириш тадбирлари тўғрисида сўзлаб беринг.

## **XVII Б О Б. БАЛИҚЧИЛИК**

### **Кўл балиқчилиги ва уни ташкил этиш**

Кўл балиқчилиги ўзининг вазифаси ва йўналишига кўра асосан икки хил, яъни илиқ сувли ва совуқ сувли типга бўлинади. Бунинг учун боқиладиган балиқларни биологик хусусиятлари ва уларни сув ҳарорати ҳамда гидрокимёвий шароитларига муносабати (чиdamлилиги, мослиги) ҳисобга олинади.

Кўл балиқчилиги ўзининг ташкилий жараёнлари ва маҳсулот этиштириб бериш имконига кўра **тўла тизимли** (полносистемный) ва **нотўла тизимли** (неполносистемный) бўлади. Сўнгти тизимга асосан балиқчилик питомниклари ва келтирилган майда балиқларни боқиш ва ўстириш билан шуғулланувчи (нагульные хозяйства) ҳўжаликлар киради.

**Тўла тизимли ҳўжаликларда** (истеъмол учун) то-

вар балиқдарни тухумидан тортиб, то икки ёшга ет-гунча ва айрим ўсимликхўр (карп) балиқдарни уч ёшлигича боқилади. Бундай хўжаликлар, нотўла тизимли хўжаликлар учун бир-икки ёшли майда балиқлар етишириб беради.

**Карп (сазан) балиқ** хўжаликлири бизнинг шароитда 1,2 ва 3 йиллик айланма (оборот) тадбирларни олиб боради. Айланма тадбири деб балиқдарни тухумидан тортиб то истеъмол учун яроқли даражагача (товар маҳсулоти даражасига етгунча) сарфланган ва қатта айтилади.

Марказий Осиё республикаларида кўпинча бир-йиллик айланма тадбири қўлланилади. Совуқ иқлимли ўлкаларда асосан икки йиллик айланма тадбири қўлланилади.

Сибиръ зоналарида ва Болтиқбўйи республикаларида кўпинча уч йиллик айланма тадбиридан фойдаланилади.

### **Балиқ хўжалиги учун жой танлаш ва уни лойиҳалаш тадбирлари**

Балиқчилик хўжалигини ташкил қилиш учун даставвал уни қандай типда бўлиши, хўжалик тизимини аниқлаб олиш талаб этилади. Шунингдек, хўжалик таркиби ва маҳсулот ишлаб чиқариш қуввати назарда тутилади. Барча қурилиш ишлари тасдиқланган лойиҳалар асосида бажарилади. Бунинг учун жой танлаш муҳим аҳамиятта эга. Бундай тадбирлар ҳар бир давлатнинг ер қонуниятлари асосида бажарилади. Бу борада умумий ер майдони ҳар хил бўлади. Жумладан, тўла тизимли хўжаликлар учун 300—1000 га, балиқчилик питомниклар учун 25—50 га ва балиқ боқиш сув ҳовузлари (кўллари) учун 20 га ва ундан кўпроқ бўлиши мумкин.

### **Кўл балиқларининг биологияси**

**Карп** — барча балиқлар орасида кенг тарқалган (69-расм). У тез ўсади. Барча турдаги озиқларни истеъмол қилишга мослашган. У илиқ сувларни хуш кўради. Тухум қўйиши учун сув ҳарорати 18—20°C ва жадал ўсиб ривожланиши учун 20—28°C ҳарорат бўлиши яхши натижа беради.

Агар сув ҳарорати 13—14°C гача пасайиб кетса, унинг озиқданиши тўхтайди ва ҳаракат қилмай қўяди. Умуман, уларни ўсиши ва ривожланиши биринчи гал-



69-расм. Ёввойи сазан ва карпларнинг тури зотлари  
(Т. В. Брейтигам ва А. М. Қосимов, Тошкент, 1973).

да сув ҳарорати, сувдаги озиқ ва уларни тўғри сақлашга боғлиқ бўлади. Карп балиғи бир ёшлигида 500 г, икки ёшлигида 1000 г, тўрт ёшлигида 3000 г тош босади. Улар тўрт-беш ёшлигида жинсий балоғатга етади. Урочилари ҳар бир кг вазни учун ўртача 180 минг тухум (икра) беради.

**Сазан** — илиқ ҳароратни хуш кўрувчи балиқлар гурӯҳига киради (69-расм). Улар ўзининг биологиясига кўра карп балиғи билан бирхил бўлади. Кўл шароитида сазан карпга нисбатан бироз секинроқ ўсади. Лекин айрим вакиллари ҳаёти давомида 20 кг гача тош босаолади.

**Линь** — кенг тарқалган балиқлардан бири ҳисоб-

ланади. У күл ва ҳовуз сувларини ёқтиради. Агар сув ости балчиқ ва сув ўсимликларига бой бўлса, линь учун айни муддао бўлади. Эркаклари уч ёшда, урочилиари тўрт ёшда жинсий балогатта етади.


Тухум қўйиши учун сув ҳарорати 19—20°C бўлиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бир қўйишда урочилинг 300—400 минг тухум қўяди. Уларнинг жадал озиқланиши учун сув ҳарорати 20—30°C бўлиши лозим. Линь сазанга кўра бироз секинроқ ўсади. Улар икки ёшлигида 250 г тош босади.

**Карась.** Карась балигининг икки тури бўлиб, биттаси **тилла** рангли бўлса, иккинчиси **кумуш** рангли ҳисобланади. Бу балиқлар асосан дарёларда, кўлларда ва сув ҳавзаларида кўпроқ учрайди. Урочилари ўз тухумларини 10—15 кун оралаб (дам олиб) қўяди. Бунинг учун сув ҳарорати 14—23°C ва сув остида ўсимликларни 0,5—0,6 м узуналиқда ва зич бўлиши маъқул ҳисобланади. Урочилари бир йилда жами бўлиб 160—300 минг тухум қўяди. Улар 3—4 ёшида жинсий балогатта етадилар. Караснинг вазни 1 ёшида 15—30 г, 2 ёшида 150—250 г, 3 ёшида 300—400 г тош босади.

**Оқ амур, оқ ва ола толстолобик** (кенг пешона балиқ) — (70-расм). Улар карпсимонлар оиласига киради. Улар Тинч океанга қўйилувчи дарёларда, Осиё дарёларида ва Амурнинг жанубий қисмида кўпроқ учрайди. **Оқ амур** — асосан, юмшоқ (майин) сув ўсимликлари билан озиқданади. **Оқ толстолобик** — фитопланктонлар ва сув ўтлари билан озиқланади. **Ола толстолобик** — фито - ва зоопланктоналар билан озиқланади.

Марказий Осиё жанубида урочи оқ толстолобиклар 3 ёшлигида ва тана узунлиги 40 см бўлганида жинсий балогатта етади.

Оқ амур ва ола толстолобик 3—4 ёшлигида, тана узунлиги 60 см бўлганида жинсий балогатта етади. Олиб борилган кузатувларга қараганда, Краснодар ўлкасида бу балиқлар 5—6 ёшлигида жинсий балогатга етса, Украинада 8—9 ёшда ва Москва вилоятида 10—11 ёшда жинсий балогатта етар экан. Улар фақат оқар сувларга тухум қўяди. Оқмайдиган сув бўлса тухум қўймайди. Тухум қўйиши учун сув ҳарорати 19—20°C бўлиши талаб этилади. Тухумнинг миқдори уларнинг катта-кичиклигига боғлиқ бўлгани ҳолда ўртача 100—200 мингдан 1 миллионгача, баъзан ундан ҳам кўпроқ бўлиши аниқланган. Оқ амурни кўпинча



70-расм. Үрта Осиё сув ҳавзаларига күчирилган балиқлар:  
 1—оқ амур, 2—илонбош, 3—толстолобик  
 (Т. В. Брейтигам ва А. М. Қосимов, Тошкент, 1973).

қўшимча ҳолда балиқчилик хўжаликларида кўпайтириш ишлари олиб борилади.

**Форель.** Бу балиқ Амударёнинг юқори қисмида, шунингдек, Кавказ зонасида, Волга, Урал, Днестр, Днепр дарёларида ва сув ҳавзаларида кўпроқ учрайди. Бу балиқ сувда кислородни кўп бўлишини маъқул кўради. Унинг жадал ўсиши ва ривожланиши учун сув ҳарорати 15—18°C бўлиши маъқул ҳисобланади. Форель 3—4 ёшида жинсий баловатта етади. Улар сентябрни охиридан ноябргacha тухум қўяди. Март — апрель ойларида кўйган тухумларидан личинкалар вужудга келади. Уларнинг ўртача оғирлиги 200 г дан 1000 г гача. Баъзан ундан ҳам катталари учраб туради. Улар 1 ёшда 15—20 г, 2 ёшда 125—170 г, 3 ёшда 250—

300 г тош босади. Уларнинг ҳар бир кг вазнига 1000 тухум (икра) тўғри келади.

**Чўртган балиқ** (щука). Бу тез ўсувчи балиқлар турига киради. У 1 ёшлигида 300 г, 2 ёшлигида 600 г ва 3 ёшлигида 1 кг тош босади. Жинсий балогатта 3—4 ёшлигида етади. Қўйган тухум миқдори ўртача 20—200 минг, баъзан йирик урғочилари 1 миллионгача тухум кўйиши аниқланган. Тухумини апрелни ўрталарида қўяди. Бунда сув ҳарорати 4—6°C бўлиши етарли ҳисобланади. Йирик чўртган балиғи асосан майда балиқ, қурбақа ва сув ҳашаротлари билан озиқланади.

**Судак.** Окунлар оиласига мансуб бўлган бу балиқ гўштини мазали ва лаззатлилиги билан бошқа балиқлардан ажralиб туради. Судак барча йирик дарёларда, шунингдек Қора денгиз, Азов, Каспий ва Болтиқ дengизи атрофидаги сув ҳавза ва кўлларида кўпроқ учрайди. Улар 3—4 ёшлигида жинсий балогатта етади. Бир кўйишда 82—1185 минг тухум қўяди. Тухум кўйиши апрель — май ойларига тўғри келади. Бунда сув ҳарорати 9—18°C бўлиши маъқул ҳисобланади. Судакни ёслари сув ҳашаротлари ва сувдаги қисқичбасимонлар билан озиқланса, йириклари йиртқичлик билан кун кўради. Улар ўзидан кичик балиқларни хуш кўради.

**Америка лаққа балиғи** (сом). Бу балиқ ниҳоятда йиртқич бўлиб, асосий озуқаси балиқ, қурбақа ва ҳашаротлар ҳисобланади. Бу балиқ асосан сув ҳавзаларида ва кўлларда кўпайтирилади.

### Ўзбекистон балиқчилиги

Ўзбекистонда балиқчилик асосан унинг сув ҳавзалирида кўпайтирилади. Бинобарин, бундан бир қанча йиллар муқаддам Узоқ Шарқдаги дарёлардан оқ амур, толстолобик ва илонбош балиқлари келтирилган (70-расм).

**Оқ амур ва толстолобик** — ўсимликхўр балиқлар ҳисобланади. Улар сув ўсимликларини истеъмол қилали, бинобарин, пахта далалари ва шоликорликка сув келадиган каналларни тозалаб кўп фойда келтиради.

**Илонбош** — йиртқич балиқ ҳисобланади. Бу балиқ фақат сув кислороди билан чекланмасдан, айрим ҳолларда вақти-вақти билан сув юзасига чиқиб атмосфера кислородидан нафас олади.

Республикамиз балиқ бойликлари қонун йўли билан қўриқланади. Балиқларни овлаш фақат белгилан-

ган муддатларда ва маълум жойларда рухсат берилади. Лекин балиқларни портловчи ва заҳарли моддалар билан йиртқичларча қириш қонун асосида жазоланади.

Тухум қўйиш учун муайян жойларга кетаётган балиқларни овлаш тақиқланади, акс ҳолда балиқ запаслари камайиб кетади.

**Балиқларни урчитиш.** Балиқларни урчитиш ишлари маҳсус урчитиш заводарида олиб борилади. Бунинг учун балиқ тухуми сунъий уруғлантирилади. Бу усул кўплаб ихтисослашган балиқчилик хўжаликларида кенг қўлланилади. Бунда сунъий уруғлантирилган тухумлар маҳсус аппаратларга (сув оқиб ўтадиган яшикларга) жойланади.

Тухумдан чиқдан балиқ болалари маҳсус идиш (садоқ)ларга, сўнг ҳовузларга қўйиб юборилади. У ерда улар турли сув ҳавзаларига тарқатилади. Амударёнинг Нукус шаҳрига яқин қисмида осётрсимон балиқлар (шип ва севрюга) билан усачни сунъий йўл билан урчитадиган балиқ заводи қуриш ишлари бажарилган.

Республикамиизда балиқ бойликларини қўпайтириш мақсадида балиқларни ҳовузларда урчитиш ишлари ташкил этилган. Лекин ҳовузда ҳар қандай балиқни урчитабериш ижобий натижа беравермайди. Шуни назарда тутиш лозимки, ҳовузда урчитилган балиқ тез ўсадиган, яхши кўпаядиган, серпушт ва хўра бўлиши керак.

**Сазан ва ёввойи карп** барча талабларга жавоб бераолади. Мутахассислар карп табиатини бирмунча ўзгартира олдилар, бинобарин, хонаки карпнинг бирнеча маданий зотларини яратишга эришдилар. Хонаки карпнинг ширинроқ, ёғлироқ ва лаззатли бўлиши билан бирга унинг ўсиши ва ривожланиши бирмунча жадалроқ бўлиши аниқланган.

Яратилган янги зот карп балиқларида тана тангачалари камроқ ривожланганлиги билан ёввойи аждодларидан фарқ қиласди (69-расм).

Республикамиз ҳовузларида хонаки карп бўлсада йирик тангачалар сақланиб қолган. Тангачалар балиқнинг икки ёнида бир текис жойлашган. Улар ўзларининг ялтироқлиги билан ёввойиларидан фарқ қиласди. Инсон томонидан яратилган янги зот сазан балиқларини фақат кўринишидагина эмас, балки уларнинг хулқ-авторида ҳам бирмунча ўзгаришлар юз берди. Масалан, ёввойи вакиллари ҳуркович ва эҳтиёткор

бўлса, хонаки карп балиғи овқат ташланган жойга бемалол сузиб келади.

Шундай қилиб, кузатишлардан маълумки, хонаки карп балиғида шартли рефлекслар осонлиқда ҳосил қилиш мумкин экан. Масалан, улар қўнғироқ овозини эшитиб қирғоқда овқат ейиш учун келишлари тажрибаларда синаб кўрилган.

### Ховуз хўжалиги

Балиқларни ҳовуз хўжалигида ўстириш ва ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. У маҳсус система асосида олиб борилади. Ҳовузлардан ҳаммавақт сув ўтиб туриши таъминланади. Ҳовузларни ҳар бири маҳсус вазифани бажаришга мўлжалланган бўлади. Масалан, балиқ тухум қўядиган ҳовузларда балиқ болалари етиштирилади. Сувни тезроқ ва осонроқ исиши на зарда тутилган ҳолда бу ҳовузлар юзароқ қилиб қазилади. Уларнинг тагида ўсимликлар ўстирилади. Чунки ўсимликлар бўлмаса, карп балиғи тухум қўймайди. Шундан сўнг балиқ болалари ўстириладиган ҳовузларга кўчирилади. Қиши келиши билан бу майда карп балиқчалар чуқур ҳовузларга кўчирилади. Уларни қишилаш ҳовузи деб аталади.

Баҳор келиши билан бир яшар бўлган карплар яйраб сузадиган катта ҳовузларга туширилади. Бу ҳовузларда эса табиий озиқлар — дафния, циклоплар кўпайтирилган бўлади. Бу ҳовузда карпларни маккажўжори, кунжара, пиширилган картошка, суюк уни билан таъминлаб турилади. Куз келиши билан ўсиб катталашган карплар овланади.

Республикамиз вилоятларидағи шолипоялларда карп балиғини урчтиш ниҳоят юқори самарадорликка эришишда муҳим омил ҳисобланар экан. Жумладан, улар ҳамма вақт сузиб юриб тупроқни юмшатар, чивин личинкаларини ва гумбакларини ҳамда сувдаги бегона ўтларни ва уругларини истеъмол қилиб шолидан мўл ҳосил олишда муҳим вазифа бажарар экан. Шундай қилиб, шоликорчиликка балиқчиллик ишлари ўз самарасини кўрсатар экан.

### Назорат саволлари:

1. Кўл балиқчилиги тўғрисида ўз тушунчангизни сўзлаб беринг.
2. Балиқ хўжалиги учун жой танлаш ишлари қандай олиб борилади?
3. Кўл балиқларини биологияси тўғрисида сўзланг.
4. Кўл балиқчилигида кўпайтириладиган асосий балиқларнинг турлари тўғрисида

- нималарни биласиз?
5. Ўзбекистон балиқчилиги тўғрисида сўзлант.
6. Республикамиз сув ҳавзаларида балиқларни қандай турлари кўпайтиради?
7. Балиқларни урчишиш ишлари қандай олиб борилади?
8. Ҳовуз хўжаликлари шароитида балиқларни боқиш, урчишиш ва кўпайтириш тадбирлари тўғрисида сўзлаб беринг.

## XVIII Б О Б. БЕДАНАЧИЛИК

*Беданачиликнинг аҳамияти.* Беданаларни урчишиш, кўпайтириш ва улардан даромад олиш масалалари билан асосан бу тармоққа қизиқувчилар шуғуллануб келмоқдалар.

*Бедана гўшти ва тухуми ўзининг шифобажшлиги ва парҳезлиги* билан бошқа тур паррандалардан ажралиб туради. Айрим касалликлар: юрак ва қон-томир касаллиги, камқонлик, ошқозон яраси, сил, қон босимини юқори бўлиши, модда алмашинув касалликлари учун бедана гўшти ва тухуми дори сифатида фойдаланилади. Бедананинг ҳом тухуми апельсин шарбати билан қўшилган ҳолда а с т м а касаллигини даволашда ишлатилади. Бунга асосий сабаб тухум таркибида инсон ҳаёти учун ниҳоят зарур ҳисобланган стимуляторлар бўлиши ҳисобланади. Бинобарин, бедана тухуми ёш, нимжон болалар учун ҳам фойдаидир.

Бедана гўшти ўзининг лаззатлиги, хушхўрлиги ва мазаси билан бошқа турдаги гўштлардан бирмунча устун туради. Беданалар ўзининг сертухумлиги билан бошқа барча тур паррандалардан ажралиб туради. Бедана жўжалари 35—45 кунлигидан тухум берабошлайди ва бир йил давомида 250—300 дона тухум беради. Тухумининг оирилиги 10—11 г атрофида бўлади. Олиб борилган кузатишларга кўра беданаларнинг бир йил давомида берган тухум вазни (массаси) унинг вазнини 20 баробар оирилигини ташкил этар экан. Бу кўрсаткич товуқларда 10 мартани ташкил қиласди. Беданалардан 1 кг тухум массасини олиш учун 5—7 кг омихта ем талаб этилар экан. Улар ўз тухумларини куннинг иккинчи ярмида қўйишга мослашганлар.

Ёш беданаларнинг дастлабки қўйган тухумлари 5—6 г тош босса, орадан 2—3 ой ўтгач бу кўрсаткич 9—12 г ни ташкил этар экан. Бедана тухумлари уларнинг 60—70 кунлигидан бошлаб инкубация учун яроқли ҳисобланар экан.

## Беданаларни асраш ва боқиши

Беданалардан күпроқ даромад олиш учун уларни түгри асраш ва боқиши ишларига алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Улар асосан катакларда сақланади ва ҳар 2—3 та урочи (макёни)га 1 та эркаги режалаштирилади. Макиёнларни уруғлантириш учун улар тухумини қўйиб бўлгач ҳар 1—2 кунда 15—20 минутдан эркагини киритиш мумкин. Лекин айрим ҳолларда иккита урочиси учун биттадан эркаги доимий бирга сақланиши ҳам яхши натижа бериши аниқданган. Айрим хўжаликлар беданаларни кўп қаватли маҳсус катакларда сақлайдилар. Бунда ҳар 1 м<sup>2</sup> катак сатҳига ўртacha 50 та бедана сақлаш мумкин. Лекин ҳар бир катакча 3—4 бошга мўлжалланиши яхши натижа беради.

**Бедана катаклари йўвонлиги** 2,5—2,0 мм бўлган симдан тайёрланиши мумкин. Катак тешиклари ўртача 20 мм бўлиши тавсия этилади. Катакни остки қисми (поли) бироз олд томонга қараб нишаб ҳолда ясаллиши қўйилган тухумни осонлик билан олиш имконини беради. Охурча ва сувориш идишлари катакни турили томонига ўрнатилиши мумкин.

Иирик беданаларни асраш ва сақлашда хона ҳарорати ва намлигига алоҳида эътибор берилади. Жумладан, хона ҳарорати 18—20°C, намлиги 60—65% ва ёргулликни суткалик давоми 16—17 соатни ташкил этиши лозим.

**Инкубация.** Бедана тухумларидан жўжа олиш учун уларни оддий инкубаторга қўйиш тавсия этилади. Унда ҳарорат 37,5°C, нисбий намлик 60% бўлиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Инкубатордаги тухумлар, орадан беш кун ўтга чинчи марта назорат қилинади. 13—15 кунлигидан инкубатордаги ҳарорат 37,2°C, нисбий намлик эса 55% га туширилади. Инкубациянинг 16 куни охирги назорат ишлари олиб борилади. Жўжа очиб чиқиши инкубациянинг 17-кунига тўгри келади. Бунда инкубатордаги ҳаво ҳарорати 37°C ва нисбий намлик 70% бўлиши меъёр ҳисобланади. Инкубация дастлабки чиқдан жўжалардан бошлаб 4—6 соат давом этади. Олинган барча ортиқча эркак жўжалар гурӯҳ ҳолда бироз қоронгулаштирилган хоналарда гўшт учун боқилади. Бунда улар ўзларини тинч сақлашади ва гўштга семириши жадаллашади. Улар 40—50 кунлик бўлгач 110—140 г тош

босади ва улардан олинган, тоза ҳолдаги тушкалар 70—100 г атрофида бўлади.

### Бедана жўжаларини боқиш ва асраш

Бедана жўжаларини ёғоч (такта)дан ясалган (каркас қисми) ва тешиклари 5 x 5 мм ли тўрсимидан иборат катакчаларда асраш яхши натижа бериши синаб кўрилган. Дастребки 5—7 кун давомида катак полига қозоц тўшалади, унга оғилча ва сув қўйилади. Сув шиша банкани тўнтариб, бирор идиш (ликопча)га ўрнатилиши уни тоза сақлаш имконини беради. Жўжаларни 35—40 кунлигига қадар ҳар 70 таси учун 1 м<sup>2</sup> полататки етарли ҳисобланади. Лекин жўжалар дастребки кунлари ерда сақланиши мумкин.

Бедана жўжалари совук, шамол ва ҳароратни кескин ўзгаришига чидамсиз бўладилар. Бинобарин, уларга бўладиган бундай салбий таъсиirlарни олди олиниши керак. Жўжаларни кунлик ёшига кўра қўйидагича ҳаво ҳарорати бўлиши тавсия этилади (47-жадвал).

47-жадвал

#### Бедана жўжалари учун ҳаво ҳарорати меъёrlари

Ёши, кун	Ҳаво ҳарорати (градус)
1—7	37—35
8—14	32—30
15—21	27—25
22—30	22—20

Бедана жўжалари учун уларни дастребки кунларида ёрутлик микдори суткасига 23 соатни ташкил қилиши тавсия этилади. Кейинчалик бу кўрсаткич астасекин камайиши мумкин. Яъни ҳар беш кунда 2-соатга камайтириш мумкин.

Бедана жўжалари жуда тез ўсади ва ривожланади. Улар 35—40 кунлигига йирик вакилларининг вазнига етиб олишади. Ёшига кўра уларнинг вазни қўйидагича катталашиб боради:

Ёши (кун ҳисобида) . . . . .	1	10	20	50
Вазни (грамм) . . . . .	5,6	20	59	85

Жўжалар 30 кунлик бўлгач уларни жинсига кўра бир-бирларидан ажратилади.

Эркак жўжаларнинг кўкрагида кулранг ёки қора дөғли қизгиш-жигар ранг патлар жойлашган бўлади.

Клоака териси шафтоли гули рангида бўлади. Унинг юқори қисмида бироз юмолоқ ўсимтаси ҳам бўлади. **Урвочи жўжаларнинг кўкрак қисмида оч рангли, юмолоқ шаклли қора донлари бўлади.** Клоака териси кулранг-кўкимтири рангда бўлади.

**Жўжа боқиш.** Бир суткали жўжаларнинг вазни ўртача 5,5—5,8 г бўлса-да, улар ниҳоят серҳаракат ва сезигир бўладилар. Улар тез ривожланади. Масалан, бир ой ичидаги улар ўз вазнларини 15 марта га кўпайтира олишлари мумкин. Бинобарин, уларни озиқ моддаларга бўлган эҳтиёжи ҳам юқори бўлади.

Жўжаларни боқишида уларни дастлабки 10 кунлигига яхши пиширилган ва майдаланган тухум, агар имкони бўлса шу тухумга маккажўхори, буғдой, сули ёрмаси аралаштирилган ҳолда берилса юксак натижаларга эришилади.

Озиқ аралашмаси майдаланади ва сут ёки қатиқ билан намланади. Жўжалар З кунлик бўлгач уларнинг рационига балиқ мойи бериш тавсия этилади. Бунда 100 та жўжа учун 0,01 г мой етарли ҳисобланади. Шунингдек, майдаланган қизил сабзи, творог, хамиртуриш ҳам бериш тавсия этилади.

Жўжалар 12—14 куни бўлгач улар рационига майдаланган шиллиққурт чираноқдари берилади. Шунингдек, йирикроқ кум ва ёки майда тошчалар билан таъмин этилади. Жўжалар кунига оддин 6 марта озиқлантирилади ва кейинчалик уни 4 марта гача камайтирилади. Сув эса тоза ҳолда доимий бўлиши муҳим шартлардан бири ҳисобланади.

### **Бедана учун асосий озиқлар**

Табиий шароитда беданаларнинг энг севимли жойлари чўл дарёлари қирроқларидағи ўтзорлар, бедазорлар ва турли экинзорлар ҳисобланади. Улар асосан турли хил ҳашаротлар, бошоқли ўсимлик донлари ва ёввойи ўсимликлар уруғлари билан озиқланади.

**Уй шароитида** уларни қуруқ омихта ем билан боқиши тавсия қилинади. Бундай емларнинг таркибида ёрма қилинган маккажўхори, арпа, буғдой ва балиқ уни, гўшт ва суяқ уни, витаминалар, ҳамда минерал қўшимчаларнинг бўлиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Айрим ҳолларда намланган омихта ем ҳам бериш мумкин. Емларга А, Д, В витаминаларини ва турли микрозлементларини қўшиб бериш юксак самарадорликка олиб келади. Беданалар турли хил дон ёрмаланади.

рини, майда қилиб түралган сабзи ва кўкатларни яхши иштаҳа билан истеъмол қилади.

**Тухум қўядиган макиёнларга** қўйидагича озиқ ра-  
циони бериш тавсия этилади: (ҳар бир бошга грамм  
ҳисобида): — маккажӯхори 8, буғдой ёрмаси — 2,8,  
буғдой уни — 2,6, арпа — 1, кўк беда — 6 ёки саб-  
зи — 5, гўшт-суяқ уни — 1,6, суяқ уни — 0,4 майдана-  
ланган молюска чиганоги — 0,3, балиқ мойи — 0,2,  
ош тузи 0,06 шулар жумласидандир.

Беданалар турли хил озиқларга ниҳоятда сезгир  
бўлади. Уларга бериладиган озиқларни аксарият қис-  
ми ширин бўлиши маъқул ҳисобланади. Аччиқ, шўр  
ва нордон озиқлар берилмаслиги лозим. Озиқлар сут-  
касига тўрт марта берилади. Сув доимий бўлиши шарт  
ҳисобланади.

Беданалар юксак даражада боқилса йил давомида  
тўхтовсиз тухум бераверади. Бинобарин, улар ўзлари-  
нинг шундай биологик ҳусусиятлари билан бошқа тур  
паррандалардан кескин фарқ қилади. Макиёнларининг  
тухум бериши маълум муайян ритм асосида давом эта-  
ди. Масалан, 5—10 та тухум қўйгач, 1—2 кун дам  
олади, сўнг яна тухум беришда давом этади.

**Гўшт учун боқиладиган** беданаларни ҳар бирига  
кунига 20 г дан омикта ем ва уларни истаганича янги  
ўриб келтирилган ва майдаланган кўкат бериш юқори  
натижаларга олиб келади. Боқиш муддати 30—35 кун-  
ни ташкил этади.

**Бедана тухумларини сақлаш.** Бедана тухумлари-  
ни узоқ вақт сақлаш учун тухумлар ниҳоятда тоза ва  
зарарланмаган, яъни пачоқ бўлмаган бўлиши талаб эти-  
лади. Ифлосланган тухумлар бўлса, уларни хлор эрит-  
маси билан ювиб тозаланади. Бунинг учун 1 литр сув-  
да 5 грамм хлор эритилиб — эритма тайёрланади. Ту-  
хум қуритилгач махсус идишларга тахланади. Тухум-  
лар сақланадиган хоналар тоза ва қуруқ бўлиши талаб  
етилади. Хона ҳарорати 8—100°C, нисбий намлиги 60—  
80% бўлиши тавсия этилади. Тухумларни яхши сақлаш  
мақсадида пўстлоғи вазелин, мой ёки парафин ту-  
хумдаги кўзга кўринмас тешикчаларни ёпиб юборади  
ва тухумларнинг қуриши, ёки ичига микроб ва мўттол  
замбурурларининг киришидан сақлайди. Бундай ту-  
хумлар 8 ойгача ўз сифатини йўқотмайди. Тухумларни  
сақлашда сули ва арпа донларидан ва тоза кулдан фой-  
даланиш мумкин. Бунинг учун ҳар 100 тухумга ўртacha  
3—4 кг кул ёки дондан фойдаланилади. Бундай шароит-

да муайян ҳароратда тухумларни б ойгача сақлаш мумкин. Озиқ учун мұлжалланган тухумларни соvuқ хоналарда (холодильникларда) 6—8 ой давомида сақлаш мумкин.

### **Бедананинг асосий касаллiliklari va уларни даволаш тадбирлари**

**Беданалар касаллиги** асосан уларга масъулият-сизлик билан қараң, сифатсиз озиқлантириш, ёмон сақлаш ва асрash натижасида вужудга келади. Масалан, беданалар ниҳоят дим, зах ва нам хоналарда сақланса, уларнинг зичлигига эътибор берилмаса, рационы тубанлашиб кетса, ўз вақтида озиқлантирилмаса, уларнинг касалланиши кўплаб кузатишларда синаб кўрилган.

Бериладиган озиқлар таркиби минерал моддаларга (биринчи галда углевод, оқсил ва мой моддаларга) бой бўлиши, улар таркибида А, В, Д витаминалари етарли даражада бўлиши талаб этилади.

**Бедана хоналари** зах, шамоллатилмайдиган ва дим бўлса, биринчи галда уларни нафас олиш органлар тизими касалланади ва бу ҳол уларда модда алмашинуви жараёнини ёмонлаштиради. Хоналарда кучли шамол ҳаракати (сквозняклар) бўлмаслиги лозим. Ўткир қуёш нурларини ҳаддан ташқари кўпайиб кетиши айрим касалликларга олиб келади. Хона ҳарорати меъёр даражада бўлишига эътибор бериш керак. Хоналарда ҳаво ҳароратини ошиб кетиши ва пасайиб кетиши ҳам касалликларга олиб келади.

Барча касалликлар орасида а в и т а м и н о з касаллиги кўпроқ учрайди. Айниқса А, Д ва В гурӯҳ авитаминози тез-тез учраб туради. Бунга асосий сабаб, организмда модда алмашинув жараёнини бузилиши, тананинг нимжон бўлиб қолиши ва уни барча юқумсиз ва юқумли касалликларга бериувчан бўлиб қолиши ҳисобланади. «А» витаминозига учраган беданаларда иштаҳа йўқолади. Жўжалар эса ўсишдан тўхтайди. Макиёнлар тухум бермай қўяди. Кўз атрофи шамоллашидан кўзидан ёш томчилайди. Ҳаракат қилиши сусайиб кетади.

**Даволаш ишлари.** Биринчи галда А витаминига ва каротинга бой ҳисобланган янги ўрилган беда ( ва бошқа тур кўкатлар), беда уни, қизил сабзи, балиқ мойи бериш тавсия этилади.

Д — авитаминози рационда Д витаминини етиш-

маслиги натижасида юз беради. Улар р а х и т касаллигига учрайдилар. Бу эса организмде минерал моддалар алмашинуви бузилиши ва қүёш нури етишмаслиги натижасида юз беради.

**Касаллик белгилари** бир қанча бўлиб, асосийлари қўйидагилар: — иштаҳа йўқолиши, оқсоқданиб қолиши, оёқ бўғинлари ва қобирға учлари йўғонлашиб кетиши, умуртқа погонаси ва тумшуғи қийшайиб қолиши, макиёнлари берган тухумининг пўстлоги юмшоқ ва ўта нозик пардага ўхшаш бўлиши шулар жумласидандир. Бу касалликни айрим ҳолларда «раҳ и т» деб ҳам аташади. Бундай касалликка кўпроқ жўжалар мояйл бўлишади.

**Даволаш ишлари.** Энг аввал рационига балиқ мойи, хамиртуриш ва минерал моддалар (майдаланган шиллиқ, қурт чиғаноғи, суяқ уни) қўшилади. Шунингдек, касал беданалар очиқ ерда, тоза ҳавода сақланиши керак.

**В — авитаминози** юз берса, энг аввал нерв тизимини фаолиятига путур етади. Биринчи галда бедана танасида титроқ вужудга келади. Бўйни ва оёқлари шол (паралич) бўлиб қолади. Улар бошини елкасига ташлаб туради. Танасида қалтироқлик юз беради.

**Даволаш ишлари.** Биринчи галда **В** гуруҳ витаминига бой бўлган озиқ билан таъминлаш ҳисобланади. Улар асосан хамиртуриш, ўстириб майса қилинган дон, сут, буғдой ёрмаси ва турли кўкатлардан иборат.

Булардан ташқари, беданаларда яна бирқанча касалликлар учраб туради. Масалан, **жирғилдонида** ем ёки кўкат озиқларни ҳаддан ташқари кўпайиб кетиши касаллиги, — клоацит, яъни клоака шилимшиқ пардаси шамоллаши; — **тухумдоннинг** шамоллаши; — **псевдоҷума** (тана ҳарорати 42—43°C га кўтарилиб кетиши ва 1—2 кунда ҳалок бўлиши), ҳ о л е р а (вабо) касаллиги, — о с п а касаллиги, — дифтерит, — паратиф, — вирус гепатити, — қурт касаллиги (глистные болезни), тери паразити касаллиги (бит, кана, патхўр каналар бу касалликни вужудга келтиради) шулар жумласидандир. Уларнинг айримларини даволаш мумкин бўлса, кўпларини даволаш имкони бўлмайди. Булар тўғрисида барча маълумотлар маҳсус адабиётларда баён этилган.

#### **Назорат саволлари:**

1. Беданачиликнинг аҳамияти тўғрисида сўзлаб беринг. 2. Беданаларни асраш ва боқиши борасида нималарни биласиз? 3. Бедана

жўжаларини боқиш ва асраш ишларига тушунча беринг. 4. Бедананинг асосий озиқлари нималардан иборат? 5. Бедана тухумлари қандай сакланади? 6. Бедананинг асосий касалликлари ва уларни даволаш тадбирлари тўғрисида сўзлаб беринг.

## ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИГА ЎТКАЗИШ

Республикамизнинг барча вилоятларида фермер хўжаликларида чорвачиликни барча тармоқларини жадал ривожлантириш ва унинг иқтисодий самарадорлигини юксалтириш учун кўплаб муҳим тадбирларни амалга оширмоқдалар. Жумладан, чорвачилик фермаларини янада кенгайтириш, наслчилик ишларини янада такомиллаштириб ҳайвонлар зотини яхшилаш, бу тармоқقا прогрессив, ҳозирги замон технологиясини ва илгорлар тажрибасини кенг жорий этиш, ем-хашак базаси барқарорлигини ошириш ва янада мустаҳкамлаш, оғир қўл меҳнати жараёнларининг механизациялаштириш даражасини ошириш, чорвачилик бўйича ўз малакаларини тобора ошириш каби масалалар муҳим аҳамият касб этади,

Бу борада чорвачиликнинг муҳим, салмоқди ва етакчи тармоғи ҳисобланган қорамолчиликни жадал ривожлантириш ва бу соҳадаги барча омиллардан самарали фойдаланиш, ҳалқимиз учун кўп, сифатли ва арzon гўшт ва сут маҳсулотларини етиштириб бериш барча фермерларни диққат марказида турибди.

Республикамиздаги кўплаб фермер хўжаликларида кўп ва сифатли сут етиштириш ишларида афсуски ҳалигача катта муаммолар муаммолигича давом этиб келмоқда. Шунинг учун ҳам барча турдаги чорва маҳсулотлари каби сутнинг баҳоси йилдан-йилга қимматлашиб бормоқда. Бунинг сабаблари ниҳоятда кўп бўлгани ҳолда уларнинг энг асосийлари қўйидагилар:

1. Ем-хашак базасининг баркамоллиги ва мустаҳкам бўлишига ҳануз-ҳанузгача эришаолмаслик. Бошқача айтганда, молларни тўйимли, ширали, серсув ва сервитамин озиқлар билан йил давомида бир меъёрда таъмин этишга эришаолмаслик.

2. Ем ва дон озиқларнинг, шунингдек, кунжара, кукун кунжара, шулҳа ва бошқа турли хил саноат чиқитлари, минерал моддалар; ҳамда барча турдаги ҳайвон дорилар нарх-наволарининг ой сайин қимматлашиб бориши.

3. Ёқилри, газ ва электр қуввати баҳоларининг тобора ортиб бориши ва улардан айрим чорвачилик фермаларида унумли ва тежамли фойдаланмаслик.

4. Барча чорва тармоқларидағи оғир құл мәжнат ишларини ва барча технологик жараёнларни ҳар тоғонлама тұла механизациялаشتырыш ишларини амалға ошмасдан давом этиб келаёттанлиги.

5. Чорвачилиқда құлланиладиган машина ва механизмлар әхтиёт қисмларининг етишмаслиги ва аниқрори, йүқлиги, айниқса сигирларни машина ёрдамида соғыш ишларида фойдаланиладиган ва уларни таъмирлаш ишларини үз вақтида ва умуман амалға ошмаслигі.

6. Чорва моллари наслини яхшилаш, зот сифатини юксалтириш, сигирларнинг қисир қолишига барқам бериш, бузоқдарни боқиши ва парваришилаш талаб даражасида бўлмаслиги ва бунинг натижасида улардан сермаҳсул, соғлом ва бақувват сигир ва насл буқалар етиштириш борасида фан янгиликлари ва илғорлар тажрибасидан етарли даражада фойдаланмаслик.

7. Талаб даражасидағи замонавий молхоналар ва паррандахоналарнинг етишмаслиги ва мавжудларидан унумли фойдаланмаслик, шунингдек, янги, камчиқим, енгил, ўлка шароитига мос ва арzon замонавий чорва биноларини қуриш ишларини кўплаб туманлардаги фермер хўжаликларида амалға ошмасдан келинаёттанлиги.

8. Ферма ходимларининг йил давомида узлуксиз, кечаю-кундуз бажарадиган ниҳоят оғир, сермашаққат, масъулиятли ва шу билан бирга савобли мәжнатларига кўра уларни эъзозлаш ишлари айрим хўжаликларда амалға ошмасдан келинаёттанлиги ва кўплаб бошқа муаммолар шулар жумласидандир. Мана шу юқорида номлари баён этилган асосий ҳал этилмаган муаммоларни ҳал этмасдан туриб, барча жамоа хўжаликларида, жумладан, фермер хўжаликларида, айниқса сут қорамолчиллигига кескин бурилиш қилиб бўлмайди, бу ҳаёт тақозосидир.

**Молларни жадал усуlda гўштга семиртириш ишлари** ҳам ҳар бир молбоқар ва чорвадорнинг диққат марказида бўлмоги лозим. Бунинг учун гўштга семиртириш учун ажратилган моллардан ёши, жинси, ориқ-семизлиги, вазни ва физиологик ҳолатига кўра маҳсус гурӯхлар ташкил этилиб, уларни етарли микдорда тўйимли ем-хашак билан узлуксиз таъмин этиш лозим.

Афсуски, ҳалигача айрим фермер хўжаликларида молларни жадал усуlda гўштга семиртириш тадбир-

ларига яхши эътибор берилмайди. Бунинг оқибатида бўрдоқига қўйилган моллар белгиланган даражада се-мирмаяпти. Кўплаб хўжаликларда қорамолларни жадал семиртириш бўйича молларни ёши, жинси ва ориқ-семизлигига кўра кичик гуруҳлар ташкил этилмаган. Бундан ташқари, молларни талаб этилган раци-он асосида боқилмаслиги сабабли улардан ҳар суткада 900—1000 г ўрнига 300—350 г, айрим фермаларда ун-дан ҳам кам вазн олинмоқда. Натижада етиштирилаёт-ган гўштнинг таннархи ниҳоятда қимматлашиб, унинг сифати пасайиб кетмоқда.

Республикамиз вилоятларидағи айрим фермер хўжа-ликларида *қўйчилик ва паррандачликини* ривожлан-тириш борасида муайян ишлар қилинаётган бўлса-да, ҳали бу соҳаларда кўп ва сифатли маҳсулот етишти-риш ишлари жиддий олиб борилмаяпти. Бинобарин, фермер хўжаликларидағи мавжуд нуқсоналарни барта-рафт қилиш, иқтисодий кўрсаткичларни яхшилаш бо-расида ҳали кўп ижобий ишларни бажариш талаб эти-лади.

Умуман, хулоса қилиб айтганда, ҳалқимизни чор-вачилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш учун республикамизда етарли имкониятлар бор. Илғорлар тажрибаси буни яқзол кўрсатиб ту-рибди. Ҳамма гап ана шу имкониятлардан ишнинг кўзини билган ҳолда тадбиркорлик билан унумли фой-даланишдадир.

### **Меҳнат унумдорлигини ошириш тадбирлари**

Фермер хўжаликларида ишлаб-чиқариш самарадор-лигини ошириш борасида асосий омиллардан бири меҳ-нат унумдорлигини юқори даражада бўлиши ҳисобланади. Меҳнат унумдорлиги маҳсулот ишлаб чиқариш бирлиги ҳисобида сарфланган ишчи вақти билан бел-гиланади.

*Бузоқларни боқишда меҳнат унумдорлиги* I ц семиртиришга сарфланган ишчи (вақти) соати билан ҳисобланади. I ц гўшт етиштириш ёки молларни се-миртиришга қанча кам ишчи соати сарфланган бўлса, шунча меҳнат унумдорлиги юқори бўлади. Шундай қилиб, ҳар бир тармоқни жадал ривожлантириш, иқти-садий даражасини оширишда, меҳнат унумдорлиги ва самарадорлик кўрсаткичлари юқори бўлишида ишчи вақтидан фойдаланиш ва уни ишни кўзини билган ҳолда сарфлаш энг муҳим омиллардан ҳисобланади.

Бинобарин, меҳнат унумдорлигини ошириш фермер хўжалигида энг асосий масалалардан ҳисобланади.

Умуман, меҳнат унумдорлигини ошириш борасида барча мавжуд резервлардан унумли фойдаланиш ҳар бир фермер хўжалигининг шарафли бурчи ва муҳим вазифаси ҳисобланади.

**Бузоқларни гўштга боқишида** уларнинг семириш даражаси қанча юқори бўлса, меҳнат унумдорлиги шунчак юксак бўлади ва аксинча. Бинобарин, бузоқларни жадал усуллар билан гўштга семиртириш меҳнат унумдорлигини юқори даражада бўлишини таъминлайди.

Фермер хўжаликларида **меҳнат унумдорлигини оширишда** барча жараёнларни автоматлаштириш ва механизациялаштириш муҳим аҳамиятта эга. Бу борада молхонадан гўнг чиқариш, бузоқларга сут беришни ярим автоматик курилмалар асосида бажариш, сочма ем озиқларни тарқатувчи механизмлардан унумли фойдаланиш меҳнат унумдорлигини оширишда салмоқди ўрин тутади. Бундан ташқари бузоқларни боқишида малякали ходимлардан фойдаланиш, фермада фақат бир текис, вазн жиҳатидан баробар ва тент ёшли бузоқларни гуруҳ ҳолда боқилса, меҳнат унумдорлиги бирмунча юқори бўлади.

Фермер хўжаликларида механизм, аппарат, хона ва ускуналардан унумли фойдаланиш, ем-хашакни тежамили усуlda сарфлаш, унинг тўйимлилигини ва ҳазм бўлиш хусусиятини ошириш, ишлаб-чиқариш самардорлигини ва меҳнат унумдорлигини кўтариш, ҳамда хўжалик экономикасини мустаҳкамлаш ва рентабеллигини ошириш имконини беради.

**Хўжалик рентабеллигини ошириш ва маҳсулот таннархини арzonлаштириши.** Ҳар бир фермер хўжалиги рентабелликни ошириш, меҳнат унумдорлигини юксалтириш ва ишлаб чиқариладиган маҳсулот таннархини арzonлантиришга боғлиқдир. Бинобарин, таннархи арzon бўлган маҳсулотни кўпроқ ишлаб чиқариш хўжаликни сердаромад бўлишида бирдан-бир муҳим омил ҳисобланади.

**Р е н т а б е л л и к** деганда олинган даромаднинг маҳсулот таннархига бўлган нисбати тушунилади ва фоиз билан белгиланади.

**Т а н на р х** эса ҳар бир хўжалик ёки фермани ишлаб чиқариш фаолиятини ойдинлантирувчи муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Таннархнинг тўғри ҳисобла-

ниши биринчи галда харажат ва тақсим қилишга боғлиқдир. Маҳсулот таннархига турли хил харажатлар киради ва таннархдаги бу харажатларнинг бир-бирига бўлган нисбати таннарх структураси ҳам таннархнинг юқори бўлишида қайси бир турдаги харажатларни кўпроқ таъсир қилиши ифодаланади.

Кўплаб экономист олим ва мутахассисларнинг фикрича, ишлаб чиқариш рентабеллиги — бу хўжалик фаолиятининг муҳим кўрсаткичи бўлгани ҳолда, хизматчилар манфаати билан узвий борланган ва хўжалик ишлаб чиқаришини янада кенгайтириш учун асосий манба сифатида хизмат қиласи. Бинобарин, хўжаликлар рентабеллигини тўғри аниқлаш муҳим аҳамиятта эга.

Ҳозирги вақтда хўжаликларни рентабеллик даражасини асосан уч хил усуlda аниқланилади.

**Биринчиси**, товар маҳсулотлари рентабеллигини аниқлаш учун олинган соф даромадни реализация қилинган (сотилган) маҳсулот таннархи қийматига тақсимлаш йўли билан ҳисобланади. Умуман, хўжаликда етиштириладиган ялпи маҳсулотнинг рентабеллиги соф даромадни шу ялпи маҳсулот етиштиришга сарфланган харажатлар суммасига тақсимлаш усули билан ҳам ҳисоблаш мумкин.

**Иккинчиси**, хўжаликлардаги мавжуд фондларни хўжалик ишлаб чиқаришга таъсирини аниқлаш талаб этилса, унда соф даромадни асосий ишлаб чиқариш ва айланма фондларга тақсимланади.

**Учинчиси**, хўжаликдаги барча фондлардан унумли ва рационал фойдаланишни тақозо этадиган ва барча сарфларни қисқартиришни назарда тутувчи усул ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш рентабеллигини оширишда барча меҳнат жараёнларини комплекс механизациялаштириш ва автоматлаштиришнинг тутган ўрни жуда каттадир. Маълумки, чорвачилик фермаларида бир вақтни ўзида бирнечча маҳсулот олинади. Улар асосий ва қўшимча маҳсулот сифатида белгиланади. Масалан, бузоқларни боқища уларнинг асосий маҳсулоти тирик вазнини ортиб бориши ҳисобланса, уларнинг гўнги қўшимча маҳсулоти сифатида юритилади ва у ҳам маълум дарражада даромад келтиради. Умуман, ҳар бир хўжаликни бой, сердаромад ва иқтисодий жиҳатдан бақувват бўлиши ниҳоят фойдалидир. Хўжаликлар қўлга ки-

риттан даромадни ишлаб чиқаришни көнтгайтириш, хизматчиликнинг моддий ва маънавий томонларига, ободонлаштириш ишларига сарфлашлари мумкин. Бундай тадбирларни тўғри назорат қилиш учун фермер хўжалигига ҳисоб-китоб ишлари олиб борилиши лозим.

Шундай қилиб, ҳар бир фермер, маҳсулот ишлаб-чиқаришни тўғри йўлга кўйиши, таннархини камайтириш, техника ёрдамида янги, жадал технология асосида иш олиб бориши муваффақият омили ҳисобланади.

## МУНДАРИЖА

Кириш .....	3
Чорвачиликнинг халқ хўжалик аҳамияти .....	5
<b>Биринчи бўлим</b>	
<b>Умумий чорвачилик</b>	
<b>I б о б. Чорва молларининг биологик ҳусусиятлари</b>	
(Морфологияси ва физиологияси) .....	8
Ҳаракат аъзолари системаси .....	12
Овқат ҳазм қилиш органлари системаси .....	20
Нафас олиш органлари системаси .....	24
Айриш органлари системаси .....	26
Кўпайиш (жинсий) органлари системаси .....	29
Эндокрин системаси (Ички секреция безлари)	32
Юрак ва қов айланиш органлари системаси .....	36
Нерв системаси .....	39
Сезги органлари системаси (Анализаторлар)	43
Паррандаларнинг анатомик тузилиши .....	45
<b>II б о б. Чорвачиликда фойдаланиладиган ем-хашак турлари, уларнинг кимёвий таркиби ва ҳусусиятлари</b> .....	52
Ем-хашак турлари ва уларнинг ҳусусиятлари .....	55
Ем-хашакни дастлабки қайта ишлаш .....	59
<b>III б о б. Чорва молларини озиқлантириш асослари</b>	
Молларни рацион асосида озиқлантириш .....	64
Соғин сигирларни озиқлантириш .....	73
Бўғоз сигирларни озиқлантириш .....	75
Бузоқларни озиқлантириш .....	78
Бузоқларни 15 кунлигигача озиқлантириш .....	82
Молларни бўрдоқига боқиш .....	89
<b>IV б о б. Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини кўпайтириш асослари</b>	
Ҳайвонларнинг ўсиши ва ривожланиши .....	93
<b>V б о б. Чорвачиликда наслачилик ишлари</b> .....	100
Зот тўғрисида умумий тушунча .....	103
<b>VI б о б. Чорва моллари ва паррандаларини урчитиш усувлари</b> .....	108
Чорва молларини қочириш усувлари .....	112
<b>Иккичи бўлим</b>	
<b>Ҳусусий чорвачилик</b>	
<b>VII б о б. Қорамолчилик</b> .....	117
Қорамолчиликнинг асосий йўналишлари .....	118
Фермер хўжаликларида сигирларни боқиш .....	129

<b>Деҳқон-фермер хўжаликларида бузоқларни боқиш ва парваришилаш</b>	133
Бузоқларни бойлигидан 2 ёшгача боқиш	136
Насадор буқаларни боқиш ва парваришилаш	137
Корамоллардан олинадиган маҳсулотлар	139
Корамолларнинг гўшт маҳсулдорлиги	156
<b>VIII б о б. Қўйчилик</b>	175
Қўйларнинг маҳсулот йўналиши	176
Қўйлардан олинадиган асосий маҳсулотлар	178
Қўй зотлари	180
Қўйларни урчтииш ва кўпайтириш	187
Қўйларни боқиш	189
Қўйларни гўштта боқиш	193
Эчкичилик	194
<b>IX б о б. Паррандацилилк</b>	198
Паррандаларнинг биологик ҳусусиятлари ва маҳсулдорлик кўрсаткичлари	199
Паррандалар классификацияси	200
Инкубация	209
Парранда боқиш	210
Жўжаларни боқиш ва парваришилаш	213
<b>X б о б. Йилқичилик</b>	220
От зотларининг классификацияси	221
Отларни гўшт ва сут маҳсулдорлиги	227
Ўзбекистонда йилқичилик	232
<b>XI б о б. Туячилик</b>	233
<b>XII б о б. Қуёңчилик</b>	239
Қуёnlарни маҳсулотига кўра асосий йўналишлари	240
Қуёңчилик фермаларини ташкил этиш	242
<b>XIII б о б. Оидатрачилик</b>	246
<b>XIV б о б. Нутриячилик</b>	248
<b>XV б о б. Норкачилик</b>	253
<b>XVI б о б. Асаларичилик</b>	257
Ўзбекистонда асаларичиликнинг қисқача тарихи	258
Асалари оиласининг таркиби ва биологияси	260
Асалариларнинг озиқ манбалари	262
Асалари касалликлари ва уларга қарши курашиш чоралари	263
Асалари оиласини кўчириш ва жойлаштириш	264
<b>XVII б о б. Балиқчилик</b>	265
Кўл балиқчилиги ва уни ташкил этиш	265
Ўзбекистон балиқчилиги	270
Ховуз кўжалиги	272
<b>XVIII б о б. Беданачилик</b>	273
Беданаларни асрар ва боқиш	274
Бедана учун асосий озиқлар	276
Бедананинг асосий касалликлари ва уларни даволаш тадбирлари	278
Чорвачиликни ривожланиш йўлига ўткизиш	280
Мехнат унумдорлигини ошириш тадбирлари	282

Т. Х. ИКРОМОВ  
ЧОРВАЧИЛИК АСОСЛАРИ  
*Дарслик*

«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти  
Тошкент—2001

Мұхаррир *Б. Эшлұлатов*  
Бадий мұхаррир *М. Самойлов*  
Техник мұхаррир *Д. Габдрахманова*  
Мусахихлар *Н. Мухамедиева, Ю. Бизаатова*

Теришга берилди 20.07.2001. Босишига рухсат этилди 25.09.2001.  
Бичими 84x108<sup>1/2</sup>. «Балтика» гарнитураси. Офсет босма. Шартли  
босма табори 15, I2. Нашриёт ҳисоб табори 15,5. Адади 3000 нұсха.  
Буюртма № 2168. Бағоси шартнома асосида.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик  
компанияси босмахонаси,  
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Туров күчаси, 41.**